ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУАММОЛАРИ»

мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани

V-ҚИСМ

(2017 йил, 25-27 май)

Самарқанд 2017

УДК: 338.46

“**Хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг муаммолари”.** Ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари.

Самарқанд, СамИСИ, 2017 йил 25 – 27 май 292-бет.

«Проблемы инновационного развития сферы услуг» Материалы международной научно-практической конференции. Самарканд, СамИЭС, 25-27 май 2017г., с. 292.

Ушбу илмий тупламда иқтисодчи олимлар, катта илмий ходим изланувчилар, магистларнинг хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг назарий масалалари, иқтисодий-молиявий механизмини такомиллаштириш, АКТ, менежмент ва маркетинг хамда бу соха учун рақобатбардош кадрларни тайёрлаш муаммоларига бағишланган мақолалар ва маъруза тезислари киритилган.

Тупламдаги материаллардан профессор ўқитувчилар, катта илмий ходим изланувчилар, магистлар, талабалар ва амалиёт ходимлари фойдаланиши мумкин.

В научный сборник включены статьи и тезисы докладов ученных – экономистов, старших научных сотрудников, магистров, посвященные методологическим аспектам, совершенствованию финансово-экономического механизма, внедрению информационно-коммуникационных технологий, менеджменту и маркетингу инновационного развития сферы услуг, а также проблемам повышения конкурентоспособности кадров этой сферы. Сборник предназначен для преподавателей, старших научных сотрудников, магистрантов и практических работников.

Ташкилий қўмита аъзолари

Д.Х.Асланова	СамИСИ илмий ишлар бўйича проректор, раис
К.Б.Уразов	СамИСИ«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири, аъзо
З.Д.Ниёзов	СамИСИ«Банк - жамғарма иши» кафедраси мудири, аъзо
О.Ж.Суюнов	СамИСИ«Касб-ҳунар таълими» кафедраси мудири, аъзо
Ж.Р.Зайналов	СамИСИ«Молия ва суғурта хизматлари» кафедраси мудири, аъзо;
И.С.Тухлиев	СамИСИ«Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси мудири,аъзо;
Р.Амриддинова	СамИСИ«Халқаро туризм ва туризм сервиси» ўқитувчиси, аъзо;
Л.Н.Халикова	СамИСИ«Касб-ҳунар таълими» кафедраси ўқитувчиси, аъзо
Н.Р.Зайналов	СамИСИ«Ахборот технологияси» кафедраси мудири, аъзо
Ш.А.Султонов	СамИСИ «Иқтисодиёт» кафедраси кафедраси мудири, аъзо
Э. Файзиев	СамИСИ«Иқтисодиёт» кафедраси ўқитувчиси, аъзо;
М.Қ.Пардаев	СамИСИ«Статистика ва менежмент» кафедраси профессори, аъзо
Р.Н.Нормахматов	СамИСИ «Маркетинг» кафедраси профессори, аъзо
С.Ў.Ҳусенов	СамИСИ Босмахона директори, аъзо
Ф.Ишанкулова	СамИСИ«Илмий бўлим»ходими
Х.Мадиллоева	СамИСИ«Илмий бўлим»ходими

Муаллиф нусхасидан чоп этилди.

Мақолаларнинг мазмуни ва орфографик хатоси учун муаллифлар ўзи жавобгар

Отпечатано с авторских оригиналов

За содержание и достоверность указанной информации несут ответственность авторы

I ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

РОЛЬ СЕРВИСА И СФЕРЫ УСЛУГ В ЭПОХИ РАЗВИТИИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА

Р.Бердиев-преподаватель кафедры
Социальных дисциплин СамИЭС

Аннотация: *В данной статье отражены роль сервиса и сферы услуг, его исторические корни, этапы развитие и современные значение в целом. Речь идет о специфики сервисной деятельности и о покупки дорогих услуг. В статье рассматривается главные направления сервиса и сферы услуг и названию зарождающееся постиндустриальное общество - сервисным.*

Ключевые слова: *сервис, сферы услуг, виды услуг, социальные службы, отрасли сферы услуг, специфика сервисной деятельности, интерактивные государственные услуги.*

Аннотация: *Ушбу мақолада сервис ва хизматлар соҳаси, унинг тарихий илдизлари, ривожланиш босқичлари ва ҳозирги кундаги аҳамияти тасвирланади. Сервис фаолиятининг ўзига хослиги ва қиммат хизматларни сотиб олиш ҳақида сўз юритилади. Мақолада сервис ва хизматлар соҳасининг асосий йўналишлари ва шаклланаётган постиндустриаль жамиятни – сервис жамияти деб аташ масаласи кўриб чиқилади.*

Таянч иборалар: *сервис, хизматлар соҳаси, хизмат турлари, ижтимоий хизматлари, хизматлар соҳаси тармоқлари, сервис фаолиятининг спецификаси, интерактив давлат хизматлар*

Annotation: *This article is about the importance of service and service sphere, its historical basis, development stages and modern value at all. The case is about specifics of service activity and purchase of valuable services. Main trends of service activity and service sphere, as it is called service out coming from late industry society.*

Key words: *service, service sphere, types of service, social service, service sphere branches, service field specifics, interactive state services.*

Сфера услуг как особый вид экономической деятельности появилась на самых ранних этапах развития человечества. Ее развитие определялось прогрессом материального производства – возможностью для общества содержать людей, которые непосредственно не производят материальных благ.

Вплоть до середины XX в. сфера услуг считалась относительно второстепенной экономической деятельностью. *В доиндустриалъном обществе* (рабовладельческая, феодальная формации и ранние стадии развития капитализма) промышленность либо еще не возникла, либо давала работу намного меньшему числу людей, чем сельское хозяйство. Не случайно многие обществоведы называют зарождающееся постиндустриальное общество сервисным. Главным видом деятельности в нем становится уже не производство товаров, а обработка информации и оказание услуг. Поэтому постиндустриальный этап развития цивилизации определяют как «информационное общество» и «экономику услуг».В постиндустриальном обществе получают широкое распространение новые виды услуг. Это гуманитарные (образование,

здравоохранение, социальные службы) и профессиональные услуги (анализ и планирование, дизайн, программирование). Многочисленные услуги, которые ранее выполнялись самими членами семьи, передаются мелким фирмам и независимым частным предпринимателям. Создаются разнообразные приспособления, облегчающие домашний труд, а также сеть предприятий, занятых их ремонтом и обслуживанием. Расширение сектора услуг происходило в экономике как капиталистических, так и социалистических стран. Различие в характере сервисной деятельности при этих общественно-политических системах состояло, в основном, в том, что в социалистических странах была больше развита сеть бесплатных услуг, а в капиталистических – платных. В условиях системы прежнего тоталитарного и административного правления политика, главенствуя над экономикой, определяла направление ее развития. Экономическую основу этого строя составляла общенародное имущество, состоящее из государственной и колхозно-кооперативных форм собственности. Государство, владея более 90% производственного фонда установило единовластное правление. В результате этого, государство на административно – распорядительной основе, централизованно управляло экономикой, экономической жизнью. Члены общества были лишены права владения социальным имуществом. Предпринимательство, занятие бизнесом запрещалось законом. А занимающиеся этой деятельностью привлекались к уголовной ответственности в качестве спекулянтов и чуждых элементов. Из - за отчуждения людей от имущества, от его результатов, ослабла мотивация труда. В конечном результате бывший Союз потерпел глубокий упадок.

Специфика сервисной деятельности такова, что ее занимают в основном частные лица, мелкие фирмы или специальные небольшие подразделения крупных корпораций. Поэтому запрет на частное предпринимательство при социализме мешал развитию сферы услуг намного сильнее, чем, например, развитию тяжелой промышленности.

Известно, что права лиц на владение имуществом, свободного выбора профессий, работу в справедливых условиях труда, свободное занятие видом экономической деятельности по своему желанию, а также в соответствии с этим, получение неограниченных доходов и способность жить хорошо, способна осуществить только социально – ориентированная рыночная экономика. Достигший независимости Узбекистан, в целях создания демократического, правового государства и гражданского общества, основанного на социально ориентированной рыночной экономике, реализует коренные реформы. Президент И.А Каримов в своем выступлении на докладе девятой сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан Второго созыва, отметив углубление демократических перемен в Республике и формирование основ гражданского общества, определил важные, устойчивые направления как еще большее углубление рыночных реформ, создание сильной рыночной инфраструктуры, внедрение принципов свободной экономики, как важнейшее условие стабильной, взаимопропорциональной, прочной экономики.

Для реализации данного устойчивого направления необходимо, в первую очередь, поднять статус частного сектора и интенсивно развивать малое предпринимательство. В настоящее время осуществляется вовлечение в процессы приватизации все более крупные предприятия, объекты инфраструктуры,

расширение масштабов корпоративной частной собственности, развитие биржи первичной и вторичной продажи акций, а также вне биржевого рынка. Имеет большое значение противостояние неуместному вмешательству государства и органов контроля в деятельность субъектов малого предпринимательства, улучшение обеспечения материально-техническими и финансовыми ресурсами, в том числе обеспечение кредитными средствами, развитие производственной и рыночной инфраструктуры. Также, важно преобразование ширкатных хозяйств в фермерские хозяйства, организация промышленных предприятий и их филиалов в кишлаках по сервисному их обслуживанию, по переработке сельскохозяйственных продуктов.

Свобода выбора выражает превосходство прав и интересов потребителей, владение ими свободой выбора товаров и услуг в соответствии со своими желаниями, волей, вкусами, и доходами. Для этого, во – первых, рынки товаров, услуг и ресурсов должны быть заполнены дорогими и дешевыми товарами, способные заменить и восполнить друг друга. Во – вторых, государство защищает потребителей от товаров, наносящих вред их жизни, здоровью. В этих целях реализуется Закон Республики Узбекистан «О защите прав потребителей». Согласно ему, потребители имеют право получить правильное и полное сведение о товаре (работе, услуге) и их производителях, свободного выбора товаров. Обеспечивается возмещение в полном объеме морального ущерба, нанесенного потребителю из – за товаров, работ, услуг, опасных для его жизни, здоровью и имуществу, а также из – за противозаконных действий производителя или продавца.

В произведениях И. А. Каримова «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса», «Узбекистан – государство с великим будущим », «Узбекистан – собственная модель перехода на рыночные отношения», «Узбекистан на пути углубления экономических реформ», «Узбекистан на пороге XXI века – угрозы безопасности, условия гарантии и прогресса», «Узбекистан, устремленный в XXI век», «Наша конечная цель – свободная и благоустроенная Родина» и в других произведениях разработаны теоретические основы, концепция социально – экономического развития страны, перехода к рыночной экономике и усовершенствование сервиса и сферы услуг.

Подводя итог, можно сказать, что в настоящее время наблюдается переход от индустриальной парадигмы ведения бизнеса к сервисной. Зародилась сервисная экономика, отличительной особенностью которой становится перемещение экономической активности из сферы материального производства в сферу услуг. Профессор Д.В. Бреев в своей работе отмечал, что «символом благополучия становится не только возможность окружать себя дорогими вещами, но и покупать дорогие услуги». В настоящее время стала набирать силу тенденция, которая заключается в переориентации управленческих стратегий с материально-технических факторов на человеческие ресурсы. Непосредственными объектами воздействия в сфере услуг являются человек и удовлетворение его потребностей. Участие объекта в создании услуги накладывает отпечаток на подготовку и труд персонала, систему менеджмента предприятий сферы услуг. Если ранее степень развития сферы услуг зависела от успехов материального производства, то теперь, наоборот, материальное производство зависит от развития сервиса. Скажем, выпуск

нового вида любого материального товара требует предварительных маркетинговых исследований и рекламной кампании. Изобретение новых, наукоемких товаров невозможно без участия научных работников и подготовки системой образования высококвалифицированных специалистов. Именно отрасли сферы услуг (наука, образование, Интернет-торговля и т.д.) стали главными направлениями научно-технического прогресса.

XIZMAT KO'RSATISH SOHASI, TURIZM VA SERVISNI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY MASALALARI

Doshanova M.E. Sartepo turizm va maishiy xizmat kolleji o'qituvchisi
Kasimova Y.MI-115 magistri

Annotatsiya: *Ushbu maqolada biz mamlakatimizda amalga oshirilayotgan turizm islohotlarini qay darajada yuqori o'rinni egalashini va unda qilinishi lozim bo'lgan nazariy masalalar va turizmda raqobatbardosh kadrlar tayyorlash masalalari, mehmonxona xo'jaligi biznesini yuritish, shuningdek, mamalakatimizda turizm biznesini ruvojlanishi xususida fikrlar bildirilgan.*

Аннотация: *Данная статья посвящена рассмотрению перспективных вопросов , стоящих перед туристской индустрией , в частности здесь рассматриваются теоритические вопросы возникающие в развитие туристического бизнеса, конкурентоспособности туристских предприятий, программы обслуживания гостиничного бизнеса, а также раскрыты перспективы развития туристского бизнеса в нашей стране.*

Annotation: *This article is devoted to the consideration of the theory prospective issues facing the tourism industry, in particular, the issues of competitiveness of tourism enterprises, the program of hotel business services are considered here, as well as the prospects of the development of tourism business in our country.*

Kalit so'zlari: *Turizm industriyasi, mehmonxona biznesi, turoperator, turagent, menejer, turizm mahsulotini siljitish, axborot, daromad, raqobatbardosh kadrlar.*

Ключевые слова: *Туристская индустрия, гостиничный бизнес, туроператор, турагент, менеджер, формирование сбытовой сети, продвижение туристского продукта, реклама, информация, прибыль, конкурентоспособность.*

Key words: *Tourism industry, hotel business, tour operator, travel agent, manager, formation of the marketing network, promotion of the tourism product, advertising, information, profit, competitiveness.*

Hozirgi kunda mamlakatimizda turizm sohasiga katta e'tibor qaratilmoqda. Inson mavjudki u dam olishga, sog'lig'ini yaxshilashga, dunyoni, dunyo xalqlarini, dunyo xalqlarining urf-odatlarini, qadriyatlarini bilishga, ko'rishga ehtiyoj sezadi.Bu o'z navbatida turizmga bo'lgan talabni oshiradi. Bugungi kunda dunyoning turli rivojlangan, rivojlanayotgan mamlakatlarida turizm davlat iqtisodiyotining asosiy qismiga aylanib bormoqda.O'zbekistonda ham turizm sohasini yanada mukammal darajada rivojlantirib iqtisodiyotimizni, davlatimizni yanada rivojlantirishimiz mumkin. Turizm sohasining rivojlaninshi nafaqat davlat iqtisodiga, balki transport, bozor infratuzilmasi, savdo-sotiq, oziq-ovqat tarmoqlari, qurilish, hunarmandchilik va boshqa sohalarning ham rivojlanishiga, eng asosiysi aholi bandligini ta'minlashga, xalq farovonligiga ham o'z ijobiy ta'sirini o'tkazmay qo'ymaydi.

Turizm sohasini rivojlantirish uchun Vatanimizda yetarli sharoit mavjud. Serquyosh, go’zal ona zaminimizda turizm sohasining barcha turlarini, jumladan ekologik turizm, diniy turizm, tarixiy obidalar turizmi, hatto mustaqillik inshootlari va obidalari turizmi kabilarni rivojlantirish mumkin.

Diyorimizga turistlarni yanada jalb etish uchun turizmning faqat qaysidir yo’nalishiga emas,balki barcha yo’nalishlariga birdek e’tibor qaratishimiz zarur.

Barchamizga ma’lumki “Buyuk Ipak Yo’li” Xitoydan boshlangan bo’lib, uning ildizi,markazi O’zbekiston hududidan o’tgan. Butunjahon turistik tashkiloti tomonidan 2020-yilga kelib dunyoning asosiy turistik markazi Xitoy bo’lishi bashorat qilingan. Kelajakda Germaniya-O’zbekiston, Fransiya-O’zbekiston va shu kabi yo’nalishlardagi turlarni yo’lga qo’yish darkor. Buning uchun oz navbatida chet davlatlar va ularning turistik tashkilotlari bilan hamkorlik qilish, aloqalarni yanada mustahkamlash kerak. ”Buyuk Ipak Yo’li” orqali sayohat qiluvchilarning katta qismi O’zbekiston orqali harakatlanadi. Bu esa turistlar oqimining oshishiga olib keladi. Ammo turistlar oqimi kamaymasligi uchun turizm sohasida ancha o’zgarishlarni amalgam oshirish kerak bo’ladi. Buning uchun turizm infratuzilmasini yanada rivojlantirish, jahon andozalariga mos keladigan mexmonxona, restoran, turagentliklarni ko’paytirish, xizmatlar sifatini yaxshilash maqsadga muvofiq.

Turizm sohasining rivojlanishi uchun albatta mehnat resurslaridan to’liq va oqilona foydalanish yaxshi samara beradi. Aholining band bo’lmagan yoki qisman band bo’lgan qismini shu sohaga jalb etsak ishsizlik muammosini ham hal etishimiz mumkin.Agar turizm va servis sohasi yaxshi rivojlansa bu sohalarning bo’sh ish o’rinlariga o’z-o’zidan band bo’lmagan aholi jalb etiladi. Natijada aholining ish bilan ta’minlanishi, ishsizlik muammosining hal etilishi, aholi turmush darajasining yaxshilanishi tabiiy.

Turizm sohasining rivojlanishi aholining turmush darajasiga o’z ta’sirini o’tkazmay qo’ymaydi. Agar biz turizm sohasiga mahalliy mehnatga layoqatli aholini jalb etsak aholi turmush darajasining yaxshilanishi ham ehimoldan holi emas. Bunday deyishimizga sabab shuki, turizm sohasi qanchalik rivojlansa, mahalliy aholi ham yaxshi dam olishi, ichki turizmning ham rivojlanishi va uning rivoji tufayli aholining ehtiyojlari qondirilishi imkoniyatlari paydo bo’ladi. Bundan tashqari turizm sohasida ishlaydigan har bir fuqaro ilmiy jihatdan ham bilimlarini oshirishi, malaka oshirishi va bu bilan birga dunyo ko’rishi, boshqa davlatlardagi turizm va boshqa sohalardagi o’zgarishlarni ko’rib, O’zbekistonda ham chet davlatlardagidek jahon andozalariga mos keladigan xizmatlarni joriy etishi mumkin.

Turizm sohasining rivojlanishi uchun quyidagi ishlarni amalga oshirsak o’ylagan maqsadimizga albatta erishishimiz mumkin:

-Yurtimizda aniq yo’nalishlar bo’yicha marshrutlar ishlab chiqish. Bu marshrutlar barcha turistik maqsadlarda amalgam oshirilishi kerak;

-Turistlar uchun jahon andozalariga mos keladigan, ko’proq mexmonlarni qabul qiladigan katta mexmonxonalar qurish, eskilarini qayta ta’mirlash, mexmonxonalarda turistlar uchun zarur barcha qo’shimcha xizmatlarni yo’lga qo’yish, mexmonxonalar haqida to’liq ma’lumotlar berish;

-Turistik xizmatlarni xalqaro andozalar darajasiga yetkazish va ularni to’g’ri nazorat qilish;

-Turistik xizmatlar va mahsulotlar narxi sifat va talabga mos bo’lishi(sifat darajasiga nisbatan narx yuqori bo’lmasligi)kerak;

-Turagentliklar sonini oshirish, ulardagi ma’lumotlar to’g’ri va to’liqligini nazorat qilish;

-Turizmning daromadlari va xarajatlarini to’g’ri hisoblash uchun statistikani yaxshilash, turistlarning transport va mexmonxona xarajatlaridan tashqari xaridlar va xizmatlardan foydalanganlik evaziga to’langan mablag’lar ham hisobga olinishi kerak;

-O’zbekiston turizm turlari dunyoni o’ziga jalb etadigan darajadagi reklamalarni ishlab chiqish, internetdan to’liq va samarali foydalanish, reklamalarda to’liq va to’g’ri ma’lumotlar berish;

-Turistlar xavfsizligini ta’minlash, turistlarni sug’urtalashni yaxshilash, sug’urta kompaniyalari bilan hamkorlik qilish, turistlarning erkin harakatlanish huquqlarini ta’minlash;

-Avia va temir yo’l transporti chiptalari, mexmonxona o’rinlarini bronlashtirishni yaxshilash;

-Turizm sohasining ilmiy ta’limotini yaxshilash;

-Chet davlatlar bilan hamkorlik qilish, investitsiyalarni jalb etish;

-Kadrlar tayyorlash, qayta tayyorlash va malaka oshirish, turizm sohasida ishlovchilarni chet elga malaka oshirishga yuborish;

-Turizm faoliyati bilan shug’ullanuvchilar uchun turistik xizmatlar bozorida teng imkoniyatlar, sharoit yaratish, ayrim soliqlardan ozod etish;

-Mahalliy turistlar uchun ham sharoit yaratish, chet ellik va mahalliy turistlarga birdek xizmat ko’rsatish, nogironlar, bolalar, yoshlar, qariyalar uchun ham dam olish sharoitlarini yaratish.

Turizm sohasining yana bir asosiy muammolaridan biri ovqatlanish tizimidir. Bu tizim turizmning eng asosiy tarkibiy qismi bo’lib, bugungi kunda yurtimizga tashrif buyurayotgan turistlarning ko’pchiligi bu tizimning yaxshi rivojlanmaganligidan shikoyat qilishmoqda. Bu tizimni talabiga to’liq javob beradigan darajada rivojlantirish uchun quyidagilarni amalgam oshirish kerak: restoranlarda, kafelarda xorijiy mexmonxona komplekslarida foydalaniladigan maxsus asbob-uskunalar va texnologiyalarni o’rnatish, restoran, kafelar sonini oshirish, undagi xizmatni yaxshilash, mahalliy va milliy taomlarning turlari, xususiyatlari tarkibi bilan iste’molchini tanishtirish va ularni reklama qilish, ovqatlanish punktlaridagi xizmat ko’rsatish to’g’risida ma’lumotlar berish kerak.

Turizm sohasining rivojiga transport xizmati ham katta ta’sir ko’rsatadi. O’zbekiston hududida turistlarga transport xizmatini ko’rsatish yaxshi yo’lga qo’yilmagan. Bu xizmat turini ham jahon talablariga to’g’ri keladigan darajada rivojlantirish darkor. Buning uchun avvalo avia va transport korxonalari bilan hamkorlik qilish, turistlarga mashinalarni ijaraga berishni ta’minlash (bunda asosan yurtimizda ishlab chiqarilgan ”Neksiya”,”Cobalt”,”Lasetti”, “Spark” avtomobillaridan foydalanish),avtomobillar bilan birga diqqatga sazovor joylar ko’rsatilgan yo’l kartalari va muammo yuz berganda turistlar bilan bog’lanish uchun uyali aloqa tizimini taklif qilish, buning uchun uyali aloqa kompaniyalari bilan ham hamkorlik qilish) maqsadga muvofiq.

Bundan tashqari yurtimizda transport sayohatida foydalaniladigan avtobuslar ham talab darajasida emas. Ma’lumki transport sayohatiga chiqqan yo’lovchilar uzoq masofani bosib o’tadi va sayohatning katta qismini transportda o’tkazadi. Shuning uchun ham transportlarda barcha shart-sharoitlar mavjud bo’lishi kerak.Yurtimizga tashrif buyuradigan sayyohlarning aksariyati qariyalar bo’lganligi uchun avtobus salonlarida birinchi navbatda xojatxona bo’lishi kerak. Bundan tashqari, uzoq muddatli sayohatlarga

mo’ljallangan avtobuslarning o’rindiqlari yumshoq, boshqariladigan kreslali bo’lishi va o’rindiqlar orasidagi masofa kamida 80 sm atrofida bo’lishi, salonda garderob, oshxona muzlatgich, chuchuk suvli termos, televizor, videomagnitafon, radiotelefon bo’lishi kerak.

Transport muammosini hal etish uchun yuqoridagi qulayliklarga ega bo’lgan avtobuslar sonini ko’paytirish,mavjud avtobuslardagi sharoitlarni yaxshilash maqsadga muvofiq.

Yuqoridagi barcha xizmatlar nafaqat chet ellik turistlarga, balki mahalliy turistlarga ham ko’rsatilishini yo’lga qo’yishimiz va bu bilan ichki turizmni ham rivojlantirishimiz mumkin.

Turizm sohasi dunyoda yetakchi mavqega ega bo’lmoqda. Dunyodagi ishchilarning har 15tasidan 1tasi turizm sohasida ishlamoqda.Agar soha shu yo’sinda rivojlanib borsa tez orada turizm sohasidan olinadigan foyda neft sanoatidan olinadigan foydadan ham oshib ketadi.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ИЧКИ САВДОНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ

У.Н.Нормуродов,СамИСИ
Д.Қодиров.Ик-415 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Мақолада Самарқанд вилоятида чакана савдо товар айланмаси ўсишига таъсир этувчи омиллар аниқланган ички савдонинг ривожланиш тенденциялари таҳлил этилган.*

Аннотация: *Статье определены факторы влияющие на объём роста розничного товарооборота и сделан анализ внутренней торговли Самаркандской области.*

Annotation: *The article determines the factors affecting the volume of growth in retail trade turnover and analyzes the internal trade of the Samarkand region.*

Калит сўзлар: *савдо, ички савдо, чакана савдо товар айланмаси, хизмат кўрсатиш, сервис.*

Ключевые слова: *торговля, внутренняя торговля, розничный товарооборот, услуга, сервис.*

Key words: *trade, internal trade, retail turnover, service.*

“Кейинги йилларда қадимий Самарқандимизнинг қиёфаси қандай очилиб, чиройига чирой қўшилиб бораётганини сўз билан ифода этишнинг ўзи қийин. Нафақат ўзимизнинг одамларимиз, балки дунёнинг турли ўлкаларидан келаётган сайёҳлар ҳам буни эътироф этмоқда”[1].

Самарқанд мамлакатдаги йирик индустриал базага эга бўлган вилоятлардан бири ҳисобланади. Республикадаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда ҳар бир ҳудуднинг муносиб ҳиссаси бор. Шу сабабли, мамлакатдаги муайян маъмурий ҳудуднинг ривожланиши ва унинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш мақсадга мувофиқдир.

Самарқанд вилояти ЯҲМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин

[1] Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “O’zbekiston” НМИУ, 2015, 194-бет.

тайёрламоқда. Жумладан, 2016 йилда саноат ишлаб чиқариши 9,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,3 фоиз, чакана савдо айланмаси 13,8 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 10,4 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди[2].

Маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики вилоят ЯҲМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг бири бўлган савдо соҳаси кўрсаткичларини таҳлил этиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида ҳудудий ташкилланиш жиҳатидан савдо ташқи ва ички савдога бўлинади[3].

Ички савдода асосий кўрсаткич чакана савдо товар айланмаси ҳисобланади. Б.Абдукаримов раҳбарлигида чоп этилган “Савдо иқтисодиёти муаммолари” номли ўқув қўлланмасида чакана савдо товар айланмаси тахлил килиш кўрсаткичлари тизими келтирилган[4].

Самарқанд вилояти аҳолиси турмуш фаровонлиги, сифати ва даромадларининг кўпайиши, уларнинг турли-туман (ассортимент) ва сифатли товарларга бўлган эҳтиёжларининг ортиши ва савдо фаолиятининг йилдан-йилга ихтисослашиб, универсаллашиб бориши ҳамда ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларимизга яратилаётган шарт-шароитлар самараси сифатида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши натижасида чакана савдо товар айланмаси ҳажмининг ўсиши кузатилмоқда. Самарқанд вилоятида чакана савдо товар айланиши тенденцияларини 1-жадвалда келтирилган.

1–жадвал

Самарқанд вилоятида аҳолига товар сотиш ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми[5]

Йиллар	Аҳолига товар сотиш ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми		Жумладан			
			Товарлар сотиш		Хизматлар кўрсатиш	
	Млрд. сўм	Жами, %	Млрд.сўм	Улуши, %	Млрд.сўм	Улуши, %
2012	4303,5	100	3009,7	69,9	1293,8	30,1
2013	5674,1	100	3929,2	69,2	1744,9	30,8
2014	7072,0	100	4890,1	69,1	2181,9	30,9
2015	8802,5	100	6028,5	68,5	2774,0	31,5
2016	10768,8	100	7525,8	69,9	3243,0	30,1

1-жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики аҳолини товар ва пуллик хизматларга харажатларини умумий ҳажмида товарларнинг ҳиссаси юқори (68,5-69,9%), ва пуллик хизматлар эса 30,1–31,5 фоиз атрофида. Кам миқдорда бўлса ҳам пуллик хизматларнинг ҳиссаси йилдан-йилга ортиб бориши кузатилмоқда. Чакана

[2] Самарқанд вилоятининг статистик ахборотномаси. 2016 йил, 3-бет.
[3] Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2010, 67-бет.
[4] Абдукаримов Б ва бошқалар. Савдо иқтисодиёти муаммолари. – Т.: “Иқтисод–молия”, 2016, 165-172 бетлар.
[5] Самарқанд вилояти статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

товар айланиши ҳамда пуллик хизматлар солиштирма баҳоларда йилдан йилга ўсиб бориши кузатилмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Самарқанд вилоятида чакана савдо товар айланмаси ва пуллик хизматлар динамикаси[6]

Йиллар	**Чакана товар айланиши**			**Пуллик хизматлар**		
	Жорий бахоларда, млрд, сўм	Ўзгариш суръати, %		Жорий бахоларда, млрд. сўм	Ўзгариш суръати, %	
		Ўтган йилга нисбатан таққослама нархларда	2012 йилга нисбатан ҳақиқий баҳоларда		Ўтган йилга нисбатан таққослама нархларда	2012 йилга нисбатан ҳақиқий баҳоларда
2012	3009,7	121,0	100,0	1293,8	116,6	100,0
2013	3929,2	114,2	130,6	1744,9	118,3	134,9
2014	4890,1	115,2	162,5	2181,9	113,3	168,6
2015	6028,5	115,7	200,3	2774,0	115,2	214,4
2016	7525,8	113,8	250,1	3243,0	110,4	250,7

Келтирилган 2-жадвалдан кўриниб турибдики, хизматлар ҳажми 2013 ва 2015 йилларда чакана товар айланишига нисбатан тезроқ суръатларда ортиб борган бўлса, уларнинг ҳажми ҳақиқий баҳоларда 2012 йилга нисбатан 2016 йилда чакана товар айланмасига нисбатан бир оз тез суръатларда ортиб борган. Чунки чакана товар айланиши 2,5 маротаба ортган бўлса, хизматлар – 2,51 маротабага ортган. Ушбу кўрсаткичлар товар баҳоси индексига нисбатан хизматлар баҳоси индекси юқори миқдорда ортиб бораётганлигидан ҳам далолат беради. Шу билан бир қаторда ҳар йили уларни физик миқдори ҳам ортиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Чакана товар айланмаси ҳолатига баҳо берганда унинг динамикасига алоҳида эътибор қаратиш лозимдир. Чунки айнан бир неча йиллардаги унинг ҳажми чакана товар айланмаси ҳолатига тўлиқроқ баҳо бериш имконини беради (1-диаграмма).

1-диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики Республика кўрсаткичларига нисбатан Самарқанд вилоятида чакана савдо товар айланмаси сўнгги йиллар ичида ўсиб бориш тенденциясини ҳосил қилган. Самарқанд вилоятида ҳам Республикада ҳам чакана савдо айланмаси ҳажмининг энг юқори ўсиш кўрсаткичи 2012 йилда кузатилиб, вилоятда 2011 йилга нисбатан ўсиш 21,0 фоизни Республикада эса 13,9 фоизни ташкил этган. Умуман олганда, вилоятда чакана товар айланмаси сўнгги 5 йил ичида Республикада бўлгани каби ўсиб борган. Бу кўрсаткич даражаси вилоятда турли йилларда 13,8 фоиздан 21,0 фоиз атрофида тебраниб турган.

Самарқанд вилоятида чакана савдо товар айланмасининг 2016 йилда 2015 йилга нисбатан ўсишига қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин:

[6] Самарқанд вилояти статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

- вилоят аҳолиси сони 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига 3651,5 минг кишини ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан 69197 кишига ёки 102,0 фоизга кўпайганлиги;

- аҳоли ўртача ойлик иш ҳақининг 163 307,2 сўм (2013 йилда 1 385 187,9 сўм 2015 йилда 1 216 880,7) га ва реал даромадларининг ортиши;



1-диаграмма. Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида чакана товар айланмасининг солиштирма динамикаси[7]

- туман аҳолиси ва меҳмонларини истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжларини қондириш даражасининг ўсиб бораётганлиги 5132,6 млрд.сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилган (2014 йилда 3387,9 млрд.сўм);

- чакана савдо хизматлари 2016 йилда 2154,7 млрд.сўмни ташкил этиб, унинг 112,8 фоизга ошганлиги;

- 2016 йилда жами 5573 та чакана савдо (умумий овқатланишни қўшган ҳолда) дўконларининг ташкил этилиши (2015 йилга солиштирилганда (5220 та) 353 та кўп)[8];

- қишлоқ жойлардаги ва аҳоли пунктидан узоқда жойлашган чакана савдо дўконларининг товарлар билан таъминланишини яхшиланиши;

- чакана савдода янги инфратузилмаларининг ташкил этилиши (савдо тизимида дўконлар, умумий овқатланиш шахобчалари) ва бошқалар.

Самарқанд вилоятида 2017 йил ва ундан кейинги йилларда ҳам ички савдо, хусусан чакана товар айланмаси ҳажми янада кўпайтириш мақсадида Мамлакатимиз Президенти раҳномалигида Ҳукуматимиз томонидан “***Бозорларни реконструкция ва модернизация қилиш, савдо тизимини такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилмоқда.***

Дастурга кўра, вилоят аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида келгуси беш йилда қарийб 20 миллиард сўмлик инвестициялар ҳисобига 9 та деҳқон бозори реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

Хусусан, 2017 йилда Каттақўрғон деҳқон бозорида 2 миллиард сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилиб, бу ерда 1 минг 80 ўринли 9 та савдо

[7] Ўзбекистонда савдо. Статистик тўплам.-Тошкент-2016, 26-бет.
[8] Ўзбекистонда савдо. Статистик тўплам.-Тошкент-2016, 27-бет

павилони барпо этилади. Бозор ҳудудида замонавий инфраструктура яратилади”[9].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, вилоятда чакана савдо товар айланмаси ҳажмининг ўсиш кўрсаткичига асосий сабаб, Самарқанд вилоятининг барча шаҳар ва туманларида аҳолига чакана савдо хизмати кўрсатиш даражасининг йилдан-йилга яхшиланиб бораётганлигидандир.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

У.Н.Нормуродов, СамИСИ.
Т.Тиллоев ИК-315 гуруҳ талабаси, СамИСИ.

Аннотация*: Мақолада Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати таҳлил этилган ва муаллифлар томонидан хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.*

Аннотация*: Статье сделан анализ сферы услуг Самаркандской области и авторами даны предложение по дальнейщему развитию сферы услуг.*

Annotation*: The article analyzes the sphere of services of the Samarkand region and the authors give a proposal for the further development of the service sector*

Калит сўзлар*: хизмат кўрсатиш, сервис.*

Ключевые слова*: услуга, сервис.*

Key words*: service.*

Бугунги кунга келиб, нафақат кишилар ҳаётининг маиший жиҳатлари, балки саноат тармоқларининг ривожланиши, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги олдиндан мавжуд бўлган ҳамда янгидан пайдо бўлаётган ўнлаб турдаги хизматларга боғлиқ бўлиб бормоқда.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши ва мураккаблашиб бориши, фан-техника тараққиёти омили ролининг ошиб бориши номоддий неъматларга бўлган талабнинг кўпайишига олиб келди.

Хизматлар соҳаси жадал ривожланиб борар экан, тобора кўпроқ ишчи кучининг банд бўлишини таъминламоқда, давлат бюджетига солиқ тушумлари, валюта захирасига қатъий валюта тушумларининг кўпайишига ҳисса қўшмоқда. Айниқса аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ички истеъмол бозорида мутаносибликка эришишда, иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти бўлган ички талабни кенгайтиришда, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Хизмат соҳаси, иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этади. Хизмат соҳаси, биринчи галда бевосита иқтисодий–ижтимоий фаолият бўлиб, у қуйидагиларда намоён бўлади:

- таъкидланганидек, ЯИМ (ЯҲМ) ишлаб чиқаришда иштирок этади;
- моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқарувчи субъектлар сифатида шаклланади;

[9] Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 195-бет.

- мамлакат бозорини хизматлар билан тўлдириб боради ва унга бўлган талабни қондиришга имконият яратади;
- мамлакат аҳолисининг бир қисмини иш билан таъминлайди;
- хусусий тадбиркорлар ва бошқа нодавлат ва давлат инвесторлари маблағлари ҳисобидан янги иш ўринларини очади;
- хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш эвазига мамлакат аҳолисининг фаровонлигини оширади ва ҳ.к.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги замонавий ва сифатли хизмат турлари кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда бандлик масаласини ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини кучайтириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида “2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли, “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сонли, “2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш сохасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли ва “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2013 йил 17 апрелдаги ПҚ-1957-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 26 февралда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сонли Қарорларини мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу қарорларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар, амалга ошириладиган ишлар батафсил кўрсатиб ўтилган. Белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида Республикада ушбу соҳанинг 2015 йилга нисбатан ўсиши 12,5 фоиз[10]га ўсди. Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси барқарор юқори суръатларда ривожланиб бормоқда (1-расм).

Келтирилган расмдан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида 2012-2016 йилларда жами хизматлар ҳажмининг мунтазам ўсишига эришилган. Жумландан, хизматлар ҳажми 2012 йилда 2983,6 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 6021,0 млрд.сўмга етган ва 2012 йилга солиштирганда 3037,4 млрд.сўмга ёки 2 мартага кўпайган.

Самарқанд вилоятида хизматлар соҳасида таркибий ўзгаришлар кузатилмоқда. Хизматлар таркибида ҳамон савдо ва умумий овқатланиш ҳамда транспорт хизматларининг улуши юқорилигича қолмоқда (1-жадвал).

[10] Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.



1-расм. Самарқанд вилоятида жами хизматлар ҳажмининг ўсиши (млрд. сўм)

1- жадвал

Самарқанд вилоятида 2014-2015 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасидаги таркибий ўзгаришлар[11]

№		2015 йил			2016 йил		
	Хизмат турлари	**млрд. сўм.**	**Ўсиш**	**Таркиби**	**млрд. сўм.**	**Ўсиш**	**Таркиби**
			фоиз	**(фоиз)**		**фоиз**	**(фоиз)**
	Хизматлар, жами	**5324,0**	**121,7**	**100,0**	**5759,9**	**116,9**	**100,0**
	Жумладан:						
1.	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	309,8	131,0	5,82	343,8	122,8	5,97
2.	Компьютер дастурлари билан боғлиқ хизматлар	1,9	125,9	0,04	2,1	114,9	0,04
3.	Молиявий хизматлар	324,1	133,2	6,09	381,7	124,7	6,63
4.	Транспорт хизматлари	885,1	121,6	16,62	1024,3	111,5	17,78
5.	Қурилиш хизматлари	235,6	134,0	4,43	346,2	128,1	6,01
6.	Технологик қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар	12,7	117,8	0,24	11,0	118,8	0,19
7.	Қишлоқ хўжалиги техникаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар	5,8	110,9	0,11	7,9	123,5	0,14

[11] Самарқанд вилоятининг статистик ахборотномаси 2014 ва 2015 йиллардаги маълумотлари.

8.	Сайёҳлик хизматлари (меҳмонхона хизматларини қўшган ҳолда)	45,5	124,1	0,85	44,9	115,5	0,78
9.	Савдо ва умумовқатланиш хизматлари	1599,1	120,9	30,04	1678,5	117,7	29,14
10.	Маиший хизматлар	371,7	128,5	6,98	473,7	116,9	8,22
11.	Таълим соҳасидаги хизматлар	182,1	113,2	3,42	224,8	111,1	3,90
12.	Соғлиқни сақлаш соҳасида хизматлар	62,8	120,6	1,18	81,0	113,2	1,41
13.	Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар	64,1	113,2	1,20	84,3	125,6	1,46
14.	Бошқа бозор хизматлари	1223,7	114,7	22,98	1055,8	113,6	18,33

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилояти бўйича 2015 йилда жами 5759,9 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб, 2014 йилнинг мос даврига нисбатан 116,9 фоизга бажарилди. Хизматлар соҳаси таркибида алоқа ва ахборотлаштириш (5,82 дан 5,97 га), молиявий (6,09 дан 6,63 га), қурилиш (4,43 дан 6,01 га), маиший (6,98 дан 8,22 га) хизматларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда. Сайёҳлик хизматлари (меҳмонхона хизматларини қўшган ҳолда), компьютер дастурлари билан боғлиқ хизматлар ва технологик қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар даражаси пастлигича қолмоқда.

Хизматлар таркибида юқори салмоқга эга бўлган савдо ва умумий овқатланиш хизматлари улушининг йилдан-йилга камайишини бошқа янги хизмат турлари (компютерли программалаштириш, технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар ва бошқ.) нинг пайдо бўлиши билан изоҳлаш мумкин. Аммо ачинарли томони хизмат кўрсатиш соҳасида ўзига хос ўринга эга бўлган туризм ва меҳмонхона хизматларининг улуши ҳамон 0,8-0,9 фоиз атрофида тебраниб турмоқда. Ҳолбуки, Самарқанд туристик масканлари ва тарихий обидалари бўйича мамлакатимизда етакчи ўринларда туради.

Бу ҳақда Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини айтиб ўтиш кифоя: “Бу ҳақда гапирганда, Америка Қўшма Штатларидаги нуфузли “Зе Ҳаффингтон пост” нашри Самарқандни жаҳондаги инсон ўз умри давомида албатта бориб кўриши зарур бўлган 50 та шаҳарнинг рўйхатига киритганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим”[12].

Бу эса мавжуд камчиликларни бартараф этиб ушбу соҳани ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Самарқанд вилоятида 2016 йилнинг якунлари бўйича чоп этилган статистик маълумтларда хизматлар соҳасининг айрим турларининг номлари ўзгариб (масалан, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари янги таҳрирда иккига ажратилган ҳолда савдо хизматлари ва яшаш ва овқатланиш хизматлари деб

[12] Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “O’zbekiston” НМИУ, 2015, 194-бет.

номланган), айрим турдаги хизматлар киритилмаганлиги (маиший хизматлар, сайёҳлик хизматлари) ва янги турдаги хизмат турлари (кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар, ижара ва прокат хизматлар)нинг қўшилганлиги сабабли бизлар, 2014 ва 2015 йилдаги хизматлар соҳаси кўрсаткичларини 2016 йилдаги кўрсаткичлар билан солиштириш имкони бўлмади. Шу туфайли вилоятда таҳлил этилаётган 2016 йилдаги хизматлар соҳаси таркиби ўзгаришларни алоҳида таҳлил этдик (2-жадвал).

Келтирилган 2-жадвалдан кўриниб турибдики, вилоятда 2016 йилда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 6021,0 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 2258,9 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 37,5 фоизини ташкил қилди. Ушбу кўрсаткичнинг 2015 йилга нисбатан ўсиши 113,3 фоизни ташкил этди. Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 35,8 фоизи) ва транспорт (19,8 фоизи) хизматларига тўғри келди. Шунингдек, молиявий хизматлар (119,1 фоиз), яшаш ва овқатланиш хизматлари (118,8 фоиз), компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари (115,8 фоиз), транспорт хизматларида (114,9 фоиз), кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар (114,2 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (110,1 фоиз) ва соғлиқни сақлаш (107,7 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, кейинги йилларда Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида муайян ўсиш тенденциялари кузатилмоқда.

Бугунги кунда, жаҳондаги мураккаб молиявий инқироз шароитида миллий иқтисодиётимиз ўсишини таъминлаш имконини берувчи хизмат кўрсатиш соҳасини мунтазам равишда ривожлантириб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунга кўра, фикримизча, ҳозирда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1) Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг турли (қисқа, ўрта ва узоқ) муддатларга мўлжалланган режа (дастур)ларини ишлаб чиқиш жараёнларини янада такомиллаштириш;

2) хизмат кўрсатиш соҳасини молиялаштириш ва бошқаришда уларнинг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш;

3) миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдан муҳим дастак сифатида фойдаланиш ва бошқалар.

2- жадвал

Самарқанд вилоятида 2016 йилда хизмат кўрсатиш соҳасидаги таркибий ўзгаришлар[13]

Хизматлар турлари	**млрд. сўм**	**2015 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз**	**якунга нисбатан фоиз**
Жами хизматлар	**6021,0**	**113,3**	**100**
шу жумладан хизмат турлари			

[13] Самарқанд вилоятининг статистик ахборотномаси. 2016 йил, 31-32-бетлар.

бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	407,3	110,1	6,8
молиявий хизматлар	456,6	119,1	7,6
транспорт хизмати	1196,8	114,9	19,8
шу жумладан автотранспорт хизматлари	1120,5	115,0	18,6
яшаш ва овқатланиш хизматлари	189,0	118,8	3,1
савдо хизматлари	2154,7	112,8	35,8
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	209,8	114,2	3,5
таълим соҳасидаги хизматлар	269,9	108,8	4,5
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	92,7	107,7	1,5
ижара ва прокат хизматлари	260,5	115,4	4,3
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	258,9	115,8	4,3
бошқа шахсий хизматлар	329,6	109,9	5,5
меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	34,2	113,9	0,6
бошқа турдаги хизматлар	161,0	104,1	2,7

XIZMAT KO`RSATISH SOHASIDA FAN, TA'LIM VA ISHLAB CHIQARISH INTEGRATSIYASINI TA'MINLASH MUAMMOLARI

Kipchakova S.B. Xorijiy tillar kafedrasi o'qituvchisi
Abdiyev Sh. BH-116 SamISI
Mamarasulov Sh. BH-116 SamISI

Annotatsiya: *Ushbu maqolada xizmat ko'rsatish sohasida mavjud bo'lgan muammolar va ularning yechimi, ushbu sohada mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar borasida mulohaza qilingan.*

Kalit so'zlar: *soha, tashkilot, integratsiya, mutaxassislar, bank tizimi, takliflar, choralar, norasmiy bandlik, ma'lumotlar.*

Аннотация: *В данной статье излагается о проблемах, существующих в сфере обслуживания и об их решении, о реформах, проводимых в данной сфере в нашей стране.*

Ключевые слова: *сфера, организация, интеграция, специалисты, банковская система, предложения, меры, неофициальная занятость, сведения.*

Annotation: *This article describes the problems that exist in the service sector and their solutions, and the reforms that are being implemented in this area in our country.*

Key words*: sphere, organization, integration, specialists, banking system, proposals, measures, informal employment, information.*

Xizmat ko`rsatish sohasi – aholi turmush darajasining yuksalishiga xizmat qiladi. Xizmat ko`rsatish va turizm jamiyat hayotida salmoqli sohalardan biriga aylanmoqda.

Butunjahon turistik tashkilotlarning ta'kidlashicha, har 30 turistning biror davlatga borishi bilan bitta bevosita va ikkita bilvosita ish o`rinlari tashkil bo`lishiga yordam beradi. Tabiiyki, har bir davlat turizmdan daromad va aholi bandligini ta'minlash manbai sifatida foydalanishga va xalqaro turizmni rivojlantirishga harakat qiladi.

Mamlakatimizda dunyo ahamiyatiga ega bo`lgan muqaddas qadamjolar, noyob me'moriy obidalar mavjud.O`zbekistonda sayyohlik ko`lami va tarixiy obidalari soni bo`yicha mingdan ziyod tarixiy va madaniy yodgorliklar mavjud.[14] Respublikamizda turizm sohasini yanada rivojlantirishga qaratilgan ko`plab me'yoriy-huquqiy hujjatlar qabul qilingan. O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012-yil 10-oktabrdagi "O`zbekiston Respublikasida turizm sohasini yanada qo`llab-quvvatlash, rivojlantirish chora-tadbirlari to`g`risida"gi qarori shular jumlasidandir. Ushbu qarordagi vazifalarning amalga oshirilishi ichki va tashqi turizm biznesini yanada rivojlantirishga va ushbu sohaning xalqaro turistik bozorlarga kirishiga imkon beradi.

Ma'lumki, respublikamizda jalb qilingan investitsiyalarning asosiy qismi mahalliy xomashyo resurslarini qayta ishlashga yo`naltirilgan ishlab chiqarishni moliyalashtirishga qaratilgan.qolgan qismi esa xizmat ko`rsatish sohasining sog`liqni saqlash, ta'lim tizimi, kommunal xizmatlari sohalariga jalb etilmoqda.Shavkat Mirziyoyev o`zining saylovoldi uchrashuvlarida xalqning ichiga kirib, ularning dardi, muammolari, takliflarini eshitish lozimligini alohida qayd etdi. Bosh vazirning virtual qabulxonasiga kelgan murojaatlarning 7 mingdan ziyodi aynan tibbiyot sohasiga tegishli ekani ham mazkur sohada muayyan muammolar yig`ilib qolganligini ko`rsatmoqda. Ixtisoslashtirilgan tibbiyot markazlari faoliyatida ham yechimini kutayotgan masalalar ko`p. Mavjud markazlarning hammasi Toshkent shahrida joylashgan. Bu, ayniqsa, qishloq aholisiga muayyan noqulayliklar tug`dirmoqda. Ayrim hududlarda tibbiy ko`riklar nomigagina o`tkazilmoqda, deb xulosa qilindi. Chekka hududlarda malakali mutaxassislar yetishmayotganligi kadrlar masalasida qilinadigan ishlar ko`pligini anglatadi. Xususan, xizmat ko`rsatish sohasining tarmoqlari tarkibida ta'lim tizimi alohida o`rin tutadi. Hozirgi davrda oliy ta'lim muassasalari ikki bosqichli , ya`ni bakalavriyat hamda magistraturadan iborat ko`p bosqichli kadrlar tayyorlashni amalga oshirmoqda. Ko`p pog`onali mutaxassislarni tayyorlashga o`tish O`zbekiston Respublikasi oliy ta'limini jahon ta'lim tizimiga kirib borishini ta'minlaydi. 2012-2013 yillardagi ma'lumotlarga qaraganda talabalarning 40% i poytaxt Toshkent shahrida joylashgan oliy ta'lim muassasalarida ta'lim oladilar. Talabalar sonining nisbatan yuqori ulushi Samarqand (9,4 %) hamda Farg`ona (7,1 %) viloyatlariga to`g`ri keladi. Eng kam talabalarning soni esa Sirdaryo (1,5 %) hamda Surxondaryo (2,5 %) viloyatlariga to`g`ri keladi. Oliy ta'lim tizimining rivojlanganlik darajasini ko`rsatuvchi 100000 ta aholiga to`g`ri keladigan talabalar soni 2013-2014 o`quv yilida 85 tani tashkil etadi. Kelajakda oliy ta'lim muassasalarini rivojlantirishning asosiy vazifasi ta'lim muassasalarida yaratilgan moddiy-texnik bazadan samarali foydalanish, ularni tizimli asosda zamonaviy texnika va uskunalar bilan yangitdan ta'minlab borish, o`quv jarayoniga ilg`or pedagogik texnologiyalarni va axborot-kommunikatsiya tizimini keng joriy etishdan iborat. Shuni hisobga olgan holda davlat va jamiyat talabiga asosan ta'lim muassasalarining qabul rejasi kengaytirildi va ta'lim tizimi ish dasturiga o`zgartirishlar kiritildi.

Qolaversa, jamiyat taraqqiyotining zamonaviy bosqichida iqtisodiyotda xizmat ko`rsatish sohasining salmog`i oshib borishi kuzatilmoqda. Iqtisodiyotning tarkibiy

[14] Lutfullaev O. "Sayyohlar tinch va obod manzillarga ontiladi." – "Xalq so`zi" 2015-yil 4-iyul

tuzilishida aholining ma’lum ehtiyojlarini qondirishga qaratilgan yangi xizmat turlari vujudga kelmoqda. Aholiga xizmat ko`rsatish qanchalik rivoj topsa, uning holatiga qarab aholining yashash darajasi, farovonligi shuncha ortadi. Shu nuqtai nazardan 2016-yilda qishloq joylarda xizmat ko`rsatish va servis sohasini jadal va muvozanatlashgan tarzda rivojlanirish, qishloq aholisining zamonaviy yuqori texnologik va bozor xizmat turlaridan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish, buning asosida yangi ish joylarini yaratish va aholi daromadlari oshirilishini ta’minlash maqsadida:

1. O`zbekiston Respublikasi iqtisodiyot vazirligi tomonidan manfaatdor vazirliklar, idoralar, Qoraqalpog`iston Respublikasi Vazirlar Kengashi va viloyatlar hokimliklari bilan birgalikda ishlab chiqilgan quyidagilarni o`z ichiga olgan O`zbekiston qishloq joylarda xizmat ko`satishni yanada jadal rivojlatirish dasturini tuzishga qaror qilindi.

2. Dastur bo`yicha ishchi guruh (G.K.Saidova ) mazkur qaror bilan tasdiqlangan dasturning amalga oshirilishi ustidan tizimli asosda nazorat o`rnatilishini va har yili , yarim yillik va umuman yil yakunlari bo`yicha Vazirlar mahkamasi yig`ilishlarida ko`rib chiqish uchun belgilangan vazifalar va parametrlarning so`zsiz bajarilishi bo`yicha aniq takliflar bilan tahliliy materiallar kiritilishni ta’minlanish qaror qilindi.

3. Qoraqalpog`iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar hokimliklari bir oy muddatda, hududlarning salohiyati va imkoniyatlaridan imkon qadar to`liq foydalangan xizmat ko`rsatish sohasini kompleks ravishda jadal va muvozanatlashgan tarzda rivojlantirishni ta’minlash bo`yicha aniq maqsadga yo`naltirilgan chora-tadbirlarni o`z ichiga olgan dastur tuzilishi rejalashtirildi. Qoraqalpog`iston Respublikasi vazirlar kengashi, viloyatlar va tumanlar hokimliklari doimiy asosda xizmat ko`rsatish va servis sohasi ob’ektlarini barpo etish uchun qishloq aholi punktlaridagi davlat mulki bo`lgan va foydalanilmayotgan binolar va xonalarni tadbirkorlik sub’ektlariga berilish taklifi qo`yildi

4. O`zbekiston Respoublikasi Markaziy Banki va iqtisodiyot vazirligining qishloq joylarda xizmat ko`rsatish va servis sohasini rivojlantirishga tijorat banklari tomonidan ajratiladigan kreditlarning hududlar va tijorat banklari bo`yicha prognoz hajmlari to`g`risidagi takliflar ma’qullandi.

5. Qoraqalpog`iston Respublikasi vazirlar kengashi, viloyatlar hokimliklari, “O`zbekturizm” milliy kompaniyasi ikki oy muddatda:

O`zbekiston respublikasi yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastri davlat qo`mitasi hamda Davlat arxitektura va qurilish qo`mitasi bilan birgalikda qishloq turistik yo`nalishlarida yo`l bo`yidagi infratuzilma va xizmat k`orsatish sohasi ob’ektlarini qurish uchun tayyor tortib keltirilgan muhandislik kommunikatsiyalari mavjud bo`lgan yer uchastkalarining manzili ro`yxatining tasdiqlanishi va ularning tadbirkorlik sub’ektlariga tanlov asosida ajratib berilishi, ekologik, tibbiy sog`lomlashtirish, sport turizmi, shuningdek, yakka tartibdagi qishloq mehmonxona uylari negizida agroturizmni o`z ichiga olgan zamonaviy turistik xizmatlar turlarini ustuvor rivojlantirish zonalarining belgilanishi to`g`risida qaror qabul qilindi.

Ushbu dastur asosida har yilning har bir choragida ishchi kuchi baholanadi va norasmiy ish bilan bandlar soni aniqlanadi.

Bizning nazarimizda, qishloq xo`jaligida norasmiy bandlik ko`lamini baholashda ekiladigan yer maydoni, uning qishloq xo`jaligi mahsulotlari bo`yicha tarkibi va ular

bo`yicha mahsulotlari bo`yicha tarkibi va ular bo`yicha mahsulot yetishtirishning mehnat sarflari asos qilib olinishi, ancha aniq ma’lumotlar olish mumkin.

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН РАҚОБАТБАРДОШ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мухаммедов.М.М. проф.
Абдурасулов.Ж.А. СамИСИ БҲ-116 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Мақолада ҳозирги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион асосда ривожлантирилишига алоҳида эътибор қаратилган ва мамлакатимизда инновацион жараёнларни жадаллаштириш мақсадиди маҳсус индустриал зоналар ташкил этиш амалиёти хусусида фикр берилган. Мақола сўнггида эса тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *Инновация, модернизация, диверсификация, бизнес субъектлари, эркин иқтисодий ҳудудлар, инновацион технопарклар, макроиқтисодий сиёсат.*

Аннотация: *В статье показано современное развитие инновационных технологий малого бизнеса и частного предпринимательства, ускорены экономические процессы, даны конкретные мысли о создании практики свободной экономической зоны. В конце статьи были представлены соответствующие предложения и рекомендации.*

Ключевые слова: *Инновация, модернизация, диверсификация, инновационные предприятия, свободные экономические зоны, технопарки, макроэкономическая политика.*

Annotatiton: *The article demonstrates contemporary development of innovative technologies of small business and private entrepreneurship and to quicken economic processes, particular thoughts about establishing of free economic zone practises were given. At the end of the article necessary proposals and recommendations were given.*

Key words: *Innovation, modernization, diversification, innovative businesses, free economic zones, technoparks, macroeconomic policy.*

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.
Амир Темур.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, тадбиркорлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги, амалиётга интенсив технология, инновацион ишланмалар изчил татбиқ этилаётгани туфайли ишлаб чиқариш миқдори ортиб, саноат тармоқлари тобора тараққий топганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, 2014-йил якунларига кўра, Ўзбекистон бизнесни юритиш шароити бўйича дунёда олиб борилган рейтингда 8 поғонага, солиққа тортиш борасида эса 61 поғона юқорига кўтарилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг баҳосига кўра, мамлакатимиз ушбу йилларда бизнес юритишни енгиллаштириш соҳасида

амалга оширилган ислоҳотлар бўйича етакчи ўнта мамлакат қаторидан жой олди.[15] 2016-йил якунларига кўра эса, қишлоқ хўжалиги ва саноатда ўсиш 6.6 % ни ташкил қилди.[16] Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар, кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш учун ташрифлари чоғида ҳамда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021-йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича "Ҳаракатлар стратегия"сини ишлаб чиқилганини, унинг ҳаётда изчил тадбиқ этилаётганини, жумладан, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш вазифаларини таъкидлаб ўтмоқдалар. Шу жумладан, "Ҳаракатлар стратегия"сининг "Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш" деб номланган учинчи йўналишида иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йилнинг 5-октябридаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда мазкур соҳанинг янада ривожланишини таъминлаш борасидаги ишларни янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.[17]

Фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган.

Шу сабабли, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Республикамизда инновацион фаолиятни янада ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2008-йил 15-июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги №ПҚ-916-сонли қарорининг қабул қилиниши ва унинг асосида "Ўрта муддатли истиқболда инновацион маҳсулотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари комплекси"нинг ишлаб чиқилиши муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.[18]

Айни пайтда, кичик корхоналар фан-техника тараққиёти шароитида саноатнинг етакчи соҳаларида янги технологияларга ўтишда тобора ўз ўрнини топиб бормоқда. Улар янги фикрлар ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги ахборот технологияларини жорий этиш билан иш жараёнини таъминловчи

[15] www.infocom.uz
[16] "Zamonaviy texnologiyalar, innovatsion ishlanmalar". Xalq so'zi, 2017-yil, 31-mart.
[17] http://www.mvd.uz/oz/qonunchilik-targ-iboti/item/tadbirkorlik-rivojidagi-yangi-qadam
[18] Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik , toshkent - "iqtisodiyot" - 2011

тизимнинг асосий боғловчилик сифатини намоён этмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолияти ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларини доимо қидиришни талаб қилади. Агар шундай қилинмас экан, корхонанинг қатъий рақобат муҳитида бозордаги мавқеини сақлаб қолиши мушкул. Бу айниқса, кичик ва ўрта корхоналарга тегишлидир. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг барча босқичларида қийинчиликлар ва ҳал қилинмаган муаммолар жуда кўп учрайди. Ҳозирги кунга келиб тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш ва юқори самарадорликка эришиш илғор технология ва замонавий ускуналардан фойдаланишни талаб этмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири инновациялардир. Инновацион технологиялар ёрдамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини чуқур қайта тузиш ва иш унумдорлигини янада ошириш мумкин. Маълумки, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси нафақат миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки бугунги кун учун долзарб ҳисобланган аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришдан мақсад бутун ишлаб чиқариш тизимини янгилаш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий-техник, интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида соҳа рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Бизнинг назаримизда, мамлакатимизда илғор фан-техника ютуқлари ва инновацион технологияларга асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш қуйидаги муҳим натижаларни қўлга киритиш имконини беради:

Биринчидан, кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқаришдаги харажатларини камайтириб, уларнинг рентабеллик кўрсаткичларини оширади.

Иккинчидан, кичик бизнес субъектларининг юқори ўзлаштириш салоҳияти сабабли юқори даромад олишини таъминлайди.

Учинчидан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг камайтирилишига, маҳсулот сотишда янги бозорларга кириб боришда ҳамда бозорда рақобатбардошлиликни оширишга иқтисодий асос яратади.

Инновацион иқтисодий ривожланиш йўлига ўтишда кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириш саноат соҳасида юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, яъни илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш зарур восита ҳисобланади. Шу боис, 1996-йилнинг 25-апрелда мамлакат парламенти Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунини қабул қилди.[19]

Бу қарор тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни одатдагига қараганда қулайроқ қилиб, аниқ белгиланган чегара ва махсус ҳуқуқий тизимдаги суверен мамлакатнинг маълум бир ҳудуди сифатида фаолият олиб боради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудлар

[19] www.wikipedia.org

ташкил этилган бўлиб, Чет эл инвестицияларини жалб қилиш, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш, инвестиция фаолияти билан боғлиқ мустаҳкам қонунчилик базаси ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш хорижий сармояларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида мамлакатимизнинг Навоий, Жиззах ва Ангрен ҳудудларида махсус индустриал ҳудудлар ташкил қилинди. Мамлакатимизда ушбу мақсадларга эришиш, шунингдек, эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятидаги халқаро тажрибалар афзалликларини иқтисодий тузилмага жорий қилиш мақсадида Биринчи Президентимизнинг 2008-йил 2-декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий ҳудудини ташкил қилиш тўғрисида"ги, 2013-йилнинг 18-мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиззах» махсус индустриал ҳудудини барпо этиш тўғрисида»ги ва 2013-йил 13-апрелдаги “Ангрен” махсус индустриал ҳудудини барпо этиш тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди. Мазкур Фармонлар юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш, бу борада қулай шарт-шароитларни шакллантиришга, ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилмоқда.

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилаётганлиги мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлик даражасини янада оширишнинг муҳим омили сифатида жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароит яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.[20]

Бундан ташқари, 2017-йилнинг 12-январида Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Самарқанд вилоятининг Ургут туманида, Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида ва Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида янги эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилиниши тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.[21]

Жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИҲ) 1950-60-йилларда пайдо бўлган бўлиб, АҚШда технопарклар, Японияда технополислар деб номланади. Бу ҳудудлар юқори рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, товар айланмасининг юқори кўрсаткичига эришишга улкан имкониятлар яратади. Яна бир кўзланган мақсадлардан бири янги технология, инвестицияларни жалб этиш, ривожланган иқтисодий макон яратиш ва шу йўл билан мамлакат иқтисодиётини тезкорлик билан ривожлантиришдир. Далил сифатида шуни таъкидлаш лозимки, АҚШда мавжуд технопарклар республикамиз пойтахтида ҳам қад кўтариш арафасида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси

[20] www.gazeta.uz ma’lumotlari asosida
[21] www.gazeta.uz ma’lumotlari asosida

Президентининг “Тошкент шаҳрининг Яшнаобод ва Олмазор туманларида инновацион технопаркларни яратиш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди.[22]

Фармонга кўра, инновацион технопарклар турли соҳалар бўйича ва кичик инновацион ишлаб чиқаришларни яратишга асосланади ҳамда инновацион технопарк иштирокчилари бир қатор солиқ ва мажбурий тўловлардан, шунингдек ускуна, хом-ашё, материаллар ва ҳоказо импортидаги божхона тўловларидан озод этилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда инновация фаолиятини юқори даражада ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида миллий инновацион тизимни яратиш керак. Бунда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида инновацион иқтисодиётга ўтишнинг тизим ва йўналишларини ишлаб чиқиш зарур, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг инновация фаолиятини самарали ривожлантиришга қаратилган “Инновацион фаолиятнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги рақобат кучайиб бораётган шароитда кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятларида доимо янги инновацияларни қўлламасдан, йирик корхоналар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўймасдан бозорга янги маҳсулот ёки технологияларни киритишлари мушкулдир. Бунда кичик бизнес корхонасининг бошқарув фаолиятига инновацион менежмент усул ва технологияларини тадбиқ этиш, амалдаги бошқарув усулларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш кичик бизнес субъектининг келгусидаги муваффақиятини белгилаб беради. Дарҳақиқат, иқтисодиётни модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификациялаш жуда ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Шундай экан, биз мамалакатимизда янада кучли инновацион муҳитни яратишимиз керак. Чунки, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик соҳасида инновацион муҳитнинг шаклланиши ҳар томонлама юқори натижаларга эришиш ва самарадорликни оширишнинг кафилидир. Бунда, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти давлат томонидан эркинлаштирилиши, хориждан олиб келтириладиган замонавий технология жиҳозларининг кириб келишидаги тўсиқларнинг олиб ташланиши, олди-сотди ишларининг эркин ҳолда бажарилиши, яъни турли турдаги солиқлардан тадбиркорларнинг озод қилиниши, инновацион фаолиятни шакллантиришда давлатнинг роли муҳим бўлиши, давлат назорати остида замонавий илм-фан ютуқлари намуналарининг четдан олиб келиниши жуда аҳамиятлидир. Зеро, бу борада давлатнинг пухта ишланган ҳамда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти инновацион асосда ривожлантиришга қаратилган макроиқтисодий сиёсати уларни рағбатлантириш ва тараққий эттирилишининг муҳим омилидир.

[22] www.kun.uz ma’lumotlari asosida

ОБРАЗОВАНИЕ КАК ПРИОРИТЕТНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Мухаммедова Ф.Ф. студентка I курса 112 группы (СамМИ)
Мухаммедов М.М. проф (СамИЭС)

Аннотация: *Мақолада мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ёшлар сиёсатининг моҳияти, мақсад ва вазифалари, ушбу сиёсатда таълимнинг тутган ўрни каби муҳим масалалар ёритилган. Касбий таълим сифатини ошириш, талабаларни илмий-тадқиқот ишларига фаол жалб этиш, айниқса уларни давлат грантлари ҳамда хўжалик шартномалари асосида бажарилаётган илмий тадқиқотларга иштирок этишига эришиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *ёшлар сиёсати, таълим, касбий таълим, таълим сифати, илмий тадқиқот, иқтидорли ёшлар.*

Аннотация: *В статье раскрываются сущность, цель и задачи молодёжной политики, проводимой в стране, а также роль и значение образования в реализации этой политики. Обоснована необходимость и предложены пути повышения качества профессионального образования.*

Ключевые слова: *молодёжная политика, образование, профессиональное образование, качество образования, научное исследование, одарённая молодёжь.*

Annotation: *In the article uncovered essence, aim and faske the young's policy that was passed in country, also role and significance realization of education. Crounted necessity and suggest ways quality of professional education.*

Key words: *young's professional education, quality of education, scientific research, talented young.*

Молодежная политика является приоритетным направлением государственной деятельности Республики Узбекистан. Её главная цель – создание социально-экономических, правовых, организационных условий и гарантий для социального становления и развития молодежи, раскрытия ее творческого потенциала в интересах всего общества. Важное значение в этой политике отводится образованию.

От системы образования, подготовки и переподготовки кадров зависит эффективное использование интеллектуального потенциала молодежи группы страны. Учитывая потенциал и значимость проблем подготовки и переподготовки кадров для нынешнего этапа социально-экономического развития Узбекистана, в республике последовательно осуществляется политика реформирования сферы образования, которая успешно реализуется в соответствии с Национальной программой по подготовке кадров и Закона Республики Узбекистан "Об образовании".

Высокий уровень профессиональных знаний, полученных в процессе обучения в высших или средних специальных учебных заведениях обеспечивает достаточный жизненный уровень специалисту, гарантирует ему стабильную работу. В тоже время высокое качество знаний, отвечающее современным требованиям, является главным фактором социального-экономического, научно-технического и культурного прогресса в обществе. Любые прогрессивные начинания и глубокие изменения в общественно- политическом устройстве страны могут дать ожидаемый положительный результат только при наличии

высококвалифицированных кадров, имеющих не только дипломы, но и соответствующий уровень качества профессиональных знаний.

Решая проблемы повышения качества подготовки кадров, следует уделить особое внимание прочным основам образования и развитию специальных навыков, которые ведут к инновациям. Такой подход соответствовал бы инновационному пути развития экономики республики в перспективе. В условиях инновационного развития наиболее ценным и стратегическим ресурсом становится интеллектуальный потенциал. Есть неопровержимые доказательства, что инновационный путь развития обеспечивает получение высоких доходов от вложения дополнительных трудовых, земельных и капитальных ресурсов, несколько раз превышающих доходы, получаемые при простом, традиционном пути экономического роста. Ученые США подсчитали, что при средней норме прибыли от всех вложений в американский бизнес в размере 16%, она может превысить 50-60% при удачном инвестировании на основе внедрения в производство новых идей. Следовательно, интенсивное внедрение новых идей, связанных, например, с улучшением технологии производства, повышением качества продукции, обновлением ассортимента, выходом на новые рынки сбыта, использованием методов научной организации труда и другое, обеспечивает национальному хозяйству конкурентные преимущества на международных рынках товаров и услуг, что имеет важное значение в условиях ускоренного развития глобализационных процессов в мировой экономике.

Сейчас в стране выделяется огромное количество средств на образование, принимаются действенные меры для активного привлечения молодежи к науке и знаниям. Например, в институте создаются все необходимые условия для того, чтобы студенты могли успешно заниматься научно-исследовательской работой. В институте на регулярной основе функционируют 12 научных кружков. На заседании кружков студенты выступают с докладами о результатах своей исследовательской работы, что создает реальную возможность для публичного обсуждения полученных в ходе исследования результатов, побуждает студентов к активной поисковой деятельности. Все это направлено на то, чтобы вырастить высококвалифицированных кадров, способных поднять уровень нашей национальной экономики на новый, более высокий уровень.

Если рассматривать молодежь с точки зрения их пользы для процветания и развития страны, то можно сказать, что молодежь является одним из решающих факторов в этом вопросе, то есть растущее и вступающее в жизнь молодое поколение республики, которое обладает современными знаниями и востребованными профессиями способно взять на себя ответственность за будущее процветание государства.

Динамичное развитие высоких технологий, нарастающие темпы глобализации, последовательная интеграция нашей страны в мировую экономическую систему ставят пред нами задачи по последовательному повышению уровня и качества подготовки молодых кадров, созданию еще более благоприятных условий для реализации их интеллектуального потенциала. Это, в свою очередь диктует, необходимость дальнейшего совершенствования системы образования.

Весьма актуальной представляется проблема более активного привлечения молодежи к научно-исследовательской работе. По всей видимости, здесь нужна

целенаправленная и эффективная поддержка студентов со стороны профессорско-преподавательского состава и руководства института, включая меры по действенному стимулированию результатов НИРС. Важную роль в этом деле могло бы сыграть более активное привлечение талантливых, одаренных студентов к выполнению хоздоговорных научно-исследовательских тем и научных проектов, выполняемых по государственным грантам. Было бы целесообразным разработать в рамках высшего учебного заведения с привлечением молодежного движения “Камолот” и других заинтересованных современных институтов комплексной программы “Молодой исследователь”. Она должна, на наш взгляд, предусматривать всяческую поддержку и стимулирование активного участия студентов в научно-исследовательской работе.

Глава нашего государства Ш.М.Мирзиёев в своем выступлении на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан поставил перед правительством, соответствующими министерствами и ведомствами, наставниками, профессорами, преподавателями глобальную задачу-дачу обеспечения молодежи качественным образованием. Затем в докладе Президента четко определены цели и средства решения этой архиважной задачи: “Мы мобилизуем все силы и возможности нашего государства и общества для того, чтобы наша молодежь обладала самостоятельным мышлением, высоким интеллектуальным и духовным потенциалом, ни в одной сфере не уступала своим сверстникам из других стран, была счастлива и уверена в своем будущем”.

Конечно, предстоит еще многое сделать для того, чтобы в полной мере реализовать поставленные главой нашего государства задачи по созданию всех необходимых условий для обеспечения прав и интересов молодежи. В первую очередь это касается осуществления благородных устремлений юношей и девушек, максимального содействия им в повышении их участия в социальном, экономическом и духовном развитии нашего общества. Для всесторонней реализации огромного потенциала нашей молодежи необходимо, на наш взгляд, дальнейшее расширение работы по поддержке ее инициатив в таких сферах, как наука, техника, информационные технологии, культура, искусство, спорт, предпринимательство, а также укрепление и развитие социального партнерства государственных и общественных структур в реализации осуществляемой в Узбекистане сильной молодежной политики. Забота, которую проявляет Президент нашей страны о молодежи, накладывает на нас – молодое поколение особую ответственность, требует от нас еще большей активности в достижении высоких целей, стоящих перед нашим народом и обществом в целом.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

(Самарқанд вилояти мисолида)

Мирзаева Ш.Н. СамИСИ “Иқтисодиёт ва менежмент” факультети талабаси
Султонов Ш.А СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси доценти,
иқтисодиёт фанлари номзоди

Аннотация: *Ушбу мақола доирасида қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасининг инновацион ривожлантириш жараёнлари ва бу жараёнда вужудга келаётган қийинчиликлар ва пайдо бўладиган турли хил вазиятларга ечим топиш кўзда тутилган. Шу билан бирга бу тизимни такомиллаштиришга оид молиявий рағбатлантиришлар, таклиф ва мулоҳазалар кўриб чиқилади. Ҳозирга келиб нафақат ривожланаётган давлатлар, балки ривожланаётган давлатларнинг ҳам ўз олдидаги стратегик мақсади қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасига катта эътибор қаратишдир.*

Калит сўзлар: *Хизмат кўрсатиш, ривожлантириш истиқболи, кичик бизнес, макро иқтисодиёт, инновация.*

Аннотация: *В статье рассматривается, процессы инновационного улучшения сектора услуги в сельских местностях и вместе с этим рассматривается решения различным трудностям связанные с этим. А также статья показывает финансово поощрения этой сферы, мерам и мнениям, чтобы развивать этот аспект. На сегоднешний день в сельских местностях не только развивавшие страны, но также развивающие страны пытаются делать инновационную развитию этого сектора их стратегической важной задачей, которая нужно повышать и достигать.*

Ключевие слова: *услуга, этапное развитие, малый бизнес, макро экономика, инновация.*

Annotation: *This article focuses on issues like process of innovative improvement of service sector in rural places and to find solution to various problems that can appear in this process. Moreover, this article shows measures and opinions to develop service system. Nowadays not only developed countries but also developing countries are trying to make innovative development of service sector in rural places their strategic important task to be increased and achieved.*

Keywords: *service, future development, small business, macro-economy, innovation.*

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётда эришган ютуқларнинг асоси – бозор иқтисодиёти, мулк шаклларининг такомиллашуви, иқтисодиётдаги кескин тузилмавий ўзгаришлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиб бориши ва қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлатириш билан баҳоланмоқда.

Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлатиришни роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида

юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди.

Чет элда қишлок жойларида хизмат курсатиш сохаларини ривожлатириш бўйича ўтказган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, ривожланган давлатларда кичик ва ўрта корхоналар жами корхоналарнинг 80 фоизини ташкил қилади. Масалан, 2015 йилда АҚШда уларнинг сони 25 000 мингтани ташкил этиб, тармоқлар бўйича улуши қуйидагича тақсимланган: қишлоқ хўжалигида - 81,9 фоиз, қурилишда – 82,2 фоиз, улгуржи савдода – 80,6 фоиз, хизматлар соҳасида – 75,6 фоизни ташкил этади. Японияда – 9000 мингтани, Италияда-4000 мингтани, Германияда – 3300 мингтани, Англияда – 2630 мингтани ва Францияда – 1980 мингтани ташкил этган.

Ўзбекистонда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлатиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган бир қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилиниши натижасида хизмат курсатиш соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони йилдан йилга ўсиб бормоқда. Жумладан, 2015 йилда савдо соҳасида 62354 та кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолият кўрсатишган бўлиб, жами иқтисодиёт тармоқларидаги улуши 30,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 64428 та кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолият кўрсатишиб уларнинг улуши 29,4 фоизга етган. Самарқанд вилоятида 2015 йил маълумотлари бўйича хизмат курсатиш соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар сони 2928 та (Самарқанд шаҳрида 852 та)ни ташкил этган. Айтиб ўтиш лозимки, иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатаётган соҳалар орасида хизмат курсатиш соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг улуши энг юқори бўлиши табиий ҳолдир.

Ҳозирги кунда ривожланган давлатларда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлатиришни ЯИМдаги улуши ўртача 31%ни, ривожланаётган давлатларда 19%ни ва суст ривожланган давлатларда эса 6%ни (2015 йилда Японияда-48%, Италияда-33%, АҚШда-40%, Францияда-35%, Англияда-33%, Германияда-32% ташкил этган), яратилаётган иш ўринларини 50 % ни (Европа иттифоқи давлатларида – 66%, Японияда-72%, 2015 йилда Японияда-78%, Италияда-73%, АҚШда-54%, Францияда-54%, Англияда-49%, Германияда-46%) ташкил этади.

Дунёдаги энг зўр “Форд” ва “Крайслер” компанияларининг менежери, ўз даврида шон-шуҳрати бўйича Америка Президенти Роналд Рейгендан кейин иккинчи ўринни эгаллаган Ли Якокка ҳам ўз фаолиятини озиқ-овқат савдосида бошлаган. Шундай килиб қишлок жойларида хизмат курсатиш сохаларини ривожлатиришда асосий уриларидан бирини озиқ-овқат махсулотларини етиштириб, улардан турли туман кайта таёрланган махсулотлар етиштиришни ривожлантириш керак.

Демак, савдо иноният нинг тадбиркорлик фаолиятлари ичида марказий ўринни эгаллаши тарихдан маълум бўлиб, ҳозирги замонда мазкур соҳа янгидан янги илмий-амалий йўналишларнинг мисли кўрилмаган даражада ривожланишига асос бўлмоқда.

Мамлакатимизда юқорида айтиб ўтилганидек қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг асосий фаолиятлари савдо соҳасига тўғри келмоқда.

Энг юқори кўрсаткичларга эришган – Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш субъектларининг савдо соҳасидаги улушлари республика ўртача кўрсаткичларидан баланд.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлантиришни, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда, хусусан, савдо соҳасини ривожлантириш борасида қатор тажрибалар тўпланди. Аммо амалиётда бу имкониятлардан тўлалигича фойдаланила олинмаётганлиги ҳам асосланди. Мақолада улардан самарали фойдаланиш юзасидан бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилди.

Буларга:

- солиқ юкининг енгиллаштирилганлиги;
- рухсат бериш тартибининг қисқартирилганлиги ва соддалаштирилганлиги;
- иш фаолиятига ноқонуний аралашувнинг олдини олиш борасида кўплаб меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги;
- кичик тадбиркорлик субъектларига киритишга асос бўладиган умумий мезонлар белгиланганлиги (ходимлар сони, низом жамғармасининг миқдори, активлар миқдори, айланма маблағлар ҳажми, фойда, даромад ва ҳ.к.);
- табиий монополия соҳаларига кичик бизнес вакилларининг кириши учун шарт-шароитларнинг яратилганлиги;
- юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар сотиб олиш учун тегишли шароитларнинг яратилганлиги;
- бўш турган бино ва иншоотлардан фойдаланиш учун кенг имкониятларнинг мавжудлиги;
- қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш сохаларинига ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак берилиши;
- қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш сохаларига ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун зарур инфратузилмаларнинг яратилиши;
- монопол маҳсулот ва хизматлар харажатларининг камайтирилиши;
- қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш сохаларини ривожланишини қўллаб-қувватловчи бирлашмалар, Кенгаш ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатаётганлиги, йирик ташкилот ва бирлашмалар, акционерлик жамиятлари ҳам қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлатиришда ёрдамини аямаслиги каби тартибларни киритиши;
- бевосита савдо билан шуғулланувчи қишлок жойларида хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлатириш учун ўз маҳсулотларини улгуржи ва чакана савдо орқали сотиш жараёнини такомиллаштириш учун рационал логистика тизимини жорий қилиши;

- амалдаги солиқларни оптималлаштириш, имтиёзлар белгилаш, хусусан, шаҳар ва қишлоқларнинг реал имкониятларидан келиб чиқиб, уларнинг табақалаган миқдорларини белгилаши;

1-диаграмма

Ҳозирги кунда ривожланган давлатларда қишлоқ жойларида 2016 йилдаги озиқ-овқатлар ва чакана савдосидаги улуши [23]



- қишлоқ жойларида савдо соҳаси билан шуғулланувчи хизмат кўрсатиш сохаси субъектлари маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашга имкон яратиш мақсадида уларга узлуксиз электр энергияси ва сув таъминоти масалаларини маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли тарзда ҳал қилишга кўмаклашиш каби тартибларни киритиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки,хизмат кўрсатиш субъектларини ривожлантиришга устувор даражада аҳамият қаратилаётганлиги мамлакатимиз учун ғоят истиқболли бўлиб, у давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳатлар ва стратегиялар изчиллигини таъминлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда давлатимиз иқтисодиётининг ривожланишига ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КЛАСТЕРНЫМ ПОДХОДОМ ДЛЯ РАЗВИТИЯ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА

Жумаев Ш.Ш. Студент гр. Ик 413
Дусматов Б.О . Преп каф Экономика СамИЭС

Аннотация: *Кўрилаётган ушбу мақолада аграсаноат корхоналарида кластерли инновацион фаолиятини имий-техник тамоиллари асосида ривожлантириш ва шакллантириш атрофлича тўхталиб ўтилган.*

[23] “Бозор, пул, кредит” журнали 2016 й.

Калит сўзар: *Инновация, инновация аспектлари,кластер инфратузилма, бошқарув.*

Аннотация:*В данной статье расмотрены основные направления развития сферы новые инновационное кластерные подходы и внедрения новых технологий, активизации научно-технической деятельности всех субъектов научно-технической сферы на агропромышленных производства.*

Ключевые слова: *Инновация, новшества аспект, кластер инфраструктура, управления.*

Annotation:*In this article, the main areas of the development of the sphere are new innovative cluster approaches and the introduction of new technologies, the activation of scientific and technical activity of all subjects of the scientific and technical sphere in agro-industrial production.*

Key word*: Aspects of innovation, innovation, infrastructure, management of the cluster.*

Кластеры – это объединения бизнес-субъектов, функционирующих в пределах четко очерченных территориальных образований. Кластеры можно рассматривать как одну из разновидностей крупных сетей предпринимательского типа. Они представляют собой сеть, охватывающую широкий спектр социально-экономических аспектов. Являясь следствием территориально-отраслевого деления общественного воспроизводства кластеры реально воплощают идеологию сетевого подхода.

Предпринимательские сети формируются преимущественно на основе интенсивной динамики структуры рынков. Кластеры отражают региональные, межрегиональные, национальные, а в ряде случаев и межнациональные процессы и являются следствием распределения производительных сил. Основоположником кластерной концепции развития новых производственных сетей является М. Портер, который описал идеальный тип кластера. *Кластер* – это группа близких, географически взаимосвязанных компаний и сотрудничающих с ними организаций, совместно действующих в определенном виде бизнеса, характеризующихся общностью направлений деятельности и дополняющих друг друга. Кластеры позволяют оптимизировать межфирменные контакты, наладить эффективную кооперацию, согласовывать планы бизнес-субъектов организаций, осуществляющих различные виды экономической деятельности. Одновременно кластеры выступают и как форум, в рамках которого ведется диалог между деловыми, правительственными и научными кругами о путях развития конкурентных преимуществ в рамках региона, страны. Таким образом, кластер является новой формой сетевой организации межфирменного взаимодействия, позволяющей быстро, инновационно адаптировать внутренние структуры и внешние взаимосвязи к быстро меняющейся внешней среде.

Сущность понятия «кластер» состоит в объединении отдельных элементов (составных частиц) в единое целое для выполнения определенной функции или реализации определенной цели. Это же значение вкладывается и в экономическое содержание данного слова. Кластеры охватывают значительное количество разного рода предпринимательских структур, важных для конкурентной борьбы, а именно: поставщиков специального оснащения, новых технологий, услуг, инфраструктуры, сырья, дополнительных продуктов и т. п. Кроме того, «...много кластеров включают

органы власти и прочие учреждения, такие как университеты, центры стандартизации, торговые ассоциации, которые обеспечивают образование, специализированное переобучение, информацию, исследования и техническую поддержку».

Для создания кластера как жизнеспособной, самодостаточной, успешной и эффективной организации необходимо наличие пяти основных условий (рис. 1).



Рис. 2.1. Необходимые условия создания кластеров
1. (концепция «5И» М. Войнаренко)

Инициатива – инициативные и влиятельные люди из числа предпринимателей, структур власти, общественных организаций, учебных заведений и научных организаций, способные своим авторитетом, организаторскими способностями и знаниями сплотить, заинтересовать и на деле доказать полезность кластеров как для самих их членов, так и для региона.

Инновации – новые технологии в организации производства, сбыта, управления, финансирования, способные открыть новые возможности в конкурентной борьбе.

Информация – через взаимодействие головной организации с организациями-участниками вырабатывается новая информация, которая становится движущей силой деловой активности. Формируется единое информационное пространство.

Инвестиции – участие в новых инвестиционных проектах. Опыт развитых стран свидетельствует, что кластеры привлекают гораздо больше инвестиций, чем отдельные компании.

Интеграция – производство и реализация комплектующих изделий, оборудования, инструмента, технологий, ноу-хау и других нематериальных активов, созданных по заказу головной организации предпринимательской сети, которые предназначены для изготовления конкурентной продукции и не могут быть реализованы на свободном рынке для широкого потребителя.

Интерес – обеспечивает основное условие жизнедеятельности предпринимательской или общественной структуры, предполагающей наличие заинтересованности участников кластерных объединений и получение ими определенной экономической выгоды.

Кластеры можно идентифицировать как группу компаний-участников того или иного рынка, объединившихся на основе долгосрочных контрактов, для

эффективного использования ресурсов и специфических преимуществ для совместной реализации предпринимательских проектов. Используя преимущественно горизонтальные связи, специализацию и дополняя друг друга, они получают возможность для достижения более высоких результатов.

Таким образом, кластеры следует рассматривать как новый способ агрегированного использования преимуществ отраслевого расположения организаций и возможностей регионального управления. Кластеры ориентированы на экономический успех территории, на которой они расположены. Как и органы власти, отвечающие за развитие региона, они могут обеспечить привлечение дополнительных инвестиций, активизацию инновационных процессов в агропромышленного производства , а также решение многих социальных проблем.

АГРОСЕРВИС СОХАСИДА ИНФРАТУЗИЛМА СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Касимова Ю.МИ-115 гурух магистратура талабаси

Аннотация: *Мазкур мақолада чорвачилик тармоғига агросервис хизматларини кўрсатувчи инфратузилма субъектларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилиниб, рақобат шароитида уларни такомиллаштириб бориш бўйича асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Annomation:*The factors that affect to the development of the infrastructure subjects which provide the agroservice on the sphere of animal husbandry have been analyzed in the article as well as the offers and the recommendations have been worked out on enhancing them in the process of competition.*

Аннотация: *В данной статье проанализированы факторы, влияющие на развитие субъектов инфраструктуры, оказывающих агросервисные услуги в животноводческой отрасли, а также разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию их в условиях конкуренции.*

Калит сузлар: *фермер хўжалиги, чорвачилик, агросервис, хизмат кўрсатиш, барқарор, рақобат.*

Юртимизни модернизация қилиш шароитида қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва қишлоқни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳамда тармоқнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта роль ўйнамоқда. Биз ўтган йилнинг бошида 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастурини тасдиқладик. 2013 йилда хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маиший комплекслар, минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди”. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан ҳисобланган чорвачиликда ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар кўрилиб, жумладан, чорвачилик маҳсулотларига давлат буюртмасининг бекор қилиниши ва эркин бозор нархларининг жорий этилиши ҳамда чорвачилик фермаларининг хусусийлаштирилиши, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларни наслдор чорва

моллари билан таъминлаш, турли йўналишдаги агросервис хизматлари кўрсатишни ривожлантириш масалалари билан бир қаторда кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга қорамоллар берилиши натижасида соҳанинг барқарор ривожланиши учун муҳим асос яратилди.

Илмий манбаларга кўра, “иқтисодиёти ривожланган юртларда яшовчи тахминан 20 фоиз жаҳон аҳолиси 1 кунда 100 гр.дан кўпроқ, иқтисодиёти кучсиз мамлакатларнинг аҳолиси эса 10-25 гр. чорва оқсили истеъмол қиладилар”.

Бироқ, чорвачиликда шаклланган ва фаолият юритаётган агросервис хизматлари объектларининг ривожланишида агросервис хизматлари бозорини институционал асосларини номукаммаллиги, қишлоқ хўжалигида чорвачиликнинг ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш натижасида уларни хизмат турларига миқдор ва сифат жиҳатдан номутаносибликларнинг мавжудлиги, жалб этилаётган инвестициялар миқдорининг камлиги боис моддий-техника базасини юқори эмаслиги, фаолиятидаги ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлган камчиликлар, малакали мутахассислар билан таъминланганлигининг паст даражаси, агросервис хизматлари субъектлари ўртасида рақобат муҳитини шаклланмаганлиги ва агросервис хизматини ташкил этиш ва ривожлантиришни самарадорлигини оширишнинг илмий асосланган методологиясини ишлаб чиқилмаганлиги асосий тўсиқ бўлмоқда.

Таҳлилларга кўра, ҳозирда чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми (92-95 фоиз) деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган бўлиб, моллар зотдорлиги ва ирсий хусусиятлари республикада сут ҳамда гўшт маҳсулотларини кескин кўпайтириш имкониятини бермайди. Бу эса деҳқон хўжаликлари ихтиёрида парваришланаётган чорва моллари зотдорлигини ошириш устида иш олиб бориш заруратини келтириб чиқаради. Бунинг учун чорва моллари зотини яхшилаш ва аҳолига зотдор моллар етиштириб берадиган хўжаликлар тизимини яратишни талаб этади. Бунда қишлоқ жойларда зооветеринария агросервис хизматларини кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Агросервис хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиши чорвачилик тармоғида деҳқон ва фермер хўжаликлари, қайта ишлаш, савдо соҳаси корхоналари, маҳсулотларни тайёрловчи ташкилотлар ривожланиши учун ҳам шарт-шароитлар яратиб, уларнинг мақсадлари доирасига кириши орқали максимал фойда олиш, бутун бир тизимда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлар нобудгарчилигини камайтириш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари юқорилиги билан аҳамиятлидир.

Қ.Д.Мирзаевнинг фикрига кўра, “Чорвачилик маҳсулотлари бозори истеъмол моллари ва хизматлар бозори таркибига кириб, у республика миллий бозорининг муҳим қисми ҳисобланади. Ушбу бозор нафақат чорвачилик маҳсулотлари бозори, балки чорвачилик ва агросервис хизматлари бозори деб ҳам аталади”.

Бозор муносабатлари шароитида чорвачилик тармоғига агросервис хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш жараёни бевосита ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёни билан биргаликда олиб борилишигина кутилган натижани бериши мумкин. Бунда асосан қуйидаги масалаларни ўз ичига оладиган тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади:

– чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, ташиш ва қайта ишлаш ҳамда сотиш соҳаларини ривожлантириш мутаносиб равишда агросервис хизматлар кўрсатиш

соҳаларини ҳам кредитлаш, молиялаш тизимини такомиллаштириш билан биргаликда олиб борилиши лозим;

– чорвачилик хўжаликларига турли агросервис хизматлар кўрсатиш тизимини йўлга қўйишда, мутахассислар малакасини ошириш, хўжаликларда даромадлар шаклланиши тизимини иқтисодий рағбатлантириш масаласини ҳам кўзда тутиши зарур;

– чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш соҳаларини моддий-техник ресурслар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий техника ва технологиялар импортини рағбатлантириш бевосита агросервис хизматлар соҳасига ҳам бир пайтнинг ўзида амал қилиши керак;

– чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сифатини назорат қилиш соҳасида аграр фани ютуқлари ва илғор агротехнологияларни жорий этишни рағбатлантириш тадбирлари билан биргаликда, тармоққа турли агросервис хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни ҳам қамраб олувчи комплекс дастурларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи соҳа объектларини ривожлантириш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш нафақат тадбиркорлик субъектларининг муаммолари, балки давлатнинг ҳимоясида амалга оширилиши лозим. Чунки қишлоқ хўжалиги тармоғи каби тармоққа агросервис хизмат кўрсатувчи тизим корхоналари ҳам доимий равишда давлатнинг кўмаги ва протекционизм сиёсатига муҳтожлик сезади.

Бунда давлат томонидан бозор муносабатлари талабларига мос ва қишлоқ ҳудудлари ҳамда тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи чора-тадбирларини амалга ошириш лозим бўлади. Жумладан:

–инфратузилма объектларининг барча чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар учун энг мақбул ҳудудий-географик жиҳатдан жойлаштириш зарурати ҳисобга олиниши;

–фаолият олиб бораётган агросервис хизмат кўрсатувчи субъектларнинг барқарорлигини таъмин этиш учун давлатнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий рағбатлантиришидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, ишлаб чиқариш инфратузилма объектлари учун имтиёзли кредитлар, солиқлар тизими ва бошқа шу каби иқтисодий ҳамда молиявий дастакларнинг мунтазам жорий этилиши.

– чорвачилик соҳасига хизмат қилувчи ишлаб чиқариш инфратузилма субъектларининг чуқур ихтисослашуви, хизматлар сифати ортиши ва баҳолари пасайишига замин яратишини ҳисобга оладиган бўлсак, хизматлар соҳасида эркин ва соғлом рақобатнинг пайдо бўлиши учун ҳуқуқий ва ташкилий асосларни яратиш талаб этилади.

Режалаштириш – бу инновацион фаолиятни бошқаришнинг махсус вазифаси, у ташқи ва ички муҳит омилларини таҳлил қилиш, ташкилот фаолиятини башоратлаш фирма стратегияларини амалга ошириш ва қўйилган мақсадга эришишни режалаштириш бўйича тадбирлар тизимини бошқаришдан ташкил топади. Режалаштириш жараёни ишларни бажариш муддатлари (қисқа муддатли, ўртача муддатли, узоқ муддатли), мақсадлар (стратегик ва оператив режалаштириш), объектлар (илмий-тадкикот ва тажриба – конструкторлик ишлар, ишлаб чиқаришлари, таъминот, сотиш ва ҳ.к. режалаштириш), ишлаб чиқариш омиллари (ускунани модернизациялаш, технологияни такомиллаштириш, асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, хом ашё ва материаллар билан таъминлаш ва ҳ.к.) бўйича бўлинади.

Режалаштириш жараёни қуйидагиларнинг таҳлилидан ташкил топади:

- ✓ ташқи ва ички муҳит омиллари;
- ✓ ишлаб чиқариш имкониятлари ва ишлаб чиқариш аппаратининг ҳолати;
- ✓ илмий-тадкикот ва тажриба – конструкторлик ишлар, янги технологиялар, маҳсулотнинг янги намуналари;
- ✓ молиявий ҳолат ва молиявий имкониятлар ва бошқалар.

Кейинги босқич қуйидаги йўналишлар бўйича тадбирлар режаларининг ҳолатидан иборат:

- ➢ янгиликлар ғояларини ишлаб чиқиш бўйича илмий – тадқиқот ишлари, лаборатория тадқиқотларини ўтказиш, янги маҳсулотнинг лаборатория намуналари, янги техника ва янги буюмларининг турларини ишлаб чиқиш;
- ➢ тажриба конструкторлик ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш;
- ➢ маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқиш учун хом ашё ва материалларнинг зарур турларини танлаб олиш;
- ➢ янги маҳсулотни тайёрлашнинг технологик жараёнларини ишлаб чиқиш;
- ➢ янги меҳнат қуроллари (машиналар, механизмлар, асбоблар, ускуналар ва ҳ.к.)ни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш;
- ➢ ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш ва янги техника ва технологияларни тадбиқ этиш;
- ➢ янги ташкилий тузилмалар ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

- керакли ахборот қурилмалари ва ресурсларини харид қилиш ва қўллаш;
- инновацион фаолият учун ходимларни тайёрлаш, ўқитиш, ихтисосини ўзгартириш ва танлаб олишнинг махсус усулларидан фойдаланиш;
- маркетинг тадбирларини ташкил қилиш, сотиш каналларини шакллантириш ва янгиликларда бозорда жойлаштириш.

Режалаштиришнинг кейинги босқичи режаларни ходимларга етказиш ва режаларни амалга ошириш учун сифатларни ташкил қилишдан иборатдир.

Янада янгиланишнинг резервларини қидириб топиш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш режалаштиришнинг ажралмас қисми бўлади. Ташкилотни ўсиши ва ривожланишини башорат қилиш жараёни ўз ичига ташкилотни узоқ истиқболда стратегик кўришни олади. Ишлаб чиқаришни ўсиши ва янгиланишини башорат қилишни янада ривожланиши ривожланишнинг муқобил вариантларини танлаш билан боғликдир. Бунда лойиҳали ва дастурли ёндашишлар қўлланилади. Илмий-тадкикот ва тажриба –конструкторлик ишлар, технологиялар, инвестициялар, ходимлар имкониятларини, ҳамда ресурсларни қидириш муаммоларини баҳолаш башоратлашнинг мажбурий босқичи бўлади.

Башоратлашда вазиятли ва имитацион (таҳлидли) моделлаштиришга асосланган миқдорий усуллар кенг қўлланилади.

Бозор иқтисодиётида режалаштириш жараёни кўрсатмали характерга эга эмас, аммо у кўпинча ривожланишнинг стратегиясини белгилаш, фаолият кўрсаткичлари тизимидан фойдаланишга имкон беради. Режалаштириш жараёни, инновацион фаолиятни бошқаришнинг марказий вазифаси бўлган ҳолда, ривожланиш устуворликларини танлашдан иборат бўлади.



Инновацион фаолиятни бошқаришдаги режалаштириш жараёни.

Ташкилотнинг бошқарув вазифаси сифатидаги асосий вазифаси инновацияларни тадбиқ этиш учун ташкилий тузилмаларни шакллантириш, корхонани ривожланиши стратегиясини амалга ошириш ва тадбирлар режаларини бажариш мақсадида ресурсларнинг барча турлари билан таъминлашдан иборатдир.

Янгиликларнинг яратишнинг мураккаблиги, ноаниқлиги, креатив характерлилиги ижрочилар ишини ташкил қилиш ва мувофиқлаштиришни инновацион менежментнинг вазифаларидан бири қилади. Ташкил қилиш жараёни ўз ичига менежмент тузилмаларини шакллантириш, моддий, энергетик, ахборот ва инновацион оқимларини ижрочилар ўртасида тақсимланиши олади. Маъсулият, хатар ва ваколатларни тақсимланиш бошқарув жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлади.

Бошқарув жараёнини ташкил қилишнинг вазифасига бошқарув жараёнларини лойиҳалаштириш, тадбирлар, усуллар ва йўллари унификациялаш (бир шаклга келтириш) туркумлаштириш ва стандартлаштириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ҳамда менежмент тизимчалари бўйича ахборотларни тақсимлаш киради. Ташкил қилишга ишлаб чиқаришни илмий-техник, технологик ва ташкилий даражасини ошиши киради. Менежментнинг олдида ишлаб чиқаришлар ва инновацион жараёнларга узлуксизлик уйғунлик чиқиндисизлик изчиллик ва паралеллик каби хусусиятларни бериш вазифаси туради.

Инновацион тизимларда ишлаб чиқаришнинг техник-ташкилий даражасини ошиши, илмий-техник даража, ташкил қилиш, технологиялар ва техника даражасининг интегралли кўрсаткичи менежернинг ҳақиқий муҳим вазифаси бўлади. Ташкил қилиш жараёни ишлаб чиқаришнинг ташкилий даражаси юқори кўрсаткичларига эришиш учун ишлаб чиқариш параметрлари ва омилларининг рационал бирлашувини таьминлаш зарур. Инновацион корхонанинг ривожланишининг стратегияси социотехник тизимлар барча ишлаб чиқаришни кўп илмни талаб қилишини ошиши фақат бу нарса ишлаб чиқаришнинг эгилувчанлиги, мослашувчанлиги, устуворлиги ва уйғунлиги билан боғлангандагина, фирманинг юқори рақобат афзаллиги ва қабул қилинаётган қарорларнинг иқтисодий самарадорлигини таьминлашини билдиради. Янгиликларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишга юқори ҳаражатлар, агар бошқарув қарорлари бир вақтда ташкилий тузилмаларни янгиланиши, технологик жадалликни ошиши ва меҳнат унумдорлигини кўпайишига қаратилган бўлса, ҳатто бошланғич босқичда фондни қайтарилиши ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини пасайтирмайди.

Ушбу нуқтаи назардан ташкил қилиш жараёни ўзаро ҳамкорликларни силлиқлаш. Ихтисослашишни чуқурлаштириш ва ишлаб чиқаришдаги кооперациялашиш тенденцияларини кучайтириш жараёни сифатида кўриб чиқилди. Ҳақиқатдан ҳам инновацион тизимларда менежер ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкилий лойиҳалаштириш. Илмий ишлаб чиқариш ва маркетинг бўлинмаларига мувофиқ ўзаро алоқаси, мақсадли иҳтисослаштиришни моделлаштириш билан шуғулланади. Иҳтисослашишнинг аниқ шакллари (предметли, деталлар бўйича ёки технологик)ни танлашни инновацион корхона бўлинмалари ва хизматларининг аниқ ўзаро алоқасиз йўлга қўйиб бўлмайди.

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

Утелбаев.А.У ТошДАУ “Қишлоқ хўжалигида менежмент”кафедраси ассистенти.

Аннотация: *Ушбу мақолада ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида республикамизни стратегик ривожлантиришга қаратилган масалалар, инновацион корхоналар фаолиятининг объектлари, инновацияларни ташкил қилишнинг асосий жиҳатлари келтирилган.*

В данной статье рассматриваются текущие стратегические вопросы развития рыночной экономики, инноваций в областях инновационных предприятий, основные аспекты организации.

This article examines the current strategic issues of developing a market economy, innovations in the areas of innovative enterprises, the main aspects of the organization.

Калит сўзлар: *Инфратузилма, ҳаракатлар стратегияси, инновация, илмий тадқиқот ва ишланмалар.*

Ключевые слова: *Инфраструктура, стратегия инновации, а также исследований и разработок.*

Key words: *Infrastructure, innovation strategy, and also research and development.*

Республикамиз аграр секторида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири бу мустақил фаолият кўрсатиш учун мустаҳкам ҳуқуқий, иқтисодий шароит яратиш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат мулки монополиясига барҳам бериш, ҳақиқий ер эгаларининг яъни мустақил хўжалик юритувчи субъектлар (фермер ва деҳқон хўжаликлари) фаолиятини барқарор ривожлантириш ва уларни иқтисодий самарадорлигини оширишда хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар, хусусан (ветеринария хизмати, банк, консалтинг, лизинг хизматлари, техник сервис ва таъмирлаш, биржа хизмати, селекция уруғчилик, агрокимё, транспорт хизматлари ва бошқа агросервислар хизмати) кабиларни ташкил этиш ва бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ривожлантиришни талаб этмоқда. Чунки хизмат кўрсатувчи соҳаларни самарали ташкил этмасдан, аграр соҳалар билан инфратузилмалар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштирмасдан туриб турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини жадал ривожлантириб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан белгилаб берилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг этакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” [29]да қуйидагилар белгилаб берилган:

- миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

[29] Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши 14.02.2017 йилдаги Ф-4849-сон, кучга кириш санаси 20.02.2017
Манба: ЎР ҚҲТ, 2017 й., 7-сон, 88-модда

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмадаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш;
- саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш;
- иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулотлар ва хизматлар кўрсатиш бозорларида монополияни босқичма босқич камайтириш;
- принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технологиялар турларини чиқаришни ўзлаштириш, бунга асосан ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом этиш ҳамда энг аввало истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;
- иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;
- эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарни ташкил этиш, амалдаги зоналарнинг самарадорлигини ошириш;
- *хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини энг аввало хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;*
- экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспортнинг тузилмаси ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;
- йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳага, бошқариш тизимига информацион-коммуникацион технологияларни жорий этиш.

Иқтисодий ривожланишни инновацион йўналтирилганлиги, технологик янгилинишнинг ўсиб бораётган зарурияти инновацион фаолиятда ташкил қилиш тамойиллари ва таркибий-ташкилий ўзаро алоқаларга аниқ ва мос келишнинг муҳимлигини таъкидлайди. Гап инновацион импульсларни иқтисодий ҳақиқатга киритишнинг мувофиқ йўлларини қидириб топиш ҳақида кетмоқда. Тушунарлики, инновацион ўзгаришларни кенгайиб боргани сари инновацион ривожланишнинг вазифавий – элементар базасини илмий асосланган шаклланиши талаб қилинади.

Инновацияларни ташкил қилиш ўз ичига учта асосий жиҳатларни олади:

- инновацион фаолиятнинг янгиликларини ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва ишлаб чиқаришни биргаликда амалга оширувчи одамларнинг бирлашмаси бўлган субъектни;

- ташкилотнинг инновацион фаолиятдаги зарурий вазифаларни бажаришга қаратилган жараёнлари ва ҳаракатларининг мажмуасини;
- тизимни ички тартибга солинганлиги ва унинг элементлари тизимчалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни такомиллашувини таъминловчи тузилмаларни.

Ушбу нуқтаи назардан инновацияларни ташкил қилишни инновацион фаолиятни тартибга солиш жараёни сифатида, субъект, фирма, институт, инновацион корхона сифатида, бўлинмаларнинг таркиби ва ўрнини белгилаб берувчи, ҳамда инновацион фаолиятда амалга ошириладиган шакллар, усуллар, жараёнлар тадбирларини тартибга солувчи ташкилий тузилмалар сифатида тушуниш керак.

Ташкилот фирма нуқтаи назаридан одамларнинг бирлашмаси ёки инновацияларни амалга ошириш бўйича ишларни бажариш ҳақидаги уларнинг келишуви сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Турли хилдаги элементли ва турли ўлчамлардаги фирмалар, компаниялар, ассоциациялар, Олий ўқув юртлари, илмий институтлар, техполислар, технопарклар ва ҳ.к. инновацион фаолиятининг субъектлари бўладилар. Бу барча ташкилотлар ишлаб чиқаришни ҳақиқий янгиланишини амалга оширувчи асосий манбалар ва хўжалик юритувчи субъектлар бўладилар. Яшаш даврасининг "ўзининг" босқичи билан яқиндан боғланган махсус инновацион бизнесни пайдо бўлиши вақтнинг тақазоси бўлади.

Масалан, инновацион корхоналар ва ташкилотлар фундаментал тадқиқотлар (академик ва Олий ўқув юртлари сектори ва илмий тадқиқот институтлари (амалий илмий тадқиқотлар ва ишламалар)га ихтисослашишлари мумкин, булар илмий инновацион корхоналар, Олий ўқув юртлари, кичик тадбиркорлик субъектлари, илмий-техник мажмуалар ва бирлашмалар бўлишлари мумкин. Тажрибавий намуналарни яратиш ва тадбиқ этиш босқичи билан ҳам тадбиркорлик тузилмалари ва ҳам илмий-тадкикот ва тажриба – конструкторлик ишларнинг ривожланган базасига эга фирмалар, институтлар ва корпорациялар боғланганлар. Амалий илмий-тадкикот ва тажриба – конструкторлик ишлар базасида инноватор-избосарлар базавий технологик, илмий-техник ва маҳсулотли янгиликларни яратадилар.

Илмий-техник ва маҳсулотли янгиликларни тадбиқ этиш ва ишлаб чиқариш билан, қоидаги кўра, яхши ресурс базаси, малакали ходимлар, бозордаги белгиланган ўринларга эга йирик фирмалар шуғулланадилар. Тадқиқотчилар фирманинг ўлчамини кашфиётлар сони билан боғламасалар ҳам, Ғарбий Европада инновацион ривожланишнинг катта тажрибаси тўпланган. Аммо Франция ва Буюк Британияда шундай фикр тарқалганки, илмий ишлаб чиқишлар босқичида академик ва олий ўқув юртлари сектори ва кичик фирмалар асосий ролни ўйнайдилар.

Тажрибали ишлаб чиқариш, маркетинг ва сотиш босқичида турли кўламли бизнес илгарига чиқади, шунинг билан бир вақтда янгиликларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш йирик ва ўрта корхоналар ва саноат компанияларида амалга оширилади.

Инновацион фаолиятда вужудга келган меҳнатни иқтисодий тақсимланишининг турига мувофиқ кичик ва ўрта кўламдаги корхоналарнинг кўпчилиги ярим фабрикатлар, бутловчиларни ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган, ҳамда асосий бизнесни таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш вазифасини бажарувчи йирик фирмаларнинг субпудратчилари бўладилар.

Янгиликларни яшаш даражасининг ўз босқичига бош фирмадан куртаклаб чиққан (“спин. офат”) деб аталувчи, илмий-техник янгиликларни мустақил равишда ишлаб чиқувчи бўлинмалар ҳам хизмат кўрсатадилар. Инновацион корхоналар яна улар фаолиятининг объекти бўлган инновацияларнинг устувор турига кўра ҳам фарқланадилар. Масалан, улар қуйидаги синфларга бўлинадилар:

- янги илмий кашфиётлар, қўллашнинг янги усуллари ва пионерли (биринчи) кашфиётларни мўлжалловчи етакчи инноваторлар;
- олдин қилинган кашфиётлар асосидан тубдан янги жараёнлар ва маҳсулотларни яратувчи етакчи инноваторлар;
- эски усул асосида базавий инновацияларни яратувчи инноваторлар;
- янгиликни ишлаб чиқарувчи, модернизацияловчи ва рационаллаштирувчи инноваторлар;
- олдинги маҳсулотлар ва технологияларни ўринни босувчи янгиликни яратувчи инноваторлар;
- янгиликларни сотишлар ва маркетингга ихтисослашувчи инноваторлар;
- янги бозорлардаги талабни қаноатлантирувчи инновацияларни яратувчи инноваторлар;
- халқ хўжалигининг ҳар хил соҳаларида янгиликларнинг диффузияси, тарқатилиши ва кўпайтирилиши билан шуғулланувчи инноваторлар.

Хизматлар соҳаси билан боғлиқ инновацион корхоналар ҳам ишлаб чиқарилаётган инновацияларнинг янгилиги даражаси (тубдан янгилар, нисбатан, қисман, маҳаллий янгилик ёки имитацияга эгалар) мувофиқ ихтисослашадилар.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

А.Ҳазратов “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси
Камолов Ф.ИК-515 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада хизматлар соҳасида транспорт хизматларининг ўрни, ҳолати ва хизмат соҳасидаги улушини ошириш учун тавсиялар келтирилган.*

Калит сўзлари: *иқтисодиёт, хизмат, сервис, бизнес, тадбиркор, бизнесмен, тадбиркорлик, инфратузилма, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа, маиший хизмат.*

Аннотация: *В данной статье рассматривается роль услуг в сфере транспортных услуг, а также увеличить долю услуг в области рекомендаций.*

Ключевые слова:*услуги, экономика,бизнес,сервис, предпринимательство, нфраструктура, торговля, связь, общественное питание.*

Annotation: *This article discusses the role of services in the field of transport services, and to increase the share of services in the field of recommendations.*

Keywords:*economy, services, business, infrastructure, trade, connection, public catering.*

Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда иқтисодиётни тубдан яхшилаш ва уни модернизациялашда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида барча соҳаларда амалгаоширилаётган ислоҳотларнинг изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига тўлиқ ва аниқ жавоб бериши алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг самараси

бугунги кунда мамлактимиз иқтисодиётида чуқур таркибий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва саноат ҳамда етакчи тармоқларни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш замирида намоён бўлмоқда. Қолаверса, бу ислоҳотларни амалга ошириш замирида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, маърифатли ёш авлодни тарбиялаш, амалга ошириб келинаётган кенг кўламли иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг муҳим шартидир.

Ҳудди шундай бугунги кунда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам катта эътибор берилмоқда, купгина датурлар ва қарорлар қабул қилинмоқда. Ушбу қабул қилинган дастурлар ва қарорлар натижасида соҳанинг яалпи ички маҳсулотдаги улуши кундан кунга ошиб бормоқда. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида транспорт хизматларининг ҳам ўрни катта.

Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб транспорт соҳасини ривожлантириш, аҳолига маданиятли ва сифатли транспорт хизмати кўрсатиш даражасини юксалтириш, тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва халқимиз ҳаёти фаровонлигининг янада яхшиланиши йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг самарадорлиги республикамизда автомобил саноати ривожланиши, транспорт воситалари кескин кўпайиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Замонавий талаблар даражасидаги динамик ва тезлик хусусиятлари юқори бўлган транспорт воситаларининг сони ва йўлларда ҳаракат жадаллиги йил сайин ўсиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлиғи, мол-мулкини ҳимоя қилиш юзасидан самарали тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

Бугун республикамиз кўчаларида ҳар жиҳатдан кўркам, замонавий, қулай автоуловлар фуқароларга хизмат кўрсатмоқда. Йўловчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, транспортвоситаларида малакали ҳайдовчилар томонидан йўловчиларни ўз манзилига хотиржам етиб олиши таъминланмоқда.

Транспорт (лот.транспорто- ташийман) – ижтимоий моддий ишлаб чиқариш тармоғи, юкларни ва йўловчиларни биржойдан иккинчи жойга элитишни, мамлакат, вилоятватуманларни , корхоналарни, халқ хўжалиги тармоқлари ўртасида , шунингдек мамлакат ичида айирбошлаш ва алоқани таъминлайди.

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин транспортнинг халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат кўрсатишини тубдан яхшилаш ва транспорт хизматларини тизимини бошқаришни такомиллаштириш мақсадларида“ Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси (1992-й.28-январ), “Ўзбекистон автомобил транспорти” давлата ксиадорлик корпарацияси (1993-Й.8-январ), “Ўзбекистон темирйўллари” давлат аксиадорлик компанияси (1994-й.7-ноябр) ва бошқа идоралар ташкил етилди. Мамлакатимизда транспорт корхоналари давлат иштирокидаги аксиадорлик, очиқ турдаги аксиадорлик, маъсулияти чекланган жамиятларга, жамоа корхоналарига айлантирилди.

Мамлакатимизда умумий фойдаланиладиган юк ва йўловчилар ташувчи транспортларнинг барча тури – темирйўл, автомобил, авиация, шахар

електртранспорти (трамвай, троллейбус, метрополитен), дарё транспорти, қувир йўллари транспорти ривожланган ва ривожланмоқда.

Республикамизнинг Транспорт тизимитемирйўл ,автомобилйўллари, замонавий ускуналар билан жихозланган темир йўл вокзаллари, бекатлари, юкомборлари, пристанлар, ҳаво флотининг йирик аэропортларива б. Инфратузилма бўлимларини қамрайдиган халқхўжалиги комплексларини ташкил етади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб туриБдики транспорт соҳасини ривожлантиришга мамлакатимиз миқиёсида ката эътибор қаратилган екан. Автомобил йўлларнинг таъмирланиши ва узайтирилиши, аэрофлотимизга 2016-2020-йиллар ичида 4 та “дреам лайнеръни олиб келиниши, темир йўл тизимида “Афросиёб” замонавий тез юрар поэздининг машрутлари узайтирилиши, яангидан янги хизматларнинг таклиф етилаётгани бунга яққол мисол бўла олади.

Шундай екан биз еришилган ютуқлар билан чекланиб қолмай янада янги ютуқларга эришишга ҳаракат қилишимиз лозим.

2016 йил январь-сентябрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 1881,4 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 656,3 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 34,9 фоизини ташкил қилди. 2015 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш 115,4 фоизни ташкил этди.

2016 йил январь-сентябрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми

	млрд. сўм	2015 йил январь-сентябрганисбатанфоиз ҳисобида	якунганисбатанфоиз ҳисобида
Жамихизматлар	**1881,4**	**115,4**	**100,0**
Шу жумладанхизматтурларибўйича:			
алоқаваахборотлаштиришхизмати	161,4	114,3	8,6
молиявийхизматлар	214,9	123,2	11,4
транспорт хизмати	454,7	115,8	24,2
шу жумладан автотранспорт хизматлари	428,6	115,5	22,8
яшашваовқатланишхизматлари	38,9	105,1	2,1
савдохизматлари	548,4	112,0	29,1
кўчмасмулкбиланбоғлиқбўлганхизматлар	76,5	118,6	4,1
таълимсоҳасидагихизматлар	70,7	119,0	3,8
соғлиқнисақлашсоҳасидагихизматлар	28,7	113,4	1,5

	млрд. сўм	2015 йил январь-сентябрганисбатанфоиз ҳисобида	якунганисбатанфоиз ҳисобида
ижарава прокат хизматлари	50,9	119,0	2,7
компьютерларнивамаишийтоварларнитаъмирлашхизматлари	78,2	116,4	4,2
бошқашахсийхизматлар	88,1	119,5	4,7
меъморчилик, мухандисликизланишлари, техник синовлар ватаҳлилсоҳасидагихизматлар	16,7	115,7	0,9
бошқатурдагихизматлар	53,1	109,8	2,8

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш молиявий (11,4 фоиз), транспорт (24,2 фоиз), ва савдо (29,1 фоиз) хизматларига тўғри келди.

Бир сўз билан айтганда, юртимиз иқтисодиётининг қон томирлари саналган транспорт инфратузилмасини замон талаблари даражасида ташкил қилиш, аҳолига бу борада юқори сифатли сервис хизмати кўрсатиш борасида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда иш юритишни ўзларининг шарафли бурчи деб билиши, қувонарлидир.

10 январь куни “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди. Ҳужжат матни ЎзАда эълон қилинди.

Қарорга биноан республикада автомобиль транспортида йўловчилар ташишни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб:

- ҳаракатдаги таркибни замонавий, қулай автобуслар ва микроавтобуслар билан янгилаш, йўналишларни оқилона ташкил этиш ва кенгайтириш, йўл қопламаларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда яхшилаш ҳисобига аҳолининг автомобилларда ташувларга бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқ қондиришни таъминлаш;
- йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирларини кучайтириш, йўналишлар бўйича ҳаракатланиш жадвалларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражасини ошириш, йўловчилар ташиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш, йўлкира ҳақи учун нақд пулсиз тўлов тизимини жорий этиш;
- автобуслар ва микроавтобуслардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, автомобиль транспорти корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш;
- йўловчилар ташишни бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш белгиланди.

2017-2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) тасдиқланиб, унга мувофиқ йўловчилар ташийдиган янги автобус йўналишларини ташкил, янги автобуслар ва микроавтобуслар сотиб олиш, автовокзаллар ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш тадбирлари амалга оширилади.

O'ZBEKISTONDA XIZMAT KO'RSATISH SOHASI INNOVATSION RIVOJLANISHINING NAZARIY ASOSLARI

Z.S.Artikov "Iqtisodiyot" kafedrasi o'qituvchisi
H.Shahriyorov IK-314 guruh talabasi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada xizmat ko'rsatish sohasi innovatsion rivojlanishining nazariy masalalari yoritilgan. Undan tashqari yurtimizda xizmat ko'rsatish sohasi qay darajada rivojlanayotganligi va uning holati yoritib berilgan.*

Kalit so'zlar: *Innovatsiya, ximat, xizmat ko'rsatish, bank xizmatlari, sug'urta xizmatlari, lizing xizmatlari.*

Annotation: *This article clarifies theoretical issues of innovative development of service sector. Furthermore, it provides information about how this sphere is well developed and shows its state.*

Key words: *Innovation, service, providing service, banking services, insurance services, leasing services.*

Аннотация: *Это статья разъясняет теоретические вопросы прогрессивной разработки сектора услуги. Кроме того, это статья обеспечивает информацию о том, как в нащей стране развивается сфера услуг и показывает его достижение.*

Ключевые слова*: Новшество, услуга, обеспечение обслуживания, банковские услуги, страховые услуги, лизинг услуги.*

Jamiyatimiz tez sur'atlar bilan rivojlanmoqda. Jamiyatimizning rivojlanishida har bir sohada, tarmoqda bo'layotgan tarkibiy o'zgarishlar, kiritilayotgan yangiliklar muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ushbu maqolani yoritishdan avval biz innovatsiya so'ziga biroz ma'lumot berib o'tamiz. O'zbek tilining izohli lug'atida innovatsiya so'ziga quyidagicha ta'rif berilgan. Unda "innovatsiya" atamasi ingliztilidagi "innovation" so'zidan olingan bo'lib, kiritilgan yangilik, ixtiro[30], degan ma'nolarni anglatishi qayd qilingan.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida rivojlanishning bosqichma-bosqich o'tish davrida davlatning ilmiy texnika siyosati mohiyati shuki, u respublika ichki talabini tez qondiradigan, jahon bozorida raqobatbardosh bo'la oladigan, iqtisodiyot tarmoqlarini tubdan yangilanishiga imkon beradigan ilmiy va texnologik tadqiqotlarga ko'maklashishdan iboratdir. O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A.Karimov "O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari" kitobida "O'zbekiston innovatsion rivojlanish turining hozirgi zamon modeliga o'tish uchun hamma zarur sharoitlarga ega. Bu model vujudga keltirilgan ilmiy-texnikaviy salohiyatdan keng va samarali foydalanishga, fundamental va amaliy fanning yutuqlarini, chuqur ilm talab qiladigan texnologiyalarni amaliyotga keng joriy etishga, yuqori malakali, iqtidorli ilmiy kadrlar sonini

[30]O'zbek tilining izohli lug'ati: 80000 danortiqso'zvaso'zbirikmasi. Ж.II. E-M. – T.: "O'zbekistonmilliyensiklopediyasi" DIN, 2006. – 213-bet.

ko’paytirishga asoslanadi. Bu mamlakatimiz jahondagi iqtisodiyoti va sanoati rivojlangan davlatlar qatoriga kirib borishining zarur sharti va mustahkam poydevori bo’lib xizmat qiladi”[31] deb ta’kidlagan edi. Darhaqiqat XXI asr boshida shu narsa ma’lum bo’ldiki, ilmiy-texnik rivojlanish darajasi va innovatsion muhit (ilm-fan, ta’lim, yangi texnologiyalarning mahalliy va jahon bozorlari) barqaror iqtisodiy o’sishga asos bo’lishi mumkin ekan. Yurtboshimiz mamlakatimizdagi innovatsion o’zgarishlarga e’tibor qilib, “...ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnik yangilash va diversifikatsiya qilish, innovatsion texnologiyalarni keng joriy etish– O’zbekiston uchun inqirozni bartaraf etish va jahon bozorida yangi marralarga chiqishning ishonchli yo’lidir”[32] deb, respublikamizda bugungi kunda amalga oshirilishi zarur bo’lgan masalalar, jahon moliyaviy inqirozi, uning ta’siri va salbiy oqibatlari, yuzaga kelayotgan vaziyatdan chiqish yo’llari haqida to’xtalib, ishlab chiqarish va xizmat ko’rsatish sohalarini samarali faoliyat yuritilishi zarurligini ta’kidladi.

Bugungi kunda mamlakatimizda, ayniqsa, qishloqlarda servis va xizmat ko‘rsatish sohasiga inovatsiyani joriy etish nafaqat yangi ish o‘rinlari tashkil etish, balki hududlar infratuzilmasini takomillashtirishga ham xizmat qilmoqda. Shuningdek, hukumatimiz tomonidan iqtisodiyotimizning lokomativiga aylanib ulgurgan kichik biznes, oilaviy tadbirkorlik va fermerlik harakatining rivoji uchun qulay ishbilarmonlik muhitni yaratish, qo‘shimcha imtiyozlar va preferensiyalar ajratish, tadbirkorlik sub’ektlarini huquqiy himoya qilish maqsadida keng ko‘lamli ishlar amlga oshirilmoqda. Qolaversa, zamonaviy bilim va malakaga ega bo‘lgan izlanuvchan tadbirkorlar tomonidan bildirilayotgan takliflar va hayotga tadbiq etilayotgan yangiliklar soha rivoji uchun muhim ahamiyat kasb etmoqda. Iqtisodiyotimizni tarkibiy o‘zgartirish va diversifikatsiya qilishni chuqurlashtirish, bandlikni ta’minlash, odamlarimizning daromadi va hayot sifatini oshirishning muhim omil va yo‘nalishlaridan biri tariqasida xizmat ko‘rsatish va servis sohasini jadal rivojlantirish borasidagi tizimli ishlar izchil davom ettirildi.

Prezidentimizning mamlakatimizni 2016 yildagi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlarini har tamonlama tahlil qilish hamda respublika hukumatining 2017 yil uchun iqtisodiy va ijtimoiy dasturi eng muhim yo‘nalishlari va ustuvor vazifalarini belgilashga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruzasida xizmat ko‘rsatish sohasiga alohida e’tibor qaratildi. Jumladan, 2016 yilda yalpi ichki mahsulot o‘sishining yarmidan ko‘pi xizmat ko‘rsatish sohasi hissasiga to‘g‘ri kelgani bu tarmoqning iqtisodiyotimizdagi o‘rni va ta’siri naqadar katta ekanini ko‘rsatadi. Bugungi kunda xizmat ko‘rsatish sohasining yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 2010 yildagi 49 foizdan 56,3 foizga yetdi. Jami band aholining yarmidan ko‘pi ushbu sohada mehnat qilmoqda.

Hududlar iqtisodiy salohiyatini yuksaltirish, ichki bozorni qo‘shimcha qiymatga ega mahsulotlar bilan to‘ldirish, eng muhimi, yangi savdo yo‘laklari ochishda erkin iqtisodiy zonalar muhim o‘rin tutadi. Shu bois mamlakatimizda ana shunday hududlar tashkil etishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Joylarda barpo etilgan «Navoiy», «Jizzax», «Angren» erkin iqtisodiy zonalari yuqori texnologiyali ishlab chiqarish quvvatlarini yo‘lga qo‘yish, hududlarda zamonaviy sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishni

[31]I.A.Karimov. “O’zbekiston XXI asr bo’sag’asida xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari “– T.: O’zbekiston, 1997 y..260-b..

[32] I.A.Karimov. “Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O’zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo’llari va choralari”.– T.: O’zbekiston, 2009. -14-b.

rag‘batlantirish, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etishni kengaytirishga salmoqli hissa qo‘shib kelmoqda.

Davlatimiz rahbarining 2017-yil 12-yanvardagi «Urgut», «G‘ijduvon», «Qo‘qon» va «Hazorasp» erkin iqtisodiy zonalarini tashkil etish to‘g‘risida»gi farmoni mamlakatimiz iqtisodiy salohiyatini yanada yuksaltirishda muhim qadam bo‘ldi. Mazkur erkin iqtisodiy zonalarning iqtisodiyotimiz rivojidagi ahamiyati va xizmatlar ko’rsatish sohasiga inovatsiyalarning muhimligi bundan tashqari tashkil etiladigan yangi ish o‘rinlari va tatbiq qilinadigan yangi loyihalar amalga joriy etish uchun katta yo’l ochib beradi.

Bank, sug‘urta, lizing, konsalting va boshqa turdagi bozor xizmatlari barqaror sur’atlar bilan rivojlanmoqda va bundan tashqari sohaga yangidan yangi inovatsion texnologiyalarni jalb qilish natijasida ish sifati va xizmat ko’satish tizimini takomillashtirishga olib keladi va bunga mutanosib tarzda xususiy sektor va kichik biznes rivojlanishiga turtki bo’ladi. Xizmat ko‘rsatish sohasida 80 ming 400 tadan ko’prog’I kichik biznes sub’ekti faoliyat yuritmoqda va bu xizmat ko‘rsatish sohasi korxonalari umumiy sonining 80 foizdan ortig‘ini tashkil qiladi.

Qishloq va tumanlarimizda xizmat ko‘rsatish sohasini izchil rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Qishloq joylarda xizmat ko‘rsatish va servis sohasini yanada jadal rivojlantirish dasturi doirasida so‘nggi uch yilda 23 mingdan ortiq loyiha amalga oshirildi, ko‘rsatilayotgan xizmatlar hajmi 1,8 barobar, qishloqda birkishiga to‘g‘ri keladigan xizmatlar hajmi 1,5 barobarga oshirildi.

Xulosa o’rnida shuni aytib o’tish lozimki hozirgi kunda yurtimizda xizmat ko’rsatish sohasiga alohida e’tibor qaratilmoqda. Yurtimizda xizmat ko’rsatish sohasini yanada rivojlantirish maqsadida innovatsion g’oyalar ishlab chiqilmoqda, innovatsion yarmarkalar tashkil etilmoqda. Kelajakda ximat ko’rsatish sohasida yaratilayotgan innovatsion g’oyalar asosida xizmat ko’rsatish sohasining YaIMdagi xajmi muntazam oshib boradi va davlatimiz yanada rivojlanadi.

II ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИНГ МАМЛАКАТ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.

З.М.Мухаммедова СамИСИ ўқитувчиси:
О.А.Ялгашев СамИСИ талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада Республикамизда яратилган инвеститция муҳитини яхшилаш ва инвеститция ҳажмини кўпайтириш йўллари акс эттирилган;*

Калит сўзлар: *Инвеститция, глобаллашув, интеграция, технология, импорт, капитал, диверсификация, стратегия, сармоя;*

Аннотация: *В данной статье показаны пути улучшения инвестиционного климата созданного в Республике и повышения объёма инвестиций.*

Ключевые слова: *Инвестиции, глобализация, интеграция, технология, импорт, капитал, диферсификация, стратегия, вложение;*

Annotation: *This article studied the ways of improving the investment climate shaped in the Republic and the possibilities to increasing the volume of investments.*

Key words: *Investments, globalization, integration, technology, import, capital, diversification, strategy, the attachment;*

Ўзбекистонда олиб борилаётган чуқур таркибий ислоҳотлар макроиқтисодий барқарорликка эришиш, жадал иқтисодий ўсиш ва халқ фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим шартларидан биридир. Бу жараёнларнинг тўхтовсиз амалга оширилиши республикамизни жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашувига олиб келади.

XXI аср бошида иқтисодиётнинг глобаллашуви омилларидан бири капиталнинг мамлакатлар ўртасида ҳаракатланишининг барқарор суръатларда ўсиши ҳисобланади. Товар ишлаб чиқаришнинг муҳим омилларидан ҳисобланган капиталнинг халқаро ҳаракати миллий иқтисодиёт чегараларидан чиқиб бошқа мамлакатларга кўчади. Шу тариқа капиталнинг четга чиқишини капиталнинг бир қисмини миллий айланмадан ажратиб олиш ва уни тегишли шаклларда хорижий мамлакатлар иқтисодиётига ўтказиш жараёни деб таърифлаш мумкин. Капиталнинг чиқиб кетиши замонавий жаҳон иқтисодиётига хос белги бўлиб, XXI аср бошида унинг динамикаси ўсиш суръатларидан юқори бўла бошлади.

Шу билан бир қаторда биз капитал ҳаракатининг кредит ва инвестиция турларининг бир биридан фарқини кўриб ўтамиз:

Инвестиция (инг. *investments*)- бу фойда олиш мақсадида капитални жойлаштириш. Инвестиция ҳозирги замановий иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Инвестициянинг кредитдан асосий фарқи бу инвестор риски ҳисобланади. Инвестиция қайтарилиш жараёни лойиҳанинг фойдалилик хусусиятидан келиб чиқади чунки лойиҳа самарали кўрсаткичларга эга бўлган ҳолда инвестиция миқдори ва унинг лойиҳа ҳисобидан орттирилган фойдадаги

улуши инвесторга қайтариб берилади. Кредит эса лойиҳа самарадорлигидан қатий назар кредиторга унинг маблағлари фоиз устамаси қўшилган ҳолда қайтарилади.

Халқаро капитал миграцияси капитални қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига турлича таъсир қилади. Қабул қилувчи мамлакат учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши қуйидаги афзалликларга эга:

-иқтисодий ва илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш;

-барқарор молиялаштириш манбаига эга бўлиш;

-ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш ва модернизациялаш;

-технологиялар, бошқарув кўникмалари, савдо белгилари, патентлар ва лицензияларнинг кириб келиши;

-экспортнинг диверсификациялашуви;

-қўшилган қиймат улуши юқори бўлган тармоқларда малакали ишчи кучи учун афзалликларнинг вужудга келиши;

-ташқи бозорлар билан алоқаларнинг кенгайиши;

-қабул қилувчи иқтисодиёт рақобатбардошлигининг ошиши;

-бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи кадрларни тайёрлаш.

Инвестицияларни жалб қилишнинг ҳам ўзига хос ижобий ва салбий томонлари мавжуд.

Капитални қабул қилувчи мамлакатлар учун ижобий томонларга қийидагилар хос:

-бошқариладиган капитал импорти мамлакат иқтисодий ўсишига ёрдам беради;

-жалб қилинган капитал қўшимча иш ўринларини яратади;

-хорижий капитал янги технологияларни олиб келади, самарали менежмент эса мамлакатда илмий-техника тараққиёти (ИТТ)ни тезлаштиради;

-капиталнинг кириб келиши реципиент мамлакат тўлов балансининг яхшиланишига олиб келади.

Ўз навбатида капитални жалб қилишнинг салбий оқибатлари ҳам қуйидагиларда акс эттирилади:

-хорижий капитал миллий капиталнинг ўрнини эгаллаб, уни фойда нормаси юқори тармоқлардан сиқиб чиқаради, натижада маълум шароитлар таъсирида мамлакат иқтисодиётининг бир томонлама ривожланиши ва унинг иқтисодий ҳолати хавф остида қолиши мумкин;

-капитал импорти кўпинча реципиент мамлакат бозорларида ўз хаётий циклини ўтаб бўлган товарларни ўтказиш билан боғлиқ, шунингдек, ишлаб чиқаришдан сифатсизлиги аниқланганлиги боис олиб ташланган товарлар билан боғлиқ бўлади;

-ссуда капитали импорти мамлакат ташқи қарзининг кўпайишига олиб келади;

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон капитални импорт қилувчи мамлакат сифатида жаҳон майдонига чиқмокда. Бу борада бир қатор миллий манфаатлар ҳисобга олинади. Кириб келаётган хорижий инвестициялар ҳозирча етишмаётган миллий ресурсларни тўлдириши, замонавий технологиялар, ускуналар, «ноу хау»ни олиб кириши, хорижий мутахассислар, эксперт ва консултантларни жалб қилиш туфайли маҳсулот сифати ва ишчи кучи малакасини ошириши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, қўшимча иш жойлари яратади, ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий кооперация туфайли

мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг тузилмавий инвестиция сиёсати қуйидагилардан иборат:

- Тузилмавий инвестиция сиёсати
- Ҳудудлар инвестиция сиёсати
- Корхоналар инвестиция сиёсати
- Тармоқлар инвестиция сиёсати

Ушбу инвестиция сиёсатидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб бораётган хорижий инвесторларга, хамда инвестицияни жалб қилган юридик шахсларга қонунда белгиланган тартибда қулайлик ва афзалликлар яратилган.

Республикамизда яратилган қулай инвестиция муҳити ҳақида сўз кетганда, биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини таъкидлашимиз лозим: “Бугун жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, нечоғлик катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кимгадир исбот қилиб беришга ҳожат йўқ. Бу авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш, бу охир – оқибатда республикамиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир”[33]. Бундан ташқари бир қатор қонун ҳужжатларини ёдга олишга тўғри келади. Хусусан, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» (30.04.1998 йилдаги 611-И-сон), «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (30.04.1998 йилдаги 609-И-сон) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президентимизнинг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида» (30.11.1996 йилдаги ПФ-1652-сон), «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (11.04.2005 йилдаги ПФ-3594-сон), «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (10.04.2012 йилдаги ПФ-4434-сон) фармонлари ва бошқа қонун ҳужжатлари республика минтақаларига хорижий сармояларни жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш, шу жумладан юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадларини кўзлайди[34]. Хорижий инвесторларга юқоридаги қонун ҳужжатлари қатори Солиқ кодексида ҳам бир қатор имтиёзлар белгиланган. Масалан, Кодекснинг 377-моддасида имтиёзларнинг қўлланилиши тартиби, 378-моддасида имтиёзларни қўллаш ва шу ўринда Солиқ кодексининг 59-боби «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар иштирокидаги солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари» деб номланади.

---

[33] Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. // Халқ сўзи, 2008 йил, 9 феврал.

[34] www.lex.uz// Ўзбекистон Республикаси интерактив портали

Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 2016 йил 12 февралда юборилган 479226-сон ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2016 йил 19 февралдаги ММ/04-01-32-14/140-сон мурожаатини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2454-сон Қарори 4-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони билан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга хорижий инвестор томонидан киритилган инвестициялар ҳажмига қараб юридик шахсларнинг фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш бўйича берилган имтиёзлар табақалаштирилган тарзда хорижий инвесторнинг улуши устав капиталининг 15 фоизидан 33 фоизигача миқдорни ташкил этадиган акциядорлик жамиятларига татбиқ этилиши назарда тутилган.

Республикамиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва инвестиция фаолиятини ривожлантириш, қулай инвестиция муҳитини барпо этишни талаб қилади.

Хусусан, республикамиз иқтисодиётида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 2016 йилга келиб, 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга ошиб, 16,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

– Бунда ўзлаштирилган инвестицияларнинг 53,3 фоизи корхона ва аҳолининг ўз маблағлари, 15,3 фоизи хорижий инвестициялар ва кредитлар, 10,3 фоизи тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарзлар, 4,5 фоизи давлат бюджети, 4,7 фоизи давлат мақсадли жамғармалари ҳамда 4,7 фоизи Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

– Ўз навбатида, иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳисобидан мутлақо янги, юқори технологияларга асосланган саноат тармоқлари, хусусан, нефть-кимё, кимё, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар изчил ривожланмоқда.

– Шунингдек, самарали инвестиция сиёсатининг муҳим бўғини сифатида республикамизда замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда. [35]

Яна шу нарсани алоҳида такидлаб ўтиш керакки, инвестиция муҳитининг соғлом ишлангани хорижий инвесторлар сонининг ва инвестиция ҳажмининг кескин суръатларда ошишига сабаб бўлмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар сонининг ортиши ва бу ҳудудларда ташкил этилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг мамлакат ЯИМ даги ҳиссанинг ортиши билан кўришимиз мумкин.

Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларимизни ишга солиб,

[35] www.cbu.uz// 2017 йилги Ўзбекистон Республикасининг монетар сиёсати

иқтисодиётимизга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини оширишимиз лозим. Инвеститция оқимининг ортиши тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида хам ўз аксини топган. Мамлакатимизда янги соҳаларни очиш ва ривожлантириш мамлакат аҳолисининг фаровон яшашига ва ташқи савдо алоқаларни мустаҳкамлашга ҳизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Латипова Ш.М. – СамИСИ ассистенти,
Гафурова Д.Ф. – СамИСИ МК-315 гуруҳ талабаси

Аннотация. *Мақолада лизинг хизматларининг мамлакат инвестицион сиёсатида тутган ўрни, лизинг хизматлари хажмининг ошиб боришига сабаб бўлган лизингнинг ўзига хос афзалликлари ва имкониятлари ўз аксини топган. Бундан ташқари, миллий лизинг хизматлари бозорида мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари ҳам келтирилган.*

Аннотация. *В статье показано место, занимаемое лизинговыми услугами в инвестиционной политике страны, особенные преимущества и возможности способствующие расширению объема лизинговых услуг. Кроме того, показаны пути преодоления проблем национального рынка лизинговых услуг.*

Annotation. *The article shows the place occupied by leasing services in the investment policy of the country, special advantages and opportunities contributing to the expansion of the volume of leasing services. In addition, the ways of overcoming the problems of the national market of leasing services are shown.*

Калит сўзлар: *лизинг хизматлари, лизинг компаниялари, иккиламчи лизинг бозори, лизинг активлари секьюритизацияси.*

Ключевые слова: *лизинговые услуги, лизинговые компании, вторичный рынок лизинговых услуг, секьюритизация лизинговых активов.*

Keywords: *leasing services, leasing companies, secondary market of leasing services, securitization of leasing assets.*

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, одамларимизнинг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва - йўналишларидан бири тариқасида хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги ишлар тизимли равишда изчил амалга оширилмоқда.

“2015 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатади. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан 54,5 фоизга етди. Банк, суғурта, лизинг, консалтинг ва бошқа турдаги бозор хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланмоқда, улар хусусий сектор ва кичик бизнес ривожига хизмат қилмоқда”[36]. Жумладан, замонавий банк хизматлари, лизинг, консалтинг, суғурта, аудит, инжиниринг каби замонавий хизмат турларининг

[36]Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. www.xs.uz

аҳамияти, унга бўлган қизиқишнинг ортиши баробарида, бу соҳаларнинг иқтисодий тараққиётда тутган ўрни, нуфузи юксалди.

Давлатимиз биринчи президентининг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган энг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида келтирилган фикрларига асосан етакчи тармоқларни модернизациялаш ва диверсификация қилиш сиёсатида молиявий лизинг соҳаси ҳам фаол иштирок этиши кутилмоқда. Қолаверса, И.А.Каримов ташаббуслари ва ғояларининг узвий бир қисми сифатида лизинг давлат миқёсидаги доимий эътибор ва ғамхўрлик туфайли муттасил ривожланиб, катта-кичик бизнес субъектларининг ҳамкори, муайян режаларининг маслаҳатчиси, умуман, иқтисодий янгиланишларнинг изчил амалиётчиси бўлиб танилмоқда.

Айтиш жоизки, лизинг хизмати инвестицион сиёсатнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланганлиги учун мамлакатимиз лизинг бозорида потенциал мижозлар сонининг йил сайин ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу эса республикамизда ҳам лизинг соҳасида бошқа давлатлар каби улкан салоҳиятнинг яратиб берилишини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Аммо лизинг бозорида келтирилган маълумотларга асосланиб эътироф этиш керакки, гарчи лизинг операцияларининг умумий ҳажми ва шартномалар сони йилдан-йилга ошаётган бўлсада, лизингнинг ЯИМ таркибидаги улуши камайиб бормоқда (1-жадвалга қаралсин).

1-жадвал

Лизинг орқали асосий капиталга киритилган инвестициялар[37]

Йиллар	**Лизингга берилган мулк қиймати, млрд.сўм**	**Асосий капиталга инвестицияларда лизинг улуши, %**	**ЯИМда лизинг улуши, %**	**ЯИМда лизинг портфели улуши, %**
2010	430,3	2,7	0,7	1,8
2011	484,5	2,7	0,6	1,6
2012	590,6	2,7	0,6	1,3
2013	805,2	2,8	0,7	1,3
2014	826,2	2,5	0,6	1,5
2015	851,2	2,3	0,5	1,4

Мамлакатимизда 2016 йилда лизинг хизматларини кўрсатувчи 126 та ташкилот рўйхатга олинган. Шу билан бирга, лизинг амалиёти билан 69 та ташкилот ҳамда 21 та тижорат банки (жами 90 та) фаол шуғулланган. Қолган лизинг берувчилар эса олдинги йилларда тузилган лизинг битимлари бўйича лизинг тўловларининг мониторинги ва уларни қоплаш билан шуғулланган. 2015 йил билан таққослайдиган бўлсак, бу кўрсаткичда ўзгариш кузатилмаган.

Ўтган йиллардаги каби 2016 йил якунларига кўра лизинг берувчилар ўртасида лизинг бозорининг тақсимланиш тенденцияси сақланиб қолган бўлиб, бозорнинг 65% лизинг компанияларига тегишли. Лизинг бозоридаги энг йирик лизинг

[37] www/ula.uz-Ўзбекистон лизингга берувчилар уюшмаси маълумотлари асосида тайёрланди.

компаниялари сифатида қуйидаги компаниялар эътироф этилган (2-жадвалга қаралсин).

2-жадвал

Ўзбекистон лизинг бозорида етакчилик қилаётган лизинг компаниялари рўйхати[38]

№	Лизинг компанияси	Лизинг шартномаларининг қиймати (млрд. сўм)
1	«O'zagrolizing» АЛК	273,7
2	«O'zavtosanoat-Leasing» МЧЖ ЛК	80,1
3	«Uzbek Leasing International A.O.» АЖ	74,7
4	«Taiba Leasing» МЧЖ ЧЭК	24,9
5	«O'zmeliomashlizing» ДЛК	20,5

Лизинг бозорида фаолликни қўлга киритган тижорат банклари эса қуйидаги 3-жадвалда ўз аксини топган (3-жадвалга қаралсин):

3-жадвал

Ўзбекистон лизинг бозорида етакчилик қилаётган тижорат банклари рўйхати[39]

№	Тижорат банки	Лизинг шартномаларининг қиймати (млрд. сўм)
1	«Kapital Bank» АТБ	117,9
2	«Asaka Bank » АТБ	54,9
3	«Qishloq Qurilish Bank» АТБ	36,1
4	«KDB Bank Uzbekistan » АТБ	27,8
5	«Hamkorbank» АТБ	26,9

Шу ўринда, лизинг операцияларининг ўсиш суръатига тўхталиб ўтсак (4-жадвалга қаралсин).

4-жадвал

Кўрсаткичлар	**2012**	**2013**	**2014**	**2015**	**2016**
Лизинг компаниялари номи					
-мулк қиймати, млрд. сўм	381,0	560,2	592,6	668,2	630,8

[38] www/ula.uz-Ўзбекистон лизингга берувчилар уюшмаси маълумотлари асосида тайёрланди.

[39] www/ula.uz-Ўзбекистон лизингга берувчилар уюшмаси маълумотлари асосида тайёрланди.

-улуши (%)	64,5	69,6	71,7	78,5	64,8
Банклар					
-мулк қиймати, млрд. сўм	209,6	244,9	233,6	183,0	342,3
-улуши (%)	35,5	30,4	28,3	21,5	35,2
Жами	**590,6**	**805,2**	**826,2**	**851,2**	**973,1**

Лизинг компаниялари томонидан амалга оширилган янги лизинг операцияларининг ўсиш суръати ўтган беш йил давомида 0,3 пунктга ошган. Аммо ўтган йил билан таққослайдиган бўлсак, бу кўрсаткич 13,7 пунктга пасайганлигини кўришимиз мумкин. Тижорат банклари томонидан амалга оширилган янги лизинг операцияларининг ўсиш суръати ҳам мос ҳолда ушбу кўрсаткичлардан келиб чиқиб ўзгарган.

Мамлакатимизда макроиқтисодий ҳолат ва бизнесни юритиш имкониятларининг яхшиланиши янги лизинг шартномаларининг ҳам ўсишига сабаб бўлди. Хусусан, лизинг берувчилар томонидан 5540 дан ортиқ янги лизинг битимлари тузилган, бунда уларнинг ҳажми 973,1 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этиб, 2015 йил билан солиштирганда 121,9 млрд сўмга ошган. 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида лизинг берувчилар томонидан 430,4 млрд. сўмлик лизинг битими тузилган бўлса, иккинчи ярим йилликда лизинг берувчилар фаоллашиб, ҳажмни 542,7 млрд. сўмга оширишди.

Мамлакатимиз молия бозорида лизинг хизматлари хажмининг бундай ошиб боришига асосий сабаб сифатида лизингнинг қуйидаги афзалликларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- лизинг хизмати ва у билан боғлиқ хизматлар кўламининг доимий кенгайиб бораётганлиги;
- лизинг жараёнига жалб этилаётган маблағнинг лизинг объекти кўринишидаги реал таъминотга эга эканлиги;
- лизинг жараёнида кўрсатилаётган хизмат сифатини ва ҳажмини ошириш хамда янги мижозларни жалб қилиш имкониятининг юқорилиги;
- асосий ишлаб чиқариш воситаларини янгилашга эҳтиёжи юқори бўлган мижозлар (хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар) билан сифат жиҳатидан янги ҳамкорлик муносабатларининг йўлга қўйилиши.

Хўжалик юритувчи субъект (лизингга олувчи)лар томонидан лизинг хизматларининг қўлланилиши натижасида улар қуйидаги имкониятларга эга бўлишади:

1) активлар балансдан чиқарилса ҳам, улардан фойдаланиш давом этади, яъни ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги сақлаб қолиниб, унинг рақобатбардошлигининг оширилишига имконият яратилади (қайтариладиган лизинг);

2) лизинг тўловлари харажатлар моддаси таркибига киритилиши ва тезлаштирилган амортизация меъёрларидан фойдаланиши лизингга олувчининг солиққа тортиладиган фойда манбаини камайтиради. Жумладан, лизингнинг қайтариладиган лизинг тури ишлаб чиқариш фондларини гаровга қўйиб кредит

олиш, шунингдек солиққа тортишдаги тафовутдан қўшимча иқтисодий самара олиш шаклларидан бири бўлиб ҳисобланади.

3) мулкни сотиш натижасида келиб тушган пул маблағлари ихтиёрий равишда сарфланади (айланма маблағларни кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ёки янги асбоб-ускуна харид қилиш кабилар орқали рақобатбардошликни ошириш);

4) қайтариладиган лизингни қўллаш натижасида молиявий маблағларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш қиймати кредитга нисбатан арзонроқ бўлади;

5) лизинг маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона баланси ва молиявий натижаларига ижобий таъсир кўрсатади, хусусан, баланс таркиби ҳаракатчан ҳамда ликвидли активлар ҳажмининг кўпайиши натижасида ўзгаради.

Лизинг хизматларини амалга оширишда мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий ҳужжатлар бу соҳанинг ривожини таъминлади, десак муболаға бўлмайди. Бундай қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши хўжалик юритувчи субъектлар учун қулай шарт-шароитлар яратиб, лизинг фаолиятини иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган соҳаларидан бирига айланишига туртки бўлмоқда. Аммо лизинг бозорини ривожлантириш учун қонунчиликка маълум бир ўзгартиришлар киритиш талаб этилади. Хусусан, “Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига иккиламчи лизинг бозори тушунчасини киритиш ва амалда лизингга берилган объектларнинг иккиламчи бозорда сотилиши (лизингга берилиши)га эришиш лозим. Шунингдек, қонунга лизингнинг револьвер лизинг деган турини ҳам киритиб, молиявий барқарор бўлган лизингга берувчилар фаолиятида лизингнинг айнан шу турини қўллаш орқали юқори самарага эришиш мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда гарчи лизинг бозорида қулай имкониятлар яратилаётган бўлсада, бир қатор муаммолар мавжудки, уларни бартараф этмай туриб, лизинг муносабатларининг ўсишига эришиб бўлмайди. Бу муаммолар қуйидагилар:

- лизингга берувчилар айланма маблағларининг тақчиллиги;
- лизинг объектлари иккиламчи бозорининг мавжуд эмаслиги;
- лизинг шартномаси амал қилиши вақтида учрайдиган рискларни бартараф этишнинг аниқ бир механизмининг мавжуд эмаслиги ва ҳ.к.

Юкорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш яхши натижа беради деб ўйлаймиз:

- лизинг хизматларини амалга оширувчи мутахассислар тижорат бўйича, янги ва ишлатилган асбоб-ускуналарга бўлган талаб ва таклифни аниқлаш, ишлаб чиқариш технологиялари, техник хизмат кўрсатиш бўйича, назорат, қонунчилик бўйича, мол-мулкни суғурталаш ва бошқа соҳалар бўйича чуқур билимга эга бўлишлари талаб этилади. Маълумки, лизинг операцияларини амалга оширишда лизинг олувчининг мол-мулкдан қониқарсиз фойдаланиши, лизинг берувчи ишлатилган асбоб-ускуналарни самарасиз сотиши, лизинг объектини эгасига ўз вақтида қайтарилмаслиги ва шу каби салбий ҳолатлар лизинг берувчининг рискларини оширади. Шу сабабли лизинг хизматларини кўрсатувчи мутахассислар лизинг мулкини суғурталаш бўйича билимли ва тажрибали бўлиши катта аҳамиятга эгадир;

- маблағлар тақчиллиги муаммосини бартараф этиш учун мамлакат лизинг ва молия бозорларида “активлар секьюритизацияси” деб номланган инновацион молиявий механизмдан фойдаланиш;

- ҳозирги вақтда лизинг хизматларининг ҳар хил турлари бўйича тўловларнинг ҳамма унсурларини ҳисоб-китоб қилиш учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқилмаган. Молиявий, тезкор, бўлинма лизинг, сублизинг ва шу каби лизинг турлари юзасидан тузиладиган шартномаларнинг намуналари мавжуд эмас. Лизинг компанияларига тўланадиган воситачилик йиғимлари, мукофотларни белгилаш учун йўриқномалар ишлаб чиқиш бозорнинг мазкур сегментидаги ҳал этилмаган муаммолардан ҳисобланади;

- лизингга берувчилар фаолиятига қўшимча молиявий маблағларни жалб этиш учун энг аввало секьюритизация жараёнини тартибга солувчи ҳуқуқий базани яратиш;

- чет эл тажрибаси лизингдан фойдаланишда айрим минтақаларга ва бозор секторларига имтиёзлар бериш зарурлигидан далолат беради. Иқтисодиётнинг техника ва технология соҳасида бироз оқсаётган секторлари (масалан, қишлоқ хўжалигига, унинг маҳсулотини қайта ишлашга, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга, маиший ва саноат электроникаси, тиббиёт техникасига, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ускуналарини ишлаб чиқаришга ва бошқа соҳалар)га лизингдан фойдаланиш бўйича барча имтиёзларни бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Иқтисодиёти суст ривожланган минтақаларга солиқ соҳасида имкони борича имтиёзлар берилиши ҳам фойдадан ҳоли эмас.

- Инвестиция лойихаларини молиялаштиришда лизингни жорий этиш мақсадида молиялаштиришнинг муқобил усулларини таққослаш лозим. Бунда молиялаштириш муқобил усулларининг натижаларини чиқимларнинг ҳақиқий қиймати кўрсаткичи, кутилган соф фойда бўйича қиёслаш талаб этилади.;

- Республикада амал килаётган амортизацияни ҳисоблаш тартиби эскиришни бир маромда ҳисоблаш усулидан фойдаланишни кўзда тутади, бу эса аслида инфляция шароитида вақт жиҳатидан амортизация қийматини йўқотишга олиб боради. Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатларига биноан жадал амортизацияни қўллашга рухсат берилади, бироқ меъёридан юқори бўлган амортизация ажратмалари солиққа тортиладиган базага киритилади ва ундан солиқ ундирилади. Шу муносабат билан, бизнингча, инвестицияларни рағбатлантирадиган ва солиққа тортиладиган базани қисқартирадиган жадал амортизацияни ҳисоблашнинг зарур усулларидан эркин фойдаланишни амалиётда кенгайтириш зарур, бу эса жамғариладиган амортизация суммасини инфляция таъсиридан сақлаш имконини беради.

- Ишончли лизинг олувчини тўғри танлаш, улар таклиф этадиган лойиҳаларнинг ҳаётийлиги ва самарадорлигини аниклаш лизингдан фойдаланиш амалиётидаги асосий муаммолардан биридир. Шу билан бирга лизинг олувчининг кредит кобилиятини аниклаш ва лизинг буйича тўғри қарорлар қабул қилиш кўп жиҳатдан лизинг операцияларининг самарадорлигини олдиндан белгилаб беради. Бу масалаларни тўғри ҳал қилиш учун халқаро тажрибага асосланиб, Ўзбекистондаги иқтисодий вазиятни эътиборга олиб иш тутиш лозим. Шу билан бирга лизинг инфратузилмасини бутун республика ҳудудида бир маромда кенгайтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Лизинг хизматларини

кенгайтириш учун лизинг битимлари таъминотининг кенг ахборот базасини вужудга келтириш, самарали ҳаётий лизинг лойиҳаларини амалга оширишга ёрдам берадиган консалтинг компаниялари ва фирмаларини, бошқа воситачилик ташкилотларини тузиш зарур. Лизинг компанияларини қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли шартлар билан молиявий ресурслар бериб турадиган махсус фондлар бўлиши лозим.

- мамлакатимиз лизинг бозорига «персонал» лизинги тушунчасини киритиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, лизинг хизматини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни доимий равишда такомиллаштириб бориш ва юқоридаги чора-тадбирларни амалга ошириш лизинг хизматларининг бундан кейинги ривожланиш истиқболини белгилаб беради.

ХИЗМАТ СОҲА КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ХАРАЖАТЛАРИ НАЗОРАТИ ВА САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ахроров З.О. – "Молия ва суғурта хизматлари" кафедраси ассистенти, СамИСИ
Умирзоков Д. – МДМ-115 гуруҳ магистранти, СамИСИ
Жалилов Ш. – КТБ-115 гуруҳ талабаси, СамИСИ

Мақолада хизмат соҳа корхоналарининг харажатлари таркиби ва уни самарали бошқариш йўналишлари ёритилган.

В статье освещены структура расходов предприятий сферы услуг и направления эффективного управления ими.

The article highlights the structure of expenditures of enterprises in the service sector and the direction of their effective management.

Таянч сўз ва иборалар: Корхона, хизмат соҳа корхоналари, харажатлар, назорат, харажатларни бошқариш.

Ключевые слова: Предприятие, предприятия сферы услуг, расходы, контроль, управление расходами.

Keywords: Enterprise, service companies, costs, control, cost management.

Хизмат соҳа корхоналари фаолиятида харажатларни камайтириш замирида, энг аввало, сарфланган харажатларни самарали бошқариш ва унинг назоратини амалга ошириш ётади. Бу борада бир қанча назарий ва амалий изланишлар олиб борилишига қарамай[40], фан-техника ривожланиши натижасида ушбу муаммонинг очилмаган қирралари вужудга келмоқда. Шу билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётининг негизи бўлган хўжалик юритувчи субъекетарнинг молиявий натижаларини аниқ ҳисоблаш, асоссиз ва ноўрин тўловлар ҳамда солиқлардан асрашда асосий омиллардан бири бўлган харажатлар ҳисобини тўғри ташкил қилишда бир қанча муаммолар пайдо бўлиб турибди.

Хизмат соҳа корхоналарида харажатларни замонавий ва самарали усуллар асосида бошқариш ва назорат қилиш муҳимдир. Харажатларини бошқариш ва назорат қилишда, келиб чиқиш жойларини аниқлаш ҳамда тақсимлашда уларнинг мақсади, йўналиши, ҳисобга олиниши, ҳисобдан чиқарилиши; яъни, маҳсулот турлари бўйича тақсимланишини тўғри белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

[40] Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011; Пардаев М.Қ. ва бошқ. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: Меҳнат, 2004.- 556 б.

Харажатлар ҳисобини бошқариш ва назорат қилишдан мақсад уларнинг йўналипшарини белгилаб олиш ҳисобланади. Хизмат соҳа корхоналари харажатлар учун алоҳида аниқ бир мақсадга қаратилган ва маълум даражада ҳисоб-китоб талаб қиладиган соҳа ёки жараён харажатлар ҳисоби йўналишларини белгилаб беради. Оддий қилиб айтганда, бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланувчилар харажатлар қандай мақсадларга сарфланишини билиши керак.

Харажатларни самарали бошқариш ва назорат қилиш учун хизмат соҳа корхоналарида қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

- фаолият туридан келиб чиқиб, сарфланган харажатларни тўғри таснифлаш;
- харажатларнинг манбаларини ва улар қандай мақсадда сарфланганлигини аниқлаш;
- хўжалик фаолиятида содир бўлган харажатлар тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотларни ўз вақтида бошқарув ходимларига тақдим этиш;
- хизмат соҳа корхоналарида харажатлардан самарали ва замонавий усуларидан фойдаланиш.

Шундай экан, харажатларни бошқариш ва назорат қилишда юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалар асосида қишлоқ хўжалик, жумладан, ғўза уруғчилиги хўжаликларида бошқарув ҳисоби тизимини ташкил қилиш ва ривожлантириш лозим. Бунинг учун хўжаликда ҳисоб сиёсати ҳам унинг ўзига хос технологик хусусиятларидан келиб чиқиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Харажатларни бошқариш - бу, ресурсларни тежай олиш ва улардан олинадиган самарани максималлаштириш қобилиятидир. Хўжаликлар фаолиятида харажатларни самарали бошқариш ва назорат қилиш олинаётган фойдани энг юқори даражага кўтариш мақсадида амалга оширилади.

Ҳозирги шароитда хизмат соҳаси корхонасининг фаолиятида харажатларни самарали бошқариш орқали қуйидаги имкониятларга эришиш мумкин:

- сарф қилинган ресурсларнинг қачон, қаерда ва қай тартибда амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборотларга эга бўлиш;
- фаолият узлуксизлигини таъминлаш ва модернизация қилиш учун қўшимча молиявий ресурслар қачон зарур бўлишини олдиндан башорат қилиш;
- хўжалик фаолияти учун ресурслардан фойдаланиш натижасида юқори самара олишни таъминлаш.

Иқтисодиёт модернизация қилинаётган шароитда хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий ўсишини таъминлаш мақсадида харажатларнинг бошқариш тизимини жорий қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки, хўжалик фаолиятида олинадиган ҳар қандай фойда замирида шу фаолият учун зарур бўлган моддий ва молиявий ресурслар ётади. Бу қандайдир микдорда сарф бўлмаса, фойда ҳам бўлмаслигини англатади. Хизмат кўрсатиш соҳа корхоналари фаолиятида харажатларни бошқариш тизимини жорий қилиш орқали қуйидаги истиқболли кўрсаткичларни қўлга киритиш мумкин:

1. Хизмат кўрсатиш соҳа корхоналари активларини оптималлаштириш: Товар-моддий заҳиралар, дебиторлик қарзларни камайтириш.

2. Хизмат кўрсатиш соҳа корхоналари пассивларини оптималлаштириш: кредит портифелини оптималлаштириш, хўжаликларнинг молиявий манбасини кучайтириш.

3. Хизмат кўрсатиш соҳа корхоналари фаолиятида содир бўладиган харажатлар таркибини оптималлаштириш: самарасиз харажатлар ҳажмини пасайтириш, ўртача сарфларни камайтириш.

Ҳар бир хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарида харажатларни бошқариш тизимини жорий қилиш у бажариши мумкин бўлган қуйидаги вазифаларнинг ҳаммасини битта тизимда умумлаштиради:

- фаолият самарадорлигини ошириш;
- бошқарувнинг асосий функциялари бўйича харажатларни аниқлаш;
- алоҳида маҳсулот турлари ва бутун хўжалик бўйича харажатларни ҳисоб-китоб қилиш;
- харажатлар чегарасини ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, хизмат кўрсатишнинг барча босқичларида ва хўжаликнинг барча бўлинмаларида харажатларни камайтириш заҳираларини излаб топиш;
- хизмат кўрсатиш бирлигига тўғри келадиган харажатларни ҳисоб-китоб қилиш - харажатларни тўғри ҳисоблаш;
- хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва харажатларни баҳолашга имкон берадиган ахборот базасини тайёрлаш;
- бутун хизмат кўрсатишни турларини асосланган (рақобатбардош) нархни шакллантириш;
- харажатларни ўлчаш ва назорат қилишнинг оқилона усулларини аниқлаш;
- харажатларни меъёрлаштириш усулларини танлаш, амалдаги сарфларнинг меъёрий сарфлардан фарқланишини таҳлил қилиш;
- барча харажат турларини танлаб олин-ган таснифларга мувофиқ ҳисобга олиш;
- харажатларни режалаштириш ва харажатлар моддалари бўйича базавий (таянч) меъёрларни белгилаган ҳолда даромадлар ва сарфлар' бюджетини шакллантириш ва бошқалар.

Харажатларни бошқаришнинг юқорида санаб ўтилган барча вазифаларидан умумий фойдаланиш натижасида хўжаликлар фаолиятида иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда умумий бошқарув тизимида харажатларни башоратлаш, режалаштириш, тартибга солиш, рағбатлантириш, ҳисобга олиш, назорат ва таҳлил қилишни битта яхлит тизимга бирлаштиришга эришиш зарур бўлади. Шу боис корхоналарда умумий яхлит бир бошқарув тизимини жорий қилиш харажатларни бошқариш тизими орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Корхоналар фаолиятида харажатларни бошқариш тизимини, ўз навбатида, ҳаражатларнинг вужудга келиш жойлари, қайси мақсадлар учун йўналтирилганлиги, харажат воситалари ҳамда бу харажатларнинг назоратини амалга ошириш асосида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга харажатларни самарали бошқариш ва назорат қилиш уларнинг вужудга келиш жойлари ҳамда харажат воситалари аҳамиятини янада оширади.

Харажатларнинг вужудга келиш жойлари хизмат соҳа корхоналари ичида рўй берадиган хўжалик жараёнларини ҳисобга олган ҳолда харажатлар амалга ошириладиган жой ҳисобланган корхонанинг таркибий бирликлари, ишлаб чиқариш бўлинмалари саналади.

Харажатларни ҳисобга олиш объектлари сифатида вужудга келадиган жойларни танлаш асосан қуйидагилар билан белгиланишини тавсия этиш мақсадга мувофиқдир:

- хизмат соҳа корхоналари таркибий бирликларининг ўсишдаги фаолиятини баҳолаш, ҳозирги фаолиятини назорат қилиш ва келажакдаги фаолиятини режалаштириш;
- вужудга келадиган харажатларнинг бир қисмигина муайян маҳсулотларга киритилиши мумкинлиги сабабли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ҳисоблаб чиқиш;
- харажатларнинг битта тури турли жойларда ўзини турлича тутиши мумкинлиги сабабли харажатларни доимий ва ўзгарувчан харажатларга ажратиш зарурати.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Қосимова Ф.Х. – “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси катта ўқ, СамИСИ
Ахроров З.О. – “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси асс, СамИСИ
Ибрагимова С. – “Банк иши” таълим йўналиши II босқич талабаси, СамИСИ

Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида суғурта хизматининг аҳамияти, уни ташкил этиш ва такомиллаштириш йўллари ёритилган.

В статье освещены сущность страховых услуг, его организация и пути совершенствования в сфере услуг.

The article covers the essence of insurance services, its organization and ways of improvement in the sphere of services.

Таянч сўз ва иборалар: *Хизмат кўрсатиш, суғурта, суғурта хизмати, қайта суғурта, “Ўзаргосуғурта” ДАСК.*

Ключевые слова:*Оказание услуг, страхование, страховая услуга, перестрахование, “Узаргосугурта” ГАСК.*

Keywords: *Provision of services, insurance, insurance services, reinsurance, “Uzagrosugurta” State Joint Stock Company.*

Ўзбекистон Республикаси суғурта хизматлари бозорида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида турли мулкчилик шаклидаги суғурта ташкилотлари вужудга келиши билан бир қаторда, янги суғурта хизматларини йўлга қўйилиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Иқтисодий адабиётда суғурта хизмати мустақил тармоғи сифатида қайд этилади. Жумладан, В.В.Шаховнинг таъкидлашича, «суғурта хизмати – бу мустақил суғурта тармоғи бўлиб, унда суғурта объекти суғурталанувчининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида учинчи шахсларга (юридик ва жисмоний шахслар) етказилиши мумкин бўлган зарар олдидаги жавобгарлиги ҳисобланади»[41].

Суғурта хизмати суғуртанинг мустақил тармоғи бўлиб, унинг пайдо бўлганига юз йилдан ошди. Суғурта соҳасининг ривожланиш жараёнида суғурта хизмати жабҳалари кенгайиб борди ва унинг қамрови ошди. Мазкур суғуртанинг иқтисодий моҳияти суғурталанувчининг учинчи шахсларга етказган зарарларини тўлаб бериш

[41] Шахов В.В. Введение в страхование. – М.: Финансы и статистика, 2001. - с. 26.

мажбурияти суғурталовчилар зиммасига юклатилиши таъминлашга қаратилган хизмат билан изоҳланади. Ушбу ўринда, суғурталанувчи сифатида мижоз юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда суғурта хизматини янада яхшилаш чоралари кўриб чиқилмоқда. Суғурта хизмат турлари жавобгарликни суғурталаш, биринчи навбатда, суғурталанувчи томонидан етказилган зарарларни қоплаш ва бир вақтнинг ўзида суғурталанувчининг мулкий манфаатларини ҳимоя этиш воситасидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб суғурта хизматига қуйидагича таъриф бериш мумкин: суғурта хизмати – бу эҳтимолликка кўра, тасодифан ва олдиндан кўриб бўлмайдиган суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида юридик ва жисмоний шахслар томонидан учинчи бир шахсларга етказилган зарарни суғурта воситасида қоплаш билан боғлиқ муносабатларни амалга ошириш борасида кўрсатилган хизматлардир.

Суғурта хизмати объекти бўлиб, суғурталанувчининг учинчи шахсларга етказган зарарларини қоплаш билан боғлиқ мулкий манфаатлари ҳисобланади (1). Суғурталанувчининг учинчи шахсларга етказган зарарларни қоплаш билан боғлиқ жавобгарлиги тузилган суғурта шартномасига мувофиқ муайян ҳақ тўлаш эвазига суғурталовчига ўтказилади (2). Суғурта ҳодисаси рўй берганда, яъни суғурталанувчи учинчи шахсларга зарар етказганда, бу зарар суғурталовчи томонидан қопланади (3) (1-чизмага қаралсин).



1-чизма. Суғурта хизмати доирасида иштирок этувчи суғурта субъектларининг ўзаро муносабати

Бошқа суғурта тармоқларига нисбатан суғурта хизмати иккита асосий вазифани бажаради: биринчидан, суғурталанувчиларнинг ёки суғурталанган шахсларнинг учинчи шахсларга етказган зарарларини тўлаб бериш билан боғлиқ харажатлар ва уларни моддий йўқотишлардан ҳимоя қилиш; иккинчидан эса, жабрланган шахсларга етказилган зарарларни қоплаб беришни таъминлаш. Ушбу объектив вазифалардан келиб чиқиб, аксарият ривожланган хорижий давлатларда суғурта хизмати турлари мажбурий равишда амалга оширилади. Суғурта хизмати турларининг бундай шаклда амалга оширилишида айбдор шахсларнинг (юридик ва жисмоний шахслар) хоҳиш ва имкониятларига қарамасдан давлат салоҳиятли жабрланувчиларнинг зарарларини қоплаб беришни кафолатлайди.

Республика бўйлаб жуда кенг ҳудудий тузилмага эга бўлган “Ўзагросуғурта” ДАСК ўз олдига қўйган вазифаларни изчил арвишда амалга ошириб бориши натижасида 2016 йил якунларига кўра, тузилган суғурта шартномалари, йиғилган суғурта бадаллари ва тўлаб берилган суғурта товонлари бўйича бошқа компаниялар орасида етакчиликни сақлаб келмоқда.

2016 йилда “Ўзагросуғурта” ДАСК ривожланишни давом эттирди. Республика бўйича суғурта хизматларида суғурта мукофотлари умумий ҳажмида 7 фоизга яқин кўрсаткич билан компания республикамиздаги етакчи бешта суғурталовчилар таркибига кирди. Суғурта мукофотлари ҳажми бўйича компания учинчи ўринни эгаллаган бўлсада, лекин мижозлар билан ишлашнинг фаоллиги даражасини акс эттирувчи суғурта шартномалари сони бўйича Ўзбекистонда тўртинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Суғурта мукофотлари ҳажмининг ўтган йилги даражага нисбатан ўсиши компания бўйича 149,6 фоизни ташкил этди.

“Ўзагросуғурта” ДАСК фаолиятида яна бир ютуқли тараф – бу муассасада қайта суғурталаш тизимининг яхши йўлга қўйилганлиги ва ривожланиб бораётганлигидир. Компания қайта суғурталаш операциялари бўйича “Ўзбекинвест” ЭИМСК, “Transincurance” ҚК,“Алфа инвест” АЖ каби миллий суғурта ташкилотлари ҳамда хорижий муассасалардан Латвиянинг BTA суғурта компанияси билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Молия муассасалари фаолияти ойлик, чораклик ва йиллик ҳисобот тариқасида омма эътиборига ҳавола этиб борилади. Бироқ мижозлар ва ҳамкорлар учун унинг барқарорлик даражаси ва молия бозоридаги нкфкзи рейтинг агентликлари томонидан берилган баҳо ҳисобига холислик касб этади. Чунончи, “Ўзагросуғурта” ДАСК “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги томонидан юқори тўлов қобилиятига эга “UzA” (барқарор) тоифасидаги рейтингини олган молия муассасасидир. Бу ўз навбатида, ташкилотнинг фаолияти ижобий баҳоланганлигини, унинг суғурта бозорида эгаллаган ўрни, операцион кўрсаткичлари жадал ўсганлигини ҳама кенг ривожланган агентлик тармоғи мавжудлигини тасдиқлаб, суғурта турлари бўйича хизматлари кўрсатишда пешқадамлик қилаётганлигини акс эттиради.

Бугунги кунда қайта суғурта соҳаси иқтисодиётнинг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618 сонли қарорига мувофиқ республикада яқин йиллар учун суғурталаш ва суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида бир нечта вазифа белгиланган. Қуйидагилар шулар жумласидандир: суғурта фаолиятининг қонунчилик ва меъерий-ҳуқуқий базасини, шунингдек, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмини янада такомиллаштириш; кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини, экспорт-импорт операцияларини суғурталаш, ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш, шу жумладан, суғуртанинг жамғариб бориладиган турларида суғурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш; капиталлашув даражасини янада кўпайтириш йўли билан суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини ва тўловга кобилиятлилигини мустаҳкамлаш; суғурталаш соҳасида кенг тушунтириш ишлари ва аҳолининг суғурта маданиятини оширишга оид бошқа тадбирларни амалга ошириш; суғурталаш соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Мамлакат Президентининг юқоридаги қарорини бажариш мақсадида қайта суғурталашнинг замонавий турларини такомиллаштириш, суғурта фаолиятининг сифатини ошириш, капиталлашув даражасини босқичма-босқич кўпайтириш ва суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш жараёнига халқаро андозаларни жорий этиш

юзасидан комплекс ишлар амалга оширилмоқда. Юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг амалга оширилиши ривожланган, цивилизациялашган ва рақобатбардош суғурта бозорини шакллантириш, мамлакат аҳолисининг суғурта маданиятини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Суғурта хизматини ривожланишида суғурталовчилар бир қатор муаммоларга дуч келмоқдалар. Қонунчилик ҳужжатларида айрим тоифа фуқароларнинг касбий жавобгарлиги мажбурий шаклда ўтказилиши кўрсатилган бўлса-да, унинг ижросини таъминлаш юзасидан қонун ости ҳужжатлари қабул қилинмаган. Бошқа суғурта турлари каби касбий жавобгарликни суғурталашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, касбий жавобгарлик турининг ривожланишига замин яратган бўлар эди. Бу борада Биринчи Президентимиз И.А. Каримов қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтганлар, «Қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш даркор»[42].

Суғурта хизмати орқали юртимиз молия бозорини ривожлантириш аҳолининг ижтимоий муҳофазасини янада мустаҳкамлашда ҳам катта рол ўйнайди. Шу боис, ишонч билан айта оламизки, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида суғурта хизмати амалиёти, хусусан, мажбурий суғурта хизматининг аҳамияти каттадир. Мажбурий суғурта хизмат турларининг кенг қамровлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу, ўз ўрнида суғуртанинг ривожланишига ва омма орасида кенг кўламда тарқалишига имконият яратилади.

Хорижий мамлакатларнинг суғурта бозорида ушбу суғурта хизмати йиғилган суғурта мукофотлари салмоқли ўринни эгаллайди, шунингдек, суғурта хизматларини унинг даромадли турларидан биридир. Уларни такомиллаштириш орқали суғурта ташкилотлари инвестицион имкониятлари ошишига эришилади. Бу, ўз навбатида, суғурта ташкилотлари молиявий имкониятларини оширади ва республиканинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини қисман бўлсада қондириши мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси суғурта хизматлари бозорида ривожланиш имкониятлари яратилаётганлиги ва мазкур соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар яқин келажакда суғуртанинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини сезиларли даражада ошишидан далолат бермоқда. Бу эса иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш шароитида муҳим аҳамият касб этади.

КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ахроров З.О. – “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси ассистенти, СамИСИ
Махмудова М. – МК-114 гуруҳ талабаси, СамИСИ
Эргашев У. – МДМ-115 гуруҳ магистранти, СамИСИ

Мақолада корхоналар, шу жумладан инновацион корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш йўллари ва уларнинг хусусиятлари ёритилган.

[42] Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.– Тошкент.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 21.

В статье освещены пути финансовой поддержки предприятий, в том числе инновационных предприятий и их особенности.

The article highlights the ways of financial support of enterprises, including innovative enterprises and their features.

Таянч сўз ва иборалар: *Корхона, солиқ, солиқ юки, имтиёз, инвестиция, инновацион корхона, кичик бизнес.*

Ключевые слова: *Предприятие, налог, налоговое бремя, льготы, инвестиции, инновационное предприятие, малый бизнес.*

Keywords: *Enterprise, tax, tax burden, benefits, investment, innovative enterprise, small business.*

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятининг ўсиши корхоналар фаолиятини оқилона ташкил этмай амалга ошириб бўлмайди. Аммо инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун қабул қилинаётган ҳукумат қарорлари ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун яратилаётган замонавий инфратузилмасига қарамай, инновацион корхоналар фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи салбий омиллар юзага келмоқда.

Бундай омиллар қаторига инновацион аҳамиятга молик бўлган кичик хўжалик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг етарли бўлмаслигини, уларга бюджетдан ва тижорат банк тизимлари томонидан самарали фаолият юрғизишлари учун имтиёзли маблағларни ажратиб берилишида мавжуд маъмурий омилларни киритиш мумкин.

Шунингдек, солиқ юкининг юқорилиги ҳам инновация инфратузилмасининг молиявий жиҳатдан таъминланишига нисбатан таъсирчанлиги сезиларли бўлиб қолмоқда. У белгиланаётган миқдори маҳсулотнинг янги яратилган қиймати миқдори, олинган фойда ҳамда мавжуд бўлган мулк қийматига бевосита боғлиқлигида ўз аксини топмоқда.

Амалдаги солиқ тизими инновацион корхоналар фаолиятини яратишда етарли даражада эътиборга олинмаяпти. Шуни таъкидлаш жоизки инновация корхоналари бошқа ноинновацион корхоналар каби фойда солиғини тўлаш пайтида солиққа тортиладиган фойда миқдорини аниқлашда имтиёзга эга бўлиб қолмоқда, холос. Шунингдек, айтиш жоизки, айрим инновацион корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ташкил қилиш, техникавий жиҳозлаш учун йўналтирилган фойдани чегириш ҳуқуқи тақдим этилган, у ҳам бўлса ишлаб чиқариш учун мўлжалланган маҳсулот ҳамда қурилиш материалларини етказиб берадиган баъзи бир корхоналар олган фойдаси ушбу корхона рўйхатга олинган кундан бошлаб, дастлабки икки йил мобайнида солиққа тортилмаслигида намоён бўлмоқда.

Аммо шунга қарамасдан, ушбу хусусиятларга эга бўлган солиқ имтиёзлари тугатилган ёки санация натижасида қайта тузилган инновация корхоналари, уларнинг филиаллари ҳамда тузилмавий бўлинмаларга тегишли эмас. Тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, унда инновация корхоналари учун қабул қилинган ҳамда иқтисодиётнинг устувор соҳаларида амал қилаётган барча имтиёзларни қўллаш мумкин. Бундан ташқари, илмий изланишларни бажараётган инновация корхоналари тадқиқот ишлар учун илмий-техник асбоб-ускуналарсотиб олган йилнинг ўзидаёқ 50 %га тенг амортизация ажратмаси ҳуқуқига, қолган асосий маблағлар ҳисобидан эса жадаллашган амортизация ажратмаси ҳуқуқга эга бўлишлари кўзда тутилган. Бундай

тажрибаларни маамлакатимизда фаолият кўрсатаётган инновацион корхоналарга қўллаш муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Инновацияларни жорий этадиган саноат соҳасидаги кичик корхоналарга лицензиялар ва “ноу-хоу”ларни сотиш жараёнида ишлаб чиқаришни кенгайтиришни амалга оширадиган корхоналарга нисбатан эса солиққа тортиладиган базадан янги асбоб-ускуналар қийматини чиқариб ташлаш ҳуқуқи берилишини таъминлаш муҳимдир.

Оқилона инвестиция сиёсатини юритишда давлат томонидан инновацион корхоналарга сармоя қўйилишнинг ўзига хос афзалликлари яратилиши лозим. Салоҳиятли инвесторлар учун қимматли қоғозлар айланишини самарали ташкил этишга хизмат қилувчи қонунчилик базасини такомиллаштириш кредит ташкилотлари томонидан эса тақдим этилган қарз кафолатлари ўта жозибадор бўлиб ҳисобланмоғи лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда салоҳиятли сармоядорлар пул маблағларини жалб этишга энг муҳим иқтисодий инструмент бўлмиш фонд бозорининг актив иштирокчиси бўлмоғи лозим. Акциялар ликвидлиги, фирманинг реклама-ахборот фаолияти, валюта майдончасида сотувга қўйилган акциялар ҳаракатининг таҳлили ва акциялар пакетини чет эл инвесторларига сотиш кабилар нафақат фонд бозори ҳолатининг яхшиланишига шу билан бирга унда иштирок этувчи инновацион корхоналарини ҳам молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Самарқанд вилоятида инновацион кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кичик тадбиркорлик инновацион субъектлари фаолиятини ривожлантириш, хусусан асосий капиталини, технологик таъминотини ривожлантириш учун инвестиция жалб этилмоқда. Мисол учун фақат 2015 йил январ-март ойларида инновацион кичик бизнеснинг асосий капиталига 40557,7 сўм маблағ киритилди[43]. Бу кўрсаткич ушбу даврда жалб этилган барча инвестициялар, яъни 96226,2 млн. сўмнинг 37,2 %ини ташкил этди. Ушбу кўрсаткичнинг 2014 йилнинг январ-март ойларидаги қийматини кўриб ўтсак, 28903,3 млн. сўмни ташкил этиб, умумий инвестицияларнинг 30,5 %ини ташкил этганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Асосий капиталга жалб этилган инвестицияларнинг 2014 йил ва 2015 йил январ-март ойларидаги қийматини таққосласак, унда шу вақт ичида ушбу кўрсаткич 2010 йилдагига нисбатан 61,1 %га ошганлигини эътироф этиш мумкин.

Самарқанд вилоятидаги шаҳар ва туманлардаги инновацион корхоналар инвестицияларнинг жалб этилишини кўрадиган бўлсак, унда Самарқанд шаҳрига энг кўп инвестиция жалб этилганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Яъни барча инвестициялар ҳажми 25415,7 млн. сўм. Бу эса капиталга инвестициялар 6543,4 млн. сўмни ташкил этади ёки асосий капиталга инвестициялар барча инвестицияларнинг 28,3 %ини ташкил этади[44].

Шундай қилиб, айтиш жоизки, инновацион корхоналар ва инвесторларнинг даромади, инвестиция корхоналарининг активининг бозор қиймати ўсишига белгиланган солиқ ставкасига, яъни фонд бозорида сотиладиган қимматли

[43] Самарқанд вилоят Статистика бошқармасининг 2014 ва 2015 йилнинг январ-март ойлари маълумотлари бўйича
[44] Ўша ерда

қоғозларнинг сотув қийматига ўрнатилган солиқ ставкасига боғлиқ бўлмоқда. Солиқ ставкаси инновация корхоналарини молиялаштириш таваккалчилиги даражасини оширувчи (камайтирувчи) ёки молиявий барқарорлигини таъминловчи омил бўлиб қолмоқда. Бу эса қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларда дивидентлардан, қимматли қоғозларни сотиб олишдан ундириладиган солиқ шунингдек, таркибига қимматли қоғозлар қиммати киритилган корхоналар мулкидан олинадиган солиқ каби ундириладиган турли хилдаги солиқларни қўлланилишига йўл қўймаслик муҳимдир, акс ҳолда солиқ солишнинг бу каби амалиёти натижасида инновацион корхоналарида ишбилармонлик фаолияти ва инновацион корхоналар ташкил топиш суръатлари қисқаради, оқибатда ҳозирги кунда корхоналарнинг фаолият юритиш имкониятлари камайиб боради. Шунинг учун ҳам солиқ юкини пасайтириш орқали инновацион корхоналарга инвестициялар жалб қилишда иккиламчи капитал (қимматли қоғозлар бозори)нинг аҳамиятини ошириш муҳимдир.

Шундай қилиб, инновация ва инвестиция сиёсатининг истиқболли йўналиши инновацион корхоналарнинг барқарорлигини таъминлаш (солиқлар, фоиз ставкалари, амортизация меъёрлари оқилона шакллантириш орқали) истиқболга эга корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳамда ички ва ташқи инвестицияларни инновацион ишлаб чиқариш корхоналарига жалб қилишда ўз аксини топиши лозим.

XIZMATLAR SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA SUG`URTA BOZORI VA SUG`URTA FAOLIYATINING ROLI

Xodjimamedov A.A. – “Moliya va sug`urta xizmatlari” kafedrasi assistenti, SamISI
Murtazayeva Z. – KTB-114 guruh talabasi, SamISI
Abdullayeva D. – MXT-215 guruh talabasi, SamISI

Annotatsiya. Maqolada xizmatlar sohasini rivojlantirishda sug`urta bozori va undagi moliyaviy institutlarning faolligini oshirish masalalari yoritilgan.

Аннотация. В данной статье освещены страховой рынок и вопросы повышения активности на нем финансовых институтов с целью развития сферы услуг.

Abstract. This article covers the insurance market and the issues of increasing the activity of financial institutions on it with the purpose of developing the service sector.

**Kalit so`zlar:** *sug`urta, sug`urta bozori, risklar transferi, tibbiy sug`urta.*

Ключевые слова: *страхование, рынок страхования, трансфер рисков, медицинское страхование.*

Keywords: *Insurance, insurance market, transfer of risks, medical insurance.*

Bugungi kunda amalga oshirilayotgan iqtisodiy-ijtimoiy hamda siyosiy islohotlar birinchi o’rinda inson manfaatlarini o’ylab amalga oshirilmoqda. Bunday islohotlar natijasini biz mamlakatimizdagi ko’lab soha va tarmoqlar rivojlanib, insonlar hayot farovonligi yo’lida xizmat qilayotganligida ko’rishimiz mumkin. Shunday sohalardan biri sifatida sug’urta faoliyatini ko’rishimiz mumkin.

Biz bilamizki, sug’urta – bu yuridik yoki jismoniy shaxslar to’laydigan sug’urta mukofotlaridan shakllantiriladigan pul fondlari hisobidan muayyan voqea (sug’urta hodisasi)

yuz berganda, ushbu shaxslarga sug'urta shartnomasiga muvofiq sug'urta tovonini (sug'urta pulini) to'lash yo'li bilan ularning manfaatlarini himoya qilish.[45] Sug'urta faoliyati bozor munosabatlari takomillashuvi va iqtisodiy infratuzilmaning qaror topishi bilan birgalikda kechadigan jarayondir. Chunki bo'layotgan har bir jarayon, o'zgarishlar xavf – xatarsiz bo'lmaydi. Yurtimizda iqtisodiy sohada ham, ijtimoiy sohalarda ham yirik o'zgarishlar sodir bo'layotgan bir paytda yuz berishi mumkin bo'lgan baxtsiz hodisalardan himoyalanish va o'rnini qoplashni aynan sug'urta faoliyatisiz tassavur qilish qiyin. Sug'urta faoliyati iqtisodiy infratuzilmaning ajralmas qismi sifatida bir tomondan, ijtimoiy kafolatni ta'minlasa, ikkinchi tomondan, shartnomaviy majburiyat va tariflar mexanizmi orqali turli sug'urta risklaridan ogoh etish orqali iqtisodiyot subyektlari manfaatlarining himoyasini ham o'z zimmasiga oladi. O'zbekistonda tadbirkorlikning rivoj topishi jarayonida turli risklarning yuz berishi ehtimoli mavjudligi, shuningdek, ijtimoiy hayotning o'zida namoyon bo'lishi mumkin bo'lgan qarama-qarshiliklar subyektlarning sug'urta faoliyatiga, xususan, risklar transferiga bo'lgan munosabatlarini ijobiy tomonga o'zgartirdi. Shu narsa aniqki, bugungi kunda xo'jalik yurituvchi subyektlar sug'urta tizimisiz samarali ishlash, investitsiya faoliyati bilan shug'ullanish, kredit olish imkoniyatiga ega emas.

Hozirgi kunda mamlakatimizda sug'urta faoliyatida talab darajasidagi risk transferi shakllanishi va rivojlanishi hamda uni ilmiy asosda o'rganish muhim ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyat kasb etmoqda. Ayniqsa, iqtisodiyot subyektlarining erkinliklari kengayib borayotgan, ular tomonidan mahsulot ishlab chiqarish (ish bajarish, xizmat ko'rsatish)ning yangi turlari o'zlashtirilishi sug'urta faoliyatida risk transferining ilmiy-nazariy asoslarini tadqiq etish va takomillashtirishga bo'lgan ehtiyojni orttirmoqda.

Mamlakatimizda bosqichma - bosqich bozor munosabatlari shakllanishi va rivojlanishi, iqtisodiyot subyektlarining yuksak darajadagi iqtisodiy mustaqilligi, erkinligi darajasi ortib borayotgan jarayonda doimo risklar mavjud bo'lishi kuzatiladi. Ular manfaatlariga zarar keltirishi mumkin bo'lgan va doimiy takrorlanib turadigan risklarni qayta taqsimlash, ya'ni o'ziga xos bo'lgan maxsus xizmat bilan aynan sug'urta shug'ullanadi. Sug'urta instituti bozor infratuzilmasining tarkibiy qismi sifatida uning rivojlanishida muhim o'rin tutadi. Shu nuqtai nazardan, sug'urta faoliyatida risklar transferi ham o'z navbatida, bozor infratuzilmasining rivojlanganlik darajasiga bog'liqdir.

Shu o'rinda, «infratuzilma» tushunchasi iqtisodiy ilmiy lug'atlarda turlicha: masalan, «asosiy ishlab chiqarish sohalari va aholiga xizmat ko'rsatuvchi iqtisodiy tarmoqlar yig'indisi» yoki «ma'lum tarmoqqa xizmat ko'rsatuvchi ishlab chiqaruvchi va noishlab chiqaruvchi tarmoqlar majmuasi» kabi ma'nolarda qo'llanilishini qayd etish mumkin. Xususan, sug'urta bozori infratuzilmasining mazmun-mohiyatini ochib berishda, iqtisodiyot subyektining samarali faoliyat yuritishi uchun kafolatli shart-sharoit yaratuvchi faoliyat turlari majmuasi nazarda tutiladi. Ma'lumki, sug'urta mahsuloti sotilishining o'ziga xos jihatlari mavjud va bu jarayon:

- sug'urta riski haqida axborot to'plash va uni aniqlashtirish;
- sug'urta shartnomasini imzolash va uning amal qilishini ta'minlash kabi bosqichlarni o'z ichiga oladi.

Sug'urta faoliyatida risklar transferining mazkur bosqichlari o'ziga xos bilimni talab etadi. Ayni vaqtda ob'yektiv va subyektiv sabablarga ko'ra, ma'lum qisqa davr oralig'ida talab etilayotgan mutaxassis kompaniyaning shtatlar birligiga kiritilishi iqtisodiy jihatdan

[45] «Sug'urta faoliyati to'g'risida'gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni, 3-modda.

samarasiz hisoblanishi ham mumkin. Shuning uchun kompaniya o'z faoliyatida, odatda boshqa soha mutaxassislari xizmatidan foydalanadi. Demak, ta'kidlash mumkinki, sug'urta bozori infratuzilmasi uning professional ishtirokchilari va boshqa soha mutaxassislari o'rtasidagi o'zaro munosabatlar sifatida sug'urta faoliyatida risklar transferining samaradorligini ta'minlovchi omil sanaladi.

Mamlakatimizda aksariyat hollarda sug'urta tashkilotining o'zi yoki hodisaning turiga qarab tegishli tashkilot (yo'l patrul xizmati, baholovchi tashkilot va boshqa)lar tomonidan avariya komissarining vazifasi bajarilmoqda. Bu holat, albatta sug'urta xizmatining sifatiga o'z ta'sirini o'tkazmoqda.

Keyingi yillarda O'zbekiston sug'urta bozori jadal sur'atlar bilan rivojlanmoqda. Mazkur jarayonda avariya komissari faoliyatining yo'lga qo'yilishi va rivojlantirilishi turli subyektlarning sug'urtaga bo'lgan ishonchlari ortishiga omil bo'ladi.

Sug'urta bozori infratuzilasini shakllantirish va uning subyektlari faoliyatining me'yoriy-xuquqiy bazasini takomillashtirish O'zbekistonda sug'urta bozori taraqqiyotini yangi rivojlanish bosqichiga olib chiqadi. Xususan, mamlakatimizda sug'urtachilar uyushmasini tashkil etish, aktuariy, syurveyer kabi subyektlarning faoliyatini yo'lga qo'yish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ta'kidlash joizki, bu jarayon sug'urta bozori infratuzilmasi subyektlarining alohida ixtisoslashuvini hamda ularning faoliyatini o'zaro muvofiqlashtirishni taqozo etadi.

Sug'urta tashkilotlarining faoliyati boshqa turdagi xo'jalik subyektlari faoliyatidan keskin farq qiladi. Chunki, ular ishlab chiqarish uzluksizligini ta'minlashda va sug'urta hodisalari ro'y berganda etkazilgan zararni qoplash uchun xizmat qiladilar. Bu holat, sug'urtachilar zimmasiga alohida mas'uliyat yuklaydi va shuning uchun, ular davlat tomonidan nazorat ostiga olishi zarurdir.

O'zbekiston Respublikasining "Sug'urta faoliyati to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq, sug'urta tashkilotlari sug'urtalanuvchi oldidagi majburiyatini bajara olmay qolganda, davlat sug'urta nazorati xizmati, mijozlarning manfaatini ko'zda tutadigan choralar ko'rishi kerak. Bozorda ko'plab sug'urta tashkilotlari faoliyat ko'rsatadi, tabiiyki, bu holat potentsial mijozlarni jalb qilish uchun ular o'rtasidagi raqobatni ham kuchayishiga olib keladi. Natijada, raqobatga bardosh bermagan ba'zi sug'urta kompaniyalari "sug'urta maydonidan" chiqib ketadi. Bu yerda, shunday o'rinli savol tug'ilishi mumkin. Xo'sh, xalqaro sug'urta bozorida kuzatilgan yuqoridagidek holat ro'y bermasligi uchun, davlat qanday chora-tadbirlar ko'rishi mumkin?

Birinchidan hukumat o'zining tegishli nazorat organi orqali, sug'urta kompaniyalari tomonidan "Sug'urta faoliyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni talablarini qat'iy bajarilishini, shu jumladan, sug'urta zahiralarini to'g'ri joylanishini nazorat qilib borish muhimdir. Ikkinchidan, endi shakllanayotgan O'zbekiston sug'urta bozoriga moliyaviy jihatdan mustahkam xorijiy sug'urta kompaniyalarining kirib kelishini tartibga solish kerak. Negaki, bu holat mahalliy sug'urta kompaniyalarining raqobat bardoshligiga salbiy ta'sir ko'rsatib, ularni bankrot bo'lishiga olib kelishi mumkin.

Sug'urta bilan shug'ullanuvchi tashkilotlarga litsenziyalar (ruxsatnomalar) berish sug'urta nazorati xizmatining eng asosiy vazifalaridan biridir. Litsenziya (ruxsatnoma) berish jarayonida sug'urta nazorati sug'urtachining bo'lajak faoliyatini dastlabki tekshiruvdan o'tkazadi. Ya'ni, nizom jamg'armasi va o'z mablag'larining holati hamda bu mablag'larning tashkilot zimmasidagi majburiyatlariga o'zaro munosabati ko'rib

chiqiladi. Sug’urta faoliyatiga litsenziya (ruxsatnoma) berishning zaruriyati sug’urtaning o’z mohiyatidan kelib chiqishini unutmaslik kerak. Chunki, sug’urta tashkiloti sug’urta hodisasi yuz bergan vaqtda sug’urtalanuvchiga shartnomada ko’rsatilgan mablag’ni o’z vaqtida to’lashi lozim. Sug’urta faoliyatini nazorat qiluvchi organning bu boradagi ishlari nafaqat sug’urtalanuvchilar manfaatiga mos tushadi, balki butun davlatning manfaatlari yo’lida ham xizmat qiladi.

Shuningdek, davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyevning «Sog'liqni saqlash sohasida xususiy sektorni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi Qarori[46]da belgilab qo'yilgan O'zbekistonda «Tibbiy sug'urta to'g'risida»gi Qonun[47] loyihasi ishlab chiqilishi davlatimizda mavjud sug’urta faoliyati tizimidagi yirik ijobiy o’zgarishlardan biri bo’ldi.

Qonun loyihasida tibbiy sug'urta tizimini keng joriy etgan holda, aholiga davlat tomonidan ko'rsatiladigan kafolatli bepul tibbiy yordam bilan birga, sifatli va arzon maslahat-tashxis, davolash, sog'lomlashtirish va boshqa turdagi tibbiy xizmatlardan foydalanish uchun qo'shimcha imkoniyatlar yaratadigan pulli tibbiy xizmatlar bozorini jadal rivojlantirish bo'yicha huquqiy asos sifatida xizmat qilishi belgilab qo'yildi.Shu bilan birga, «Tibbiy sug'urta to'g'risida»gi qonun loyihasi konsepsiyasi tibbiy sug'urta sohasidagi o'zaro munosabatlarni tartibga solish, ixtiyoriy va majburiy tibbiy sug'urtaning huquqiy asoslarini belgilash, sug'urta polislari bo'yicha kafolatli yuqori sifatli tibbiy xizmatlar ko'rsatish, fuqarolar uchun tibbiysug'urta tizimida ishtirok etishda rag'batlantiruvchi imtiyoz va preferensiyalar yaratish va boshqa masalalarga qaratilgan bo'ladi. Xususan, ayni paytgacha xususiy tibbiyot muassasalariga 177 turdagi tibbiy xizmatlarning atigi 50 tasiga ruxsat etilgan bo'lib, qolganlari taqiqlangan edi. Mazkur qarorga binoan, endi ularga tibbiy xizmatlarning deyarli barcha turlarini ko'rsatishga ruxsat berildi. Ruxsat etilgan tibbiy xizmat turlariga esa kardiojarrohlik, neyrojarrohlik, mikrojarrohlik, onkologiya, anesteziologiya va reanimatologiya, gelmintologiya, intervitsion kardiologiya, immunobiologik va immunoferment tashxis qo'yish, qon-tomir, torakal va abdominal jarrohlik va tibbiyot sohasida talab yuqori bo'lgan boshqa yo'nalishlar kiritildi.

Xulosa qilib aytganda, mamlakatimizda sug’urta tizimini yanada takomillashtirish uchun olib borilayotgan chora tadbirlar qolgan barcha sohalarga xususan, iqtisodiy va ijtimoiy sohada ro’y berayotgan o’zgarishlarga ham o’z ijobiy ta’sirini ko’rsatmay qolmaydi albatta. Shuningdek bu, xizmatlar sohasini rivojlantirish maqsadida amalga oshirilayotgan ishlarning ijobiy natijasi hamdir.

БАНКЛАР ВА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

Муҳаммедова З.М – СамИСИ ўқитувчиси
Ахмедов А. – СамИСИ 3 курс талабаси

Аннотация: *Мақолада суғуртани банк тизими орқали ривожлантиришига таъсир этаётган омилларни бартараф этиш таклиф этилган.*

[46] “Sog`liqni saqlash sohasida xususiy sektorni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to`g`risida”gi O`zbekiton Respublikasi Prezidenti Qarori, 2017 y.
[47] «Tibbiy sug'urta to'g'risida»gi O’zbekiston Respublikasi Qonuni, 2017 y.

Калит сўзлар: *банк, суғурта, суғурта сегменти, коллектив суғурталаш, ипотека кредити;*

Аннотация: *в этом статье предлагается развитии страховании с помащю банквской системы и улаживать влиятульные факторы.*

Ключевые слова: *банк, страхования, сегмент страхования, коллективная страхования, ипотечные кредиты;*

Key words: *bank, insurance, segment of insurance, of collective insurance, mortgage credit;*

Anatation: *In this article is given about to developing insurance through banking system and orionge intuental factors:*

Мамлакатимизнинг биринчи президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, айни пайтда “Банк тизимидаги ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизда бугунги кунда тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2015-йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 10 фоиздан 9 фоизга, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди”. 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, республикамизда фаолият кўрсатиётган тижорат банклари сони 27 тани ташкил этиб, уларнинг учтаси давлат-тижорат банки, саккизтаси хусусий банк ва бештаси чет эл капитали иштирокидаги банклардир. Мустақилликка эришганимиздан сўнг банкларнинг фаолиятига жуда катта эътибор берилиб, республикамизнинг барча ҳудудларида тижорат банкларининг тармоқлари янада кенгайтирилди. Ўтган йилнинг 1 январ ҳолатига келиб мамлакатимиздаги банкларнинг филиаллари сони 855 тага етди.[48]

Сўнгги йилларда “Мудис”, “Стандарт энд Пурс” ва “Фитч рейтингс” каби етакчи рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини “Барқарор” деб баҳоламоқда. Мамлакатимизнинг этакчи банклари ҳисобланган ”Ташқи иқтисодий фаолият миллий” банки, “Асака” банк, “Ипотека-банк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Агробанк”, “Ҳамкорбанк” ва “Ипак йўли” банклари бир йўла иккита йэтакчи халқаро рейтинг агентликларининг “Барқарор” рейтинг баҳоларини олишган.

Иқтисодиётнинг реал секторидаги инвеститсион фаоллик йилдан-йилга ошиб бормоқда, унинг ошишида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2016 йилнинг 1 январидаги йиллик 10 фоиздан 9 фоизга туширилганлиги муҳим рол ўйнади. Қайта молиялаш ставкасининг пасайтирилиши тижорат банкларида рентабелли лойиҳалар сонининг ортишига, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвеститсион фаоллиги ошишига олиб келди. 2016 йилда иқтисодиётда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвеститсиялар миқдори 16,6 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга ошди.[49]

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвеститсия сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга ҳамда энергия тежамкор ва юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга йўналтирилган инвеститсия лойиҳаларини амалга оширишга устувор аҳамият берилаётганида ҳам намоён бўлмоқда.

[48] Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг иқтисодий кўрсаткичларини сарҳисоби

[49] Марказий банк расмий сайтидан cbu.uz

Сўнгги беш йил давомида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг умумий қиймати 3,7 бараварга кўпайди. Иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг 86,7 фоизи банкларнинг ички манбалари ҳисобига тўғри келди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётнинг муҳим бўғини сифатида нуфузи ортиб бораётган суғурта соҳаси ҳам мамлакатимизда тез ривожланаётган соҳа ҳисобланади. Кейинги йилларда амалиётга киритилган "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш" (2008 йил), "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш" (2009 йил), "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси" (2015 йил) мажбурий суғурта турлари суғурта хизматларининг янада оммавийлашувига кенг йўл очди.

Суғурта компаниялари томонидан йиғилаётган суғурта мукофотлари ҳажми йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормоқда. Унинг ҳажми 2015 йил натижалари бўйича 551530,0 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ушбу кўрсаткичнинг 2011 йилдагига нисбатан 248,7 фоиз ошганлигини кўрсатади (2011 йилда тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми 221785 млрд. сўм). Шундай бўлса-да, ривожланган мамлакатлар билан солиштирилганда юртимизда суғурта хизматларининг ҳажми нисбатан паст даражада сақланиб қолмоқда. Буни битта кўрсаткич, яъни тўпланган суғурта мукофотларининг ЯИМга нисбати 0,4 фоизни ташкил этаётганлигида кўриш мумкин. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ўртача 8 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон миллий суғурта бозорининг кўрсаткичлар динамикаси Кўрсаткичлар	2011й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2015 йилда 2011 йилга нисбатан ўсиш, % да
Суғурта мукофотлари	221785,0	285872,6	338483,3	439130,0	551530,0	248,7
Суғурта жавобгарликлари	91015,0	111220,3	161540,4	240510,0	262810,2	288,7

Суғурта соҳаси ривожланишини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида суғурта компаниялари ва банклар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш эканлигини ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқда.

Бугунги кунда молия бозорининг банк сегментида ҳам, суғурта сегментида ҳам тез ривожланиб бораётган ритейл (чакана хизматлар) соҳасига нисбатан олганда, банк ва суғурта бизнеси бир-бирига туташ соҳалардир. Шу нуқтаи назардан қайд этиш керакки, ривожланган мамлакатларда банклар ва суғурта компаниялари ўзаро ҳамкорлик асосида янги маҳсулот ва хизматлар яратиб, фақат ўз бизнеслари эмас, давлат иқтисодиётининг бутун молия сектори ривожланишига ҳам ёрдам бермоқдалар. Ҳозирда оммавий мижозга банклар ва суғурта

компанияларининг шерикчилик асосида хизмат кўрсатиш имконияти ҳаммадан кўп бўлиб, улар бу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйганлар. Шунинг учун ҳам ушбу стратегик шерикчиликнинг ҳозирги ривожланиш тамойилларини кўздан кечириш катта қизиқиш уйғотади.

Мамлакат банк тизими ва молия бозорининг суғурта сегменти ривожланган, иқтисодиётнинг бу соҳаларида рақобот кучайиб борган, қайта молиялаш ставкаси пасайган сари, шунингдек, бошқа объектив омиллар, масалан, иқтисодиёнинг банк ва суғурта секторига чет элдан йирик ўйинчилар кириб келиши таъсирида бу секторларда амалга ошириладиган операциялар келтирадиган фойда камайиб боради. Кичик ва ўрта бизнесни, жисмоний шахсларни кредитлаш дастурлари доирасида мижозларга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиришнинг самарали йўлларидан бири, банк билан суғурта компанияси ўртасидаги ҳамкорликнинг янги технологияларини ишлаб чиқишдан иборат. Бундай технологияларга қуйидагилар асос бўлади:

– суғурта ҳужжатларини расмийлаштиришни соддалаштириш;
– электрон ҳужжатлар айланишини жорий этиш;
– коллектив суғурталаш схемаларини жорий этиш;
– суғуртачилар билан банкларнинг умумий бренд бўйича маҳсулотлар яратиши.

Умуман олганда, ҳозир банклар таклиф қилаётган кредит маҳсулотларини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

– ипотекани кредитлаш;– чакана кредитлаш;
– зарур эҳтиёжлар учун кредит бериш;
– кредит карталарини қўллаш;
– иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналарни, шу жумладан, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлаш.

Ипотекада кредитга олинган турар жойни банк томонидан гаровга олишнинг ўзиёқ, банк маҳсулотларини ҳимоялайди. Қарздор қарзини тўламай қўйган ҳар қандай ҳолларда, шу жумладан, вафот этиши ёки ногирон бўлиб қолиши туфайли тўламай қолган ҳолларда ҳам, банк турар жойни сотиши мумкин. Лекин, агар бу турар жойда қарздордан ташқари, унинг ёш болалари ҳам яшаса ва уларни кўчириш учун жой бўлмаса, суғурталаш мушкул вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир чораси бўлади.

Банк томонидан ипотека кредити берилаётган вақтда қарз олувчидан суғурта полиси сотиб олиш талаб қилинади.

Ипотекани кредитлаш чоғида қарз олувчи, қоида тариқасида, учта суғурта шартномаси – мол-мулкни суғурталаш, ҳаёт ва соғлиқни суғурталаш ҳамда эгалик ҳуқуқини йўқотиш хатарини суғурталаш (бу титулни суғурталаш деб аталади) шартномасини тузиши керак. Камдан-кам ҳолларда банклар мижоздан учинчи шахслар, масалан, қўшнилар олдидаги фуқаролик масъулиятини суғурталашни талаб қиладилар. Мол-мулкни суғурталаш шартномаси квартирани ёнғиндан, газ портлашидан, сув босиши ва бошқа кутилмаган ҳодисалардан ҳимоя қилинишини таъминлайди. Шундай ҳолатларда суғурта компанияси кредитни тўлашни ўз зиммасига олади. Кредит олувчининг ҳаёти ва меҳнат қобилиятини суғурталаш полиси фақат қарздорнинг эмас, балки кредит берган банкнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилади. Масалан, агар мижоз бирон-бир сабаб билан қарзни уза олмаса, суғурталовчи кредитнинг тўланишини кафолатлайди. Титул суғурталаш

шартномаси квартира эгасининг ҳуқуқларини унга бўлган эгалик ҳуқуқини йўқотиш хавфидан ҳимоя қилади. Масалан, агар олди-сотди битимини расмийлаштириш вақтида хатога йўл қўйилган бўлса ва шунинг оқибатида битим ҳақиқий эмас, деб топилса, суғурталовчи қўлдан кетган квартиранинг баҳосини тўлайди.

Шу билан бирга, ипотекани кредитлаш чоғида суғурта баҳосини арзонлаштириш мақсадида, суғурталовчилар томонидан ипотека кредити бўйича қарз олувчи учун махсус маҳсулот – умумий суғурта полиси ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, суғурта компанияси тарифларни ҳисоблаб чиқиш вақтида қарз олувчининг саломатлиги қандай эканлиги, унинг ёши ва турмуш тарзини, шунингдек, агар иккиламчи турар-жой сотиб олинаётган бўлса, квартира устида амалга оширилган олди-сотди битимлари сонини (титулни суғурталашда) ҳисобга олади. Масалан, агар инсонда маълум касалликлар бўлса, тарифга оширувчи коеффитсент қўлланилади. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати кредит шартномасининг муддатига мос бўлади. Қарз олувчи кредитни қайтариб бўлиши билан суғурта шартномасининг амал қилиши тўхтайди. Бунда кредитни тўлаш жадвалини – ҳар ойда, ҳар чоракда ёки ярим йилда бир марта – қарз олувчининг ўзи танлайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ипотекани кредитлашда хатарлар умумий шартнома воситасида суғурталаниб, бу шартнома оддий ҳолларда учта хатар гуруҳини ўз ичига олади. Булар кўчмас мулк (гаров) объектини суғурталаш, қарз олувчининг ҳаётини суғурталаш, турар-жой иккиламчи бозордан сотиб олинганда титулни ёки мулкка эгалик ҳуқуқини йўқотиш хатарини суғурталашдир. Юқорида келтирилган кредитлар тижорат банклари томонидан турли мулк шаклидаги хўжалик субъектларига бериб келинмоқда ва албатта бу кредитлар бирор мулк таъминоти орқали, яъни берилаётган кредитнинг ўртача 120 фоизи миқдоридаги мулкни гаровга қўйиш эвазига амалга оширилади. Бу эса ўз-ўзидан, гаровга қўйилаётган мазкур мулкларни турли табиий ва бошқа зарарлардан суғурталаш заруратини келтириб чиқаради.

Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш миллий суғурта бозоридаги кенг ривожланган суғурта турларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг гаров муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонунчилигига асосан, ашъёлар, қимматли қоғозлар, пул маблағлари, шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш учун ким ошди савдоси асосида олинган эр участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, турар жой бинолари улар жойлашган эр участкалари билан биргаликда, бошқа мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлар гаров нарсаси ҳисобланади. Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталашда қайта баҳолаш жараёнида муаммолар мавжуд. Суғурталанувчи гаров объектининг суғурта қийматини аниқлашда қайта баҳоловчиларни таклиф қилади. Айрим қайта баҳоловчи ташкилотлар, номаълум сабабларга кўра суғурталанаётган мол-мулкнинг суғурта қийматини бирмунча юқори белгилашлари мумкин. Натижада суғурта суммаси сунъий равишда ошиб кетади ва суғуртачига асоссиз зарар этказилишига олиб келади.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларнинг барчасида кредит рискларини суғурталашга ихтисослашган суғурта компаниялари бўлиб, улар экспорт кредитлари суғуртасини амалга оширувчи тизимга ва чет эл инвеститсияларини

суғурталаш схемаларига эга. Кредитни қайтара олмасликдан суғурталаш тури бозор иқтисодиёти шароитида кенг ривожланган суғурта турларидан бири ҳисобланади. Бу суғурта тури банклар ва суғурта компаниялари ўртасида ҳамкорликнинг кучайиши билан янада кенг ривожланди.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам мазкур суғурта турини кенг йўлга қўйиш бир томондан банклар ва суғурта компаниялари ўртасидаги ҳамкорликнинг кучайишига сабаб бўлса, иккинчи томондан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш борасидаги энг катта муаммо ҳисобланган кредитнинг мулкий таъминоти муаммосини ҳал этар эди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда суғурта ва банк хизматларининг янада кенгайишида банк ва суғурта ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва бунда ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан кенг фойдаланиш яхши самара беради деб ҳисоблаймиз.

FINANCE CONCEPT AND ADOPTION OF STRATEGIC FINANCIAL DECISIONS

Ruzibayeva N. Academic tutor:
Jumanov O. X. Author of the article:
Rakhimov M.O' Group: BH-114 (Accounting and Audit)

Annotation (ENG): *Based on the international strategic financial position and strategic financial development of the enterprise strategic objectives of the process of making financial decisions and solutions made in the following article.*

Key words: *Strategic financial position, strategic objectives, financial solutions, theories.*

Аннотация (RUS): *В этой статье расматривается основа международных стратегических положений, а так же основа стратегического финансового развития предприятия, стратегических целей в процессе принятия решения.*

Ключевые слова: *Стратегических положений, стратегические цели, финансовые решение, теории.*

Annotatsiya (UZB): *Ushbu maqolada xalqaro strategik holatning asosi va strategik moliyaviy rivojlanish faoliyatini maqsadlari va ularni moliyaviy qarorlar asosida qabul qilish shartlari yoritilgan.*

Kalit so'zlar: *Strategik moliyaviy holat, strategik maqsadlar, moliyaviy yechimlar, nazariyalar.*

The term "finance" covers a vast area of economic relations, connected with the distribution of the social product in monetary form. Finance represent economic relations associated with the formation, distribution and use of centralized and decentralized funds of funds in order to carry out the functions and tasks of the state and providing enhanced conditions of reproduction.

The objectives of the financial strategy of the enterprise can be achieved in various ways. Selecting the most effective of these methods it is carried out in the process of making strategic financial decisions.

Adoption of strategic financial decision-making is the process of examining possible ways of achieving the strategic financial goals and select the most effective ones for

practical implementation, taking into account the strategic financial position of a particular enterprise[50]. As can be seen from this definition, taking certain strategic financial decisions related to the company a certain restriction system. On the one hand, the system of such restrictions are the possible strategic financial development of the company, characterized by its actual financial position, and on the other - the system of strategic financial objectives, quantitatively expressed in targeted strategic financial regulations, for the implementation of which is directed certain strategic financial decisions. Despite these limitations, the possibilities for a range of customized enterprise strategic financial decisions is large enough. This range, within which the entity can take their strategic financial decisions, is called "a field of strategic financial decisions."[51]

Based on the strategic financial position and strategic financial development of the enterprise strategic objectives of the process of making financial decisions made in the following main stages[52]:

1. Selection of the main financial strategy of the enterprise. This stage is characterized by the main strategic choice of enterprises in the system of strategic ways to achieve financial goals, determine the direction of all the follow-up to the adoption of strategic financial decisions.

Main financial strategy of the enterprise is elected by the general direction of its financial development relating to all the important aspects of its financial performance and financial relations, ensuring the implementation of its key strategic financial objectives. Selection of the main financial strategy of the enterprise in the first place depends on its adoption of a basic corporate strategy[53]. This dependence is determined by the fact that the financial strategy is subordinate in relation to the base of the corporate strategy and, like any other type of functional strategy, designed to ensure the effective implementation of it. On the basis of the system previously discussed types of basic corporate strategies of the enterprise, the following system is adequate to their main types of financial strategies.

“The strategy of financial support accelerated growth enterprises” (SFSAGE) aims to ensure a high rate of its operating activities in the first place - the volume of production and sales. Under these conditions, significantly increases the need for financial resources allocated for the increase of current and non-current assets of the enterprise. Accordingly, the dominant priority area (direction) strategic financial development of the enterprise, to the greatest extent providing this type of major financial strategy is to increase the capacity of formation of financial resources.

“The strategy of sustainable growth of financial enterprises” (SSGFE) aims at balancing the parameters of the limited operational growth and the necessary level of financial security of the enterprise. Stable support for these parameters in the process of strategic financial development of the enterprise puts forward as a priority sphere of dominant ensure effective allocation and use of its financial resources.

---

[50] ShvandarK. (2006). Human capital as an important component of international competitiveness, *Person and work*, 1: 55-65.

[51] Anwar Shah et Jeff Hunter, "A Simple Measure of Good Governance and It’s Application to the Debate on Appropriate Level of Fiscal decentralization", World Bank, Washington DC, 2007

[52] P.L. Rousseau & R. Sylla “Financial systems, economic growth and globalization” in M.D. Bordo, A.M. Taylor and J.G. Williamson (Eds.) *Globalization in Historical Perspective.* University of Chicago Press (2003); thereafter: Rousseau & Sylla “Financial systems, economic growth”

[53] “Les relations financiиres intergouvernementales: perspective internationale”, L’Institut sur la gouvernance, Ottawa, Ontario, Canada, 1998

"Anti-crisis strategy financial enterprises" (ACSFE) is designed to ensure the company's financial stabilization in the process of exiting the crisis, its operating activities, causing the need to reduce production and sales of products (for example, output processes of the individual markets or segments, reducing the production of certain of its units etc.). In these conditions, the dominant priority area of strategic financial development is the formation of an adequate level of financial security of the enterprise.

2. The wording of the entity's financial policy on the main aspects of its upcoming financial activities. At this stage, the strategic choice of the company covers some areas of financial activity, specifying the kinds and types of financial policy.

Fiscal policy is a form of realization of financial philosophy and main financial strategy of the enterprise in the context of the most important aspects of financial activity[54]. Fiscal policy can be developed for the whole strategic period or a particular stage of its providing a solution specific strategic objectives (eg emission policy). Moreover, at certain stages of the strategic period, the financial policy of the enterprise may be radically altered by the impact of unforeseen changes in the external financial environment, while being aimed at the realization of its main financial strategy.

3. Formation of a portfolio of possible strategic financing alternatives. At this stage, based on the specific parameters of the model of strategic financial position of the company and taking into account the stated financial policy on selected aspects of financial activity generated a list of all the possible ways to achieve various strategic financial goals[55]. Each of these possible ways is an independent financial alternatives, and their set - list of possible financial alternatives.

For example, under the moderate policy of profit generation such alternatives, aimed at the realization of the strategic objective to increase the amount of net profit by the end of the strategic period of not less than two times, can be:

- an increase in revenues from sales of products;
- an increase in income from other types of operations;
- an increase in income from investments;
- reduction of variable costs of the enterprise;
- Reducing the amount of its regular cost;
- changes in the tax policy of the enterprise in order to reduce the level products and others.

4. Evaluation and selection of strategic financial alternatives. AT the process of evaluation of individual alternatives greatest attention should be paid to the use of modern methods of comparative financial analysis[56]. The most important of these methods can be:

- scenario analysis;
- sensitivity analysis;
- method of constructing a decision tree;
- linear programming method;
- simulation method;

[54] Yeo, G., P. Tan, K. Ho and S.-S. Chen (2002). Corporate ownership structure and the informativeness of earnings. *Journal of Business Finance and Accounting* 29:7–8, 1023–1046.

[55] Seyhun, N. (1986). insiders' profits, costs of trading, and market efficiency. *Journal of Financial Economics* 16:2, 189–212.

[56] Jensen, M. (1986). Agency costs of free cash flow, corporate finance and takeovers. *American Economic Review* 76, 323–329.

• method of expert evaluations, and others.

5. Establishment of the program strategic financial development of the enterprise. Such a program should reflect the main results of the company's strategic financial choice and ensure their synchronization dominant spheres and segments of strategic financial development, as well as the implementation of the terms of individual interdependent strategic decisions[57]. The program must not contain rigidly deterministic action to ensure that the strategic objectives of the financial development of the company, indicating only the direction of these actions.

БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ахроров З.О. – “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси ассистенти, СамИСИ

Умирзоқов Д. – МДМ-115 гуруҳ магистранти, СамИСИ

Умирзоқова Ш. – МК-314 гуруҳ талабаси, СамИСИ

Аннотация. Мақолада банк-молия тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш ва бу борада мавжуд вазият таҳлили ёритилган.

Аннотация. В статье освещена организация безналичных расчетов в банковско-финансовой системе и анализ текущей ситуации, связанной с ней.

Abstract. The article highlights the organization of non-cash settlements in the banking and financial system and analysis of the current situation associated with it.

Калитли сўзлар: *банк-молия тизими, нақд пулсиз ҳисоб-китоб, пластик карточка, терминал.*

Ключевые слова: *банковско-финансовая система, безналичный расчет, пластиковая карточка, терминал.*

Keywords: *Banking and financial system, cashless settlement, plastic card, terminal.*

Банк-молия тизими орқали амалга оширилаётган изчил ва тезкор ислоҳотлар, юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматлар, жорий этилаётган янги воситалар, банк назоратининг такомиллашаётгани унинг барқарорлигини таъминлаб, иқтисодий фаолликни жадаллаштириш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилишида муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Бирични Президенти И.А.Каримов ўз маърузаларидан бирида «...иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишни асосий мақсадимиз сифатида кўришимиз керак»[58], деб таъкидлаб ўтган. Бу ўз навбатида, барқарор макроиқтисодий барқарорлик ва ўсишни таъминлашнинг зарурий шарти бўлган пул-кредит соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш кўламларини янада оширишни талаб этади. Ҳозирги кунда банк тизими

[57] Higson, A. (2003). *Corporate Financial Reporting – Theory & Practice.* London: Sage Publications Ltd.

[58] Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2014 йил 5 декабр. http://www.uza.uz сайти

ривожланиб борар экан, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш механизмини такомиллаштириш талаб этилади.

Банк тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий шакли – банк пластик карточкалар муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада банк пластик карточкалари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг умумий сони 2016 йилнинг бошига нисбатан 3,2 млн.тага ортиб, 19,5 млн. донадан ошди[59].

Банклар томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар ва ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари сони ўсиш тенденсиясига эга бўлмоқда ва бу жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карталари орқали амалга оширилган банк транзакциялари суммаси ўсиш тенденциясининг юзага келишига имкон яратмоқда.

2016 йил давомида пластик карточкалар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 53 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан қарийб 70 фоизга ошди. Бундан ташқари тўловларни замонавий шаклларидан ҳамда банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш хизматини кенг жорий қилишга эътибор қаратилмоқда.

Банклар пластик карточкаларига асосланган тўлов амалиётининг кенгайиб бораётганлиги нақд пулга бўлган талабни қисқартириш билан савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлар учун кенг имкониятлар яратмоқда, сезиларли даражада вақт ва маблағ тежалмоқда. 2013-2017 йиллар 1 январ ҳолатида тижорат банклари пластик карточкалари бўйича маълумотлар 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг пластик карточкаларига асосланган тўлов амалиётининг замонавий ҳолати[60]

№	Кўрсаткичлар	2013 йил 1 январ ҳолатига	2014 йил 1 январ ҳолатига	2015 йил 1 январ ҳолатига	2016 йил 1 январ ҳолатига	2017 йил 1 январ ҳолатига
1	Муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари сони, минг дона	9,2	11,1	13,4	16,3	19,5
2	Ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари сони, дона	113	130	159	183	209
3	Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карточкалари	11,6	16,3	22,8	31,3	53,1

[59] Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит, 2017 йил январ 1-сон

[60] Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит, 2017 йил январ 1-сон

	орқали амалга оширган транзакциялар суммаси, трлн. сўм					

Республикамиз амалиётида муомалада бўлган банк пластик карточкалари дебетли карталар бўлиб, улар бўйича тўловлар карта эгаларининг тижорат банкларида очилган жорий ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Фикримизча, банк пластик карточкаларининг аҳоли учун янада жозибадорлигини ошириш мақсадида карта эгаларининг жорий ҳисобварақлари орқали тижорат банкларининг овердрафт кредитларидан фойдаланиш имконини бериш лозим.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, тижорат банклари томонидан карточкалар эгаларига овердрафт кредитларидан фойдаланиш имконининг берилиши ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, ноинфляцион талабни ошириш орқали иқтисодий ўсишни ҳам қувватлайди.

Маълумки, кредитли карталар учун тижорат банкларининг ссуда ҳисобрақами очилади, аммо дебетли карталар эгаларининг иш ҳаққи миқдоридан келиб чиққан ҳолда уларга овердрафт кредитлари бўйича кредитлаш лимитларини ажратиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан олиб борилаётган иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш, инфляция даражаси ва пул масаласининг ўсиш суръатларининг прогноз кўрсаткичлар доирасида бўлишини таъминлашга қаратилган пул-кредит сиёсати пул тизимининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Жумладан, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳажмининг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

1-диаграмма маълумотларидан кўринадики, 2012-2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 12,0 % даражасида сақлаб қолингани инфляция даражасини ва тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз ставкасини пасайтириш имконини берган. Бу банк тизимининг иқтисодий фаолликни рағбатлантиришдаги ролини оширишга хизмат қилаган.

Ўз навбатида, инфляция даражасининг пасайиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестициявий фаолликни ўсишини қўллаб-қувватлаш мақсадида марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2015 йилнинг 1 январидан 10 фоиздан 9 фоизгача туширилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси ва тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг пасайиш тенденциясига эга эканлиги ҳамда инфляцияни белгиланган прогноз кўрсаткичлари даражасида бўлишининг таъминланганлиги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга хизмат қилмоқда. 2-диаграмма

1-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси, тижорат банклари кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкалари ва инфляциянинг йиллик даражаси[61], фоизда



2-диаграмма

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг кредит қўйилмалари[62], млрд. сўм



2-диаграмма маълумотларидан кўринадики, 2012-2016 йилларда республикамиз тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ўсиш тенденциясига эга. Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажмининг ошиб бораётганлиги

[61] Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2012-2017 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти www.cbu.uz маълумотлари

[62] Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2012-2017 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти www.cbu.uz маълумотлари

иқтисодиётнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида замонавий пул тизими шаклланган бўлиб, у иқтисодиётнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини молиявий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, пул-кредит соҳасида амалга оширилаётган ушбу тадбирлар пул тизимининг самарали ишлашини, барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини ҳамда пул массасининг прогноз кўрсаткичларидан паст бўлишини таъминлаш ва инфляция даражасига монетар омиллар таъсирининг олдини олиш имконини бермоқда.

ПРИМЕНЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ФОРМ ПРОДАЖ - КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ТОРГОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

У.Н.Нормуродов, СамИСИ.
Т.Н.Нормуродов, СамИСИ.

Аннотация: *Мақолада чакана савдо корхоналарида товарларни сотишнинг инновацион усулларидан фойдаланиш орқали савдо корхонаси самарадорлигини ошириш имкониятлари тадқиқ этилган.*

Аннотация: *В этой статье авторами предложены пути повышения розничных торговых предприятий путём внедрения инновационных форм продажи.*

Annotation: *In this article suggested by authors ways to increase undertaking trades with adding innovative types of sale.*

Калит сўзлар: *инновация, савдо, савдо соҳаси, товарларни сотиш шакллари, самарадорлик.*

Ключевые слова: *инновация, торговля, сектор торговли, формы продажи, эффективность.*

Key words: *innovation, trade, sphere of trade, forms of selling, efficiency.*

Торговля стимулирует экономическое развитие государства и рост занятости, развитие малого бизнеса и национальных производителей, стимулирует приток иностранных инвестиций и повышение эффективности и производительности. В различных странах малый бизнес обеспечивает значимую долю оборота сектора торговли.

Сектор торговли признан во многих странах выполняющим важную экономическую и социальную роль. Основным вкладом розничной торговли в повышение качества жизни населения является поддержание социальной стабильности и удовлетворение потребностей населения в товарах. Вклад торговли в мировой ВВП составляет около 10%, а в общую занятость – до 13%[63].

Сектор торговли, как правило, является конечным звеном любой производственной цепочки, а соответственно именно от широты и разнообразия каналов, а также уровня их развития зависят эффективность, объемы и скорость, с которыми производимые в экономике и ввозимые на территорию страны товары достигают своего потребителя. Таким образом, стимулируя качественное развитие сектора, государство может способствовать созданию необходимых условий для

[63] Источник: Eurostat, US Census

продвижения товаров различных отраслей, что положительно скажется на экономике страны в целом.

Развиваясь и желая увеличивать собственную эффективность, торговые организации стремятся к сокращению затрат, в том числе и на поставляемую продукцию, росту показателей операционной эффективности. Все это приводит к ужесточению требований для поставщиков и производителей, которые в данной ситуации оказываются вынужденными изыскивать пути повышения собственной производительности и эффективности. Подобные тенденции стимулируют инновационную активность в производственных процессах и, следственно, способствует модернизации экономики в целом. При этом необходимо учитывать, что эффект роста производительности и эффективности по всей цепочке возможен только при достаточно сильной и консолидированной рознице.

Малые торговые предприятия часто первыми начинают продажи новых товаров, производители которых еще не достигли необходимого масштаба для создания широкой дистрибуции и выхода в розничные сети. Таким образом, наличие достаточного количества малых и средних торговых предприятий и их высокое качество стимулируют инновационную активность в стране.

При этом следует особо отметить вклад торговли и в общее развитие предпринимательства в стране, так как зачастую именно торговля является «первым шагом» для многих предпринимателей перед переходом в другие сферы экономической деятельности.

Анализ международного опыта развития розничной торговли демонстрирует схожие тенденции во многих, как развитых, так и развивающихся странах. С общим экономическим ростом наблюдаются высокие темпы роста мирового розничного оборота и, в первую очередь, за счет опережающих темпов роста развивающихся стран. В связи с новыми технологическими разработками и инновациями в процессах повышается производительность розничной торговли. В ответ на усиливающуюся конкуренцию и глобализацию повышается уровень консолидации сектора. В ответ на потребительские предпочтения и растущие требования к ассортименту, качеству и доступности предоставляемой продукции увеличивается доля современных форм торговли.

На сегодняшний день формы продажи оказывают решающее влияние на производительность труда работников магазина, эффективность использования основных фондов, на объем товарооборота, а также на затраты времени покупателями на совершение покупки. В настоящее время применяются следующие прогрессивные формы продажи:

1. самообслуживание,
2. продажа по образцам,
3. индивидуальное обслуживание.

В мировой розничной торговле возрастает роль продаж через Интернет, но уровень проникновения Интернет-торговли еще не очень велик и также существенно различается между странами. В наиболее технологически развитых странах, характеризующихся небольшой площадью территории и высокой плотностью населения, доля Интернет-торговли уже достигает 5%.

Выбор формы продажи зависит от многочисленных факторов:

- от характера ассортимента;

- от степени подготовки товаров к продаже;
- от размера торговой площади;
- наличия торгового оборудования.

В последние годы особенно широкое распространение получило самообслуживание. Применение этой формы позволило значительно уменьшить время, необходимое покупателю для совершения покупки, и повысить производительность труда работников магазина на 40-60% по сравнению с традиционными формами обслуживания. Именно они являются тем резервом, который позволить повысить эффективность розничной торговли. Для широкого распространения прогрессивных форм продажи нужны определенные условия. Так, необходимо существенно повысить долю товаров, поступающие в розничную торговлю в промышленной упаковке. Особенно касается это товаров, в продаже которых все еще преобладает индивидуальное обслуживание покупателей, затрачивающих много времени на покупку (овощи, фрукты, мясные и колбасные изделия и т.д.) Кроме того, магазинам нужно большие торговые площади для показа товаров и для обслуживания покупателей. Но нужны не только большие торговые площади, необходимо также обеспечить магазины современным торговым оборудованием в достаточном количестве.

Самообслуживание в корне меняет весь процесс продажи. Покупатель теперь сам выбирает товар, берет его со стенда, к которому имеет свободный доступ, направляется с товаром к кассе, где кассир-контролер проверяет стоимость выбранного товара и получает деньги. Таким образом, сами покупатели в значительной мере определяют темп, в котором совершается покупка товара. При желаний покупатель может получить от продавца необходимую консультацию. При таком методе обслуживания прежние обязанности продавца, заключавшиеся в предложений товара, беседах с покупателем, упаковке товара, теперь в значительной мере возложены на самого покупателя. Последний легко знакомится со всем имеющимся ассортиментом, экономит время и потому, как правило, охотно берет на себя указанные функций.

При самообслуживаний достигается экономия рабочего времени продавцов, так как промышленность и оптовая торговля все более рационально готовят товары к продаже (фасуют, упаковывают и маркируют). При самообслуживаний оплата товара централизуется, связь между покупателем и продавцом в процессе продажи значительно уменьшается, вследствие чего все покупатели, находящиеся в торговом зале, могут быть обслужены одновременно. Продажа товаров методом самообслуживания себя оправдала. Самообслуживание в последующие годы будет получать все большее распространение, ибо по сравнению с традиционными формами торгового обслуживания его преимущество очевидно.

Во-первых, покупатель получает возможность видеть весь ассортимент товаров.

Во-вторых, покупатель может не спеша выбрать нужный товар.

В-третьих, свободный доступ покупателя к товару позволяет время совершения покупки уменьшить на 40-60%.

В-четвертых, повышается производительность труда, так как становится возможным обеспечить непрерывный рабочий процесс, при котором ряд функций выполняется самим покупателем, уменьшается трудоемкость процесса продажи.

В-пятых, увеличивается товарооборот.

В-шестых, снижаются издержки обращения.

В-седьмых, повышается чистая прибыль.

По нашему мнению, внедрения инновационных форм продажи помогут повышению эффективности розничных торговых предприятий.

XIZMAT KO'RSATISH SOHASINING RIVOJLANISHIDA QIMMATLI QOG'OZLAR BOZORINING O'RNI VA AHAMIYATI

Ro'zibayeva N. H, assistent, SamISI
Abduxalimov D.A, iqtidorli talaba, SamISI

Annotatsiya. *Maqolada xizmat ko'rsatuvchi sub'ektlar faoliyatini rivojlantirishda qimmatli qog'ozlar bozorining o'rni va ahamiyati ilmiy jihatdan o'rganilgan. Xizmat ko'rsatuvchi sub'ektlar faoliyatini moliyaviy mablag'lar bilan ta'minlash tizimini takomillashtirish bo'yicha ilmiy amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.*

Kalit so'zlar: *qimmatli qog'ozlar bozori, fond birjasi, aksiya.*

Аннотация. *В статье научно изучено особенность и важность рынка ценных бумаг в деятельности предприятиях в сфере услуг. Даны научно-теоретические рекомендации по развитии финансовых ресурсов в деятельности предприятиях в сфере услуг.*

Ключевые слова. *Рынок ценных бумаг , фондовая биржа, акция.*

Annotation: *in the article the role and importance of valuable market on having service subjects' activities developed were represented. Scientific-practical recommendations for the improving of supplying system of services subjects' activities with financial resources were worked.*

Key words: *valuable paper market, fund, stock, capital.*

Mustaqil Respublikamizda olib borilayotgan iqtisodiy islohotlarning bosh maqsadi barqarorlikka, iqtisodiyotni yuksaltirishning ijobiy sur'atlarga va aholi turmush darajasini oshirishga erishish hisoblanadi. Ushbu maqsadni amalga oshirish uchun Respublikamizda faol islohotlar amalga oshirilmoqda.

Bugungi kunda mamlakatimizda eng tez o'sib borayotgan iqtisodiyot tarmoqlaridan biri bu – xizmat ko'rsatish sohasi hisoblanadi. Ushbu sohaning rivojlanishi nafaqat aholini ish bilan ta'minlash, balki mamlakatimizni iqtisodiy jihatdan rivojlantirish uchun ham muhim omil hisoblanadi.

Bizning mamlakatimiz uchun xizmat ko'rsatish sohasi iqtisodiyotning nisbatan yosh tarmoqlaridan biri hisoblanadi. Mamlakatimizda iqtisodiyotning barcha tarmoqlari kabi xizmat ko'rsatish sohasi ham mustaqillik davrida rivojlandi desak yangilashmagan bo'lamiz. Keyingi yillarda ushbu sohada amalga oshirilgan tub islohotlar natijasida, uning rivojlanishi uchun keng ko'lamli imkoniyatlar yaratildi. Xususan, amalga oshirilgan islohotlar natijasida yil sayin mamlakatimiz yalpi ichki mahsuloti tarkibida xizmat ko'rsatish sohasi ulushi ortib bormoqda. Jumladan, ushbu ko'rsatkich 2011 yilda 50.5 foiz, 2012 yilda 52.0 foiz, 2013 yilda 53.0 foiz, 2015 yilda 54.5 foiz, 2016 yilda esa 56 foizni tashkil etdi[64]:

[64] www.stat.uz ma'lumotlar bazasi.



Keyingi yillarda mamlakatimizda xizmat ko’rsatish sohasini taraqqiy etishida investitsiya bozorining rivojlanishi alohida turtki bo’ldi. Ayniqsa, joriy yilda mamlakatimizga kirib kelayotgan investitsiyalar hajmi o’tgan yillardagiga nisbatan sezilarli darajada oshdi.

O’zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimov ta’kidlaganlaridek, “Makroiktisodiy barqarorlik, ishlab chiqarishning izchil va mutanosib o‘sish sur’atlarini ta’minlash, jalb etilayotgan investitsiyalarni ko‘paytirish hisobidan tarkibiy o‘zgarishlarni qat’iy davom ettirish, iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlarini modernizatsiya qilish va yangilash - biz uchun bosh vazifa bo‘lib qoladi”[65].

Darhaqiqat, bugungi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotining rivojlanishi uchun Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan amalga oshirilayotgan keng ko’lamli islohotlar alohida diqqatga sazovvor.

Xususan, Prezidendimizning 2017-yilning dastlabki choragida Turkmaniston, Qozog’iston va Rossiya Federatsiyasiga amalga oshirgan davlat tashrifi natijasida Respublikamizga 15 mlrd AQSH dollaridan ortiq investitsiya liniyalari jalb etildi. Ushbu investitsiyalar mamlakatimizda iqtsodiyotning barcha tarmoqlari kabi xizmat ko’rsatish sohasining rivojlanishi uchun ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Mamlakatimizda keng ko’lamli islohotlar amalga oshirilayotganiga qaramasdan, ayrim sohalardagi muammolar hamon o’z yechimini kutib yotganligiga aslo ko’z yumish mumkin emas. Xususan, xizmat ko’rsatish sohasida faoliyat ko’rsatuvchi sub’ektlar faoliyatida qimmatli qog’ozlar bozori o’zining mustahkam o’rniga ega emas. Bu o’rinda shuni ta’kidlab o’tish kerakki, Respublikamizda xizmat ko’rsatish sohasi vakillari, asosan, kichik biznes sub’ektlaridan iborat bo’lib, ularni boshqaruvchi menejerlar ham qimmatli qog’ozlar bozori haqida aniq fikrlarga ega emas. Mamlakatimizdagi tadbirkorlar o’z faoliyatini rivojlantirishda, asosan, bank kreditlaridan foydalanadi. Bu esa ortiqcha foiz to’lovlarini yuzaga keltiradi. Qolaversa, banklarda hamisha ham kreditlarni berish uchun resurslar yetarli darajada bo’lmaydi.

Qimmatli qog’ozlar bozori iqtisodiyotning barcha sub’ektlariga o’zlari uchun zarur bo’lgan moliyaviy vositalar, pul mablag’larini jalb etish yo’llarini kengaytiradi va

[65] Karimov I.A. Asosiy vazifamiz – Vatanimiz taraqqiyoti va halqimiz farovonligini yanada yuksaltirishdir.// Halq so’zi, 2010 yil 29 yanvar.

yengillashtiradi. O’z navbatida, aksiyalar chiqarish orqali pul mablag’lari muddatsiz vaqtga jalb qilinishi mumkin. Ya’ni korxona faoliyati davomida aksiya chiqarish orqali bank kreditiga nisbatan kam foizli va uzoq muddatli investitsiya manbayiga ega bo’lishi mumkin.

Qimmatli qog’ozlar bozorining rivojlanishi kapital bozorining rivojlanish darajasi bo’libgina qolmasdan, balki moliyaviy iqtisodiy tizimning rivojlanganligiga baho beruvchi muhim indikatorlardan biridir. Bundan tashqari aksiyalarning lekvidlilik darajasini hisobga oladigan bo’lsak, ular sarmoyalarning iqtisodiyot bo’ylab erkin va tez harakatini ta’minlaydi va chet el investitsiyalarini jalb qilish uchun keng imkoniyatlar yaratadi. Odatda, korxonaning investitsiyalarni jalb qila olish qobiliyatiga bahoni birinchi navbatda portfel investorlar va bozor chayqovchilari beradi. Aynan mana shunday investorlar nazlida aksiyalar riskka kam moyil bo’lgan va yuqori daromad keltiruvchi moliyaviy instrumentlardan biri bo’lib gavdalanadi.

Aksiya va boshqa qimmatli qog’ozlarning iqtisodiyotdagi ahamiyatini rivojlangan mamlakatlar tajribasi ko’rsatib bergan bo’lib bu haqida iqtisodiy biilimga ega bo’lgan har bir mutaxasis yaxshi biladi. Biroq xizmat ko’rstuvchi sub’ektlarni boshqaruvchi menejerlarning hammasini ham mahsus iqtisodiy bilimga ega deb bo’lmaydi. Qimmatli qog’ozlar bozorini rivojlanishini ta’minlash uchun avvalo, fond bozorini rivojlantirish va mamlakatimizda birja savdolarini amalga oshirish qoidalarini keng targ’ib qilish zarur. Birja faoliyatini keng targ’ib qilishning asosiy vositalaridan biri ommaviy axborot vositalari hisoblanadi. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan birja savdolarini ommaviy axborot vositalarida, shu jumladan telivediniyada yoritib borish birja savdolariga bo’lgan qiziqishni oshishiga sabab bo’ladi va tadbirkorlar ongida qimmatli qog’ozlar bozori faoliyatiga nisbatan iliq fikrni paydo qiladi. Bu esa qimmatli qog’ozlar bozorining rivojlanishi uchun ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Birjalar faoliyati rivojlanishi qimmatbaho qog’ozlarni investorlarning keng qatlami ichida tarqalishini rag’batlantiradi, bu esa iqtisodiyotning katta qismini egallagan xizmat ko’rsatuvchi sub’ektlar moddiy bazasini yaxshilashga imkon yaratadi.

Shunday qilib, shuni alohida e’tiborga olish mumkinki, qimmatbaho qog’ozlar bozorining rivojlanishi iqtisodiyotning barcha tarmoqlari kabi, xizmat ko’rsatish sohasining rivojlanishi uchun ham muhim ahamiyat kasb etadi va qimmatli qog’ozlar xizmat ko’rsatuvchi subyektlar faoliyatini moliyalashning muhim vositalaridan biridir.

КОРХОНАЛАР СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

Ахроров З. – “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси ассистенти, СамИСИ
Амонов З. – МК-414 гуруҳ талабаси, СамИСИ
Гулуев П. – МДМ-115 гуруҳ магистранти, СамИСИ

Мақолада корхоналар солиққа тортиш механизми моҳияти, таркиби ва унинг хусусиятлари ёритилган.

В статье освещены сущность механизма налогообложения, его структура и особенности.

In the article the essence of the taxation mechanism, its structure and features are highlighted.

Таянч сўз ва иборалар: *Корхона, солиқ, солиқ механизми, солиқ сиёсати.*

Ключевые слова: *Предприятия, налог, налоговый механизм, налоговая политика.*

Keywords: *Enterprises, tax, tax mechanism, tax policy.*

Давлат солиқ сиёсатини амага ошириш жараёнида Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашуви муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг минтақа кўламидаги ҳамда ҳамдўстлик доирасидаги интеграция жараёнларида фаол иштирок этишни таъминлаш мақсадга мувофиқ. МДҲ доирасида қўшма корхоналар ва саноат гуруҳларини ташкил этишда ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилиши амалда экспортга йўналтирилган соҳаларни қўллаб-қувватлаган. Чунки, айнан, шундай ҳамкорлик экспортчилар йўлидаги божхона ва бошқалар билан боғлиқ тўсиқларни бартараф қилишда муҳим рол ўйнаши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қайта ишлаш саноати экспортининг халқаро миқёсда ўсиб бориши, шубҳасиз, дунё мамлакатларида амал қиладиган савдо тўсиқларига дуч келиши эҳтимолдан холи эмас.

Бу каби муаммолар ҳал қилиниши эса, Ўзбекистон солиқ механизмини амал қилиш тартибини янада ривожлантиришга боғлиқ. Корхоналарни интеграциялашувини жадаллаштиришга қаратилган муҳим вазифалар ҳал этилиши республикамиз халқаро бозорларга чиқиш билан боғлиқ муқобил йўллар ва йўналишларни якдил белгилаб олишни ҳам талаб этади. Бу эса кўп жиҳатдан солиқ механизмларини ривожлантиришга боғлиқ. Маълумки, корхоналар самарали фаолият учун, энг аввало, тайёр маҳсулотлар ва хом-ашёлар жаҳон бозорларида амал қиладиган энг муҳим иқтисодий омилларни ҳисобга олиш тақозо этилади. Жаҳон хўжалиги тараққиёти шундан далолат берадики, дунё хом-ашёлар жаҳон бозоридаги рақобат муайян омилларга, хусусан, хом-ашёнинг табиий хусусиятлари ва уларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва транспорт воситаларида ташиш учун сарфланадиган харажатларга бевосита боғлиқ сарф-харажатлар ўз навбатида, жаҳон бозорида рақобат кураши асосини ташкил этувчи нарх шаклланишига олиб келади. Бундай масалани ҳал этишда аввало солиқ юкини оптималлаштиришни талаб этади. Ҳар қандай корхона унинг бозорларидаги нархи барқарор бўлмаганлиги сабабли, жаҳон бозори конъюнктураси таъсирида шаклланган нархлар динамикасига ниҳоятда боғлиқ бўлиб қолади. Фикримизча, зарур хом-ашё ресурслари ва маҳсулотларига бой бўлган мамлакат уларни жаҳон бозорларига олиб чиқиб, арзон гаровга сотиш билан эмас, балки улардан самарали фойдаланиш орқали юқори сифатга эга бўлган рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариши ва уларни халқаро бозорларда эркин айирбош қилинадиган хорижий валюталарда сотиши зарур. Айни пайтда, республикамиз экспорти тартибида ҳам технологик жиҳатдан чуқур ишлов бериладиган тайёр маҳсулотлар улуши кўпайишига эришиш экспортдан келадиган валюта тушумларининг дунё бозорлари конъюнктурасига боғлиқлик даражасини чегаралаш гаровидир. Тайёр маҳсулотлар бозори хом-ашёлар бозоридан кескин фарқ қилиб, унда рақобат асосини нафақат товар нархи, балки унинг истеъмол хусусиятлари, яъни нафлилиги ҳам ташкил этади. Демак, ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда тайёр маҳсулотлар сифати – солиқ механизмларини амал қилиш ва рақобатбардошликнинг муҳим омилидир. Шундай экан, хом-ашё ресурслари ва бирламчи маҳсулотларни замонавий усулларда комплекс қайта ишлаш имконини берадиган янги технологияларни ишлаб чиқариш соҳаларига жорий этиш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни солиқлар орқали

кўплаб бунёд этиш, мавжудларини эса техник жиҳатдан қайта қуроллантириш орқали корхона молиявий фаолиятини юксалтириш мақсадга мувофиқдир.

Айтиш жоизки, экспорт қилувчи корхоналар учун 2000 йилнинг 1 июлидан бошлаб ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) экспорти улушига қараб, мулк солиғи тўлашнинг ўзига хос тартиби жорий этилган. Унга мувофиқ, экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганда белгиланган солиқ ставкаси 30 фоизгача камайтирилади, 30 ва ундан юқори бўлганда белгиланган солиқ ставкаси 50 фоизгача камайтирилади. Юқорида қайд этилган имтиёзлар экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ҳамда мустақил ёки айрим вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ёки компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланувчи ихтисослаштирилган ташқи савдо бирлашмалари ҳамда фирмалари орқали четга сотувчи барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга нисбатан жорий этилди. Бу эса экспортга бевосита тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқ корхоналарини рағбатлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Юқорида қайд этилганидек, корхоналарни солиққа тортиш, албатта, ўз-ўзидан эмас, балки маълум бир механизмнинг ҳаракати ёрдамида содир бўлади. Бизнингча, уни корхоналарни солиққа тортиш механизми деб аташ мумкин. Тегишли шароитлар тенг бўлганда, таъкидланган механизм аниқ ишласа, бир томондан, корхоналарни солиққа тортиш жараёнида солиқлар ўзларининг фискал функциясини, иккинчи томондан эса, шу корхоналарни рағбатлантириш функциясини муваффақиятли бажараверади ва аксинча. Дексак, бундай шароитда корхоналарни солиққа тортиш механизми тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун эса, аввало, бу механизмнинг таркибий қисмлари ва элементлари нималардан иборат эканлигини аниқлаш керак. солиққа тортиш механизмлари таркибан бир-бирига деярли ўхшаш бир неча элементлардан ташкил топади. Бундай элементлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) солиқ тўловчилари; б) солиқ солиш объекти; в) солиқ солинадиган база; г) солиқ имтиёзлари; д) солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби; е) солиқ юзасидан бюджет билан ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқалар.

Корхоналарни солиққа тортиш механизми таркибий жиҳатдан (ҳаракатлантирувчи кучлари) қуйидаги уч қисмдан иборат, деб ҳам тасаввур этиш мумкин: 1) солиқларни тўловчи корхоналар; 2) корхоналар тўлайдиган солиқларни ундирувчилар; 3) корхоналар тўлайдиган солиқларни тартибга солувчи ҳуқуқий (меъёрий) ҳужжатлар.

Корхоналарни солиққа тортиш механизмининг ҳар бир таркибий қисми, ўз навбатида, бир неча элементлардан иборат. Масалан, солиқларни тўловчи корхоналар юридик шахслардан иборат бўлиб, улар эса юридик мақоми ва ташкилий-ҳуқуқий томонларига кўра, қуйидаги бир неча гуруҳлардан ташкил топиши мумкин: корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фирмалар, корпорациялар, синдикатлар, трестлар, ассоциациялар, концернлар, холдинлар ва бошқалар.

Корхоналар солиққа тортиш механизмининг таркибий қисми сифатида бу корхоналар тўлайдиган солиқларни ундирувчилар ҳам бир неча элементлардан иборат. Бизнингча, уларнинг элементлари қаторига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи идораларини киритиш мумкин.

Шу ўринда, бизнингча, яна бир муҳим нарсага алоҳида эътибор бериш лозим. Гап шундаки, корхоналар солиққа тортиш механизмини нисбатан бўлсада, мустақил солиққа тортиш механизми сифатида талқин қилаётган бўлсак-да, аслида у мамлакатимиздаги ягона солиққа тортиш механизми олдига қўйилган вазифаларга ҳамоҳанг бўлмоғи лозим. Шуни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, корхоналар солиққа тортиш механизми, бир томондан, фискал вазифани бажариб, давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан бу механизм корхонанинг фаолиятига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши керак.

Корхоналарни солиққа тортиш механизмининг амал қилишига ёки бу корхоналар фаолиятига баҳо берилаётган пайтда уларнинг олдига қўйилган юқоридаги икки вазифа қандай бажарилганлигидан келиб чиқиш зарур. Бу ерда, албатта, вазифаларнинг бажарилишига доир турли вариантлар вужудга келиш эҳтимоли мавжуд. Уларга кўра биринчи вариантда корхоналарни солиққа тортиш механизми ўз олдига қўйилган бюджет даромадларини шакллантириш вазифасини узил-кесил бажариши, лекин, бу жараёнда корхоналарнинг фаолиятига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш мароми бузилиши, иккинчи вариантда эса, бунинг тескариси бўлиши мумкин. Бундай вариантлар вужудга келишининг оқибатларига қараб, ҳар икки ҳолда ҳам корхоналарни солиққа тортиш механизми фаолиятига яхлит тарзда ижобий баҳо бериб бўлмайди. Бундан келиб чиқадиган навбатдаги мантиқий хулоса шундан иборатки, бу механизм бир-бирига салбий таъсир кўрсатмасдан ўз олдига қўйилган ҳар иккала вазифанинг муваффақиятли бажарилишини таъминласа, уни тегишли талабларга тўлиқ жавоб берадиган самарали механизм сифатида эътироф этиш мумкин.

Албатта солиқ сиёсати корхоналар солиққа тортиш механизми, шак-шубҳасиз, бир томондан, давлатнинг жорий фискал манфаатларини ва иккинчи томондан корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатувчи тузилмаларини молиялаштириш имкониятларини таъминлаши керак. Фақат шундай бўлган тақдирдагина, бу механизмнинг самарали фаолият кўрсатаяпти, деб ҳисоблаш мумкин.

Демак, корхона иқтисодий фаолиятни солиқ механизмлари орқали тартибга солиш иқтисодиётга давлат аралашувининг муайян бир кўриниши бўлиб, у мамлакатда корхона истиқболини белгилаш, солиқ сиёсатини амалга ошириш, сармоялар мамлакат ташқарисига чиқиб кетишининг олдини олиш шароитида иқтисодий стратегиянинг муҳим тамойили ҳисобланади.

XIZMAT KO’RSATISH SOHASINI INNOVATSION RIVOJLANTIRISH JARAYONIDA INVESTITSIYA BOZORINING AHAMIYATI

Ruzibayeva N. H. – assistent, SamISI
Abduxalil-zoda R. M. – iqtidorli talaba, SamISI

Annotatsiya: *Maqolada xizmat ko’rsatish sohasini innovatsion rivojlantirish jarayonida investitsiya bozorining ahamiyati ilmiy jihatdan yoritilib berilgan. Investitsiya bozorini rivojlantirishda samarali natijalarga erishish uchun alohida subyektlar bo’yicha amalga oshirilishi lozim bo’lgan ishlar haqida takliflar berilgan.*

Kalit so’zlar: *investitsiya bozori, moliya bozori, investitsiya, xorijiy investitsiya, investitsiya bozoridagi subyektlar, invesitsion portfel.*

Аннотация: *в статье отражена с научной точки зрения значение инвестиционного рынка в процессе инновационного развития сферы услуг. Выдвинуты предложения относительно необ отдельных*

Ключевые слова: *рынок инвестиций, финансовый рынок, инвестиция, иностранная инвестиция, субъекты инвестиционного рынка, инновационный портфель.*

Annotation: *In the article the importance of investment market on having service developed innovatively. On having investment market developed suggestions about matters which should be done in special subjects for reaching affective consequences were given.*

Key words*: investment market, finance market, investment, foreign investmen, subjects in investment market, investment portfolio.*

So'nggi yillarda iqtisodiyotimizning o'sish darajasida xizmat ko'rsatish sohasi ham salmoqli o'rinlarni egallab kelmoqda. Respublikamizda xizmat ko'rsatish sohasini innovatsion rivojlantirishga bo'lgan e'tibor kundan-kunga oshib borayotganini bu soha oldiga qo'yilgan vazifalardan ham yaqqol ko'rish mumkin.

Bugungi kunda respublikamizning barcha mintaqalarida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish, modernizatsiyalash, texnik va texnologik jihatdan qayta jihozlash, xalqaro andozalarga mos keladigan xizmatlarni ko'rsatish hamda shu asosida aholi farovonligini yuksaltirishga yo'naltirilgan iqtisodiy islohatlar izchil amalga oshirish borasida ishlab chiqilayotgan chora-tadbirlar davr talabidir. Bu jarayonda korxonalarni moliyalashtirish, moliyaviy jihatdan qo'llab quvvatlash masalalari muhim hisoblanadi. Shu o'rinda aytib o'tish kerakki, Prezidentimiz Mirziyoyev Sh. M. tomonidan 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha harakatlar strategiyasining 3-yo'nalishi bo'lmish, "Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo'nalishari"da istiqbolli investision loyihalar hamda kichik biznes va tadbirkorlik subyektlarini kreditlashtirishni yanada kengaytirish; kapitalni jalb qilish hamda korxona, moliyaviy institutlar va aholining erkin resurslarini joylashtirishdagi muqobil manba sifatida fond bozorini rivojlantirish hamda jalb qilingan xorijiy investisiyalar va kreditlardan samarali foydalanish singari vazifalarni qo'yganlar.[66]

Moliya bozori tarkibiy qismi bo'lgan investitsiya bozorining rivojlantirilishi yuqoridagi masalaning ijobiy yechimlarini topishda bevosita xizmat qiluvchi instrument hisoblanadi.

Investitsiya bozori – moliya bozorining tarkibiy qismi bo'lib, u foyda, dividend yoki daromadlarning boshqa shakllarini olish maqsadida saqlab, qishloq xo'jaligi va boshqa sohalarga, shuningdek qimmatli qog'ozlarga sarmoya qo'yish borasidagi munosabatlarni o'z ichiga oladi[67].

Investitsion bozorning rivojlanishi natijasida mamlakatda mavjud pul mablag'lari, iqtisodiyotning bir sohasida turib qolmay, bosha bir investitsiyaga muxtoj sohaga oqib o'tadi. Bundan tashqari investitsion faoliyat tufayli bevosita aholi daromadlarining ko'payishi va aholi faravonligining oshishiga erishish mumkin.

[66] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni 2017 yil 7 fevral – "Xalq so'zi" 2017 yil 8 fevral

[67] Xo'jayev E. N. Moliya bozori va qimmatli qog'ozlar. Samarqand 2009.

Shuni ta’kidlab o’tish joiz, bizning iqtisodiyotimizning investitsiyaga bo’lgan ehtiyoji shu darajada yirikki, bu ehtiyojni qondirish uchun nafaqat ichki investitsiyalar, balki xorijiy investitsiyalarni ham to’g’ridan-to’g’ri jalb qilish lozimdir.

Xizmat ko’rsatish sohasida investitsiyalarni jalb qilish uchun qulay shart-sharoitlarni ta’minlaydigan davlat siyosatini amalga oshirish investitsional va huquqiy tizimini doimiy ravishda rivojlantirishni talab qiladi. Jahon iqtisodiyotida to’g’ridan to’g’ri investitsiyalashning 40%dan ortig’i aynan servis sohasiga yo’naltirilmoqda (asosan savdo, bank va sug’urta xizmatlariga).

Aytish mumkinki, mamlaktda investitsiya bozorining rivojlanishiga 2 guruh omillar ta’sir qiladi:

1. Iqtisodiy omillar:

- mamlakat iqtisodiyotining rivojlanish darajasi va iqtisodiy o’sish sur’atlari;
- investitsion bozorning xalqaro tashkilotlar bilan aloqalarining mavjudligi;
- jahon va alohida mamlakatlar iqtisodiyotida chuqur tarkibiy siljishlarning amalga oshirilishi (ayniqsa, fan-texnika taraqqiyoti yutuqlari va jahon xizmatlar bozori taraqqiyoti ta’siri ostida olib borilishi);
- oshlab chiqarishning xalqaro ixtisoslashuvi va kooperatsiyalashuvining chuqurlashuvi;
- xalqaro iqtisodiy munosabatlarning faol rivojlanishi;
- aholi daromadlarining oshishi
- va boshqalar.

2. Siyosiy omillar:

- bevosita mamlakatda olib borilayotgan siyosat va uning natijasidagi siyosiy ahvol;
- kapital eksporti(importi)ni erkinlashtirilganligi;
- rivojlanayotgan mamlakatlarda industirlashtirish siyosatining olib borilishi;
- iqtisodiy islohotlarni olib borilishi(davlat korxonalarini xususiylashtirilishi, xususiy sektorni va kichik biznesni qo’llab quvatlash);
- bandlik darajasini ushlab turish siyosatini olib borilishi;
- va boshqalar.

Mavjud omillarni tahlil qilinib, investitsiya bozorining rivojlanishiga salbiy ta’sir ko’rsatuvchi omillar aniqlanib, ichki imkoniyatlarni ishga solgan holda ular ta’sirini ijobiy tomonga o’zgartirish lozim.

Investitsiya bozorining subyektlari bo’lib davlat, turli mulkchilikdagi korxonalar, kredit tashkilotlar, aholi va shu bilan birga xorijiy davlatlar, xorijiy korxonalar, xalqaro kredit tashkilotlari hamda chet el fuqarolari hisoblanib, ularning har birining investitsiya bozorida alohida o’rni va vazifalari mavjud.

Investitsion bozorni rivojlantirish bo’yicha alohida subyektlar bo’yicha quyidagilarni amalga oshirish kerak:

1. Davlat nuqtai nazaridan investitsiya jarayonini rivojlantirish:

- investitsion faollikni tartibga solish;
- rag'batlantirish;
- nazorat qilish;
- qonunchilikda bu boradago yangi qonunlarni ishlab chiqish.

2. Tarmoq nuqtai nazaridan investitsion loyihalarni rivojlantirish:

- Investitsiyalarni rejalahtirish va tashkil etish;

- Investitsiyalarni yo’naltirish;
- Investitsiyalarni loyihalashtirishning zamonaviy metodlarini va texnik boshqaruvini amalga oshirish;
- Investitsional loyihalar natijasini samaradorligini aniqlash;
- Loyihalar hayotiyli davrini o’rganish

3. Alohida xo’jalik subyektlari nuqtai nazaridan jalb qilingan investitsiyalarni boshqarish:

- Korxonaning investitsion portfelini boshqarish;
- Korxonaning monitoring va sifatini baholash;
- Qisqa muddatli investitsiya qo’yilmalarini boshqarish.

Yuqoridagi takliflar amaliyotga tadbiq etilishi iqtisodiyotga investitsiyalarning yanada ko’proq jalb qilinishiga, mamlakat iqtisodiyotining investitsion jalbdorligini oshishiga, jalb qilingan investitsiyalardan samarali foydalanishga, yangi investitsion loyihalarning hayotga tadbiq etilishigaolib keladi.

Xulosa o’rnida aytish mumkinki, iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishda investitsiya bozorining o’rni katta. Investitsion bozor faoliyati natijasida aholining daromadlari oshadi, korxonalarning moliyaviy va texnik bazalari kengayadi va buning natijasida mamlakat iqtisodiyoti barqaror rivojlanadi.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАНИ БАРҚАРОРЛИГИНИ САҚЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Рузибаева Н. Х. – СамИСИ ассистенти
М. Ў. Рахимов – Сам ИСИ БҲ-114 гурух талабаси
Ш. Б. Юсупов – ТДИУ Бд-52 гурух талабаси

Аннотация*: Мақолада ҳозирги кунда мамлакатимизда валюта барқарорлигини сақлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва унинг барқарорлигига таъсир қилувчи омиллар ўрганилган, бошқа мамлакатлар билан таққосланган. Мақола сўнгида эса тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *Макроиқтисодий барқарорлик, пул-кредит сиёсати, инфляция, пластик карталар, тўлов терминаллари, хорижий валюта, маҳаллийлаштириш, туризм.*

Аннотация: *В статье рассмотрены меры, реализуемые с целью обеспечения валютной стабильности в нашей стране, а также факторы, влияющие на ее стабильность в сопоставлении с другими странами. В заключительной части статьи представлены предложения и рекомендации..*

Ключевые слова: *Макроэкономическая стабильность, денежно-кредитная политика, инфляция, пластиковые карты, платежные терминалы, иностранная валюта, локализация, туризм.*

Annotation: *The article reveals data about works which are being done in order to hold currency stability. Moreover factors that are affected to the stability of currency are learnt, compared to other countries. In the end of the article necessary suggestions and recommendations are given.*

Key words: *Macroeconomic stability, monetary policy, inflation, plastic cards, payment terminals, foreign currency, localization, tourism.*

Ҳар бир давлатда ўз иқтисодиётини ривожлантириш, доимий равишда ўсишини таъминлаш кўп жиҳатдан миллий валюта обрўсини оширишга, унинг барқарорлигини сақлашга боғлиқдир. Миллий валютани ҳарид қобилиятини ошириш инфляция даражасининг пасайишига, ҳар бир сўмга тўғри келадиган товар миқдорини ошишига олиб келади. Натижада миллий ишлаб чиқарувчилар учун катта шароитлар яратилиб, товар айирбошлаш, материаллар сотиб олиш учун кенгроқ ва яхшироқ имкониятларга эга бўлинади.

Бу борада Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Биринчидан**,** иқтисодиётимизда юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорлик ва миллий валютамизни янада мустаҳкамлашни таъминлаш.”[68] дан иборатлиги энг муҳим устувор вазифалардан ҳисобланади**.**

Ушбу стратегик йўналишдан ҳам билиш мумкинки ҳозирги пайтда валютамизниг барқарорлигини сақлаш ва мустаҳкамлашни таъминлаш нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий аҳамиятга эга!

Бу борада Ўзбекистонда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда марказий банк томонидан ўзининг махсус инструментлари ёрдамида қатъий пул-кредит сиёсати юритилаётганлиги натижасида инфляция даражаси белгиланган прогноз кўрсаткичлардан ошмаслигига эришилмоқда. Қуйидаги жадвалда бу ўз ифодасиги топган.

(1-диаграмма)



(Манба: stat.uz, БПК 2016 й 6-сон маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган)

Республикамизда 2015 йилда инфляция даражаси 5.6% бўлиб, 2014 йил (6.1%)га нисбатан 0.5% паст бўлган. 2016 йилда эса бу кўрсаткич прогноз кўрсаткичлардан ошмаган ҳолда 5.7% ни ташкил этган.

Бундан ташқари миллий валюта сўмнинг барқарорлигини таъминлаш, обрўсини оширишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими жорий этилиб, жуда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Қуйидаги 1-жадвалда кўрсатилганидек муомалага киритилган пластик карталар ва тўлов

[68] Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи Халқ сўзи / 2016 й 15 – декабрь 2-б.

терминаллари сони кўпайиб боргани сари шунга мос равишда йилдан йилга нақд пулсиз ҳисоб китоблар ҳажми ошиб бормоқда. Бу ишларнинг барчаси аҳоли қўлида бўш нақд пул тўпланишини олдини олишга, пул муомаласини тўғри тартибга солишга, инфляцияни жиловлашга ва пировард натижада миллий валютанинг ҳорижий валюталарга нисбатан барқарорлигини сақлашга хизмат қилмоқда.

(1-жадвал)

Т/р	**Йиллар бўйича 1-январ ҳолатига**	**Муомалага киритилган пластик карталар**	**Ҳисоб-китоб терминаллари**	**Терминаллар орқали амалга оширилган тўловлар млн. сўмда**
1	2014 йил	11067812	129679	16307528
2	2015 йил	13449430	158790	22758725
3	2016 йил	16316501	183060	31324142

(Манба: www.gov.uz очиқ маълумотлар асосисда муаллиф томонидан тузилган)

Ҳозирда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари пул муомаласига эътибор берсак уларда нақд пул айланмаси жуда кам миқдорни ташкил этади. Хусусан, “АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари ва Японияда пул айланмларининг улуши 1-1,5 % ни ташкил этади”[69]

“**Швеция тажрибаси**: бу ерда амалга ошириладиган турли хил чакана савдонинг 95 фоизи пуллардан жисмоний фойдаланмасдан амалга оширилади. Ҳатто кўчада хайрия газета-журналлари сотувчи уйсизларда ҳам терминал мавжуд. Бу ерда Swish мобил тўлов иловаси кенг тарқалмоқда. 2014 йилда ишга туширилган тизим бир йилда 3 миллиондан ортиқ фойдаланувчини ўзига жалб қила олди. Шу билан бирга, ҳукумат нақд пул айланмасини кескин равишда назорат қилади, банк маъмурияти кимдир ҳисобидан нақд пулларни тез-тез олаётганини қайд қилса, полицияни чақиришга ҳақли ҳисобланади. Швециядаги кичик бизнес мажбурий тартибда карточкаларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш ҳақларини ўз харажатлари рўйхатга киритиши керак. Аммо Швецияда тотал кашлесс (мутлақ нақдсиз) жамият барпо этишдаги тўсиқлардан бири бу қишлоқ жойлар муаммосидир. Бу ерларда етарлича ПОС-терминаллар бўлмаслиги ўз йўлига, борлари ҳам гоҳида сифатсиз уланиш сабабли, тўловни амалга оширишда муаммоларга дуч келинади.

Африка тажрибаси: бу қитъада кашлесс-сиёсатни жорий қилишда Кениянинг нақдсиз тўлов тажрибасини алоҳида қайд қилиш мумкин. Бу ерда мобил пул ўтказмалари шунчалик ривожланмоқдаки, улар нақд ҳисоб-китобнинг ўрнини эгаллай бошлади. Унча катта бўлмаган шарқий Африка мамлакати қўшниларини мобил технологиялари бўйича иқтисодий рейтингида анча орқада қолдирмоқда. Ахир 46 млн. аҳолининг 38 миллиони мобил алоқадан фойдаланади. Бу ерда мобил тўловлар бўйича М-Песа (суахили тилида «мобил пуллар») лойиҳаси аллақачон етакчиликни қўлга киритган ва бозорнинг 90 фоизини эгаллаб улгурган”.[70]

[69] А.А Омонов, Т.М Қоралиев – Пул, кредит ва банклар Тошкент, “Иқтисод-молия” 2012 й. 47-б.
[70] Uza.uz маълумотлари асосида

Умуман миллий валюта барқарорлигини сақлаш, уни обрўсини ошириш жуда кўп омилларга боғлиқ. Шулардан яна бири хорижий валютани мамлакатимизга кириб келиши ҳисобланади. “Умуман пул ҳам умумий эквивалент ролини ўйновчи махсус бир товардир”[71] хорижий валюта ҳам махсус бир товар бўлиб унинг ҳажмининг камайиши унга бўлган талабни ошириб, истеъмол қиймати таъсир қилган ҳолда унинг миллий валютага нисбатан алмашинув қийматини ошиб кетишига олиб келиши мумкин. Ҳозирда хорижий валютани мамлакатимизга кириб келишининг асосий йўлларидан бири маҳсулот экспортидир. Ўзбекистон Американинг Central intelligence Agency ташкилоти томонидан экспорт ҳажми бўйича 2016 йилда эълон қилиган рейтингда 87 ўринни эгаллаган.

Ўрта Осиёда эса қуйидагича:

Мамлакат	**Эгаллаган ўрни**
Қозоғистон	53
Ўзбекистон	84
Туркманистон	94
Қирғизистон	145
Тожикистон	169

(https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/rankorder/2078rank.html маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган)

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ошиб экспорт ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда. “2016 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, товар ва хизматлар экспорт ҳажми 2015 – йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 фоизга ўсган.”[72] Экспорт ҳажмининг йилдан йилга ошиши табиийки валюта заҳираси миқдори ортишини таъминлайди. Бундан ташқари хорижий валюта кириб келишининг иккинчи омили бўлиб инвестиция киритилиши катта рол ўйнамоқда. “2016 – йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистонда 2,65 миллиард долларлик хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,2 фоизни ташкил қилди. Бу маблағларнинг 1,8 миллиард доллардан ортиғи тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади.”[73] Ушбу жалб қилинган инвестициялар маҳаллийлаштириш дастурларини амалга оширилишини таъминламоқда ва импорт маҳсулотлари ҳажми чет эл маҳсулотларини маҳаллийлаштириш эвазига сезиларли даржада камаймоқда. “Хусусан 2016 йилнинг 9 тўққиз ойида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қиймати 4091,7 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва ўсиш 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробарни, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 1,3 миллиард долларни ташкил қилди.”[74] Бу эса импорт ҳисобига мамлакатдан чиқиб кетадиган валютани ўзимизда қолдириб, балки маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни экспорт қилиш эвазига валюта заҳирасини ошириш имкониятини бермоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида, унинг бугунги кундаги ривожланиш даврида, дунёда бошқа мамлакатлар пул бирлиги беқарор

[71] Ш. Ш. Шодмонов, У.В.Гофуров – Иктисодиёт назарияси. Тошкент, “Иктисод-Молия” 2010 й 109-б.
[72] Stat.uz маълумотлари асосида
[73] Zamin.uz маълумотлари асосида
[74] Stat.uz маълумотлари асосида

тебрананаётган бир вақтда миллий валютамиз обрўсини, унинг хорижий валютага нисбатан курсининг барқарорлигини таъминлаш муҳим масаладир. Юқорида айтганимиздек чет эл валюта заҳирасининг мамлакатда кам миқдорда бўлиши унинг реал қийматидан ошиб кетишига хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун мамлакатда чет эл валютаси етарлича бўлишини таъминлаш керак. Ушбу жараённи амалга ошириш учун қуйидаги таклифларни бермоқчимиз:

Биринчидан мамлактда экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш керак.

- Чет элдаги ҳар бир дипломатик корпус вакилларимизда шу фаолият бўйича шуғулланувчи ҳодим ўша давлат иқтисодиёти, бозорларини мунтазам равишда янада яқинроқ ўрганиб бизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти бўйича доимий ва аниқ йўналишга эга бўлган таклифлар киритиши керак;

- Эндиликда ҳом ашё эмас балки уларни яна қайта ишлаб сифатли товар қилиб сотиш учун айни бизга керак бўлган техникаларни олиб кириш бўйича юқорида айтилган дипломатик корпус вакиллари таклифлар киритиш керак;

Иккинчидан инвестиция ҳажмини кўпайтириш:

Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидек Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини кучайтириш, чет мамлакатлардаги элчиларимиз нафақат сиёсий, айни вақтда юртимизга инвестицияларни жалб қилиш масалалари билан ҳам фаол шуғулланишлари даркор.

- Ўзбекистоннинг ички потенсиали ҳисобга олинган ҳолда инвестиция ўша соҳаларга жалб этлиб, қўшма корхоналар тузилиши керак.

Учинчидан Маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш керак.

- Соҳага янада кўпроқ инвестицияни жалб қилиш;

- Қайси импорт маҳсулотларига эҳтиёж катта бўлса яъни қайси товар эвазига кўпроқ валюта четга чиқаётган бўлса ўша товарни маҳаллийлаштириш

Тўртинчидан юқорида хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда банк хизматларини кучайтириб, мобил тўлов тизимини барча турдаги махсулотларга жорий қилиш лозим;

Бешинчидан туризм бўйича жуда катта салоҳиятга эга эканимизни ҳисобга олган ҳолда туризм эвазига валюта заҳирасини кўпайтириш керак.

Туризм соҳаси бўйича янги йўналишларни очиш керак;

Туристларни жалб қилиш бўйича янги стратегия ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жалб қилиш керак.

Ўйлаймизки, юқорида биз берган таклиф ва тавсиялар амалга оширилиса мамлакатимизда миллий валюта сўмнинг янада барқарорлиги таъминланади, чет эл валютаси курсларига нисбатан ҳам қиймати кўтарилиб боради. Натижада миллий валютамиз сўмнинг харид қобилияти ошади. Чет эл валюта заҳираси ошиши валюта биржасида ва биржадан ташқари валюта бозорида эркин айирбошланадиган валюталар бўйича тўлиқ ликвидлилик даражасини ошишини таъминлайди. Бу ҳам миллий валюта – сўмнинг қадрини оширишга хизмат қилади.

УРГУТ ТУМАНИДА САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ

М.Н.Жураев ИК-314 гуруҳ талабаси
А.П.Ҳазратов “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо хизматларини самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий омилларни тадқиқ қилиб, соҳани ривожлантиришнинг ички имкониятларини ишга солиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборат.*

Калит сўзлар: *иқтисодиёт, хизмат, сервис, бизнес, тадбиркор, бизнесмен, тадбиркорлик, инфратузилма, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа, маиший хизмат, уй-жой комунал хизматлар ва б..*

Аннотация: *В данной статье повышение эффективности модернизации экономики, торговли, услуг, организационных и экономических факторов, внутренний потенциал отрасли разработать способы работы*

Ключевые слова: *услуги, экономика, бизнес, сервис, предпринимательство, инфраструктура, торговля, связь, общественное питание, коммунальные услуги.*

Annotation: *In this article improving the effectiveness of the modernization of the economy, trade, services, organizational and economic factors, the internal capacity of the industry to develop ways.*

Key words: *economy, services, business, infrastructure, trade, connection, public catering, communal services.*

Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантириш, улар асосида бозор инфратузилмасини яратиш, жамиятни иқтисодий механизмини тубдан янгилашга олиб келди. Бу жараёнда савдо ва умумий овқатланиш соҳасининг иқтисодий, ахборот тизими ва ҳуқуқий муҳит бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилмоқда.

Ушбу шароит Ургут туман савдо соҳаси корхоналари ва шахобчаларининг моҳияти, табиати, товарлар ва хизматлар бозоридаги ўрни ва аҳамиятини, яна бир бор, замон талабидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш лозимлигини тақозо қилади.

Бу жараёнда рўй берган ҳам ижобий, ҳам салбий ҳодисалар ва жараёнларини айримларини келтирамиз.

Биринчидан, савдо соҳасида мулкий муносабатлар тубдан ўзгарди, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш биринчилар қаторида ушбу соҳада амалга оширилди.

Иккинчидан, ушбу соҳаларда давлат ва кооператив тизимларни монопол фаолиятига барҳам берилди.

Учинчидан, савдо корхоналари ва шохобчаларини мақсад ва вазифалари, олдинги маъмурий-бошқарув тизимидагига нисбатан бутунлай янгича тус олди.

Тўртинчидан, бозор иқтисодиёти савдо соҳаси корхоналари ва шохобчаларининг фаолият юритиш тартибини янгилади ва бу соҳаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бирламчи бўлиб шаклланди.

Бешинчидан, ушбу соҳада ҳар хил ташкилий - ҳуқуқий шакллар вужудга келди.

Олтинчидан, бу соҳа фаолиятида ташқи муҳит ўзгарди, уларни микро, мезо ва макро даражадаги алоқалари бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилди.

Еттинчидан, ушбу соҳанинг иқтисодий механизми координал ўзгарди. Булар фаолиятида дериктив тарзда товар тақсимоти кўрсаткичларини маъмурий режалаштириш ўрнига иқтисодий усулларини ишлатиш, иқтисодий эркинлик, мустақил бошқариш, мулкни тасарруф ва унга эгалик қилиш, ўз ресурсларини мустақил ишлатиш, иқтисодий ва ҳуқуқий жавобгарлик кабилар кириб келди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, ислоҳотларнинг бошланиш босқичида савдо соҳасидаги эркинлаштириш ва ҳар бирининг мустақил фаолият юритишга ўтиш тенденцияларининг шаклланиши натижасида қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам вужудга келди:

биринчидан, савдо шоҳобчаларининг майдаланиб кетганлиги туфайли уларнинг моддий-техник базаси талабга жавоб бермасдан қолди, уларда асосан 1-2 кишидан иборат сотувчи хизмат қилиши, дўконларда ўртача савдо майдонининг қисқариб кетиши, товар ассортиментини универсал ҳолда шакллантирилиши қийинчиликлар туғдирмоқда;

иккинчидан, товар айланмасининг таркибини ташкил қилинмаган буюм бозорлари ва деҳқон бозорининг ҳиссаси ортиб кетди.

учинчидан, товарларни келтириш каналлари издан чиқди, ишлаб чиқариш билан савдо шахобчалари ўртасида турли воситачилар, майда улгуржи савдогарлар вужудга келиши, улгуржи савдо тизимини йўққа чиқариши билан бирга товарлар нархини асососиз ошириб юборишга олиб келди;

тўртинчидан, савдо соҳасига умуман унинг хусусиятларидан хабари йўқ шахслар кириб келди, натижада савдо маданияти, савдо этикаси ва этик жозибаси пасайди;

бешинчидан, савдо шоҳобчаларининг типлари ва ихтисослашуви халқаро талабларга жавоб бермасдан қолди, улар стихияли равишда шаклланди;

олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонун (май 1996 йил) қабул қилинганлигига қарамай истеъмол товарлари бозорида аҳолининг бу борадаги ҳуқуқини паймол қилиш ҳоллари рўй бермоқда. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- истеъмол бозорига кўп ҳолларда сифатсиз, талабга ва стандартларга жавоб бермайдиган товарлар кириб келиши кузатилмоқда. Республикамизга четдан кириб келаётган сифатсиз товарлар тўғрисида қуйидаги маълумотлар яққол мисол бўла олади.
- истеъмол товарларига баҳоларни назоратсиз ортиб бориши рўй бермоқда;
- савдо қилиш қоидалари бузилмоқда;

еттинчидан, савдо соҳасида ҳақиқий рақобат муҳити яратилмаган, савдо соҳасида ҳанузгача хуфёна иқтисодиёт ҳукум суриши, солиқлардан бош тортиш, божхона қонунларининг бузилиши каби ҳолатлар мавжуд ва ҳакозолар.

Савдо соҳасининг ахборотлар билан таъминланиши алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу муаммо бир томондан, сотувчи билан сотиб олувчи ўртасида товарлар ва хизматлар сифати ва сони тўғрисидаги ахборотлар бериб борилса улар ўртасида ишонч пайдо бўлади, аммо ахборотлар кенг тарзда бир хил тарқатилмайди. Сотиб олувчи ҳар доим ҳам асл ёки қалбакилаштирилган товарларни ажрата олмайди. Бу ҳолат аҳолини товар сифатига қўйиладиган талаблар билан тўла таъминланишини

кенгайтириш лозимлигини тақозо қилади. Бунда реклама берувчилар ва реклама буюртмачиларининг ижтимоий жавобгарлигини ошириш зарурияти пайдо бўлмоқда. Шунингдек давлат назорат органларидан кўплаб ахборотларни яшириш ҳолларига ҳам барҳам бериш лозим. Истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчилар билан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари аҳолининг талабини ўрганиш ва унга мос товарларни ишлаб чиқариш тўғрисида ахборотлар мувофиқлашмаган. Оқибатда савдо ходимлари аҳоли талабини ва бозор коньюктураси тўғрисидаги маълумотларни аниқ билмайдилар. Бу эса уларни ахборотлар билан таъминлаш муаммосини келтириб чиқармоқда.

Ургут туманида савдо соҳасини такомиллаштириш ва уларни ривожлантириш учун қуйидаги концептуал вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб биламиз:

- аҳолига маданийлашган шаклдаги истеъмол бозоридан барчага баробар иқтисодий ва ҳуқуқий фойдаланиш имкониятини яратиш;
- савдо ва бошқа хизматлар соҳаларида интеграцияланиш, кооперацияланиш жараёнини ривожлантириш механизмларини яратиш;
- савдо соҳасини давлат томонидан тартибга солишни самарали механизмини яратиш;
- истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотлар фаолиятини фаоллаштириш;
- савдо соҳасида рақобат муҳитини оммавий шаклланишини таъминлаш;
- савдони маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан алоқаларни мустаҳкамлаш (саноат, қишлоқ хўжалиги), аҳолини маҳаллий товарларга талабини шакллантириш ушбу товарларнинг сифати, нуфузини ошириш ва безарарлигини таъминлаш борасида амалий ишларни бажаришга ундайдиган механизмни шаклантириш, савдога қалбакилаштирлиган товарларни кириб келиш йўлларини ёпиш механизмини яратиш;
- савдо шоҳобчаларини типларни ва ихтисослашувини замон талабларига мослаштириш (ушбу масала буюм бозорининг моддий-техник базасини такомиллаштиришга ҳам тегишли);
- савдо жараёнига прогрессив технологияларни жорий қилиш (олди-сотди жараёнини ва донабай товарларни сотишни автоматлаштириш, электрон савдони, пластик карталар орқали савдони, интернет орқали савдо кабелларини жорий қилиш);
- савдо жараёнини истеъмолчилар учун ҳам, назоратчилар учун ҳам очиқлигини таъминлаш;
- савдо шаҳобчаларида товарлар ассортиментини шакллантириш сиёсатини юритишни таъминлаш, бунинг учун мутахассисларни жалб этиш (масалан, товарларни физик-кимёвий мослигига қараб савдо залларига жойлаштириш ва бошқалар);
- савдо шаҳобчаларини номланиши масаласига чуқур эътибор қаратиш зарур. Бу масала маънавий, тарбиявий ва ижтимоий-руҳий аҳамиятга эга;
- вилоятда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг (мулк шаклидан қатъий назар) шаҳар ва қишлоқларда махсус ўз товари билан савдо қиладиган фирма дўконларини ташкил қилиш;

- хорижий фирма, компания ва давлатларининг савдо уйларини ва ваколатларини очиш мақсадга мувофиқ. Бу кўпгина «ўртадаги» ортиқча савдогарларнинг иштирокини қисқартириб товарларнинг арзонлигини ва сифатини таъминлайди;

- савдода самарадорликни баҳолаш ва хизмат сифатини ошириш учун доимий ва узлуксиз илмий тадқиқот ишларини олиб боришни ташкил қилиш ҳамда унинг натижаларини амалиётга босқичма-босқич жорий қилиш;

- савдо корхоналари ходимларини савдо ва хизмат маданияти, этика ва эстетика масалалари бўйича ўқитиш.

Ҳозирги ҳолатда савдо соҳаси билан ишлаб чиқариш ўртасидаги хўжалик алоқалари «истеъмолчи-савдо-ишлаб чиқарувчи» тизими орқали шакллантиришни таъминлай олмайди, уларда «ишлаб чиқарувчи-савдо-истеъмолчи» тизими (у ҳам тўла эмас) ишлатилиши давом этиб келмоқда.

XIZMATLAR SOHASIDA PLASTIK KARTOCHKALARIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARINI OSHIRISH YO'LLARI

Sanaqulov S MK 415-guruh talabasi "Moliya va sug'urta xizmatlari" kafedirasi
Hamroev M.S assistenti "Moliya va sug'urta xizmatlari"
B.SH.Husanov kafedirasi dot.v.v.b

Anotatsiya: *Maqolada xizmat ko'rsatish va servis sohasining holati, bu boradagi rivojlantirish masalalari tadqiq qilingan va tegishli takliflar berilgan.*

Kalit so'zlar: *xizmat ko'rsatish, servis, industrial, post industrial, uy xizmatlari, savdo xizmatlari, transport xizmatlari, maishiy xizmatlar, moliya-bank xizmatlari, xizmat ko'rsatkichlari.*

Аннотатсия: *В статье изучено состояние, сфери услуг сервиса, а такжи превены предложения по их розвитию.*

Ключевые слова: *оказания услуг, сервис, индустриальные, постиндутриальные, домашние услугие, торговые услуге, транспортные услуге, битовые услуге, финонсово- банковские услуге, покозатель оказания услуг.*

Anotatsion: *The article describes the state of development of service sector as well as the related problems. In addition, recommendations for further development of service sector are given.*

Keywords: *service, industrial, post-industrial, domestic services, commercial services, transport services, personal services, financial and banking services, indicator of rendering the services.*

Istiqlol yillarida mamlakatimizda izchil amalga oshirilayotgan islohatlar tufayli respublikamiz bank tizimi barqaror faoliyat yuritmoqda. Buning samarasi o'laroq, bank xizmatining aholi uchun qulay bo'lgan yangi turlari joriy etilmoqda. Ana shunday xizmat turlaridan biri bank plastik kartochkalari bilan hisob-kitob amaliyotidir.

Ma'lumki bugungi kunda butun dunyoda ommalashgan plastik kartochkalari bilan tovarlar va ko'rsatilgan xizmatlar uchun haq to'lash mexanizimi mamlakatimizda ham tobora rivojlanib, muhim ahamiyat kasb etib bormoqda.

Ushbu tovar turidan, ya'ni plastik kartochkalardan foydalanish aholi turmush tarzining ajralmas qismi bo'lib ulgurdi. Qog'oz pullar tovar va ko'rsatilgan xizmatlar

uchun to’lovlarni amalga oshirishda o’z o’rnini plastik kartochkalarga bo’shatib bermoqda[75]:

- Hisob-kitoblarning teskorligi, ya’ni xarid qilgan tovar va ko’rsatilgan xizmatlari uchun hisob-kitoblarni amalga oshirishda sarflanadigan vaqtning tejalishi;
- Bank kartochka hisob-varaqlarida saqlanayotgan mablag’lar qoldig’iga hisoblanadigan foiz ko’rinishidagi qo’shimcha daromad olish imkoniyati;
- Tovar xarid qilish va xizmatlarga haq to’lash uchun qulay to’lov vositasi;
- Pul mablag’larini yuqotib qo’yish, o’g’irlatish yoki hisob-kitobdagi xatoliklar bilan bog’liq bo’lgan yo’qotish riskini minimallashtirish kabilar.

Bugungi kunda muomilaga chiqarilgan bank plastk kartochkalari soni 2017-yil 1-yanvar holatiga ko’ra 19523 ming donani tashkil etib, ularning umumiy soni 2016-yilning boshiga nisbatan 3206 ming donaga oshdi (1-diagramma).

Chakana savdo va xizmat ko’rsatish sohasi obyektlarida o’rnatilgan to’lov terminallari soni 2016-yil boshiga nisbatan qariyib 26 mingtaga ortib, 2017-yil 1-yanvar holatiga ko’ra, 209 ming donadan oshdi (2-diagramma).

Plastik kartochka egalariga yanada qulayliklar yaratish maqsadida aholi gavjum joylarda plastik kartochkalar orqali to’lovlarni amalga oshirish imkoniyatini beruvchi 4950 tadan ortiq ko’p funksiali infokiosk va bankomatlar o’rnatilgan. Bu ko’rsatkich 2016-yil davomida nisbatan 2609 donaga ortib, 2017-yil 1-yanvar holatiga 4954 tani tashkil etdi (3-diagramma).

Shu bilan birga respublikamizda faoliyat yuritayotgan barcha tijorat banklarida plastik kartochkalar, to’lov terminallari va infokiosklar bo’yicha tegishli zahiralar yaratilgan bo’lib, aholi ehtiyoji va talabidan kelib chiqqan holda muomalaga chqarish hamda joylashtirish uchun shay holda turibdi.

Manba: www.sb.uz ma’lumotlaridan foydalanildi.

1-diagramma



[75] BPK. BOZOR, PUL VA KREDIT 1/2017.

Respublikamizda bank plastik kartochkalari tizimidan foydalanuvchilarga istalgan savdo do’koni, umumiy ovqatlanish korxonalari, dorixona, tibbiyot muassasalarida va boshqa pullik xizmat ko’rsatish shoxobchalarda, kommunal xizmat ko’rsatish (elektir enirgiya, gaz, aloqa, issiq suv, sovuq suv) idoralarida o’rnatilgan to’lov terminallari orqali tovar yoki ko’rsatilgan xizmatlari uchun qaysi tijorat bankining plastik kartochkasi bo’lishidan qat’iy nazar to’lovlarni amalga oshirish imkoniyati mavjud.



Manba: www.sb.uz ma’lumotlaridan foydalanildi.



Manba: www.sb.uz ma’lumotlaridan foydalanildi

Takidlash joizki, plastik kartochkalarni muomilaga chiqarish, to'lov terminallari va ular bilan hisob-kitoblar tizimining kengayishi, "So'm" plastik kartochkalari orqali hisob-kitoblarni amalga oshirishda bank va nobank kredit tashkilotlari tomonidan amal qilinishi lozim bo'lgan amaldagi tarif rejasiga o'zgartirishlar kiritish hamda yangi turdagi bank xizmatlarini joriy qilish bu- davomiy jarayon bo'lib, zamon talablariga qarab o'zgarib boradi.

Xususan, 2016-yil 25-fevralda Markaziy bank hamda Banklar Assotsiatsiyasi tomonidan yuqoridagi yagona tariflar rejasiga qo'shimcha va o'zgarishlar kiritildi[76]:

- Joriy yilning 1-martidan boshlab plastik kartochkalaridagi qoldiq mablag'lariga yillik Markaziy bankning qayta moliyalashtirish stavkasidan kam bo'lmagan, ya'ni kamida 9 foiz miqdorda qo'shimcha foiz hisoblashi, (ish haqi, pensiya, nafaqa, stipendiya va oilaviy kartochkalar) foydalanish muddati tugaganda qayta emissiya qilishda (almashtirishda) bank xizmat haqi undirilmasligi;
- Bank emitentidan qat'i nazar jismoniy shaxsning plastik kartochkasidagi mablag'larni boshqa bir jismoniy shaxs plastik kartochkasiga o'tkazilganda yoki kirim qilinganda bank xizmat haqi undirilmasligi belgilangan;

- Shuningdek yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlarga qulaylik yaratish maqsadida yuridik shaxs va yakka tartibdagi tadbirkor uchun korporativ plastik kartochkani emissiya qilishda avval 20 yevro bank xizmat haqi undirilgan bo'lsa, ushbu yangi tariflar rejasiga ko'ra 5 yevrogacha tushirilib berildi;

- Yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlarning yuqotilgan yoki shikastlangan korporativ kartochkalar o'rniga yangisi berilgan 25 yevrogacha bank xizmat haqi o'ndirilib qolingan bo'lsa, ushbu yangi tariflar rejasiga ko'ra 10 yevroga kamaytirildi.

Shuningdek, «On-line» rejimida ishlaydigan plastik kartochkalar orqali to'lovlar istalgan vaqtda masofadan turib, bank operatorisiz va ularni qabul qiluvchi uskunalarsiz amalga oshirilmoqda.

Bugungi kunda to'lovlarni amalga oshirish imkonini beruvchi «Uzcard-Click» «M-Bank», «U-Pay», «Mobilsavdo» to'lov xizmatlari yo'lga qo'yilgan bo'lib, mijozlar plastik kartochkalaridan uyali telefonlar orqali ko'rsatilgan xizmatlari uchun (mijoz o'zing va boshqa yaqinlaring mobil telifonlari balansini to'ldirish, internet, web-saytlar, kabel televidiniyasi), to'g'ridan-to'g'ri komunal to'lovlarni amalga oshirish hamda bank plastik kartochkasidagi mablag'larini boshqarish imkoniyatiga egadirlar.

Aytish lozimki, respublikamizda tashkil etilgan «Uzcard» to'lov tizimi jahon talablariga javob beruvchi yuqori darajada himoyalangan bo'lib, har bir plastik kartochka egasi kartochka hisobraqamidagi pul mablag'larini tasarruf etish huquqini tastiqlovchi shaxsiy identifikatsiya raqamiga ega. Bunda esa begona shaxslar tomonidan soxtalashtirish va plastik kartochka egasi ruxsatisiz foydalanishga yo'l qo'ymaydi.

Shuningdek, plastik kartochkalardan foydalangan holda mijozlar hisobraqamidan mablag' yechsh va unga pul o'tqazish umumrespublika yagona protsessing markazi amalga oshirilishi, mijozlar hamda sotuvchilarni turli qallobli va aldovlardan himoya qilishni ta'minlaydi.

[76] http://91.212.168/uzc/node/47081. (Bank tizimi: Barqarorlik makroiqtisodiy o'sishga sharoit yaratmoqda).

Xulosa o’rnida aytganda, bugungi kunda naqd pulsiz hisob-kitoblar tizimini yanada rivojlantirish maqsadida olib borilayotga izchil islohatlar natijasida, hisob-kitoblarning sog’lom mexanizimini shakllanishi, pul mablag’lari aylanishini nazorat qilib borish hisobiga pul tizimini samarali tashkil etish imkoniyati yanada oshdi va maskur jarayon pul massasini boshqarish, muomiladagi naqd pulning umumiy massasini qisqartirishga ijobiy ta’sir etmoqda. Shuningdek, xalqimiz uchun zamon talablariga mos bank xizmatlarini joriy qilish hamda qulayliklar yaratish ustuvor vazifalarimizdan biri bo’lib, maskur jarayon bugungi kunga qadar erishilgan natijalarda to’xtab qolmaydi.

ТУРИСТИК ФАОЛИЯТНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МОҲИЯТИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Махмудов Ж. – МХТ-314 гуруҳ талабаси
Нозимов Э. – МДМ-116 гуруҳ магистранти
Ахроров З.О. – “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси ассистенти

Аннотация. *Мақолада туристик фаолиятни солиққа тортиш моҳияти ва солиқ имтиёзларини тақдим этиш аҳамияти ёритилган.*

Аннотация*. В статье освещены сущность налогообложения туристской деятельности и значение предоставления для нее налоговых льгот.*

Abstract*. The article highlights the essence of the taxation of tourism activities and the importance of granting tax privileges for it.*

Калитли сўзлар*: туристик фаолият, солиқ, солиқ имтиёзи.*

Ключевые слова: *туристская деятельность, налог, налоговая льгота.*

Keywords: *tourist activity, tax, tax privilege.*

Туризм иқтисодиётнинг муҳим бир таркибий қисмларидан биридир. Туризм бу ишчи ўринларни яратиш, инфратузилмани ривожлантириш ва давлат бюджетига солиқлар ва бошқа тўловларни ўтказиш билан изоҳланади. Шу муносабат билан туристик фаолиятни солиққа тортиш муҳим аҳамият касб этади.

Туристик фаолиятни солиққа тортиш давлат бюджетига туристик фирманинг олдиндан белгиланган ва қонун томонидан инобатга олинган даромадининг бир қисмини ўтказиб беришдир.

Солиқ иқтисодий категория сифатида туристик маҳсулотнинг реализациясидан даромаднинг бир қисмини англатади. Солиқ (йиғимлар) - бюджет (бюджетдан ташқари жамғарма) учун мажбурий ҳисса бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тўловчи томонидан амалга оширилади. Солиқ тўловчининг асосий хусусияти – бу мустақил даромад манбаи бўлишидир.

Иқтисодий муносабатларда туризм фаолиятини солиққа тортиш қуйидаги функцияларда намоён бўлади:

- фискал функцияси солиқларнинг асосий функцияси бўлиб, туристик фаолиятни кўрсатишда даромадлар, мол-мулк, ер, фойданинг бир қисми сифатида солиқлар ажратилиб, у ёрдамида давлатнинг молия ресурслари ҳосил қилинади ҳамда давлат фаолият кўрсатиши учун моддий шароит яратилади. Солиқлар орқали туристик фаолият даромадининг бир бўлагини давлат аппаратини, мамлакат мудофаасини, ноишлаб чиқариш соҳасининг умуман ўз даромадлари манбаига эга бўлмаган қисмини ёки лозим даражада ривожланишини таъминлаш учун ўзининг

маблағи етишмайдиган тармоқларни сақлаб туриш мақсадида ундириб олиш йўли билан давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантиришни англатади.

- назорат функцияси – давлат томонидан туристик фаолиятнинг қай даражада тўғри амалга оширилаётганлиги, солиқ имтиёзлари ва бошқа манбалардан оқилона фойдаланилаётганлиги назорат қилинади.

- рағбатлантириш функцияси орқали туристик фаолиятни рағбатлантиради, бу билан фискал функцияни бажариш учун базани кенгайтиради, хизмат кўрсатишни солиқларнинг рағбатлантириш функцияси орқали рағбатлантириб, давлат оқилона солиқ сиёсатини олиб бориш билан солиқ юкини кучайтирмасдан туристик корхоналарнинг эркин фаолият кўрсатиши таъминланади..

- тартибга солиш функцияси солиқларнинг иқтисодиётдаги тартибга солувчилик роли ҳисобланади, яъни давлат солиқлар орқали хизматларни кўрсатиш ва сотишнинг иқтисодий шарт-шароитини тартибга солади ва бу билан туристик корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун муайин «солиқ муҳити»ни яратади.

Давлат томонидан иқтисодиётнинг мазкур сектори самарадорлигини ошириш, мамлакат ишбилармонлик ҳамжамиятини рағбатлантиришнинг муҳим воситаси солиқ қонунчилигини либерализация қилиш ҳисобланади, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳани жадал ривожлантирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони орқали солиқ имтиёзлари ва солиқ сиёсати орқали мазкур секторни ривожлантиришга алоҳида келтириб ўтилган[77].

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йилларидан янги иқтисодий шароитда Ўзбекистон миллий сайёҳлик соҳасини шакллантириш ва ривожлантириш да бу соҳада тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга махсус қаратилган деб эслаш ортиқча эмас.

Ўша вақтда мамлакатимизда туризм субъектлари учун мисли кўринмаган солиқ имтиёзлари берилган эди. Мамлакатимизнинг асосий туристик марказларида (Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент) янги очилган туристик корхоналар даромад солиғидан биринчи даромад олганига қадар озод қилиниши жорий этилган эди. Умуман олганда бундай корхоналар фаолиятининг биринчи йилида – солиқнинг 50%ини, иккинчи йили – 75%ини, учинчи йилидан кейин еса – 100%ини тўлаганди.

Бундай имтиёзлар, бошқа қонун ва институционал чора-тадбирлар билан бир қаторда Ўзбекистонда сайёҳлик сектори фаолиятининг кескин ўсишига ҳисса қўшган. Лекин, бу қоида уч йилда бекор қилинган эди.

Лекин охирги йилларда туризм соҳасига эътибор янада кучайди. Ўзбекистонда туризм соҳасини тубдан қайта ислоҳ қилиш бўйича мислсиз чораларни қўллашга қарор қилинди. 2016 йил 2 декабр куни ўша вақтда «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Ҳужжат туризм тармоғини жадал ривожлантиришни таъминлаш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, уни мамлакат иқтисодиётини барқарор ўстиришнинг, минтақаларда туризм салоҳиятидан самарали

[77] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳани жадал ривожлантирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони. www.lex.uz сайти

фойдаланишнинг, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда туризм ролини кучайтиришнинг қудратли воситасига айлантиришга қаратилгандир.

Туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаоллигини янада рағбатлантириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туризм ташкилотларига қўшимча имтиёз ва преференсиялар бериш Фармоннинг солиқ сиёсатини енг ижобий томонларини ўзида қамраб олган муҳим хусусиятидир. Жумладан мазкур фармонда қуйидагилар келтирилган:

- туризм операторлари улар томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари учун тушадиган хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод қилинади;
- меҳмонхоналар хорижий валютадаги тушумнинг фақат 25 фоизини белгиланган тартибда мажбурий сотадилар;
- хорижий фуқаролар томонидан меҳмонхоналар хизматига ҳақ тўлаш еркин айирбошланадиган валютада амалга оширилади, улар учун тўлов республиканинг давлат ва бюджет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ҳоллар бундан мустасно;
- юридик шахслар камида 4 юлдузли даражадаги меҳмонхона ва мотелларни фойдаланишга топширганда улар юридик шахсларнинг фойда солиғи, йер солиғи ва мол-мулк солиғидан, шунингдек ягона солиқ тўловидан 5 йил муддатга озод қилинади;
- туризм фаолияти субъектлари томонидан сиғими 9 кишидан ортиқ бўлган янги автотранспорт воситалари сотиб олинганлиги учун Республика йўл жамғармасига йиғим автотранспорт воситалари қийматининг максимал даражадаги 20 фоизи емас, балки 3 фоизигача миқдорда ундирилади.[78]

Мазкур Фармон ва унинг амалга ошиши натижасида туризм соҳасида катта ўзгаришлар содир бўлади. Амалга оширилаётган солиқ имтиёзлари туристик фаолият субъектларига ривожланиш учун кўмаклашади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларидан бири туризм соҳасини жадал ривожланиш ва ушбу секторнинг миллий иқтисодиётда тез ўсишини таъминлашдир. Мамлакат солиқ қонунчилигини эркинлаштириш орқали туристик хизматлар экспортини рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир.

Туризм соҳаси хизматларининг мавжуд ўсиш суръатини ушлаб туриш учун тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва хизматлар даражасини ва сифатини ошириш талаб этилади.

[78] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 559-модда)

III ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МУАММОЛАРИ

AHOLIGA IJTIMOIY XIZMAT KO`RSATISHNI RIVOJLANTIRISHDA AXBOROT TIZIMINING AHAMIYATI

To`rayeva G.X, Samarqand davlat universiteti
Ijtimoiy-iqtisodiyot fakulteti Ijtimoiy fanlar kafedrasi assisenti

Anotatsiya: *Aholiga ijtimoiy xizmat ko`rsatish har bir davlatning ustuvor strategik siyosatidir. O`zbekiston Respublikasida ijtimoiy siyosatni amalga oshirishda axborot komunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish dolzarb masalalardan biri bo`lib, ijtimoiy himoyaga muhtoj fuqarolar uchun katta qulaylik tug`dirmoqda. Jumladan, aloqa va telekomunikatsiya , internet tarmoqlari orqali aholiga ijtimoiy xizmatlar ko`rsatish imkoniyati yaratilmoqda.*

***Kalit so`zlar:*** *Axborot, texnologiya, ijtimoiy siyosat, internet, interaktiv xizmat, telekomunikatsiya, provayder, masofali o`qitish tizimi, rasmiy veb-sayt, portal.*

Аннотация: *Предоставление социальных услуг населению каждый из стратегических приоритетов государственной политики. Социальная политика, развитие информационный и коммуникационных технологий в Республики Узбекистан, который является одним из приоритетов, это создаёт большое удобство для граждан, нуждающихся в социальной защите. В том числе связи через интернет и телекоммуникационные сети, создаются возможности социальных услуг.*

Ключевые слова: *информация, технология, социальная политика, интернет, интерактивный сервис, телекоммуникация, провайдер, система дистанционного обучения, официальный веб-сайт, портал.*

Annotation: *Social service to people is the main strategic policy. The actual issue is the durloping information-communication technalogies in implementing social policy in the Republic of Uzbekiston, it helps to social protecting of social unprotuted people – For instance, it fret the apportunity to social service through communication and telecommunication, internet nets .*

Key words: *information, technology, social service, internet, interactive service telecommunication, provides, online education system, formal web-site, portal.*

Barchamizga ma`lumki, bugungi kunda hayotimizni axborot komunikatsiya texnoligiyalari (AKT) siz tasavvur qilib bo`lmaysi. AKT kirib bormagan sohaning deyarli o`zi yo`q hisobi.

O`zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti Islom Karimov 2016 yil 15 yanvarda bo`lib o`tgan Vazirlar Mahkamasi ma`ruzasida AKT bo`yicha quyidagi fikrlarni bildirib o`tgan edilar ”…Bugungi sharoitda Internet va elektronika davrida iqtisodiyot tarmoqlarida zamonaviy axborot-komunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish , ”Elektron hukumat” tizimi faoliyatini yanada rivojlantirish ustuvor ahamiyatga egadir”. [1]

Birinchi Prezidentimiz ma`ruzalaridan kelib chiqqan holda shuni aytish mumkinki, AKTning keng joriy etilishi natijasida iqtisodiyotning rivojlanishi va barqaror o`sib

borishiga, investitsiyalarni jalb qilishga, ish o`rinlarini ko`paytirishga, aholi turmush tarzining yuksalishiga imkon berdi. Buning zamirida esa albatta aholiga xizmat ko`rsatish sohasi yotadi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev aytganlaridek, ”…Bugun mamlakatimizning barqaror rivojlanish yo`lida izchil ilgarilab borishini tahlil qilar ekanmiz, o`tgan yili prinsipial muhim islohatlarni amalga oshirish bo`yicha qat`iy qadamlar qo`yildi,deb aytishga barcha asoslarimiz bor. Bu islohatlarning asosiy maqsadi – aholi uchun munosib hayot darajasi va sifatini ta`minlashdir…” [2]

Prezidentimizning 2017 yil 7-fevraldagi farmoni bilan 2017-2021 yillarda mamlakatimizni rivojlantirishning 5 ta ustuvor yo`nalishi bo`yicha Harakatlar strategiyasi tasdiqlanganligi, unda ijtimoiy soha, xususan, ta`lim, madaniyat, ilm-fan, adabiyot, san`at va sport sohalarini rivojlantirish, yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirish masalalariga alohida urg`u berilgani bugungi kun uchun nihoyatda dolzarb ahamiyatga ega.

Harakatlar strategiyasida ta`lim tizimining uzluksizligini yanada takomillashtirish maqsadida sifatli ta`lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga mos yuqori malakali kadrlar tayyorlash siyosatini davom ettirish eng muhim vazifalardan biri etib belgilangan.

Harakatlar strategiyasida oiliy ta`lim muassasalari faoliyatining sifatiga alohida urg`u berilib, ta`lim samaradorligini oshirish uchun ta`lim va o`qitish sifatini baholashning xalqaro standartlari joriy etilishi nazarda tutilmoqda. Oliy o`quv yurtlarida ta`lim sifatini takomillashtirishda ta`lim jarayoniga zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish va ulardan foydalanish maqsadga erishishdagi eng samarali yo`llardan biri hisoblanadi. Ta`lim tizimiga elektron axborot ta`lim texnologiyalarini tadbiq etish, ta`lim muassasalarining moddiy texnik bazasi holatini yaxshilash va takomillashtirishdagi asosiy vazifalar quyidagilardan iborat:

- elektron ta`limni o`quv jarayoniga tadbiq etish uchun lozim moddiy texnika bazasini yaratish;
- o`quv jarayoni uchun elektron ta`limga mo`ljallangan ta`lim texnologiyalarini yaratish va qo`llash;
- talabalarni zamonaviy elektron ta`lim texnologiyalari sohasida bilim va ko`nikmalarini shakllantirish;
- elektron ta`limni joriy etish orqali ta`lim-tarbiya va o`qitish jarayoning samaradorligini oshirish;

Elektron ta`lim masofali o`qitish tizimining taraqqiyoti uchun ba`za bo`lib xizmat qiladi. Uzluksiz ta`lim tizimi, jumladan oily ta`lim tizimida elektron ta`limni yo`lga qo`yishning dastlabki yo`nalishlari sifatida quyidagilarni tavsiya etish mumkin:

- mustaqil ta`limni amalga oshirish;
- malaka oshirish va qayta tayyorlash kurslari;
- oily ta`lim tizimida mavjud ilmiy salohiyatdan muassasalararo, jumladan OTM va uning filiallari o`rtasida mashg`ulotlar tashkil qilishda foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Bundan tashqari bugungi kunda Samarqand viloyati aholisi uchun birgina aloqa va telekomunikatsiya sohasida olib borilayotgan xizmatlarni oladigan bo`lsak, bu xizmatlar soni yildan-yilga oshib bormoqda. Viloyatda “O`zbektelekom” AK Samarqand viloyati, “O`zI Samarqand” filiali, beshta mobil aloqa operatorlari (Uzmobile, UMS, Beeline, Ucell va Pertium mobile), yetita provayder (BUSTON, SHARQ TELEKOM,ARS

INFORM, Super i-Max, East Telekom, Alnet va ”kompyuerlashtirish markazi” DUK) lar tomonidan telekomunikatsiya xizmatlari ko`rsatilib kelinmoqda.

Viloyat aholisi bilan to`g`ridan-tog`ri muloqot qilish imkoniyati yangitdan ko`rib chiqilib, hamda aholining taklif va shikoyatlarini yanada yaqindan o`rganib chiqish maqsadida, axborot texnologiyalari va komunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi Samarqand viloyati hududiy boshqarmasi boshlig`i tomonidan 2017 yilning har oyida 3 martadan sayyor qabullar tashkil etilib kelinmoqda.

Samarqand shahrida telekomunikarsiya xizmatlarini ko`rsatib kelayotgan “O`zI” Qo`shma korxonaso bosh direktorining vertual qabulxonasi (www.m.spuzi.uz) ishga tushirilib, abonentlar uchun masofadan turib murojat qilish va takliflar yiborish imkoniyati yaratildi.

Viloyatimiz AKT rivojlantirish holatini baholash reytingida 2016 yil natijalari bo`yicha Respublikada (150 dan ortiq davlat organlari ichida ) 12 o`rinni egallagan bo`lsa, mahalliy hokimyat organlari bo`yicha esa 3 o`rinni egalladi.

Pensionerlar, nafaqaxo`rlarga oylik nafaqalarini mobil aloqa telefonlariga SMS xabarlarining pensiya jamg`armasi tomonidan berilishi ham ularga ancha qulaylik tug`dirmoqda. Xabarlarni o`qigan pensionerlar o`zlari yashayotgan hududdagi pochta xizmati xodimlari tomonidan uylariga hamda pochta idorasida beminnat xizmat ko`rsatmoqdalar.

Aholi bugungi kunda viloyat hokimligining rasmiy-veb sayti orqali ko`rsatilayotgan barcha interaktiv davlat xizmatlaridan foydalanish imkoniyatlariga ega bo`lmoqda. Bu ham alohida AKT dan foydalangan holda xizmat ko`rsatish sifati oshib borayotganligidan dalolat bermoqda.

Bu qilinayotgan ishlar, ya`ni xizmat ko`rsatishlar zamirida aholi manfaati yotibdi. Bunda albatta davlat idoralarining o`rni katta. Prezidentimiz ta`kidlaganlaridek, ”Xalq davlat idoralariga emas, davlat idoralari xalqimizga xizmat qilishi kerak” [3]

UZLUKSIZ TA’LIM TIZIMI UCHUN YARATILADIGAN ELEKTRON O‘QUV-METODIK MAJMUALARGA QO‘YILADIGAN TALABLAR

I.B.Kulanov katta o‘qit, JizPI.
X.Qarshiboyev katta o‘qit, SamISI.

Maqolada uzluksiz ta’lim tizimi uchun yaratiladigan elektron o‘quv-metodik majmualarga qo‘yiladigan talablar yoritilgan.

Требование к созданию электронно учебно-методических комплексов для системы непрерывного образования

В статье описан требование к созданию электронно учебно-методических комплексов для системы непрерывного образования.

The requirement to creation электронно uchebno-methodical complexes for system of continuous formation

In article it is described the requirement to creation электронно uchebno-methodical complexes for system of continuous formation.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2002 yil 6 iyundagi 200-sonli «Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish chora–tadbirlari to‘g‘risida»gi qarorini ta’minlash maqsadida uzluksiz ta’lim tizimi uchun DTS va o‘quv dasturlariga mos zamonaviy dizayn

o‘quvchilari asosida elektron o‘quv-metodik majmualar, shu jumladan elektron darsliklar yaratish lozim bo‘ladi.

Axborot texnologiyalarining ta’lim tizimida o‘z mavqeini tobora keng egallashi mavjud bo‘lgan ko‘pgina tushunchalarni ham mazmunan, ham mohiyatan qayta ko‘rib chiqishni taqqoza etdi. Shu bois, ta’lim va o‘qitish jarayonlariga boshqacha yondashuv hamda e’tibor bilan qarala boshlandi. Ushbu jarayon elektron o‘quv-uslubiy majmualar, shu jumladan elektron o‘quv adabiyotlari - elektron darsliklar, video va audio kassetalar, kompyuter dasturlari, televizion va radio o‘quv kurslari bilan uyg‘unlashib bormoqda. Bu jarayonda o‘qitish o‘quvchining ko‘proq ichki imkoniyatlari, intellektual potensiali, axborotni qabul qilish va o‘zlashtirish xusuiyatlariga bevosita bog‘liq.

Elektron o‘quv-uslubiy majmualar mustaqil ta’lim olishni, ijodiy fikrlashni, malaka va ko‘nikmalarni shakllantirish orqali o‘quv materiallari va ilmiy ma’lumotlarni har tomonlama chuqur o‘zlashtirilishga mo‘ljallangan bo‘lib, ushbu turdagi majmualar ilmiy ma’lumotlarning jamlanganligi, ko‘rgazmalarga boyligi, ya’ni turli xil animatsiyalardan foydalanganligi, ta’lim oluvchilarning yoshi va fiziologik xusuAiyatlarini hisobga olganligi jihatidan an’anaviy o‘quv adabiyotlaridan afzalroqdir[3].

Ta’lim muassasalari uchun tayyorlanadigan elektron o‘quv adabiyotlarda matnlar jozibali, ta’sirli shaklda bayon etilishi, asosiy tushuncha va ta’riflar aniq va ravshan yozilishi, shu bilan bir qatorda foydalanuvchilarning bilimlarini nazorat qilish imkoniyatiga ega bo‘lishi lozim[1-4].

Elektron o‘quv majmualar yaratuvchi mualliflar tomonidan o‘quv adabiyotlarning faqat elektron versiyasini yaratishga katta ahamiyat berilmoqda. Sababi *birinchidan*, elektron versiyada axborotlar zamonaviy usulda multimediya va animatsiya vositalari yordamida osonlikcha yoritiladi. *Ikkinchidan* olingan bilimlarni interaktiv usulda nazorat qilish oson kechadi. Uchinchidan, o‘quv adabiyotlarning bugungi holati o‘quvchiga og‘irlik qiladi, binobarin uning elektron versiyasini disketaga olib, undan boshqa kompyuterlarda ham foydalanish imkoni mavjud. Agar o‘quv adabiyotining elektron versiyasi serverga joylashtirilsa, undan bir vaqtda bir necha o‘quvchi turli kompyuterlarda foydalanishi mumkin.

Zamonaviy elektron o‘quv-metodik majmualar o‘quv materiallarining turli shakllari (elektron, qog‘oz va hokazo) majmuasi bo‘lib, ular fan dasturlariga mos keluvchi, auditoriya mashg‘ulotlarining barcha turlari va mustaqil ta’limni o‘quv-metodik ta’minotini o‘zida mujassamlashtiradi.

Elektron o‘quv-metodik majmualar - zamonaviy axborot texnologiyalari muhitida o‘qitishning didaktik, dasturiy va texnik interaktiv majmuasidan tashkil topadi va ular o‘quv materiallarini kompyuter texnologiyalari hamda audio-video vositalar asosida yaratish, tizimlashtirish, saqlash, qayta ishlash va ulardan foydalanish imkoniyatini beruvchi manbadir.

Elektron o‘quv-metodik majmualardagi o‘quv materiallari Davlat ta’lim standarti talablariga mos kelishi hamda bilimlarning o‘quvchilar tomonidan mustaqil o‘zlashtirilishiga zarur resurslarni o‘zida mujassamlashtirgan bo‘lishi zarur.

Elektron o‘quv-metodik majmualar tashkiliy-metodik, axborot-o‘rgatuvchi va nazorat qiluvchi didaktik funksional bloklardan tashkil topadi. Resurslarning pedagogik-psixologik vazifalari o‘quv materiallarini gipermedia muhitida taqdim etish, o‘quvchilar bilan o‘qituvchilar orasidagi didaktik muloqot va ta’lim vositalari orqali amalga oshiriladi.

Elektron o‘quv-metodik majmua resurslari ta’lim jarayonini individuallashtirish va differensiyalash, o‘quvchining o‘quv faoliyatini o‘zi nazorat qilish va to‘g‘ri yo‘naltirish, kompyuterning hisoblash imkoniyatlaridan foydalanish tufayli o‘quv vaqtini tejash, o‘quv materiallarini vizuallashtirish, o‘rganilayotgan hodisa va jarayonlarni modellashtirish, ularni imitatsiyalashtirish, turli pedagogik vaziyatlarda optimal qaror qabul qilish malakasini shakllantirish, fikrlashning aniq bir shakli(ko‘rgazmali-obrazli, nazariy)ni rivojlantirish, bilish faoliyati madaniyatini shakllantirish kabi imkoniyatlarni beradi.

Elektron o‘quv-metodik majmualar asosida o‘quv jarayonini tashkil etish multimedia texnologiyalarini qo‘llanilishi o‘quvchilarda o‘qishga qiziqishni orttirishi, ta’limning interaktiv xususiyati asosida o‘quvchilarning fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishi va o‘quv materiallarini o‘zlashtirilishining samaradorligini oshirishi, real holatlarda namoyish qilinishi qiyin, yoxud murakkab bo‘lgan jarayonlarni modellashtirish va kuzatish imkoniyatini berishil o‘quv materiallarining o‘zlashtirilishi nafaqat darajasiga ko‘ra, balki o‘quvchilar erishgan mantiq va qabul qilishlari darajasiga ko‘ra ham samarali bo‘lishini ta’minlashi, an’anaviy hamda masofaviy ta’lim o‘quv-metodik ta’minotining samarali integratsiyasini ta’minlashi, o‘quvchilarga mustaqil izlanish yo‘li bilan materiallarni topish, o‘rganish hamda muammoli masalalarni hal etish orqali ularda ma’lum tadqiqot ishlarini amalga oshirish ko‘nikmalarini shakllantirishil o‘quvchilarning kurs, malakaviy bitiruv ishlarini bajarishda, magistrlik dissertatsiyalarini tayyorlashda o‘quv materiallari bilan mustaqil tanishish, tanlab olish, axborot hamda ma’lumotlarni tahlil eta olish kabi malakalarni shakllanishi uchun sharoit yaratishi kabi didaktik vazifalarni amalga oshiradi.

Zamonaviy axborot texnologiyalari muhitida elektron o‘quv-metodik majmualarning ta’lim vositalari tarkibiga o‘quv darsliklari, qo‘llanmalarning elektron versiyalari, kompyuter multimediali o‘rgatuvchi tizimlar, audio o‘quv-axborot materiallaril video o‘quv-axborot materiallaril virtual laboratoriya ishlaril trenajyorlar, ma’lumotlar va bilimlar bazasi, elektron kutubxonalar, ekspert o‘rgatuvchi tizimlar asosidagi o‘qitish vositalaril virtual reallik asosidagi o‘qitish vositalari kiradi.

Elektron o‘quv-metodik majmualarning tarkibiy qismlari tuzilishining modulliligi, mazmunining to‘laqonligi, mantiqiy bayon etilganligil o‘quv materiallarini o‘rganish bo‘yicha yo‘riqnomaga egaligi, nazorat topshiriqlarining mavjudligi, izohli lug‘at va manbalar ro‘yxatining tavsiya etilganligi kabi talablarga javob berishi kerak.

Elektron didaktik majmualarni yaratishda elektron o‘quv qo‘llanmalari tarkiban asosiy mazmunni yoritishi va uni izohlash uchun qo‘shimcha o‘quv axborotlarini olish bo‘yicha gipermurojaatlar berilganligil o‘quv materiallarini tarkibiy tuzilmasini shakllantirishda modul tizimidan foydalanilishil mustaqil ta’limni tashkil etish va o‘quv materiallarini o‘rganish bo‘yicha batafsil yo‘riqnomaning keltirilishil nazorat topshiriqlari, o‘z-o‘zini tekshirish savollari, test topshiriqlarining bo‘lishi inobatga olinishi zarur.

Elektron o‘quv-metodik resurslar ta’lim muassasasining o‘quv-metodik komissiyasi tomonidan tegishli ekspertizadan o‘tkazilishi va o‘quv jarayonidan foydalanishga tavsiya etilishi kerak.

O‘quv jarayonlarini axborotlashtirish maqsadlariga ko‘ra elektron majmualar *kvantlash* - o‘quv materiallarini mazmunan yopiq, minimal hajmga ega modullarga ajratish, modullar bir necha tashkil etuvchidan iborat bo‘lishi, *to‘laqonlilik* - o‘quv

materiallarining asosiy mazmunini qamrab olgan har bir modul o‘zida to‘laqonli resurslarga ega bo‘lishi), *ko‘rgazmalilik* - modullar matn va vizuallashtirilgan materiallarning ma’lum nisbatini saqlagan holda illyustratsiyalar va kadrlar jamlanmasidan iborat bo‘lishi, *erkin boshqarish* - o‘quvchilar kompyuter ekranidagi kadrlarning almashishini mustaqil boshqarishlari, zarur materiallarni istalgan marta ekranga chiqarishlari va nazorat topshiriqlarini bajarish orqali bilimlarini mustaqil sinashlari imkoniyatlariga ega bo‘lishi, *moslashuvchanlik* - elektron majmualar o‘quv jarayonida ma’lum bir foydalanuvchining ehtiyojlariga moslanishni ta’minlashi, o‘rganilayotgan materialning murakkabligini va chuqurligini, uning amaliy yo‘naltirilganligini o‘zgartirish, foydalanuvchining ehtiyojlaridan kelib chiqib, qo‘shimcha illyustrativ materiallarni shakllantirish imkoniyatlariga ega bo‘lishi, *kompyuter ko‘magi* - o‘quv materiallarining mohiyatiga e’tibor qaratish maqsadida o‘quvchi istalgan vaqtda kompyuter ko‘magiga ega bo‘lishi kabi tamoyillarni qanoatlashtirishi kerak.

O‘quv-metodik majmualardan samarali foydalanish uchun o‘quvchilar informatika va hisoblash texnikasining asosiy tushunchalari, kompyuter texnikasining funksional imkoniyatlari, zamonaviy operatsion tizimlar va ularning asosiy buyruqlari, zamonaviy dasturiy vositalar va ularning vazifalaril matn muharrirlari, algoritmlar va dasturlashtirish haqida asosiy tushunchalar, amaliy dasturlardan, Internet tizimidan foydalanish kabi kompyuter texnologiyalari mazmunini bilishi va egallashlari lozim.

Elektron o‘quv-metodik majmualar tarkibiga ta’lim yo‘nalishi yoki mutaxassislikning Davlat ta’lim standarti, Davlat ta’lim standartiga mos ravishda yaratilgan namunaviy dastur, fanning maqsadi, vazifalarini, ma’ruza, seminar, amaliy va laboratoriya mashg‘ulotlarining mazmunini, nazorat hamda kurs ishlarining mavzularini, masalalar, topshiriqlarni, yakuniy nazorat savollarini va fanning o‘quv-metodik ta’minoti, mustaqil ta’limni tashkil etishga doir yo‘riqnomani o‘zida mujassamlashtirgan ishchi dastur, o‘quv-uslubiy harita va kalendar tematik rejalar, darsliklar, o‘quv qo‘llanmalari va boshqa o‘quv materiallarining elektron versiyalari, mashg‘ulotlarda pedagogik va axborot texnologiyalarini qo‘llash bo‘yicha metodik ko‘rsatmalar, nazariy bilimlarni qo‘llash bo‘yicha ko‘nikma va malakalarni shakllantiruvchi amaliy hamda laboratoriya mashg‘ulotlarining elektron ishlanmalari va metodik ta’minoti, audio va video materiallarl o‘quv-malakaviy amaliyot dasturi, uni tashkillashtirish bo‘yicha metodik qo‘llanmal nazariy va amaliy o‘quv materiallarini o‘zlashtirilganlik darajasini aniqlashga qaratilgan nazorat topshiriqlari va testlar, fan bo‘yicha joriy, oraliq va yakuniy nazoratlar bo‘yicha ballar taqsimoti, topshiriqlar turi, baholash mezonlari tavsiya etiladi.

Elektron o‘quv-metodik majmualarning asosiy fayllari html formatida yaratiladi. Qo‘shimcha fayllar .dos, .pdf, .djvu, .rtf, .xis va audio, videofayllar formatlarda bo‘lishi mumkin. Formulalar .gif formatida rasmlar ko‘rinishida bajariladi. Barcha materiallar ta’lim muassasasining serverida joylashadi, CD, DVD elektron tarqatuvchisiga yoziladi. Joylashtirilgan resurslarga mulkiy mualliflik huquqlari ta’lim muassasasiga tegishli bo‘ladi, mualliflik huquqlari muallif-ishlab chiquvchi mutaxassisga taalluqli bo‘ladi.

Elektron o‘quv resurslar Internet Explorer va Netscape brauzerlarining asosiy turlari bilan munosib, xatosiz ishlashi kerak.

Zamonaviy o‘quv-metodik majmualar o‘quv-metodik materiallarining turli shakllari (elektron, qog‘oz va h.k.) kompleksi bo‘lib, ular har bir fanning kasbiy ta’lim dasturlariga mos keluvchi, auditoriya darslarining barcha turlari va mustaqil ta’limni tashkil etish

bo‘yicha o‘quv-metodik ta’minotdan foydalanish metodikasini o‘zida mujassamlashtirgan bo‘ladi.

Tahlillar yuqoridagi talablarga elektron o‘quv-metodik majmualar ham javob berishini ko‘rsatdi. Elektron o‘quv-metodik majmua zamonaviy axborot texnologiyalari muhitida o‘qitishning didaktik, dasturiy va texnik interfaol majmuasidan tashkil topadi. Elektron o‘quv-metodik majmualar an’anaviy majmualardan farqliroq, o‘qitishning kompyuter va an’anaviy texnologiyalari birligi sifatida namoyon bo‘ladi.

Axborot texnologiyalari muhitida o‘qitishning muammoli usuli axborot-reseptiv va reproduktiv metodlari bilan birgalikda keng qo‘llaniladi. Bu muhitda elektron o‘quv-metodik majmualar o‘quv mazmunini taqdim etish, o‘quvchining bilish faoliyatini boshqarish va nazorat qilish vositalari sifatida ishlatiladi. Aynan bir o‘quv materiali bir qancha vositalar bilan taqdim etilishi mumkin. Masalan, o‘quv materiallari nashr, audio, video, CD-disklar ko‘rinishida bo‘lishi mumkin. O‘qitishning har bir vositasi o‘ziga xos



1-rasm. EO‘MMning o‘qitish vositalari

didaktik imkoniyatlarga egadir. O‘qituvchi bunday imkoniyatlarni yaxshi bilishi va o‘quv materiallarini bu vositalar bo‘yicha taqsimlay olishi, hamda ulardan didaktik masalalarni yechimiga bag‘ishlangan o‘quv axborotlarini eltish tizimi sifatidagi o‘qish vositalarini shakllantirishi lozim.

EO‘MM tashkiliy-metodik, axborot-o‘rgatuvchi va nazorat qiluvchi didaktik funksional bloklardan tashkil topadi. Resurslarning pedagogik-psixologik vazifalari o‘quv materiallarini gipermedia muhitida taqdim etish, talabalar bilan o‘qituvchilar orasidagi didaktik muloqot va ta’lim vositalari orqali amalga oshiriladi.

Zamonaviy axborot texnologiyalari muhitida EO‘MMning o‘qitish vositalari quyidagi rasmda aks etgan (1-rasm).

Ta’kidlash lozimki, o‘qitishning elektron vositalari yangi axborot texnologiyalari vositalari orqali joriy etiladi. An’anaviy darsliklar, o‘quv-metodik qo‘llanmalar va boshqa

nashr materiallarning elektron formatdagi nusxalari elektron o‘quv-metodik majmualar yaratishda ishlatiladi.

Uzluksiz ta’lim tizimida qo‘llaniladigan elektron didaktik materiallarni yaratishda dastlab quyidagilarga alohida e’tibor qaratmoq kerak:

- elektron o‘quv qo‘llanmalari mazmunan shunday tuzilgan bo‘lish kerakki, ulardan qo‘shimcha o‘quv axborotlarini olish uchun o‘quvchi aslo qiynalmasligi kerak;
- o‘quv materiallarini tarkibiy tuzilmasini shakllantirishda modul tizimidan foydalanish maqsadga muvofiqligi;
- mustaqil ta’limni tashkil etish va o‘quv materiallarini o‘rganish bo‘yicha to‘liq yo‘riqnoma keltirilgan bo‘lishi;
- nazorat topshiriqlari, o‘z-o‘zini tekshirish savollari va javoblari, mashq qildiruvchi topshiriqlarning bo‘lishi.

Elektron shakldagi o‘quv darsliklari eng oddiy holda nashr o‘quv materiallarining elektron varianti ko‘rinishida bo‘ladi. Ammo elektron shakldagi darsliklar kompyuter xotirasida yoki boshqa tashqi magnit eltuvchida qulay saqlanish, tezkor o‘zgartirish va elektron pochta orqali uzoq masofalarga uzatish imkoniyatining mavjudligi bilan ajralib turadi.

OVQATLANISH KORXONALARIDA XIZMAT KO’RSATISH SIFATINI OSHIRISH MUAMMOLARI

Xabibova SH.I – SamISI o’qituvch

Annotatsiya: *Ushbu maqolada ovqatlanish joylarini yaxshilash hamda ulardagi xizmat ko’rsatish sifatini oshirish masalalari yoritilgan.*

Kalit so’zlar: *Ovqatlanish, ovqatlarning sifati, taomnoma, turizm, turistlar, xizmat ko’rsatish, mahsulot, iqtisodiyot, tibbiy soha, nazorat, rivojlanish.*

Аннотация: *В данной статье доются рекомендации по улучшению мест общественного питания и повышение эффективного обслуживания в сфере услуг.*

Кллючевые слова: *Питания, Качество питание, меню, туризм, туристы, сфера услуг, продукт, экономика, медицинская сфера, контроль, продвижения, развития.*

Annotation: *In this article, recommendations are described on improving catering places and increasing effective service in the service sector.*

Key words: *Nutrition, quality food, menu, tourism, tourists, services, product, economy, medical sphere, control, promotion, development.*

Inson hayoti ovqatlanish bilan bevosita bog’liq bo’lib, ovqatlanish har qanday insonning tabiiy ehtiyojidir. Shuning uchun har bir kishi qanday ovqatlanish kerakligi, eng asosiysi, o’zi iste’mol qilayotgan ovqatlarning sifati qanaqaligi va me’yoriga e’tibor berishi zarur.

Ovqatlanish turizmda odatdagi oddiy va zaruriy ehtiyojdan tashqari yana ko’ngil ochish va mahalliy madaniyatning, xususan, gastronomiyaning muhim tarkibiy qismini anglash sifatida ham qaraladi. Milliy taom – xalq madaniyatining muhim qismi bo’lib, o’zida aniq ajralib turuvchi xususiyatlarni mujassamlashtiradi va huzur-halovat olishning vositasi hisoblanadi.

Umumiy ovqatlanish tizimi turistik markaz yoki hududga tashrif buyuruvchilarning ehtiyojlarini qondiruvchi turli toifadagi restoranlar, barlar, kafe hamda oshxonalar, tez ovqatlanish va o'ziga o'zi xizmat ko'rsatish joylaridan tashkil topadi.

Bugun bir-biridan ko'rkam, muhtasham tamaddixonalar aholiga xizmat ko'rsatib kelmoqda. Ulardagi taomnomalar ham rang-barang. Yevropa taomlaridan tortib, milliy taomlarimizning tur-turigacha muhayyo. Biroq ularning narxi, sifati va hajmida anchagina farq bor. Bundan tashqari har xil turdagi ovqatlanish joylaridagi xizmat ko'rsatish sifati ham turlichadir. Asosan, qimmat turdagi restoranlarda xizmat ko'rsatish sifati va taomlar sifati, oddiyroq turdagi tamaddixonalarga nisbatan yaxshiroqdir. Shuning uchun ham ko'p hollarda mamlakatimizga tashrif buyurgan xorijlik mehmonlar va turistlar aynan mana shunday turdagi ovqatlanish joylariga taklif etiladi.

Turistlar uchun ovqatlanishning turlari (ertalabki nonushta, yarim pansion, pansion) doimo turistik xizmatlar ko'rsatish tarkibida belgilangan bo'ladi. Taomlar mijozlar talabidan kelib chiqqan holda, o'z vaqtida tortilishi lozim. Yarim pansionda (2 marta ovqatlanish) ertalabki nonushta va tushlik yoki kechki ovqat nazarda tutilgan bo'ladi. Pansion bu uch martalik ovqatlanishdir. Qimmatbaho xizmat ko'rsatish variantlarida butun kun davomida va hattoki tunda istalgan vaqtda va istalgan miqdorda ovqatlanish hamda ichimliklar ichish imkoniyati nazarda tutilishi mumkin.

Shuningdek, taklif etilayotgan taom turlarining miqdori tashrif buyurilayotgan mamlakat yoki mintaqaning an'analariga bog'liq bo'ladi va ko'pincha kaloriyaliligi hamda xizmat ko'rsatishning turlari belgilangan bo'ladi. Mehmonlarga xizmat ko'rsatish chog'ida ularning xohish-istaklaridan kelib chiqqan holda juda ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lish kerak. Ovqatlantirish xizmati turistik xizmatlar tarkibiga kiradi hamda uni rivojlantirish mamlakat iqtisodiyotiga anchagina foyda olib keladi.

Biroq mahalliy aholi, xususan, talabalar va o'quvchilar ko'proq ovqatlanadigan kichik turdagi tamaddixonalardagi xizmatlar sifati haqida gapirilganda bir qancha e'tirozlarga duch kelish mumkin. Bunday turdagi ovqatlanish korxonalaridagi taomlar sifati ham, xizmatlar sifati ham unchalik yuqori emas.

O'zbekiston iste'molchilar huquqlarini himoya qilish jamiyatlari Federatsiyasining bergan ma'lumotlariga ko'ra, o'tgan yili Federatsiya va uning hududiy tuzilmalariga kelib tushgan 9523 ta shikoyat va arizalarning 2000 dan ortig'i umumiy ovqatlanish va savdo-sotiq sohasiga tegishli bo'lgan. Ushbu murojatlarning aksariyatida iste'molchilar ba'zi oshxona, kafe, bar va restoranlarning sanitariya-gigiena qoidalari talablariga to'la javob bermasligi, xodimlarning muomala madaniyati pastligi, nazorat kassa cheklarining berilmasligi, xizmatlar ro'yxati va ularni ko'rsatish shartlariga rioya etilmasligi, narxlarning aniq ko'rsatilmaganligi yoki ularning mavjud emasligi hamda ovqatlarning hajmiga nisbatan ham e'tirozlar bildirganlar. Shu bilan birga, ularda xo'randalarga o'z vaqtida sifatli xizmat ko'rsatish tartib-qoidalariga amal qilinmayotganligi ham ta'kidlab o'tilgan.

Hatto ba'zi bir ovqatlanish joylarida turistlar uchun xizmatlar va ovqatlar narxi ancha yuqori qilib aytiladi. Holbuki, mamlakatimizga tashrif buyurayotgan turistlar davlatimizning har tomonlama, ayniqsa, yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, iqtisodiy tomondan rivojlanishiga katta hissa qo'shadi.

Qoida bo'yicha, tamaddixonalarga olib kelingan tayyor mahsulotlarning ustiga 50% dan 100% gacha ustamalar qo'yilib iste'molchiga sotilishi mumkin. Undan ortiq

narx qo’yilmaydi. Ba’zi bir restoranlar 100% dan ortiq ustama qo’yishi mumkin, agarki xizmatlari ham eng yuqori darajada bo’lsagina bunga ruxsat etiladi.

Taom har bir insonning shunchaki oddiy ehtiyoji bo’lib qolmay, balki turistlar tomonidan ko’ngil ochish va rohatlanish ham, deb qaraladi. Turli xalqlarning va hattoki joylarning taomi o'ziga xoslikka, ko’p hollarda o’ziga jalb etuvchi xususiyatga ega. Bundan tashqari ardoqli mehmonni yaxshilab ziyofat qilish – barcha xalqlarga xos bo’lgan yoqimli an’anadir.

Ovqatlantirishni tashkil etish tibbiy sohani ham hisobga olgan bo’lishi kerak. Noto’g’ri ovqatlanish, qoidalarga rioya qilinmagan holda tayyorlangan ovqat zaharlanishga olib kelishi mumkin. Ayniqsa, ko’chadagi mayda sotuvchilar qo’lidagi suv va ovqat, shuningdek, sifatsiz restoranlardagi taomlar xavflidir.

Ovqatlanishni tashkil etish xizmati ham turizm xizmatlari tarkibiga kiradi va uni yaxshilash, rivojlantirish chora-tadbirlarini ishlab chiqish turizmni rivojlantirishning ham bir usuli hisoblanadi.

Yuqorida aytib o’tilgan kamchiliklarni bartaraf etish uchun tegishli tashkilotlar tomonidan ovqatlanish joylari ustidan nazoratni kuchaytirish hamda shu sohaga munosib xodimlarni ishga yollash lozim. Xususan, oliy o’quv yurtlarinig xizmatlar sohasi yo’nalishlarida tahsil olayotgan talabalar o’z sohalari bo’yicha faoliyat yuritishsa, o’ylaymizki, xizmat ko’rsatish sohasidagi kamchiliklar anchagina qisqargan bo’lar edi. Bugungi kunda respublikamizda turizmni rivojlantirish, xususan, xizmat ko’rsatish sifatini oshirish maqsadida ko’plab ishlar amalga oshirilmoqda. Har yili malakali kadrlarni tayyorlash uchun keraklicha talabalar oliy o’quv yurtlariga qabul qilinmoqda va ularga professor o’qituvchilar tomonidan bilim va ko’nikmalar berilib kelinmoqda. O’ylaymizki, turizmni va xizmat ko’rsatish sifatini oshirish uchun respublikamizda olib borilayotgan bu kabi ishlar kelajakda albatta o’z samarasini beradi.

УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИДА ЗАМОНАВИЙ МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

Холмаматов Д.Ҳ. мустақил изланувчи– СамИСИ

Аннотация: *мақолада улгуржи савдо фаолиятида маркетингни ўрни, замонавий маркетинг концепцияларини улгуржи савдо фаолиятида қўлланилиши ёритилган.*

Калит сўзлар: *улгуржи савдо, маркетинг концепциялари, замонавий маркетинг концепциялари, мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш, сервис.*

Аннотация: *В данной статье рассматривается роль маркетинга в деятельности оптового торговля и применение концепции современного маркетинга в оптовой торговли.*

Ключеввые слова: *оптовая торговля, маркетинговые концепции, современные маркетинговые концепции, управление взаимоотношениями с клиентами, сервис.*

Annotation: *In this article is considered role of marketing in activity wholesale business and using the concept of modern marketing in wholesale business.*

Key words: *wholesale trade, marketing concepts, modern marketing concepts, customer Relationship Management, service.*

Улгуржи савдо иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришлар, модернизация ва диверсификация шароитида товар-моддий ресурслар ҳаракати жараёнини бошқариш ва товар-моддий ресурслар ҳаракатини интенсивлаштиришни таъминловчи асосий бўғиндир. Улгуржи савдо товарларни тақсимлаш каналлари бўйича ҳаракатини ташкил этиш билан бирга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ва истеъмолини бир-бирига мос ҳолда узлуксиз ишлашига ёрдам беради.

Инновацион ривожланиш шароитида улгуржи савдонинг ижобий натижасига маркетинг инструментларидан, яъни товар, нарх ва силжитиш сиёсатидан самарали фойдаланиш орқали эришилади. Шунингдек, маҳаллий улгуржи савдо корхоналари савдонинг замонавий стандартларини узлуксиз равишда ўзлаштириш, нархли ва нархсиз инструментлардан фойдаланган ҳолда рақобат қилиш, улгуржи савдони ташкил этиш ва бошқаришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаси бўлган савдода маркетинг фаолиятидан самарали фойдаланиш, бозорнинг янада даромадли сегментларидан фойдаланишга имкон берувчи аниқ истиқболли сервис ва инновацион фаолиятни йўлга қўйиш орқали ривожланишга эришиш мумкин. Улгуржи савдо фаолиятини узлуксиз ривожлантириш маркетинг инструментлари ва технологияларини фаол қўллаш натижасида таъминланиши мумкин.

Улгуржи савдода маркетингнинг асосий мақсади – истеъмолчиларнинг эҳтиёж ва талабларини сифатли товарлар ҳамда хизматлар билан ўз вақтида қондириш ва сервис хизматларини кўрсатиш, харидорлар билан мустаҳкам, узоқ муддатли алоқалар ҳамда муносабатларни йўлга қўйиш ҳисобланади.

Улгуржи савдода маркетинг вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– харидорларни максимал микдорда жалб қилиш учун ва фойдали сегментни асослаш мақсадида бозорда иштирок этиш стратегиясини шакллантириш соҳасида аналитик ишларни амалга ошириш;

– истеъмолчилар эҳтиёжини ва талабини ҳисобга олган ҳолда ассортиментни оптималлаштириш мақсадида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

– харидорларни излаб топиш ва харидни амалга ошириш;

– товар-моддий оқимларни самарали бошқариш муваффақиятли товар ҳаракатини таъминлаш мақсадида «маркетинг-логистика» тизимини ташкил этиш;

– назорат тизимини ташкил этиш – менежментнинг самарали компоненти сифатида.

Улгуржи савдо фаолиятида маркетинг истеъмолчиларнинг хоҳиш истакларини ва истеъмолини қондириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштиришга йўналтирилган бозорда иштирок этиш фалсафасидир.

Савдо соҳасида маркетингнинг замонавий концепцияси бозорда ўз фаолиятларини бошқаришга тадбиркорларнинг кўп йиллик қарашлар эволюцияси натижасидир. Даставвал «ишлаб чиқаришни такомиллаштириш» концепцияси сўнг навбатдаги концепциялар: «товарни такомиллаштириш», «тижорат ҳаракатларини жадаллаштириш», «социал – этик маркетинг» маркетинг концепциялари шаклланди.

Улгуржи савдо фаолиятида маркетинг концепциялари аста-секинлик билан ишлаб чиқаришга йўналганликдан тижоратга йўналтирилганликка ва у орқали истеъмолчига йўналтирилганликка ўтди.

Улгуржи савдо фаолиятида маркетингнинг ишлаб чиқаришга йўналтирилган концепциясида бозор иштирокчиларининг тўхтовсиз ва меъёрда ишларини таъминлаш, ишлаб чиқариш корхоналари ва чакана савдо корхоналарининг зарурий истеъмол талабларини қондириш бўйича фаолият амалга оширилди. Улгуржи савдо корхоналари товар айланмасида мавжуд бўлган товарлар ассортиментини кенгайтириш ва товарлар нархининг барқарорлигини таъминлашга эътибор қаратилди.

Улгуржи савдо фаолиятида маркетингнинг тижоратга йўналтирилган концепциясида сотув каналларининг оптимал тармоғини шакллантириш, товар айланиш интенсивлигини ошириш, бозорни қамраб олиш кабилар муҳим масалалардан ҳисобланди.

Улгуржи савдо фаолиятида маркетингнинг истеъмолчига йўналтирилган концепциясида барча ҳаракатлар фақат истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва мотивлари, айтилган ва айтилмаган истакларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу ерда маркетингнинг замонавий ўзаро муносабатлар концепцияси шаклланди. Ўзаро муносабатлар маркетингининг структуравий ўқини Customer Relationship Management (ёки «мижоз билан ўзаро муносабатларни бошқариш») тушунчаси ифодалайди. CRM – ахборот технологияларидан фаол фойдаланиладиган маркетинг стратегияси бўлиб, кенг маълумотлар тўплами яратиш ва қўллашни ўз ичига олади ҳамда улгуржи савдо корхоналарига шахсий ёндошувга асосланган ўзаро манфаатли муносабатлар яратиш мақсадида мижозлар ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлашга имкон беради. CRM ёндашуви оммавийлигининг ўсиши 1990 йиллар охирида интернет технологиялари пайдо бўлиши билан таъминланган.

Анъанавий маркетинг модели ўзининг долзарблигини йўқотди. Маркетинг тўйиниб кетган бозорларда замонавий шароитларда истеъмолчи нималар исташини билмайди. Муаммо истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларни қондиришга қодир бўлган муқобил ёндашувларни ва оқибатда таклиф билан тўйинганлик шароиларида келган вазиятда эҳтимолий маркетинг усулларини аниқлаш, функционал ва гедонистик ёндашувларнинг ўзаро алоқаларини кўрсатиш, қадриятлар маркетинги ёндашувидан фойдаланиш туфайли муаммоларнинг эҳтимолий ечимларини таҳлил қилиш зарур.

Муносабатлар маркетингидан мақсад – улгуржи савдо корхонаси ва мижоз учун ўзаро манфаатли фойдани ифодалайдиган узоқ муддатли муносабатларни ўрнатиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашдир. Таҳлил мижознинг (корхона, харидор, истеъмолчи) индивидуаллашувига йўналтирилади ва ишончли мижозлар ва таъминотчилар ўртасида узоқ муносабатли муносабатларни бошқаришга қаратилади. Кейинги мақсад ушбу мижоз учун товарлар ва хизматларни тўғри танлашдан иборат. Агар аниқроқ айтадиган бўлсак, one-to-one маркетинг (ёки муносабатлар маркетинги) мақсади – ҳар бир мижоз билан муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантириш ва айнан унга хизмат кўрсатиш бўлиб, бунда мижозни персонификация қилиш учун ахборот технологиялари ва маълумотлар тўпламлари фойдаланилади.

Ҳозирги кунда улгуржи савдо корхоналари товар айланмасида мавжуд бўлган товарлар ассортиментини кенгайтириш, товарлар нархининг барқарорлигини таъминлаш, оптимал сотув каналлари тармоқларини лойиҳалаш, бозорни қамраб олиш, харидорларга сервис хизматлар кўрсатиш кабилардан ташқари доимий мижозлар (товар билан таъминловчилар, товар харид қилувчилар) билан ишончли алоқаларни ҳамда муносабатларни ўрнатиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бунда улгуржи савдо фаолиятида маркетингни замонавий ўзаро муносабатлар концепцияси “ишлаб чиқариш -улгуржи савдо - чакана савдо” занжирида ўрнатиладиган муносабатларга йўналтирилган.

Таъкидлаш жоизки, улгуржи савдо фаолиятида маркетингнинг замонавий ўзаро муносабатлар концепцияси қуйидагиларга эришишга қаратилган:

– товар заҳираси ва боғланган капитал ҳажмини камайтириш;
– товарни етказиб беришга тайёрликни ошириш;
– буюртмани бажариш вақтини камайтириш ва унинг сифатини ошириш;
– ишлаб чиқаришнинг мослашувчанлигини ошириш;
– маҳсулот таннархи, транспорт харажатлари, қўл меҳнати харажатларини пасайтириш;
– капитал айланувчанлигини тезлатиш;
– корхонанинг иқтисодий оқимларини оптималлаштириш;
– корхона ресурсларининг барча турларидан фойдаланишни ташкил қилишни рационаллаштириш;
– иқтисодий оқимларни бошқариш жараёнида корхонанинг барча бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш.

ПРИМЕНЕНИЕ В ЭКОНОМИКЕ РАДИОМОНИТОРИНГА РАДИОЭЛЕКТРОННЫХ СРЕДСТВ

Хатамов А, (Начальник Службы электромагнитной совместимости Самаркандской области, Старший преподаватель Самаркандского филиала ТУИТ имени Ал-Хоразмий)
Рузиева З, (Старший преподаватель Самаркандского филиала ТУИТ имени Ал-Хоразмий)

Аннотация: *Ушбу мақолада иқтисодиётда радиоэлектрон воситаларнинг радиомониторингини қўллаш орқали объектларни топиш ва аниқлаш тизими сифат ва самарадорлигини оширишга боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш хусусиятлари, ҳамда спектриал характеристикалар бўйича объектларни топиш ва аниқлашда радиомониторинг сифат кўрсатгичларини ошириш усулларини ишлаб чиқиш масалари кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *радиоэлектроника, радиомониторинг, сифат кўрсаткичлари, самарадорлик.*

В этой статье разработаны проблемы эффективности системы распознавания зависящей от количества и качества выбранных параметров распознаваемых объектов, от распозновония объектов по спектриальным характеристикам радиомониторинга и улучшения их эффективность и качаства для применение в экономике радиомониторинга радиоэлектронных средств.

Ключевые слова: *радиоэлектроника, радиомониторинг, показатели качества, эффективность.*

In this article, problems of the effectiveness of the recognition system depend on the number and quality of the selected parameters of recognizable objects, on the recognition algorithm and on the methods of detecting and recognizing objects by the spectral characteristics of radio monitoring and improving their quality

Key words: *radio electronics, radio monitoring, quality indicators, efficiency.*

С началом развития радиоэлектроники в первые годы XX в. она очень быстро стала входить во все области индивидуальной и общественной деятельности человека в качестве основы средств радиосвязи.

Радио- и оптико-электронные средства связи, локации, телеуправления, навигации, телеметрии, телевидения позволяют в настоящее время решать разнообразные задачи по разведке и управлению силами и средствами различного назначения. Применение радиомониторинга и распознавания радиоизлучений (в дальнейшем — РМ) имеет более чем столетнюю историю.

По мере развития и совершенствования средств радиосвязи расширялась область применения РМ. В настоящее время она занимает важное место в ряду информационных систем.

Как известно, к главным достоинствам средств РМ относятся дальность, обеспечивающая принципиальную возможность предварительного обнаружения объекта, возможность распознавания типа источника радиоизлучения (ИРИ), а затем и типа объекта, на котором ИРИ установлен. Одновременно необходимо учитывать и недостатки радиоразведки, состоящие в невозможности обнаружения объекта при отсутствии на нем или вблизи него работающего ИРИ, низкой точности измерения дальности до ИРИ из одной точки и в необходимости использования угловых координат для определения координат ИРИ. Главные задачи любого средства РМ — это обнаружение объекта, распознавание типа и определение его координат.

Постоянное развитие и совершенствование средств связи и управления (в частности, увеличение их дальности действия, быстродействия доставки информации и т. д.), динамичность и скоротечность обусловливают повышение требований к РМ.

В основу РМ положены демаскирующие признаки объектов. К указанным признакам объектов относят: внешний вид, форму, цвет, геометрические размеры и физические (электромагнитные, электрические, магнитные, тепловые, акустические) поля, создаваемые ими.

На основании анализа демаскирующих признаков объектов возможно опознавание объектов, определение их предназначения и типов.

Одним из существующих демаскирующих признаков, присущих всем без исключения объектам, являются их электромагнитные излучения (ЭМИ). Природа возникновения ЭМИ различна. Они могут быть естественного (природного) или искусственного происхождения, первичными (собственными) или вторичными (отраженными). К собственным относятся тепловые (температурные) излучения объектов и излучения радиоэлектронных средств (РЭС).

Вторичные электромагнитные излучения — излучения, возникающие за счет отражения (рассеяния) электромагнитных волн облучаемыми объектами.

Падающие на объект электромагнитные волны рассеиваются им во всех направлениях, в том числе и в направлении источника излучения. Первичные и вторичные электромагнитные излучения могут быть обнаружены и проанализированы. Иными словами, электромагнитные излучения позволяют вести РМ объектов и их распознавание.

Общепринято, что основа РМ — это радиоразведка, которая добывает сведения, во-первых, об объекте путем поиска, обнаружения, пеленгования излучений его радиосредств и перехвата сообщений, циркулирующих в радиоканалах и сетях, а во-вторых — о пространственно-временных параметрах сигналов РЭС объекта и на основании анализа этих сведений и параметров определяет тип и назначение РЭС [1]. Как видим, между задачами, решаемыми РМ, больше сходства, чем различий с радиоэлектронной разведкой (РЭР).

Средства радиомониторинга используются для определения назначения, типа и местоположения радиоэлектронных средств (РЭС) по данным измерения параметров принятых сигналов. Излучения РЭС - это прежде всего их основные (собственные) излучения, обеспечивающие функционирование РЭС по назначению. Особенность основных излучений - детерминированный характер их пространственной, временной и спектральной структуры (диаграмма направленности излучения, длительность и период следования излучаемых импульсов, несущая частота, вид амплитудного и фазового спектра, ширина спектра и т. д.).

Потенциальные возможности РЭС ограничиваются аддитивными и мультипликативными помехами, неизбежно присутствующими в каналах передачи информации.

Рассмотрим, как в общем виде решаются задачи радиомониторинга.

Определение назначения и типа РЭС можно представить как решение задачи распознавания. Процесс распознавания состоит в том, что система распознавания на основании сопоставления апостериорной информации относительно каждого поступившего на вход системы объекта или явления с априорным описанием классов принимает решение о принадлежности этого объекта к одному из классов. Процесс разработки системы распознавания требует построения математической модели. Построение модели системы распознавания образов обеспечивается последовательным решением следующих задач.

Первая задача - определение полного перечня признаков (параметров), характеризующих объекты. Совокупность признаков формируется безотносительно каких-либо ограничений; требуется определить все признаки, хотя бы в малейшей мере характеризующие распознаваемые объекты.

Вторая задача заключается в проведении первоначальной классификации распознаваемых объектов или явлений, в составлении априорного алфавита классов.

Следующая задачи - составление априорного словаря признаков, описание всех классов на языке априорного словаря, разбиение априорного пространства признаков на области, соответствующие классам априорного алфавита классов.

Четвертая задача - выбор алгоритмов распознавания, обеспечивающих отнесение распознаваемого объекта к тому или иному классу или их некоторой совокупности.

Пятая задача - определение рабочего алфавита классов и рабочего словаря признаков системы распознавания.

И, наконец, выбор показателей эффективности системы распознавания и оценка их значений.

Эффективность системы распознавания зависит, в первую очередь, от количества и качества выбранных параметров распознаваемых объектов, и, разумеется, от алгоритма распознавания.

Система распознавания - сложная динамическая система, приспособленная для распознавания данного вида объектов или явлений. Если в качестве распознаваемых объектов выступают радиоэлектронные средства (РЭС), то общая задача системы распознавания определяется следующим образом: на основе анализа принимаемого радиосигнала необходимо сделать выводы:

- о наличии в зоне действия системы распознавания РЭС (обнаружение);
- об отнесении данной РЭС к определенному классу.

Обнаружение представляет собой процесс принятия решения о наличии или отсутствии объекта (РЭС) в данной области пространства в результате приема и обработки сигналов.

Триангуляционный метод основан на измерении угловых направлений на источник излучения минимум в двух приемных пунктах (для плоскости), разнесенных на некоторое расстояние, называемое базой. Местоположение объекта определяется точкой пересечения двух прямых (линии пеленга), каждая из которых является линией положения, то есть геометрическим местом точек возможного местонахождения источника на плоскости. При определении местоположения объекта в пространстве необходимо определить азимутальные пеленги в двух пунктах и угол места в одном, или наоборот, пеленг в угломестной плоскости в двух и азимут в одном. Местоположение источника излучения соответствует точке пересечения трех поверхностей положения (трех плоскостей).

И в качестве подтверждения вСлужбе электромагнитной совместимости Самаркандской области, в первом квартале 2017 года, на диапазоне частот от 0,1 до 30 МГц с территории соседних областей выявлены 325незаконно действующих передатчиков, на диапазоне частот от 0,1 до 30 МГц проникающие сигналы с сопредельных государств выявлены288незаконно действующих передатчиков, на диапазоне частот от 30 до 3000 МГц обнаружено 69незаконно действующих передатчиковс территории Самаркандской области.Из 69 выявленных нарушений порядка эксплуатации радио электронных средств к 69 были приняты необходимые меры.

СОҲА МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

К.Н.Хўжакелдиев, Катта ўқитувчи, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти.

Аннотация: *Ушбу мақолада соҳа мутахассисларини тайёрлашда ахборот технологияларнинг ўрни ҳақида сўз юритилади.*

Калит сўзлар: *Технология, ахборот технологияси, инновация, интерактив методлар***.**

Место информационно-коммуникационного технология при подготовки отраслевые специалистов.

Аннотация: *В данном статье оснащается место информационного технологии при подготовке специалистов данном отрасле.*

Ключевые слова: *технология, инновационная технология, инновация, интерактивные методы.*

The importance of communication technology for preparing specialists.

Annotation: *This article is about communicating technologies for preparing specialists.*

Key words: *technology, innovation, commucation technology, interactive methods.*

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида тўлақонли натижаларга, тўлақонли шериклик ўрнини эгаллай бориши, инсон фаолиятининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланишнинг кўламлари қандай бўлишига ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат самарадорлигининг ошишида қандай рол ўйнашига боғлиқ. Демак, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан амалда кенг фойдалана оладиган етук кадрлар тайёрлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Қишлоқ туризми туризмнинг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Чунки, туристлар айниқса ҳалқаро туристлар учун бизнинг қишлоқларимизда жозибадор ва жуда қизиқарли туристик объектлар мўл. Бу қишлоқларда ўзига хос бўлган қишлоқ аҳолисининг ҳаёт тарзи, табиати, деҳқончилиги, урф-одатлари, чорвачилиги, миллий маданияти ва миллий санъти, миллий маросимлари халқаро туристларни кўп кунлик муҳлатларда қишлоқларимизда қолиб кетишини таъминлайди.

Ҳозирча бу қишлоқ туризмига етарлича баҳо берганимизча йўқ. Кўп ҳолларда қишлоқ туризмини агро туризм ҳам деб атамоқдамиз ва кўплаб давлатларда қишлоқ туризмини экологик туризмнинг алоҳида йўналиши деб ҳам қаралмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ туризмини ва агротуризмни ҳозирча қишлоқ ёки агротуризм деб қабул қилиш лозим.

Республикамизда қишлоқ туризмини ривожлантиришда хизматларни ташкил этиш ва бу хизматлар мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим аҳамиятни кўриб чиққанимизда қишлоқларимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришда келиб чиқадиган туризм хизматларининг манбааларига тўхталиш лозим бўлади.

Ўлкамизда саккиз ой мобайнида қуёш катта нур бериб туради ва туристлар табиатимизнинг бу саховатидан тўлиқ баҳраманд бўлишлари мумкин. Салқинлаб дам олиш мақсадида бунёд этилган ҳовлилар, шийпонлар, айвонлар, болахоналар, кўкаламзор, ариқ ва ҳовлилар қишлоқ туризмининг оммовийлашувига хизмат қилиши керак.

Шуниси аниққи, чет эллик туристларга бизнинг энг қиммат нархли, замон талабига жавоб берадиган меҳмонхоналаримиз эмас, балки, ўзбекона, миллий услубда қурилган меҳмонхоналаримиз ёқади ва биз ҳам шуни таклиф этишимиз керак. Чунки, улар ўзи Европа услубида қурилган уйларда истиқомат қилишади, биз назарда тутган миллий хоналаримиз эса бир томондан қурилишда ҳам харажат талаб этади, яна миллийликни уйғунлаштиради.

Туристларнинг ётишлари учун миллий сўрилар, болишлар, кўрпалар уларда юқори, ўзга дунёга тушиш таъсуротларни ҳосил қилади. Туристларнинг дам олиш вақтларида хизмат кўрсатиш дастурлари – сайёҳларга хизмат кўрсатишнинг фирма услуби воситаларидан бири ҳисобланади. Жумладан туяларда сайр этиш, сайёҳларни туя ёки отга миндириб расм олиш ҳам қишлоқ туризмидаги муҳим хизматлар турига киради. Йўл давомида фаол дам олишга катта эътибор берилаётган йўналишлар ҳам, туристик хизматларнинг фирма услубини мустаҳкамлайди.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришда энг муҳим омиллардан бири қишлоқларимизда туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Чунки туристик оқим ҳамма вақт туристик маршрут ва унинг рекламасидан кейин ҳосил бўла бошлади.

Қишлоқларга туристик маршрут ишлаб чиқиш ҳам қишлоқ туризмини ривожлантиришдаги энг қулай имкониатлар ҳисобланади. Чунки, қишлоқларда туристик маршрутлар ишлаб чиқишнинг имкониятлари ҳам кўп, мавзулари ҳам кўп ва туристик ресурсларнинг турли-туманлиги ва деярли барча туризм турларини қамраб олганлиги билан салоҳиятлидир.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришда туристик маршрутлар ишлаб чиқишнинг қуйидаги босқичларини ривожлантириш мумкин:

1. Қишлоқларда табиатни ўрганиш экологик туризм маршрутлари;
2. Қишлоқларда маданий меъросни ўрганиш маршрутлари-етнографик туризм маршрутлари;
3. Қишлоқлардаги тарихий ва археологик обидаларни ўрганиш маршрутлари тарихий-маданий туризм маршрутлари;
4. Қишлоқлардаги зиёратгоҳлар, муқаддас диний зиёрат маршрутлари;
5. Қишлоқлардаги деҳқончилоик, боғдорчилик ва чорвачиликни ўрганиш-агротуризм маршрутлари;
6. Қишлоқларда халқ миллий ўйинларини ўрганиш миллий маънавий-маданий туризм маршрутлари;
7. Қишлоқларда миллий маданият ва миллий фолклорни ўрганиш-маданий туризм маршрутлари;

Қайд қилганимиздек, кўплаб туризм турлари турмаршрутлар ишлаб чиқиш мавзулари бир хил бўлганлигидан уларнинг кенг қамровли фаолияти анча чегараланган ёки бир ёки икки мавзуда бўлади. Қишлоқ туризмининг маршрутлари турли мавзуларда эканлиги ва туристик обектларнинг хилма-хиллиги, жозибадорлиги учун ҳам жуда қизиқарлидир. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак қишлоқ туризмини ривожлантириш учун мамлакатимизда мавжуд имкониятлрдан фойдаланилмаябди. Агар биз мамлакатимизда қишлоқ туризмини жадал ривожлантирсак бу орқали жудаям кўп янги иш ўринлари очилар эди ва аҳолининг турмуш даражаси янада кўтарилар эди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИССИҚ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ТУРИСТЛАР ОВҚАТЛАНИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

З.М.Базаров (СамИСИ)
М.Б.Каланова (СамИСИ)

Аннотация: *Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг иссиқ об-ҳаво шароитида туристлар овқатланишини ташкил этиш асослари кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар: *турист, витамин, иссиқ об-ҳаво, сув, рационал овқатланиш, калория.*

Аннотация: *В данном статье превидины основы организация питания туристов в жарких климатических условиях Узбекистана.*

Ключевое слово: *турист, витамин, жаркие климат, вода, рациональное питания, калория.*

Annotation: *In this article given the basics of the organizing catering of tourists in the hot climatic conditions of Uzbekistan.*

Key words: *tourist, vitamin, hot climate, water, rational nutrition, calorie.*

Овқатланиш ҳар қандай инсоннинг табиий эҳтиёжи ва шунингдек, туризмда одатдаги оддий ва зарурий эҳтиёждан ташқари кўнгил очиш ва маҳаллий маданиятнинг, хусусан, гастрономиянинг муҳим таркибий қисмини англаш сифатида ҳам қаралади. Миллий таом халқ маданиятининг муҳим қисми бўлиб, ўзида аниқ ажралиб турувчи хусусиятларни мужассамлаштиради, билиш жараёнининг элементи ва ҳузур-ҳаловат олишнинг воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистонга туристларнинг келиши йилдан-йилга кўпая бораётганининг асосий сабабларидан бири - тарихий обидаларга бўлган қизиқишдир. Лекин, шуни ҳам эътироф этиш лозимки чет элдан келган туристларнинг аксарияти улуғ ёшдаги, нафақага чиққанлар бўлиб, уларнинг саломатлигига, кайфияти яхши бўлишига уларга хизмат кўрсатишда айниқса, уларнинг овқатланиш режимига ва рационига алоҳида эътибор бериш керак.

Ўзбекистонда туристлар оқими ёз пайтида айниқса кўпроқ бўлади. Серқуёш Республикамиз ёзда жуда иссиқ бўлганлиги сабабли, уларнинг овқатланишини ташкил этишда функцияси сусайган организмнинг функционал қобилиятини ва физиологик ҳолатини, овқат ҳазм бўлишида бўладиган ўзгаришларни, организмда моддалар алмашинувининг назарий асосларига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Туристлар овқатланишининг ўзига хослиги шундан иборатки, улар одатий ҳаёт тарзидан кўра кўпроқ ҳаракатда бўлиб кўпроқ энергия сарфлайди. Демак, туристларнинг овқатланиш рационини тузганда уларнинг бир суткалик энергия харажатини ҳам қоплайдиган, тўла қийматли, таркиби баланслаштирилган овқатланишни ташкил этиш лозим.

Ёзнинг иссиқ пайтида организмнинг қизиши натижасида асосий алмашинув жараёни сусаяди, клеткаларда оксидланиш жараёни ўтиши сустлашади. Натижада энергияга бўлган талаб (бир суткалик овқатланиш рациони калорияси) тавсия этиладиган ўртача меъёрга нисбатан 5% га камаяди

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, юқори ҳароратда сўлакай безлари иши сусайиб, сўлакай ажралиши камаяди. Терлаш натижасида суюқликнинг кўп ажралиб чиқиши, сўлакай ажралишини икки баробар камайтиради. Бу эса ўз навбатида оғиз бўшлиғининг қуришига, истеъмол этилаётган овқатнинг кам намланишига ва овқат ҳазм бўлиши жараёнининг пасайишига олиб келади, овқат ҳазм қилиш органларининг баъзи функциялари ҳам пасаяди.

Юқори ҳарорат витаминлар етишмовчилигини тезлаштиради, чунки айниқса сувда эрувчи витаминлар (В1, В2, В6, С ва РР) организмдан тер билан бирга ажралиб чиқади.

Атроф муҳитнинг юқори ҳарорати пайтида жисмоний меҳнат натижасида организмдан йўқолаётган намликнинг абсолют миқдори анча кўпаяди. Тер билан ажраладиган намлик кўпайиб, буйрак ва ичак йўлларидан ажраладиган намлик камаяди.

Бир кунда йўқоладиган намликни қисман бўлса ҳам қоплаш учун сафарга чиқишда истеъмол этиладиган таомлар асосан суюқ ҳолатда бўлиши лозим (биринчи ва учинчи таомлар). Иккинчи, яъни қуюқ таомларни ярим суюқ ҳолатда бериш мақсадга мувофиқ.

Кун давомида истеъмол этиладиган суюқлик миқдори ва вақти асосланган, яъни назорат остида бўлиши керак,. Сув ёки бошқа ичимлик меъёри ҳар истеъмол

даврида 100-200 мл.дан ошмаслиги лозим. Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, сув ва ичимликлар захираси бўлган тақдирда ҳам, кун охирида организм сувсизланади ва кечки овқат даврида бу йўқотишни яна қоплаш лозим. Кўп ҳаракат қилганда инсон вазни 1,5 кг.гача камайиши мумкин. Бундан ортиқ камайиши мақсадга мувофиқ эмас.

Ташналикни қондирадиган ичимлик чой, айниқса байховий кўк чой ҳисобланади. Кўк чой организмнинг умумий ҳолатига яхши таъсир кўрсатади, туз-сув алмашинувига, иш бажариш қобилятига яхши таъсир кўрсатади, ташналикни қониқтиради, ошқозон сўлак безлари ишини, сўлакай ажралишини яхшилайди, овқат ҳазм бўлишини яхшилайди, марказий нерв системаси ишини мувофиқлаштиради.

Иссиқ об-ҳаво шароитида айрон ташналикни яхши қондиради, шунингдек, чол (туя сути ачитқиси), янтоқ чой (янтоқ ўсимлигининг кўк чой билан қайнатмаси) ҳам ташналикни яхши қондиради. Жисмоний ҳаракат пайтида қора кофе ичмаслик лозим, чунки юрак-қон томирлари ишига салбий таъсир этади.

Республикамиз бўйлаб саёҳат пайтида 3 маротабалик иссиқ овқатланиш ташкил этилиши керак. Соат 12-13 дан ва тушликдан кейинги дам олишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Суткалик калория бундай ҳолатда эрталабки овқатланишда - 35%, тушлик - 25%, кечки овқат - 25% ва айниқса ёши улуғ туристлар учун дам олиш пайтларида - 15% ни ташкил этиши лозим.

Тушлик пайтида ҳаво иссиқ бўлганлиги сабабли иштаҳа ва овқат ҳазм бўлиши сусаяди. Шунинг учун тушликдан олдин иштаҳани кўтариш учун ўткир таъмли газаклар истеъмол этиш керак.

Гўштли таомларни эрталаб ва кечқурун истеъмол қилиш керак. Тушлик пайтида эса маҳсулотларнинг асосийсини углеводли маҳсулотлар ташкил этиши лозим. Чунки, улар осон ҳазм бўлади ва оқсил ва ёғларга нисбатан оксидланиш махсулотлари миқдори пастроқ бўлиб, уларни организмдан чиқариш учун сув резерви кам сарфланади.

Организмда тер билан чиққан витаминлар миқдорини қоплаш учун, эрталаб ва кечқурун витаминли маҳсулотлар истеъмол этиш мақсадга мувофиқ.

Кўп терлаш натижасида кўп туз йўқолади ва организмда туз етишмаслиги содир бўлади. Натижада ошқозон буралиб оғриши, қусиш, ҳаракатсизлик, кайфият бузилиши ва ҳатто шайтонланиш (судорога) ҳолатлари бўлиши мумкин. 1 литр сувга 5 грамм миқдоргача туз эритиб истеъмол этиш, организмдаги ўзгаришни ўз ҳолатига қайтаради.

Ёз пайтида туристлар саёҳатини ҳаво қизмасдан ва кечки пайтларда ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Куннинг иссиқ вақтида экотуризмни, яъни салқин оромгоҳларда дам олишни ташкил этиш, туристлар дам олиши учун ажойиб шарт-шароит яратади.

Овқат организм учун энергетик ва қурилиш материали ҳисобланади. Организмда бўлаётган жараёнлар овқатланиш характери билан узвий боғлиқ ҳолатда бўлади. Инсон соғлиги ва умрининг узоқлиги қанчалик тўғри овқатланишга боғлиқ.

Таркибида оқсил бўлган таомларни истеъмол этганда организмда иссиқлик энергияси 30-40% га ошади, лекин тўла қийматли оқсиллар миқдорини

камайтирмасдан, ҳайвонот оқсиллари миқдорини бироз кўпайтирмоқ тавсия этилади. Рационда ёғлар етарли миқдорда бўлиши лозим.

Энергиянинг асосий манбаи углеводлар бўлиб, 70-75%ни улар беради. Оқсил ва ёғлар асосан пластик жараёнлар учун сарфланади ва натижада янги клеткалар шаклланади, овқат ҳазм қилувчи сўлакайлар ҳосил бўлади ва бошқа тўғри овқат алмашинуви учун керакли моддалар ҳосил бўлади. Оқсил ва ёғлар энергетик балансининг 25-30% ни ташкил этади.

Ҳозирги даврда олимларнинг таъкидлашларича, овқатланишнинг таркиби баланслаштирилган бўлиши керак ва натижада организмнинг озиқавий ва биологик актив моддаларига бўлган талаби тўла қондирилади. Таркиби баланслаштирилган овқатланиш принципига асосан овқатланиш рациони инсоннинг ёши, касби, саломатлиги, об-ҳаво шароитлари ва ҳ.к.ларни эътиборга олган ҳолда тузилиши лозим.

Таркиби баланслаштирилган овқатланишнинг асосий хусусиятларидан бири, асосий озиқавий ва биологик актив моддаларнинг тўғри ва тасдиқланган нисбатини аниқлашдир. Тиббиёт академияси овқатланиш институтининг тавсиясига кўра оқсиллар, ёғлар ва углеводларнинг тавсифи бўйича нисбати 1:1,2:4,6 яъни 1г. оқсилга 1,2г. ёғ ва 4,6г. углеводлар тўғри келиши керак. Ҳозирги даврда баланслаштирилган рационга энергетик қиймати кўрсаткичи ҳам эътиборга олиниши лозим. Шунинг учун оқсиллар, ёғлар ва углеводларнинг энергетик қиймати 1:2,7:4,6 олиниши керак, яъни ҳар бир оқсил калориясига ёғнинг 2,7 ва углеводнинг 4,6 калорияси тўри келади. Энергиянинг асосий қисми юрак, ўпка, эндокрин системаси, тананинг доимий ҳарорати, организмнинг ҳаёт фаолиятини таъминловчи органларнинг, яъни асосий алмашинув жараёнини таъминлаб туради.

Энергия ва модда алмашинувининг ўзгариш тезлиги нафақат жисмоний меҳнат, балки асаб ва метереологик муҳитга, ҳарорат ва ҳавонинг намлигига, шамол тезлигига, барометрик босимга ва ҳ.к.ларга ҳам боғлиқ. Энергетик ҳаракат организмнинг маълум ишни бажаришга тайёргарлигига ҳам боғлиқ. Бир хил ишни бажарганда машқ қилиб юрган туристнинг энергия ҳаракати кам бўлади, чунки мускулларида кимёвий жараён нисбатан тежалган ҳолда ўтади, нафас олиш ва қон айланиши органлари жараёни нисбатан тинч, сокин ўтади.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистонга келаётган чет эллик туристларнинг аксарияти ёши улуғ, нафақага чиққан инсонлар бўлганлиги сабабли, уларнинг овқатланишини ташкил этишда функцияси сусайган организмнинг функционал қобилиятини ва физиологик ҳолатини, овқат ҳазм бўлишида бўладиган ўзгаришларни, овқат ҳазм бўлиши, организмда моддалар алмашинувига алоҳида эътибор бериш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ЧЎЛЛАРИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Р. Хаитбоев, СамИСИ катта ўқитувчиси
У. Бойназаров, СамИСИ асссистенти

Аннотация: *мақолада Ўзбекистон чўлларида туризмни ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари келтирилган.*

Аннотация: *в статье приведены актуальные проблемы и их решение для развития туризма в пустыне Узбекистана.*

Annotation: In this article actual problems and their solutions in tourism development in deserts of Uzbekistan are given.

Калит сўзлар: *чўллар, ижтимоий ривожланиш, иқтисодий ривожланиш, эктуризм кадрлари, имтиёзли кредитлар, муаммолар, дастурлар, концепция, ички туризм, халқаро туризм, лидер.*

Ключевые словы: *пустыни, социальное развитие, экономическое развитие, кадры, льготные кредиты, проблемы, программы, концепция, внутренный туризм, международный туризм.*

Keywords: *desert, social development, economic development, employees, low rate credits, problems, programs, consepts, domestic tourism, international tourism.*

Чўлларимизда туризмни ривожлантириш муаммоларини ёки масалаларини ихтиро ёки кашф қилиш керак эмас, бу муаммолар туризм мутахассисларига ҳам чўллардаги ҳокимликларга ҳам, мамлакатимизнинг туризми бошқарувига ҳам маълум ҳисобланади. Бу ерда энг ачинарли ва таасуфли жойи шундаки, чўллар ҳудудларида жойлашган вилоятлар ва бу вилоятларнинг ҳокимликлари чўл ҳудудларида туризмни ривожлантириш чўлликларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида истиқболли йўналиш эканлигига эътиборсизлик қилаётганлилигида, чўлларнинг ҳудудларида туризмни ривожлантириш масалаларида ташаббускорликни ташкил қилмаётганлигида ҳисобланади.

Чўл минтақаларидаги туристик ресурслардан туризмда фойдаланишдаги қуйидаги асосий муаммоларни икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Табиий географик, ижтимоий-маданий муаммолар.
2. Ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий-иқтисодий муаммолар.

Табиий географик, ижтимоий-маданий муаммолар тизими чўлларимизнинг табиий географик жиҳатдан ривожланган маданий марказлардан анча масофаларда жойлашганлиги ва ижтимоий ривожланишда сезиларли даражаларда орқада эканлиги ҳисобланади. Иккинчидан, туризмни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларини бир текис ривожлантириш давлат дастурларининг яратилмаганлиги ва бу дастурларни яратишга маъсул бўлган иқтисодчиларнинг чўлларимизда туризмни ривожлантириш масалаларини, илмий-амалий тадқиқотларини тушунмаслиги ҳисобланади.Чўл минтақаларидаги туризм ресурсларидан туризмда фойдаланишдаги табиий географик, ижтимоий-маданий муаммолар тизимини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1.Чўл ва адир ҳудудларининг марказлардан, шаҳарлардан узоқ масофаларда жойлашганлиги;

2.Чўллардаги туманларнинг марказларида меҳмонхоналарнинг йўқлиги;

3.Чўлларда туристларнинг сифатли овқатлантириш хизматларининг ташкил қилинмаганлиги;

4.Чўлларда туристик инфратузилмаларнинг йўқлиги;

5.Чўллар ва адирлардаги қизиқарли туристик ресурсларга туризм маршрутларининг ишлаб чиқилмаганлиги;

6.Чўллар ва адир ҳудудларидаги туризм ресурсларидан туризмда фойдаланиш рекламаларининг ишлаб чиқилмаганлиги;

7.Чўлларнинг аҳолисида туризм соҳаси ҳақида тўлиқ маълумотларнинг тарғибот ва ташвиқот ишларининг йўқлиги;

8.Чўл ҳудудларидаги туманлар ҳокимликларининг ўз ҳудудларида туризмни ривожлантиришга бефарқлилиги.

Бу муаммоларни ечишда ва чўлларимизда туризмни ривожлантиришдаги дастлабки лойиҳаларда мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш масалаларини тадқиқ қилишимиз зарур бўлади. Чунки, туризм ривожланган давлатлар дастлаб ўз давлатларида ички туризмни ривожлантирганлар. Айниқса, туризм кучли ривожланган Европа давлатларида дастлаб ички туризм соҳаси ривожланишида маҳаллий аҳоли туризм тадбиркорлигини кўп йиллар ўтиши билан мукаммал ўрганганлар ва маҳаллий туризмнинг ривожланишидаги дастлабки талабларни,кейинги режаларни пухта ишлаб чиқаришнинг уддасидан чиқганлар.

Ўзбекистоннинг чўллар ва адир ҳудудларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг яна бир қатор муаммоларига тўхталиш лозим. Бу муаммолар иккинчи гуруҳдаги- *ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий-иқтисодий муаммолар* ҳисобланади. Халқ хўжалигидаги ҳар қандай янги соҳанинг ривожланишида дастлаб шу соҳани ривожлантиришнинг муаммолари ўз заҳиралари билан мавжуд бўлади. Ҳар қандай соҳада ривожланишни таъминлаш учун дастлаб бу соҳанинг ҳуқуқий-меъёрий асослари давлатнинг қонунлари билан мустаҳкамланмоғи лозим. Мамлакатимизнинг чўл ва адир ҳудудларида туризмни ривожлантиришдаги *ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий-иқтисодий муаммолар* муаммолар бу бепаён минтақаларда туризмни ижтимоий-иқтисодий жиҳатлардан ташкил қилиш масалалари билан узвий ҳолатларда боғлангандир. Қуйида шундай муаммолар келтирилади;

1.Чўллар ва адир минтақаларида туризмни ривожлантириш муаммоларининг биринчиси-бу ҳудудлардаги туристик ресурсларни рўйхатга олиш, ҳужжатлаштириш, асосий ва қўшимча туристик объктларнинг тариф ва тавсифларини батафсил ёзиб чиқиш, бу туристик ресурслардан туризмда фойдаланишда ижтимоий ва иқтисодий самарадорликни аниқлаш, истиқболда иқтисодиётимиздаги ўрнини белгилаш;

2.Ўзбекистоннинг чўл ва адир минтақаларида туризмни ривожлантириш бепаён ҳудудлардаги табиат бойликлари, биологик хилма-хиллик ресурслари билан боғлиқ туристик ресурс манзиллари, объектлари, овчилик майдонлари,сув ҳавзалари, дарёлар соҳиллари давлат муҳофазасида бўлганлигидан бу ҳудудлардан туризмда фойдаланишнинг ҳуқуқий-қонуний меъёрлари ҳозиргача ишлаб чиқилмаган;

3.Чўл ҳудудларидаги табиат қўриқхоналари ва табиат буюртмахоналаридан туризмда фойдаланишда давлат ҳокимияти рухсатномалари ҳозиргача олинмаган;

4.Чўл ва адир минтақаларидаги маҳаллий аҳоли яшаш жойлари ва аҳолига яқин бўлган туристик объектларда аҳолини, меҳнат ресурсларини туристик объектларга жалб қилиш, бу тадбирлардан маҳаллий аҳолини иш билан банд қилиш муаммолари ечилиши, туристлар билан дўстлашув алоқалари вужудга келишидек муҳим

масалаларнинг тарғиботи, ташвиқоти, тушунтириш ишлари умуман ташкил қилинмаган;

5.Чўллар ва адир минтақаларида жойлашган ёки қисман жойлашган Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах вилоятларидаги ҳокимликлар,туманларнинг ҳокимликлари ва "Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси"нинг бу вилоятлардаги бўлимлари ўз вилоятларидаги туристик ресурслардан "Вилоятда туризмни ривожлантириш чора-тадбирларида" чўл ва адир ҳудудларидаги туристик ресурслардан туризмда фойдаланиш масалаларига эътборсиз бўлганлиги бу ҳудудларда туризмни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати далолат бермоқда;

6.Чўллар ва адир минтақаларидаги туристик ресурслардан фойдаланишда экологик, рекреация ва овчилик туризмларини ривожлантириш имкониятлари устувор эканлигини ҳисобга олиб бу туризм ресурсларига замонавий туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ишлари бошланмаган.

Ҳар қандай соҳадаги муаммолар ўз ечимларини топмаган вақтда соҳадаги вазиятлар оғирлашиб, чалкашиб бораверади. Вазиятни ўнглаш учун эса яна қўшимча вақт ва қўшимча маблағлар талаб қилинади. Бу ҳолатлардан вақти келиб чиқилиши мумкин, чиқилади албатда. Бу ерда энг афсусланадиган жойи шундаки, кўп маблағлар, энг асосийси, инсон умрининг қулай фурсатлари бой берилган бўлади. Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг барча шарт –шароитлари яратилган ҳозирги вақтда маҳаллий ҳокимликларнинг бу шароитлар ва қулайликлардан фойдаланмасликлари ғоят таажжубли ҳисобланади.

Чўллар ва адир минтақаларида туризмни ривожлантириш муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш, келажакда чўлликлар иқтисодиётини кўтарувчи бу соҳани ўз вақтида ривожлантириш учун Ватанимизнинг Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизда туризмни ривожлантириш бўйича қабул қилган фармонлари ва қарорларини ўз вақтида бажаришни назорат қилиш соҳа равнақи билан шуғулланувчи вазирликлар, давлат институтлари ва "Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси"нинг асосий вазифаларидан бўлиши лозим.

Чўл ва адирларда туризмни ривожлантириш муаммоларини туризмни ривожлантиришга маъсул бўлган ташкилотлар, туризм таълимини ўқитаётган, ўргатаётган профессор-ўқитувчилар ва туризмдаги катта-катта назариётчилару амалиётчиларга ҳам маълум. Бу ерда энг таассуфли жойи шундаки, вилоятларнинг ва туманларнинг ҳокимликлари давлатнинг туризмни ривожлантириш ҳақидаги қарорларини фақат қоғозда лойиҳалаштириш ва декларатив бажариш билан банд.

Чўллар ва адирларнинг ҳудудларидаги қишлоқлар ва овулларнинг миллий ижтимоий-иқтисодий ҳолатларини тубдан ўзгартиришда ҳозирги муносабатларимизни Республикамиз нинг қишлоқларига тенг қараш ва тенг ривожлантиришни талаб қилади. Ватанимизнинг Биринчи Президенти И.А. Каримов бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлаган:

-" Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устивор вазифа қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бири-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламда чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик

ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб–қувватлашдан иборатдир”.

Қайд қилинган муммоларни ечиш учун Ўзбекистоннинг чўллар минтақаларида жойлашган вилоятлар,туманлар ҳокимликлари биринчи навбатда “Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси” вилоятлардаги бўлимлари билан “Вилоятнинг барча ҳудудларида туризмни ривожлантириш” дастурларини ишлаб чиқишлари лозим.

Муҳимки, чўл минтақаларида туризмни ривожлантириш бу-келгусида чўл минтақаларида ободончилик, чўлдаги йўлларнинг яхшиланиши, меҳмонхоналарнинг қурилиши, янги ошхоналарнинг, ресторанларнинг яратилиши, транспорт коммуникация тизимларининг яхшиланиши, маҳаллий аҳолида ташаббускорликнинг кўтарилиши, туризм тадбиркорлигининг юзага келиши, янги иш ўринларининг кўпайиши, чўлликларнинг хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг келиб чиқишига мустаҳкам замин, пойдевор яратишини бугун англамоғимиз керак.

Тадқиқотларимиз асосланиб қайд қиламизки, Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризмни ривожлантиришдаги муаммоларнинг ечимлари амалий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-меъёрий ва иқтисодий-ташкилий механизмларни яратишни қамраб олади.

Хулосалар:

- Чўллар ва адир минтақаларидаги, ҳудудларидаги туристик ресурсларни рўйхатга олиш, ҳужжатлаштириш, асосий ва қўшимча туристик объктларнинг тариф ва тавсифларини батафсил ёзиб чиқиш, бу туристик ресурслардан туризмда фойдаланишда ижтимоий ва иқтисодий самарадорликни аниқлаш, истиқболда иқтисодиётимиздаги ўрнини белгилаш;
- Ўзбекистоннинг чўл ва адир минтақаларида туризмни ривожлантириш бепаён ҳудудлардаги табиат бойликлари,биологик хилма-хиллик ресурслари билан боғлиқ туристик ресурс манзиллари, объектлари, овчилик майдонлари, сув ҳавзалари, дарёлар соҳиллари давлат муҳофазасида бўлганлигидан бу ҳудудлардан туризмда фойдаланишнинг ҳуқуқий-қонуний меъёрларини яратиш.
- Чўллар ва адир минтақаларидаги туристик ресурслардан фойдаланишда экологик, рекреация ва овчилик туризмларини ривожлантириш имкониятлари устувор эканлигини ҳисобга олиб бу туризм ресурсларига замонавий туристик маршрутлар ишлаб чиқиш;
- Чўл минтақаларида туризм тадбиркорлигини, ташаббускорлигини ташкил қилишда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашини ташкил қилиш.
- Чўлларда туристик фаолиятни бошлаган тадбиркорларни рағбатлантириш тизимларини яратиш;
- Чўл ва адир ҳудудларида кичик ҳажмли меҳмонхоналар қурилишига имтиёзли кредитлар ажратишни асослаш;
- Чўлларда туризмни ривожлантиришнинг ички ва халқаро туризм бозорига мўлжалланган рекламаларини ва ташвиқот тизимларини яратиш.

МЕҲМОНХОНАДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Саттарова З.Иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси
Саттаров А. ММХ-115 гуруҳ магистранти

Аннотация: *Меҳмонхонада маркетинг хизматларини такомиллаштириш йўллари кўрсатилган. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида меҳмонхоналарни реализация қилиш имкониятларни оширишнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари кўрсатилган.*

Аннотация: *Показаны пути совершенствования маркетинговых услуг в гостинице. В условиях модернизации и диверсификации экономики показаны основные направления перспективы совершенстсвования реализации услуг в гостинице.*

Annatation: *There are shown the ways of improving marketing services in the hotel. In the conditions of modernization and diversification of the economy, the main directions of the prospects of improving the implementation of services in the hotel are mentioned.*

Калит сўзлар: *Меҳмонхона хизматлари, иқтисодиёт, маркетинг, хизматлар.*

Ключевые слова: *Услуги гостиницы, экономика, маркетинг, услуги.*

Keywords: Hotel services, economic, marketing, services

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасининг тез суръатлари билан ўсиши юртимизга катта ҳажмдаги валюта тушумларини кириб келиши ва янги иш ўринларининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Ушбу туризм ва меҳмондорчилик саноатига жаҳон хизматлари экспортининг 1/3 қисми жаҳон миллий маҳсулотининг 10% ни инвестицияларнинг 7 % ҳамда 18 иш ўрнини биттаси тўғри келади.[79]

Шу билан бирга, тадқиқотларга кўра ҳозирги кунда сайёҳликнинг жаҳон ЯИМдаги салмоғи 9 фоизни, бир йиллик айланма ҳажми 1,3 триллион АҚШ[80] долларини ташкил этмоқда. Жаҳондаги банд аҳолининг 9,2 фоизи шу соҳада мехнат қилади. Шунга асосан, Ўзбекистонда хам халқаро туризмни ривожлантириш учун давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси саъй-ҳаракатлари эвазига туризм соҳасида туб институционал ва сифат ўзгаришлари юз берди, бу соҳага бозор мунособатларининг элементлари кенг жорий этила бошланди, туризм соҳасида фаолият юритаётган давлат корхоналари ҳиссадорлик жамиятлари, жамоа, хусусий, ижара ва кўшма корхоналарга айлантирилди. Жумладан, ҳозирги кунда республикамизда 400 тадан ортиқ туристик фирма ва ташкилотлар фаолият кўрсатиётган бўлса,ушбу туристик фирма ва компанияларнинг 98 фоизидан [81]ортиғи давлат тасарруфидан чиқарилгандир.

Ундан ташқари, Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган бир нечта Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул килинган Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ қилиб келинмокда.Шу билан бирга, туризм соҳаси мамлакатда иш билан бандликни ҳам таъминловчи соҳалардан бири ҳисобланади.Ҳалкаро

[79]www. UNWTO.ORG
[80] www. UNWTO.ORG
[81] www.uzbektourizm.uz

кузатишлар натижалари бўйича, туризм индустриясида ташкил этилган ҳар бир иш жойига қўшимча равишда бошқа тармоқларда хам 5тадан 9 тагача қўшимча иш жойлари юзага келар экан. Туризм бевосита ва билвосита 32 та иқтисодий тармоқнинг ривожланишига туртки бўлади.[82]

Меҳмонхона хўжалиги туризм соҳасининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли туризм ривожланиши меҳмонхоналар фаолиятининг кенгайишига олиб келади. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, туризм умумий иқтисодий ўсишга, кам тараққий этган ҳудудларнинг ривожланишига кўмаклашади. Бундай ҳудудларда туристик марказларни очиш кўпгина давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий усули ҳисобланади.

Меҳмондўстлик туризмнинг бир қисми сифатида мазкур соҳанинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Шу туфайли меҳмондўстлик индустриясини ташкил қилиш ҳам соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Замонавий меҳмонхона корхонаси истеъмолчиларга нафақат турар жой ва овқатланиш хизматлари, балки транспорт, алоқа, кўнгилочар экскурсия хизматлари, тиббиёт, спорт, гўзаллик салонлари каби кенг қамровли хизматларни таклиф этади. Амалда меҳмонхона корхонаси туризм ва меҳмондўстлик индустрияси таркибида асосий функцияларни бажаради, истеъмолчиларга комплекс хусусиятларга эга меҳмонхона маҳсулотини таклиф этади.[83] Бу маҳсулотнинг шаклланиши ва сотилишида туризм ва меҳмондўстлик индустриясининг барча секторлари ҳамда элементлари иштирок этади.

Самарқанд меҳмонхоналари мижозларнинг норозилик сабабларини аниқлаш жараёнида қуйидаги камчиликларни кузатиш имконини берди:

- меҳмонлар меҳмонхонага Самарқандда ҳар хил тадбирлар (масалан, Наврўз, шаҳар куни, фестиваллар) ўтказилган вақтда олдиндан бронлаштирмасдан келганда бўш номерни ололмай бошқа меҳмонхонадан хона излашга мажбур бўлганлар;
- администраторлар ҳар доим меҳмонлар билан гаплашганимда хушмуомала эмас;
- янги меҳмонларни кутиб олиш вақтида хоналар ҳали тайёр эмас эди;
- ҳамма ҳам заявкалар биринчи мартадаёқ қараб чиқилмаган, мижоздан яна бир марта заявкани йўлламоқ талаб қилинди;
- меҳмонхонадаги ички сиёсати ва бронлаштириш хизмати хатолари

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида меҳмонхоналар реализация қилиш имкониятларни оширишнинг асосий йўналишлари ва истиқболларини тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келинди:

- меҳмонхонадаги хизматларнинг диверсификацияланиши, сифатининг ошиши объектив заруриятга айланди;
- меҳмонхонани мавсумсиз вақтда мижозлар билан тўлдиришига иш жараёни тартибини ўзгартириш;
- меҳмонхона ва ресторан бошқарувчилари, ходимларини малака ошириш бўйича ташаббус кўрсатишлари уларнинг бизнесларига, шунингдек Ўзбекистоннинг туристик бизнесига фойда келтиради;

---

[82] Тухлиев И.С. Ҳаитбаев Р., Ибадуллаев Н.Е, Амриддинова Р.С. Туризм асослари. Ўқув қўлланма. -С.: СамИСИ., 2010, 12 б.

[83] Амриддинова Р.С. Меҳмонхона сервис хизмати. Маърузалар курси. СамИСИ, 2009й, 23б.

- меҳмонхона хизматларни реализация килиш учун меҳмонхона сайтларини юқори технологияли, мураккаб сайтни ишлаб чиқиш;
- сайтларни доимий модернизация қилиш ва оптималлаштириш;
- сайтларни он-лайн бронлаштириш режими фаолиятига ўтказиш;

Меҳмонхона хизматлари ҳақида веб-сайтда алоҳида бўлим тайёрлаш лозим ва бронлаштириш тизимда акциялар ўтказилишш ҳакида маълумот берганда махсус таклифлар аниқ ва кўзга ташланиши керак. Бу меҳмонхона салоҳияти , мижозга хизмат кўрсатиш, яшаш шароитлари ҳақида сайтларда меҳмонлар томонидан жуда кўп муҳим шарҳлар, баҳолар берилган бўлса , мижоз кўриб чиқиб, қарор қабул қилаётганда танлаш осонроқ бўлади.

Бизнинг ишлаб чиққан тавсиялармиз амалиётга қўлланилса, ўйлаймизки, меҳмонхона хизматларини реализация самарадорлигининг ошишига эришилади ва Ўзбекистон туризм маркетингини ривожлантириш йўналишлари аниқлашга ва истиқболларини кўрсатиб беришга эришади.

POP-UP RESTORANLARI KONSEPTSIYASI

Bazarov Z.M, SamISI.

Annotatsiya: *Ushbu maqolada gastronomic turizmni hamda ovqatlanish korxonalarini rivojlantirishning yangicha yo'nalishi pop-up restoranlari konseptsiyasi ochib berilgan.*

Аннотация: *В данном статье раскрыта концепция нового направления pop-up на развития гастрономического туризма, а также предприятий питания.*

Annotatsiya: *In this article disclosed the concept of new direction of pop-up for the development of gastronomic tourism, as well as catering enterprises.*

Kalit so'zlar: *pop-up restoran, restorator, oshpaz, investor, milliy taom, bayram.*

Ключевые слово: *поп-уп ресторан, ресторатор, шеф-повар, инвестор, национальные блюда, праздник.*

Key word: *pop – up restaurant, restorator, chef, investor, national food, event.*

Turizm sohasidagi asosiy xizmat turlaridan biri bu ovqatlanish xizmatlari hisoblanadi. Ovqatlanish korxonalarining turi ko'p bo'lib, hozirgi kunda rivojlangan mamlakatlarning restoran biznesida pop-up restoranlari eng ommabop hisoblanmoqda. Qolaversa pop-up restoranlar har joyda paydo bo'lyapti va ularning yaratilishi ko'pchilik restoratorlarning katta qiziqishini uyg'otayapti. Ular shu bilan birga tashkilotchilarga yangi bozorni egallashga va qo'shimcha daromad keltirishda as qotmoqda.

"Pop-up" so'zi ingliz tilidan olingan bo'lib, - " tez paydo bo'luvchi", "tez ko'zga tashlanuvchi" yoki "yangilik" degan ma'nolarni anglatadi. Pop-up ovqatlanish korxonalari konseptsiyasi 1930-1940 yillarda AQShda, ma'lum bir iqtisodiy qiyinchilik paytida an'anaviy restoranlarning muqobil varianti shaklida yuzaga keldi. Ularning bu darajada ommalashishiga internet tizimining tashkil etilganligi turtki bo'ldi.

Pop- up restoranlar kichik restoranlar bo'lib ular vaqtinchalik istirohat bog'lari, galleriyalar, sotuv markazlarida, diqqatga sazovor joylar, yirik magazinlar va yirik restoranlarda tashkil etiladi. Ko'p hollarda pop-up restoranlari tez yig'iladigan va ixcham qurilish materiallaridan barpo etiladi. Odatda pop-up retoranlarida fasd-food ya'ni tez tayyor bo'luvchi taomlar assortimenti keng taqdim etiladi. Pop-up restoratorlari va qiziquvchilari, internet bloklardan, Twitter va boshqa ijtimoiy tarmoqlardan foydalangan

holda insonlarga pop-up restoranlar haqida axborotlarni tarqatadi. Pop-uplar haqidagi yangiliklar va har xil hodisalar bir soatdan kechikmasdan hammaga e'lon qilinadi, masalan agar biron bir pop-up restoran o'zida biron bir ichimliklar yoki taomlar bo'yicha tanlov yoki tantanalar o'tkazsa bloklarga o'z haqidagi ma'lumotlarini joylashtiradi bu esa ular haqidagi axborotlarni tez tarqalishiga olib keladi.

Pop-up restoranlar faoliyatiga nazar tashlasak, Mc Donald's Londonda 2012-yil o'tkazilgan Olimpiya o'yinlarida o'zining eng katta va gavjum pop-up restoranlaridan birini qurdi. Ular Stratfordda sharqiy Londonda, Olimpiya stadioniodan qariyib 300 metrda joylashtirildi, ikki qavatli 1500 xo'randalarga joy tashkil qildi va bir soat ichida ular 1000 kishiga xizmat qilishgan , bu binolar olti hafta turdi va demontajdan keyin binoning 75% qismini qayta ishlatish mumkin bo'ldi.

Pop-up restoranlar restorator va bosh oshpazlarning o'z mahoratlarini oshirishga yoki yangi taom g'oyasini sinashga zamin yaratadi. Yangi g'oyalar bosh oshpaz yoki operatorlarda paydo bo'lsa, ular g'oyalarini to'liq foydalanilmayotgan joylarda va oshxonalarda katta xarajatlarsiz sinab ko'rishi va foyda olishlari mumkin. Pop-up restoranlar g'oyalarini to'liq jarayonga o'zgartirmoqchi yoki boshqa usuldagi taom iste'mol qilish imkoniyatini yaratmoqchi bo'lgan investorlarni o'ziga maftun qiladi.

Ko'pgina pop-uplar gurmanlarga zamonaviy hamda sifatli oshxonalarda xizmat taqdim etishadi, takliflar shu segment moduliga yaxshi samara beradi. Umumiy ovqatlanish industriya tahlilchilarining ta'kidlashicha, pop-up restoranlari ta'sirida bir vaqtning o'zida tez xizmat ko'rsatuvchi restoranlar ko'payadi va bu modul har xil konseptsiyalarga ko'ra yaxshi ishlaydi.

Hozirgi kunda pop-up ovqatlanish korxonalari turli xil maqsadlarda tashkil etiladi. Pop-up ovqatlanish korxonalari bosh oshpazlar tomonidan turli xildagi yangi taomlarni sinab ko'rish yoki oshpazlarning o'z pazandalik mahoratlarini oshirish va keng ommaga tanishtirish maqsadida, taom tayyorlashdan lazzatlanuvchilar shunchaki taom tayyorlashga qiziquvchilar tanish va do'stlari bilan birgalikda turli joylarda tashkil etish maqsadida, homiylik mablag'larini yig'ish biror bir tashkilot yoki insonlar tomonidan masalan mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilariga bayram sovg'asi ulashish maqsadida biror bir institutlar kollej va litseylar yonida tashkil etish orqali, restorator va investorlar o'z yangi restoran konseptsiyasini sinab ko'rish biror bir restorator yoki investor tomonidan restoran biznesidagi yangi g'oyani ko'p xarajat sarflamasdan pop-up ovqatlanish korxonasi orqali sinab ko'rish maqsadida va boshqa ko'pgina maqsadlarda tashkil etiladi. Pop-up ovqatlanish korxonalari hayajonlantiruvchi tajribalarni tez-tez qiziqarli joylarda taqdim etishadi.

Pop-up ovqatlanish korxonalarini tashkil etish maqsadiga qarab shartli ravishda bir necha guruhga ajratish mumkin.

- Restoratorlar va bosh oshpazlar tomonidan taom va yangi konseptsiyalarni sinab ko'rish maqsadida;
- Oshpazlar va taom tayyorlashga qiziquvchilar yoki gurmanlar tomonidan o'z tajribalarini oshirish maqsadida;
- Turli xil inson va korxonalar tomonidan hayriya mablag'larini yig'ish maqsadida;
- Turistlarni jalb qilish maqsadida tashkil etilgan turli xildagi festival, karnaval, bayram, saylarda turistik maqsadlarda va hokazolar;

Pop-uplar yordamida restoranlar yangi mijozlarni jalb etishlari mumkin. Qolaversa kuchli raqobat sharoitida pop-uplar mijozlarni jalb etishning eng samarali yo'li

hisoblanadi. Ular yordamida qisqa muddat ichida iqtisodiy samaraga hamda restoranning ommalashishiga xam erishish mumkin. Bu esa restoranning bozordagi mavqeini oshirishga yangi mijozlar segmenti bilan ishlashga imkon tug'diradi.

Pop-up restoranlarining boshqa restoranlarga nisbatan quyidagi o'ziga xos xususiyatlari mavjud bo'lib:

- **Xilma xillik.** Pop-uplar tashkilotchilarga tez almashtiriladigan menyulardagi hit innovatsiyalarini taklif etishga imkoniyat yaratadi.
- **Iqtisodiy samara.** Pop-uplar uzoq muddatli investitsiyalarga muhtoj emas. Tashkilotchilar faqatgina egallagan joylari uchungina haq to'lashlari mumkin.
- **Eng maqbul sinov.** Chunki pop-uplar ko'pincha o'ziga xos, kamyob yoki noodatiy taomlarni taqdim etishadi va iste'molchilar faqatgina ularning tajribalari uchungina qo'shimcha haq to'lashadi.
- **Ixchamligi.** Pop-uplar shaharma shahar oson ko'chib yurishga qulay. Agarda u tanilgan bo'lsa o'z joyida qolishi mumkin hamda matbuotda o'zlari haqida doimo e'lon qilib borishadi.
- **Potensialning o'sishi.** Agar g'oya samarali davom etsa, hududda hech qayerda uchramaydigan operatsiyalarni yoki tayyor ovqatlar disstryubiterlarini o'sishiga imkon yaratishi mumkin.
- **Potensialning tushib ketishi.** G'oya ish bermasa u qanday tez boshlangan bo'lsa shunday tez yopiladi.

Pop-up restoranlari bizda xam mavjud ammo ular juda qisqa muddatga va kam tashkil etiladi. Ular ko'pinicha milliy bayramlar, har xil sayllarda tashkil etiladi. Ammo biror bir restoran yoki bosh oshpaz tomonidan mustaqil tashkil etilmaydi.

Pop-up ovqatlanish korxonalar an'anaviy restoranlarga nisbatan ochish uchun kam xarajat talab etadi. Pop-up ovqatlanish korxonalarining faoliyatini yo'lga qo'yishning o'ziga xos qoidalari mavjud:

1. Maqsadni aniqlash.

Pop-up ovqatlanish korxonalari ko'pgina maqsadlarda ochiladi. Ba'zi bir oshpazlar o'z pazandaligini e'lon qilish maqsadida o'z pop up restoranlarini tashkil etishadi yoki oshxonada bo'lmagan erkinlik va tabiiylikni sinab ko'rish maqsadida tashkil etishadi. Ba'zi birlar esa pop-uplarni test sinov sifatida, restoranning yangi konseptsiyasini yaratish va investorlarni jalb qilish maqsadida ochishadi. Oxirgi vaqtlarda pop up ovqatlanish korxonalari homiylik mablag'larini yig'ish uchun va insonlarni bog'lash uchun xam tashkil etilmoqda.

2. Joyni to'g'ri tanlash.

Pop-up ovqatlanish korxonalarini har qanday joyda tashkil etish mumkin lekin tanlangan joy ovqat tayyorlash uchun xavfsiz va xizmat ko'rsatishga qulay bo'lishi lozim. Ko'pgina mashxur pop-up restoranlari sobiq restoran va xonadon joylarida tashkil etiladi. Pop-up ovqatlanish korxonasi uchun joy tanlashda joyning gabariti va muhitiga uning hajmi va ko'rinishi mantiqan mos kelishi zarur qolaversa u yerda suv va elektr energiyaga qulay joy bo'lsa maqsadga muvofiq hisoblanadi. Ko'pgina pop-up ovqatlanish korxonalari ko'chirish oson bo'lgan oshxona va vaqtinchalik ovqatlanish joyidan tashkil topadi. Bu esa elektr energiya va suv bilan bog'liq muammolarni yechimini yengillashtiradi.

Boshqa bir taklifga ko'ra pop-up ovqatlanish korxonasining joyi avvaldan mavjud bo'ladi. Masalan qisqa muddatga biror joyni ijaraga olib faqat nonushta va tushlikni

taqdim etish mumkin. Bu esa joyning egasiga bir qancha foyda keltirishi mumkin ya'ni suv, elektr, va boshqa bog'liqlikdagi xarajatlarning bir qismini to'lashga yordam beradi. Pop-up ovqatlanish korxonasini o'z restoraniga joylashtirishning yana bir afzalligi qo'shimcha mijozlarni jalb etish imkonini tug'diradi.

3. Sertifikat va letsenziya

To'g'risini aytganda pop-up ovqatlanish korxonalarini letsenziya va sug'urta so'rab bezovta qilishmaydi. Qachondir muammo chiqmasligi uchun ikkalasini xam olib qo'yish juda xam zarur. Buning uchun joylashgan joydagi hukumat idorasidan ijozat olish kifoya hisoblanadi.

4. Menyu va narx

Ko'pgina insonlar pop-up ovqatlanish korxonalariga yangilikni, noyoblikni va o'ziga xos ijodkorlikni ko'rish uchun tashrif buyurishadi. Chunki ular mahalliy restoranlardan nimasi bilandir farq qilishadi. Ya'ni cheklangan joyda saqlash sharoitlarida va pishirishda kompleks tushlikning bir qancha turlarini taklif qilishadi. Ularda mahsulotlarni saqlash va pishirish sexining joyi chegaralangan shu tufayli kompleks menyuni taqdim etishadi. Kompleks menyu esa turli xil odamlar uchun mo'ljallangan bo'ladi qolaversa ularning narxi an'anaviy restoranlarga nisbatan ancha arzon hisoblanadi

5. Ko'chib yuruvchi oshxonani o'rnatish.

Pop-up ovqatlanish korxonasining yuragi oshxona hisoblanadi. Uning ko'chib yuruvchi oshxonasi dizayni elektr va suvga qulay joyga bog'liq hisoblanadi. Agar siz restorandan ijara joy olgan bo'lsangiz bu muammosiz o'rnatish mumkin. Ovqatlanish korxonalari kabi pop up restoranlar sizga qachon va qayerda ovqatlarni tayyorlash va saqlash mahorati va bilimini beradi. Bu esa kimningdir o'zining yangi restoran biznesini ochmoqchi bo'lsa eng birinchi qadam qo'yishni o'rgatadi.

6. Vaqtinchalik ovqatlanish xonasini o'rnatish.

Bu pop-up ovqatlanish korxonasining qancha vaqt ishlashiga bo'liq, shunga qarab stol stul va dasturxonlarni ijaraga olishlari mumkin. Agar pop-up ovqatlanish korxonasi kichkina bo'lsa qimmat bo'lmagan bir nechta qulay o'tirgichlardan sotib olishi kifoya qiladi. Pop-up ovqatlanish korxonasinining dizaynida ikki narsa o'rtasida muvozanat bo'lishi kerak ya'ni kutib olish joyi va o'tirish joyining maydoni. Pop-up ovqatlanish korxonasi odatiy restoranga o'xshamagani kabi ular ko'p mijoz jalb qilish uchun doimo gavjum va xushmuomilada bo'lishi lozim. Bu ovqatlanish korxonasi xam boshqa o'z-o'ziga xizmat ko'rsatuvchi ovqatlanish korxonalar qoidalariga bo'y so'nadi.

7. Reklama

Pop-up ovqatlanish korxonalari ba'zi vaqtlari o'zlari reklama sifatida qo'llanilishi mumkin qolaversa ular reklama qilishning eng yaxshi usullaridan biri hisoblanadi. Ular reklama qilishda facebook va twitter kabi ijtimoiy tarmoqlardan keng foydalanishadi. Bu esa ularning ommalashishiga olib keladi.

Mamlakatimizning turli viloyatlarida bir-biriga o'xshamaydigan o'ziga xos taomlar assortimenti ko'p bo'lib qolaversa pop-up restoranlari orqali nafaqat xorijiy turistlarni qiziqtirish mumkin balki ichki turistlarni xam jalb etish mumkin. Ularni viloyatlarimizni turli qismlarida turli fasllarda tashkil etilishi o'ziga xos taomlar, mavsumlarga mos taom va ichimliklarni taqdim etish imkonini yaratadi bu esa qiziquvchilar sonini oshishiga olib kelishi mumkin.

Yurtimizda ko'pgina milliy bayramlar, tantanalar, sayllar va o'yinlar tez-tez tashkil etiladi. U bayramlarning aksari shahar chekkalarida tashkil etiladi. Xalqimizning eng

sevimli milliy o’yinlaridan biri bo’lmish “Ko’pkari” mamlakatimizning turli joylarida turli mavsumlarida shahardan chekka hududlarda muntazam ravishda o’tkazilib boriladi. Ko’pkariga mahalliy aholi va chavandozlardan tashqari turli joylardan kelgan qiziquvchilar tashrif buyuradi. O’yin davomida tashrif buyuruvchilarni ovaqtlantirish muxum muammolardan biri hisoblanadi. U yerda yetarli sharoitning yo’qligi va joylarning noqulayligi buning bosh sabablaridan biri hisoblanadi ammo pop-up restoranlari bu muammoning asl yechimi bo’lishi mumkin. Pop-uplar yordamida iste’molchilarning ovqatlanishga bo’lgan extiyojlarini maksimal ravishda qondirish mumkin qolaversa o’sha hududda istiqomat qiluvchi aholiga qisqa vaqt ichida mo’maygina daromad ishlab topishga imkon yaratadi.

Bundan ko’rinib turibdiki pop-up restoranlarini turli joylarda tashkil etilishi nafaqat gastronomik turizmning rivojlanishiga olib kelishi balki oshpazlar va operatorlarga mo’maygina daromad keltirishi, yangi turdagi taom va ichimliklar assortimentini yaratilishi, yangi xizmat turlarini joriy etilishi, yangi mijozlar segmentini o’rganish imkoniyatlarini kengaytirishi mumkin.

RESPUBLIKAMIZ HUDUDLARIDA EKOTURIZMNI RIVOJLANIRISH MASALALARI

Boboyorova N.C., Hotamova M.S., Usmonova L.M.
SamQXI,NavDPI

Аннотация: *В этой статье изложены мнений и рассуждений о проводимых работ по развитии экотуризма, исходя из географического местонахождения нашей родины, на этом месте по изучении имеющихся в природе на некоторых камнях гор изображенных рисунков предками.*

Ключевые слова: *туризм, географическое местонахождение, туристический центр, экотуризм, петроглиф, защита окружающей среды, надписи.*

Annotatsiya: *Ushbu maqolada yurtimizning geografik joylashuvidan kelib chiqib, ekoturizmni rivojlantirish bo’yicha qilinayotgan ishlar, shu o’rinda tabiatda mavjud bir qancha tog’lardagi toshlarga qadim ajdodlarimiz tomonidan tasvirlangan su’ratlar, ularni o’rganish bo’yicha fikr va mulohazalar keltirilgan.*

Kalit so’zlar: *turizm, geografik joylashuv, turistik markaz, ekoturizm, petroglif, atrof-muhit muhofazasi, bitiklar.*

Abstract: *In this article, it is mentioned that actions being done on developing ecotourism according to the geographic location of our country, in this case drawing pictures on the stones of several mountains existing in nature by our ancient ancestors, opinions and thoughts have been discussed.*

Key words: *tourism, geographic location, tour centre, ecotourism, petrogliph, environmental protection, inscriptions.*

Turizm ma’no jihatdan olganda turistika va turistik xizmat ko’rsatish so’zlari bilan chambarchas bog’liqdir. Butun Jahon Turizm Tashkilotining ta’riflashicha Turizm bo’sh vaqtda sayohat qilishni, faol dam olish turlaridan birini anglatadi. Turistlar boshqa sayohat qiluvchilardan doimiy bo’ladign joylaridan tashqariga chiqishi, joylarda bo’lish muddati bilan, mahalliy xalq odamlariga o’xshamasligi bilan farq qiladilar.

Turizmni iqtisodiy geografik jihatdan baholashda aholi va uning xo’jalik faoliyatining o’sishi tabiatga, tabiiy muhitga salbiy ta’siri o’rganilsa, tabiiy geografiyada

esa atrof- muhit, tabiiy komponentlar va landshaftlarning antropogen omillar ta’sirida o’zgarishi bilan bog’liq muammolar tahlil qilinadi. Bunday masalalar bilan turizmning yo’nalishlaridan biri bo’lgan ekoturizm shug’ullanadi. Yurtimizning geografik joylashuvi ekoturizmni rivojlantirish bo’yicha O’rta Osiyo davlatlari ichida eng qulay imkoniyatlarga ega. Hozirgi paytda mamlakatimizda ekoturizm imkoniyatlaridan qisman foydalanilmoqda. Uning asosiy maqsadi turistik marshrutlarni hududiy tashkil etishda atrof- muhitni, tabiiy muvozanat holatini saqlab qolishga e’tiborni kuchaytirishdir.

Ekoturizm haqida, uni rivojlantirish borasida so’z yuritar ekanmiz, shu o’rinda tabiatda mavjud bir qancha tog’lardagi toshlarga qadim ajdodlarimiz tomonidan tasvirlangan suratlarga e’tibor qaratmoqchimiz. Bunday hududlar yurtimizda ko’plab topiladi. Bizning Navoiy viloyatimizda yashaydigan, aholining ba’zilari bunday tarixiy suratlarni, fan tilida aytadigan bo’lsak petrogliflarni ko’rganlar albatta uchraydi. Toshlarga tushirilgan petrogliflar bor joylar shu paytgacha viloyatimizning faqat Sarmishsoy deb atalmish manzilida mavjud sanalar edi va shu hududgina o’rganilgan. Lekin bunday petrogliflar mavjud toshlarga to’la joylar yana viloyatimizning ko’hna hududlaridan bo’lgan Nurota tumanidagi Nurota tog’ tizmalarida ham borligi mahalliy aholi uchun sir emas.

Petrogliflar joylashgan hududlar haqida sizlarga ma’lum qilmoq oldidan tumanimizning tabiati hayvonot va nabodot olami haqida ma’lumotlardan qisqacha xabar berishni ma’qul ko’raman.

Nurota tumani uch tomoni tog’lar bilan ixota qilingan, tabiati quruq, ya’ni doimiy suv oqib turadigan daryolarga ega bo’lmagan, lekin bahor va kuz oylarida yog’ingarchilik mavsumlarida to’lib-toshib oqadigan soylari bor. Bundan tashqari tog’lardagi dara va soylarda hamda ularning etaklarida chashmalar, buloqlar ko’plab topiladi. Buloqlar, chashmalar tog’larda va uning etaklarida yashovchi mahalliy aholining asosiy ichimlik suvi manbai hisoblanadi, bunday joylar qadrlanadi, himoya qilinadi. Daralarda, baland tog’ qoyalarida archalar, gajaklar, do’lanalar, sariqtol singari daraxt va butalar ko’kka bo’y cho’zib tog’lar tabiatini ko’rkamlashtiradi. Yana yarim butalardan shuvoqning bir nechta turi, noyob bo’lgan lola, dorivor o’simliklardan kiyiko’ti, telpakgul, dalachoyi, yalpiz kabi o’t - o’lanlar gurkirab o’sadi. Erta bahorda ularning tog’ manzarasini o’zgartirganligini, ayniqsa uzoqdan lolaqizg’aldoqlarning qiyg’os ochilgandagi manzarasi inson ko’nglida zavqlanish hissini jo’shtirib yuborishi bilan tabiat qo’ynida dam oluvchilarga ruhiy tetiklik inom qiladi.

Nurota tumani tog’larida bundan tashqari sutemizuvchi jonzotlardan Qizil kitobga kiritilgan olqorlar hamda suvsar, olako’zan, tulki, bo’ri, quyonlar uchraydi. Parrandalar ham tog’larda ko’plab uchraydi; bularga kakliklar, qorabovur, to’rqay, boltayutar, burgut, qumoy, g’ajir, dunyoda eng mohir ovchi, uchishda tengsiz bo’lgan lochinlar, hamda qirg’iylar o’zaro tabiiy oziq zanjirini hosil qilib yashash uchun kurashadilar. Lekin keyingi paytlarda aniqroq aytadigan bo’lsak, oxirgi yuz yillikda bu zanjirga odamzodning qo’pol ravishda aralashuvidan hududimizdagi jonzotlarning turlari kamaydi, ba’zilari qirilish arafasida, ba’zilari bu hududlardan butunlay bosh olib ketishdi.

Nurota tumani tabiati shunday deb qisqacha tasavvur hosil qilish mumkin. Toshlardagi petrogliflarga keladigan bo’lsak yaqindagina matbuotda shov-shuvlarga sabab bo’lgan Soykechar qishlog’i yaqinidagi Jonbuloqdagi tosh bitiklarni aytib o’tishimiz joizdir. Bu petrogliflar shundan dalolat beradiki tumanimiz tarixi, juda qadim zamonlarga borib taqaladi. Ya’ni azaldan odamlar yashashi uchun qulay bo’lgan

manzilgohlar qatoridadir. Petrogliflarda olqorlarning, tuyalarning, odamlarning suratlari tasvirlangan. Suratlarda ayni bir jarayonlar kompozitsiyasi mavjud. Bu petrogliflar ilgari olimlar jamoasi tomonidan tadqiq etilmaganligi, hali ko'hna dunyoda qanchadan qancha sir-u sinoatlar mavjudligini anglatadi. Nurota tog'larida yana shunday petrogliflarga ega bo'lgan, olimlar jamoasi o'rganmagan, matbuotda e'lon qilinmagan yana bir joy borligi haqida xabar berish kamina uchun yutuq deb o'ylayman. Bu petrogliflar Chuya qishlog'i mahalliy aholisining ma'lumot berishlaricha shu qishloq hududidagi tog' darasida bor bo'lib, deyarli qishloq hududida joylashgan. Unda ham odamlar va hayvonlar suratlari tasvirlangan. Lekin Jonbuloqdan farqli aholi turar joylariga yaqinligidan tabiati o'ziga xos betakror chiroylik. Bu hududlar buloqlarga boyligidan baland qoyalardan suvlarning toshlardan toshlarga urilib tushishidan ajoyib sharsharalarni hosil qilgan.

Hozirgi kunda tabiat qo'ynidagi tosh suratlarni tomosha qilish va tabiiy manzaradan bahramand bo'lish uchun bu joyga uzoq – uzoqlardan bahor oylarida tabiat qo'ynida dam oluvchilarning kelib ketishining keti uzilmaydi. Shu bilan bir qatorda dam oluvchilar o'zlaridan keyin ko'plab axlat uyumlarini qoldirishmoqda, tog'dagi daraxtlarning shox-shabbalarini sindirib gulxanlar yoqishib tabiatga birmuncha zarar keltirishmoqda.

Biz o'z yurtimizning go'zalligini saqlab, avaylab-asrab, toshlarga chizilgan suratlarni kelajak avlodlarga yetkazishimiz kerak. Aslida bu suratlar juda uzoq zamonlardan bizlarga sayohat qilishgan. Bizlardan qilinadigan talab ularning yo'liga to'g'anoq bo'lmasdan, ularga hech qanday shikast yetkazmasdan sayohatlariga ko'mak berishimiz lozim va shart. Bu bilan kelajak avlodlarga katta meros qoldirgan sanalamiz, xizmat qilgan hisoblanamiz. Maqsadimiz tabiatni avaylab – asrash, qadim ajdodlarimiz tomonidan bizlarga meros qoldirilgan tarixiy – tabiiy yodgorliklarni kelajak avlodlarga yetkazish hamda ulardan foydalanib ekoturizmni rivojlanitirish, buning natijasida iqtisodiy samaradorlikka erishishdan iborat.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, bu qadimiy, tarixiy – tabiiy yodgorliklarni o'rganish, qaysi davrlarga tegishli ekanligini aniqlashda olimlar jamoasi jalb qilinsa, maqsadga muvofiq bo'lar edi. Ularni tabiiy-tarixiy yodgorliklar sifatida ro'yxatga olish zarur hamda yuqorida aytib o'tilgan petrogliflar mavjud bo'lgan hududlarga ekoturizmning yangi yo'nalishlarini belgilash, bu soha ravnaqi uchun yana bir imkoniyatlarni ochadi. Kelajakda Respublikamiz hamda Navoiy viloyatidagi tabiiy-tarixiy yodgorliklarni qidirib topish, ularni tarixini o'rganish lozim, toki mamlakatimizning har bir hududida bo'lgan o'rganilmagan petrogliflar o'rganilishi va himoyaga olinishi nur ustiga a'lo nur bo'ladi.

Mustaqil ilmiy tadqiqot natijasida, mahalliy aholi bilan olib borgan suhbatlar natijasida shu narsa aniq bo'ldiki, petrogliflar tushirilgan qoyatoshlar mahalliy aholi turarjoylari qurilishida poydevor sifatida ishlatib yuborilayotganligi, buning natijasida ko'plab qoyatoshlar yo'qolib ketayotganligi ma'lum bo'ldi.

Oliy ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilari ta'lim jarayonida ham bu masalalarga e'tibor qaratishlari ekoturizmni rivojlantirish sohasiga oid o'z loyihalarini taqdim etishlari, olimlar ilmiy jamoasiga bunday qoyatoshlar bor joylarni aniqlashda yordamlashishi, ularni boy madaniy –ilmiy merosimizning ajralmas qismi ekanligi haqida mahalliy aholiga tushuntirish ishlarini olib borishlari zarur. Shundagina biz bu tarixiy-tabiiy merosimizni asrab qolib, keyingi avlodlarga yetkazishdek vazifani bajargan, shuningdek, yangi turistik markazlar ochish orqali xalqimizning iqtisodiy-moliyaviy hayotini yanada yaxshilanishiga o'z hissamizni qo'shgan bo'lamiz.

ENGLISH LANGUAGE IN THE HOTEL INDUSTRY

Sadriev O. X. Teacher SamIES

Аннотация: *Мақолада меҳмонхоналарда ва меҳмонхона хўжалигини ташкил этишда чет тилларнинг ўрни ва чет тилларининг роли ҳақида фикр юритилган.*

Аннотация: *Эта статья о роли иностранного языка в организациях гостиниц и перспективах гостиничного менеджмента.*

Annotation: *This article is about the role of a foreign language in hotel organizations and the perspectives of hotel management*

Key words: *hospitality, hotels, business, customer service, tourism industry*

Ключивые слова: *гостеприимство, гостиници, бизнес, обслуживание клиентам, туризмние индустрия.*

Калит сўзлар:*меҳмондўстлик, меҳмонхоналар, бизнес, мижозларга хизмат, туризм индустрияси.*

Communication skills are an important element of hospitality industry. Understanding of performance expectations are keys to the achievement of tourist satisfaction. Good oral and written communication skills are the top skills important to hospitality practitioners at different position levels. Good English communication during the study will add value to students' education. According to that fact the hospitality program itself will encourage critical thinking and for example tourism problem solving when it is necessary.

The short answer is that confident and competent use of the English language can make a world of difference. In all sorts of hospitality roles, it is fundamentally important that staff are able to communicate effectively and accurately with colleagues, guests and patrons. In particular, hospitality staff need to know how to communicate with others in a wide variety of situations, for example: with an dissatisfied diner, a stressed business man checking into a hotel or tourists who are lost or confused.

It is also important that hospitality staff are sufficiently confident with their use of the English language that they can quickly and effectively put others at ease and provide the information that they need. In hospitality, assisting guests and patrons to feel relaxed and comfortable is always a critical part of the role. The primary purpose of hotels is to provide travelers with shelter, food, refreshment, and similar services and goods, offering on a commercial basis things that are customarily furnished within households but unavailable to people on a journey away from home. Establishments in the hospitality industry are divided into five categories. Transient, or commercial, hotels make up three-fourths of the hotel business in the United States and cater to commercial travelers, business people, salespeople, and tourists. Motels, or motor inns, are generally located near highways and airports and in small cities; residential hotels provide permanent or semi permanent housing on a weekly, monthly, or sometimes yearly basis; resorts are hotels that offer recreational or social activities in addition to lodging; and convention hotels and centers are used as meeting places for large groups or businesses, or for major exhibitions. The relationship between tourism and innovation has become stronger and more intense lately. Destinations cannot remain practicable without the implementation of proper business innovations. In these circumstances hotel owners and hotel managers have the opportunity to present new products or services that improve quality, thus both meeting the changing preferences of potential customers and increasing their market

share, sales and profits. In today's world of globalization and border-less economy, effective communication is crucial for successful functioning of any industry. As well as providing lodgings for the conventioneers, convention hotels and centers must have state-of-the-art audiovisual and technical equipment among other services to stay competitive and attract business. How to operate sustainable in today's dynamic, structured and complex environment is becoming a difficult target for all tourism professionals. English has emerged as the language of business and trade and is accepted as the standard for communication. Effective communication, therefore, ensures a balance between organizational objectives and each party's views leading to streamlined actions as well as organizational success and profitability.

Means to know about the various ethnic groups in different languages. The intersection of the nations traveling or living space, this hotel should be the ability to learn the language of its workers. Currently, the tourism industry and the globalization of the world during the brutal battles knowledge of foreign languages, especially demand professional English. English as the language the official language of 55 countries, in addition to 400 million people as their native language, the 1 billion people 2-language learning, international correspondence and documents, 71% of the English language, and 1/5 of the globe that language.

It seems that many of the hotel staff know this language, so confirm to international standards. The hotel has a specific set of terms to know enough that there is an understanding that this mistake because, first of all an excellent level of customer service man or his demand for a full understanding of the need, and secondly, the same position of a permanent move, the introduction of the news every day, Due to the improved, changing the previous set of terms do not meet the remain language. Exactly for workers' potentially need. It should be launched in the following publications The scope of the present study is focused on the hotel sector of the hospitality industry. The employment of proper communication strategies in the hospitality industry all over the world is an important aspect that ensures satisfaction of the management, staff and customers. Communication is vital to the customer because it imparts a feeling of satisfaction as he pays for the product and for the service being offered. Communication in hotel industry covers mainly two areas: customer service and the interactions between the staff and management . A proper coordination between two is therefore essential for high quality services expected of the industry. Proper hospitality communication between the staff and the management also adds value to the services and products being offered. Good communication between staff and management is the epitome of communication in this sector because it is passed to the level of communication between staff and guests. Importantly, many such training opportunities allow you to develop skills and practice the English language in a variety of relevant contexts. Without the opportunity to apply the content of any course in real life, active situations, the effectiveness of any training is limited and your knowledge and understanding of the English language will most likely remain passive. Every employee in English and other foreign language learning, experience gained, with other colleagues around the world will be able to share knowledge and skills.

Many professional publications as well as programs, newspapers, magazines and Internet articles published in English, it means all the knowledge you need to know is to read and study the language. Wise people "are aware of a coin, you know the language of

the rabbits," says the proverb above a confirmation .As phrases should also be noted that the only representative of the reception of foreign language well enough to know . Hotel a good worker should know language . For example be played: Chefs and other national dishes to prepare and study the original recipe for the preparation of a real national dishes or unique food and sweets from interested customers and explain the processes of preparing the recipe. For hospitality organizations, internal written English communication serves as the nerve center, which if not functioning properly leads to loss of guests and eventually the organization fails. Additionally, advanced internal solutions to communication form the basis of a wide range of guest services, enhancing guest motivation to stay. In return, satisfied guests lead to a stronger and more competitive market position, customer loyalty and increased profits. Achieving tourist satisfaction requires an understanding of performance expectations.

The manager will chat with guests, customers know that they are not, what is acceptable and what is acceptable for them to learn their needs and suggestions .Safety staff in case of emergency situation and the level of danger of the customer. As such explain the provisions of the law in this area to keep the language means boarding a nice career in the future.

All the history of the development of the hotel industry in the developed countries and their languages in addition to English-language publications. If national hotel workers' knowledge and skills in this set of experiments to learn to interpret them in the country's share of tourism in the economy of a number of high-level shows. This will in turn. Foreign contributions to the economic development of the country, know that the treasury of the country's educational as well as to be able to be part of its financial contributor to the treasury. Written English communication also enhances a sense of work satisfaction and promotes interpersonal relationship through the use of powerful words, messages and presentation. Efforts need to be made to bring written English competency equally in practice.

In addition to the above mentioned ideas, and many reasons for the development of agriculture and its foreign languages, especially English language are very important to us because he knew several languages, the German philosopher and poet, said, "Man, he There are so many people "!

ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

А.Мингбоев - СамИСИ
Ш.З.Норкулов – Саттепо туризм ва маиший хизмат кўрсатиш коллежи ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада Ўзбекистондаги машҳур туристик маршрутлар ҳамда асосий туристик оқим қайси вилоятларга тўғри келиши ҳамда соҳанинг ёш кадрлари ҳақида сўз борган.*

Аннотация: *В данной статье освещаются основные туристические маршруты Узбекистан, приведены существующие туристические потоки в разрезе по областям, дана характеристика кадрового потенциала отрасли.*

Abstract: *The main touristic routes of Uzbekistan, present touristic flows in the region, characteristic of stuff potential of branch are being lightened in the given article.*

Калит сўзлар: *даврий туризм, туристик марказлар, ички туризм, ташқи туризм.*

Ключевые слова: *периодический туризм, туристические центры, внутренний туризм, иностранный туризм.*

Key words: *Periodical tourism, touristic center, local tourism, foreign tourism.*

Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан тақдим қилинган статистик маълумотларга қараганда, 85% кекса ёшдаги туристлар одатда мамлакат бўйлаб экскурсия қилишга қизиқадилар. Маълумотларга қараганда сайёҳларнинг - 39% и мамлакатимизга тарихий-маданий, архитектура ёдгорликларини кўриш мақсадида ташриф буюрадилар. Қолган -24% и юртимизни маданияти, урф-одатлари ҳаёт тарзи билан танишиш истаклари билан келадилар. Улар Ўзбекистонга энг яхши об-ҳаво шароити бўлган мавсумда, яъни апрел ва май, сентябр-октябр ойларида келадилар.

Ўзбекистонда зиёрат туризми ривожланган турлардан бири ҳисобланади. Масалан, баъзилар Тошкент шаҳрида сақланаётган "Усмон Қуръони"ни кўриш учун ташриф буюришса (бу китоб Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси кутубхонасидаги махсус вакумли сейфда сақланиши туфайли ва унинг нечоғли тарихий аҳамияти катта эканлигини инобатга олиб ҳаммага ҳам кўрсатиш имконияти йўқ. Асосан, мусулмон мамлакатларидан келган давлат арбоблари ва мутахассислар учунгина намойиш этилади), бошқалар имом Бухорий, имом ат-Термизий, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиваччалари Қусам ибн Аббоснинг қабрини зиёрат қилиш учун юртимизга келишади.

Ўзбекистон халқининг меъморий ва тарихий обидалари, кўҳна маданияти, анъана ва урф-одатлари кўплаб сайёҳлар эътиборини тортаётгани сир эмас. Экспертлар Ўзбекистон туризм хизматлари ва масканларини ранг- баранглаштириш йўли билан юқорида келтирилган рақамларни икки баробар кўпайтириши мумкин деган фикрда. Ўзбекистоннинг баъзи минтақаларида иқлим ва табиий муҳит саломатлик ва экологик туризмни ривожлантириш учун жуда қулай жойлардир.

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасида 865 сайёҳлик ташкилоти – 506 сайёҳлик оператори фаолият юритмоқда. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонга ташриф буюрган туристлар асосан “пакетли” тизим билан келадилар. Юртимизда фаолият кўрсатаётган йирик турфирмалар ҳам шу тизимда фаолият олиб борадилар ва асосан маданий, археологик, тарихий обидаларимизни туристларга тақдим этадилар.

Халқаро туризм хизмат бозорида Ўзбекистон ўз туристлик маҳсулотини асосан «Буюк Ипак йўли» рекламаси – бренди орқали сотади. Бу лойиҳа бўйича энг кўп сотиладиган турлар қуйидагилар бўлди[84]: - Тошкент - Самарқанд - Бухоро - Урганч - Тошкент; - Тошкент - Самарқанд - Шаҳрисабз - Бухоро - Урганч - Тошкент. Ўзбекистонга чет элдан келувчи туристларнинг 76 % Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Тошкентга ташриф буюришга қизиқса, қолган 24% Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийси вилоятларига ташриф қилади.

Шунга қарамасдан, катта ҳажмдаги туристик маркетингни барпо қилиш учун бугун Ўзбекистонга анча давомли туристик мавсум зарур. Бугун мамлакатимиз давомли туристик мавсумни ошириш сртатегиясини ишлаб чиқмоқда (ҳозиги кунда

[84] Интернет маълумотлари асосида www.uzbektourism.uz сайтидан олинган

бу мавсум 3 ой атрофида). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан мамлакатимизга ёш туристларни жалб қилиш мақсадида маркетинг стратегиясини ва ахборотлар компаниясини ишлаб чиқилган.

Тян-Шан, Угама тоғ тизмаларида пиёда саёҳатлар, жиплардаги сафари ва тоғ дарёлардаги рафтинг кабилар Ўзбекистонда ҳам туризм саргузаштларининг янги маҳсулоти бўлиши ва Ўзбекистонга туристларнинг ёш авлодини жалб қилиши мумкин. Бизда ҳам бундай турларни таклиф қилувчи кампаниялар мавжуд, аммо уларга халқаро даражадаги аксиялари зарур. Чунки дунё одамлари Ўзбекистонни фақат тарихий диққатга сазовор жойларни таклиф қилиб билади деб ўйлашадилар. Ўзбекистонни бундай тасаввур қилиши кекса ёшдаги туристлар орасида уни ҳаммабоп бўлиши сабабларидан бири ҳисобланади

Туризмнинг таълим, илмий, экологик, спорт-соғломлаштириш каби йўналишларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароит яратиш зарур. Кўрсатилаётган сервис хизматлари сифатини замонавий талаблар даражасида ошириш, саёҳатчиларни жалб этишнинг самарали шакл ва усулларидан фойдаланиш, миллий туризм индустриясига янги замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасидаги ишларни такомиллаштириш талаб этилади.

Мамлакатда туризмни ривожлантиришга доир муҳим вазифалардан яна бири сайёҳлик соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 3 та олий ўқув юрти ҳамда 9 та касб-ҳунар коллежида соҳа мутахассислари тайёрланмоқда. Муаммо шундан иборатки, юртимизнинг туризмни ривожлантириш имкониятларига эга бўлган қатор ҳудудларида сайёҳларга хизмат кўрсатиш бўйича кадрларга эҳтиёж катта бўлган бир вақтда, айрим худудларда туризм инфратузилмаси ривожланмагани сабаб соҳага тайёрланаётган мутахассислар бошқа соҳаларда ишлашга мажбур бўлмоқда.

Бундан ташқари, туризм хизмати кўрсатиш соҳасида статистик ҳисобот тизимини такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш зарур. Чунки амалдаги статистика тизими чет эллик сайёҳларга хизматлар кўрсатиш эвазига келадиган даромадларни тўлиқ ҳисобга олиш имконини бермайди.

Мамлакатимизда сайёҳлар оқимнинг асосий қисми туристик марказлар — Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига тўғри келмоқда. Ваҳоланки, юртимизнинг бир қатор бошқа минтақаларида ҳам туризмни ривожлантириш имкониятлари катта. Бу ички туризмни ривожлантириш соҳасида режалаштириш ва маркетинг масалаларига тизимли ёндашув зарурлигини кўрсатади. Ички туризмни ривожлантириш ялпи ички маҳсулотда унинг улуши ошиши натижасида бандликка оид муаммоларнинг ҳал қилинишига хизмат қилса, маънавий- мафкуравий жиҳатдан фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг юртимиздаги тарихий масканлар, бой маданий мерос обидалари билан танишиш имкониятларини кенгайтириш орқали уларда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашга замин яратади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТУРИЗМИ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ибрагимова М.И – СамИСИ
Аблакулов.А.А- ТДИУ:

Аннотация: *Мақолада мамлакатимизда таълим туризмини ривожлантиришнинг асосий хусусиятлари, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда Ўзбекистон шароитида ушбу туризм турини ривожлантириш йўналишилари ёритилган.*

Калит сўзлар*: таълим туризм, индивидуал тур, таълим круизлари, мактаб сайрлари*

Аннотация: *В статье отражены особенности развития образовательного туризма, влияющие факторы а также путы развития этого вида туризма в условиях Узбекистана.*

Ключевые слова*: образование, туризм, индивидуальные туры, круизы, школьные экскурсии*

Annotation*:The article reflects the features of the development of educational tourism, the factors that influence and also the ways of development of this type of tourism in the conditions of Uzbekistan.*

Keywords*: education, tourism, individual tours, cruises, school excursions*

Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши жамиятнинг янгиланиш даврига тўғри келиб, у аста-секинлик билан содир бўлаётган ўзгаришлар жараёнини ҳисобга олган ҳолда туристик хизматлар ҳажмини ортиб бориши билан ажралиб туради. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши туризм соҳаси билан ҳам боғлиқ эканлиги ривожланган мамлакатлар тажрибасида кўзга яққол ташланмоқда. Шунинг учун ҳам бозормуносабатлари шаклланаётган ва эркин хўжалик юритишга ўтаётган мамлакатларда аввалларі унчалик аҳамият берилмаган туризмга, эндиликда эътибор билан қаралмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида Туризмни жадал ривожлантириш назарда тутилаётганлиги ҳамда Ўзбекистон туристик саноати ривожланишида янги босқични бошлаб бериши муҳим аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан барча соҳалари каби таълим соҳасида олиб борилаётган кучли ва изчил сиёсат, бир томондан, жаҳон таълим стандартларининг юксак даражасига эришишга қаратилган, иккинчи томондан эса — муайян ижтимоий-иқтисодий шароитларни, шунингдек, халқимизнинг маънавий-маданий қадриятлари ва ўзига хослигини ҳисобга олади.

Бугунги кунда туризмни ривожлантиришнинг турли шакллари, воситалари ва омиллари борки, жамланган салоҳиятдан оқилона фойдаланиш яқин ва узоқ келажакда ушбу соҳанинг миллий иқтисодиётдаги мавқеини янада кўтаришга хизмат қилади. Булар сирасига таълим туризмини киритиш мумкин.

Жаҳон амалиётида таълим туризми туризм иқтисодиёти таркибида тез ривожланувчи соҳа бўлиб, бутун дунёда ўз ўрнини эгаллаб бормоқда. Бу соҳада

илмий тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар ҳақли равишда уни туризмнинг энг истиқболли тармоқларидан бири деб баҳолашмоқда.

Бинобарин, миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун зарур ва инновацион жараёнларни жадаллаштириш талабларига мос келадиган малакали ходим ва мутахассисларни тайёрлаш ҳамда етказиб беришда таълим туризми хизматлари ўзига хос ўринга эгадир.

Таълим туризми йўналишлари қуйидаги ижобий хусусиятларни ўзида акс эттиради:

- Сотиб олувчининг фойдаси (иқтисодий ва психологик характердаги). Истеъмолчилар таълим фаолиятидан келаётган турли хил фойдани тан олиши керак, яъни: корхонанинг аниқ бир муаммосини ҳал қилиниши, иш фаолиятидаги муносабат ва янги алоқаларни қўлга киритилиши;
- Таклиф қилинаётган бойлик харидорлар томонидан бизнес ва давлат вакиллари билан мулоқотда бўлиш ҳамда ўзи учун фойда олишнинг бетакрор имконият сифатида қабул қилиниши керак.
- Малака ошириш ва амалиётни ўташ бўйича дастурларни жорий қилиш орқали ўқув жараёнини ташкил этиш.
- Қийинчилик билан тикланадиган афзалликлар; ҳажм самараси; обрў-эътиборнинг мустаҳкамланиши.

Назарий тадқиқот натижалари таълим туризми институционал характерга эга таълим йўналиши бўлиб ҳисобланишини, бизнинг мамлакатимизда шаклланиш босқичида бўлган, яъни ушбу йўналиш асосида инсон капитали тегишли бир қатор муаммоларни ечиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бунга биз халқаро, давлат ва маҳаллий ташкилотлар, халқаро концерн ва бошқа муассасалар билан боғлиқ субъектларни кўрсатишимиз мумкин. Ушбу институт субъектлари муайян малака, кўникма, билимга, лаёқатга эга зиёли мутахассисларга ҳар доим эҳтиёж сезади.

Ҳозирги кунда таълим туризмини ривожланишини жараёнига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- сиёсий омиллар – жаҳонда ижтимоий ва иқтисодий соҳада интеграцияни чуқурашиб бориши, жамиятни демократлашуви;
- иқтисодий омиллар – иқтисодий турмушнинг глобаллашуви натижасида янги технологияларнинг жадаллик билан ривожланиши, бир мамлакат доирасидаги миллий компанияларнинг халқаро даражага чиқиб бориши:
- ижтимоий – маданий омиллар – дунё аҳолисининг миграцияси, бошқа мамлакатлар маданияти, яшаш тарзини ўрганишга нисбатан қизиқишини кучайиши:
- ахборот – таълим билан боғлиқ воситалар асосида таъсир этувчи омиллар – замонавий билимларнинг универсаллиги, илмий тадқиқот ишларининг кучайиб бориши, инновацион янгиликларни кашф қилиш, жаҳон олимларнинг билимларининг ўзаро алмашуви билан боғлиқ ҳолатлар.

Халқаро таълим туризмини нуфузини кенгайиб боришида фақатгина иқтисодий шароитлар эмас, балки инсонлар ўртасида бир –бирига бўлган муносабатлардаги ишонч, маданий, диний алоқалар ҳам муҳим ўрин тутади. Халқаро таълим туризми жаҳон бозорида янги ҳамкорлар излаш, янги тур маҳсулот, хизматлар кўрсатиш билан чегараланиб қолмайди. Унинг амалий натижаларидан бири жаҳонда тинчликни ҳам сақлаш ҳисобланади.

Халқаро таълим туризмини энг муҳим хусусиятларидан бири жаҳоннинг турли бурчакларида истиқомат қилувчи миллат вакилларини маданияти, дини, ирқидан қатъий назар улар ўртасида мавжуд жисмоний ва психологик тўсиқларни бартараф этишдаги хизматларида ўз аксини топади, ҳамда халқаро дипломатияни шакллантиришда ўз таъсир кучига эгалигидир. Халқаро анжуманлар, учрашувлар, спорт мусобақалари, ҳар хил даражадаги мактаб ўқувчилари ўртасида тажриба алмашишлар саёҳатларга тафовутлар мавжудлигини балки тафовутларни бартараф этишда ҳамкорликка чақирувчи, бирлаштирувчи ҳолатлардан бири ҳисобланади. Босқичма – босқич ва доимий равишда Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашаётган ҳозирги кунда ҳалқаро таълим туризми хизматлари бозорини ривожлантириш – бошқа мамлакатлар билан олиб борилаётган маданий, иқтисодий ва сиёсий алоқалалрда муаммоларни муваффақиятли ҳал этувчи воситалардан бири ҳисобланади.

XXI аср барча технологияларнинг асоси ҳисобланишидан келиб чиққан ҳолда замонавий таълим туризми хизматларининг яна бир хусусияти жаҳон бозорида интернет ва веб – технологиялар жараёни билан чамбарчас боғлиқликда эканлигида ўз ифодасини топади. Интернет таълим туризмини муайян даражада қамраб олгандир.

Ҳозирги кунда онлайн вакилликлари, тил мактаблари интернет индустриясининг бир қисми ҳисобланади. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда унинг қуйидаги хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

1. Интернет технологияларидан фойдаланилган ҳодда мижозларда таълим вакилликлари ва тил вакилликларини интеграциясини кучайтиришдаги таълим туризми хизматлари
2. SMS жўнатиш ва интернетдан фойдаланиш таълим туризми хизматлари
3. Хорижий тилларни интер фаол усулда ўрганиш жараёнида таълим туризми хизматлари
4. On – line да мутахассислашиб борувчи таълим туризм хизматлари

Таълим туризми хизматларига бўлган эхтиёж шахснинг иқтисодий ҳатти ҳаракатини белгилайди. Ушбу таълим туризмига бўлган заруратни беш турга бўлиш мумкин.



3-расм. Таълим туризми хизматларининг турлари.

Тадқиқотларимиз давомида ва унинг прагматик натижаларига таянган ҳолда истеъмолчиларни таълим туризми жараёнига жалб қилишнинг имкониятлари ва турлари хусусида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик ва қуйида келтирдик:

Таълим туризмини – хорижда таълим олиш саёҳат индувидуал тури.

Дунёдаги кўплаб университетлар ўзларининг талабалари учун турли хил давлатларга саёҳатларни таклиф қиладилар. Хорижда ўқиш талабаларни 6 ҳафталик интенсив ўқишдан тўлиқ бир йиллик ва лингвистик курслар билан таъминлаш имкониятини беради. **Таълим туризмини - мактаб сайрлари гуруҳий корпоратив тури.** Бу турдаги сайрларда мактаб болаларининг иштирок этиши турфирмалар учун қўшимча тўлов манбаи ҳисобланади. Кўпинча бундай саёҳатлар қўққисдан пайдо бўлиб, бир кундан кўпроқ давом этиши мумкин. Бу эса турфирманинг туристик маҳсулотни икки йўл билан ривожлантиришга ёрдам беради, яъни болалар ўзлари билан ота-оналарини олиб келишлари мумкин (агар бир кундан ортик сайр бўлса), ва улар маҳаллий ресторан бизнесини ривожлантиришга кўмаклашадилар (саёҳатчилар сайргоҳда жойлашган овқатланиш шаҳобчаларида тамадди қилиб оладилар).

Таълим туризмини – семинар таътиллар ва катта ёшдаги кишиларнинг таътил саёҳатлари билан боғлиқ умумий тури. Бу турдаги саёҳатлар катта ёшдагилар ҳамда нафақага чиққанлар учун мўлжалланган бўлиб, унда туристларга ўзларининг қизиқишларига қараб, баъзан ёшликларида амалга ошмаган орзуларини руёбга чиқарувчи машғулотлар билан шуғулланишга имкон яратилади. Масалан, ҳар йили минглаб одамлар Исроилга археологик қазилмаларни ўрганиш ва унда иштирок етиш учун ташриф буюрадилар.

Таълим туризмини – хорижда малака ошириш билан боғлиқ саёҳат тури. Бундай саёҳатлар жуда хилма-хил бўлиб, уйларни қуришдан тортиб, қандай қилиб экологияни ҳимоя қилишгача ўргатадиган фанларни ўрганишга бағишланган таътиллар жумласига киради. Жумладан, Коста-Рика халқи экотуризм соҳаси бўйича жуда кўп муваффақиятларга эришган. Улар мамлакатга ташриф буюрувчилар учун саёҳат давомида атроф муҳитни асрашга оид кўплаб дарслар ташкил этилади.

Таълим туризмини - таълим круизлари ва касб-ҳунар ўрганиш саёҳати билан боғлиқ турлари (денгиз саёҳатлари). Бундай саёҳатлар ўз ичига круизларда саёҳат қилиш билан бирга аниқ фанларни ўрганишни қамраб олади. Бундай саёҳатларда одамлар янги дўст орттириб, ўз билимларини кенгайтириш, янги касб урганиш каби афзалликларга эга бўладилар.

Таълим туризми яна бир муҳим афзалликга эга деб хисоблаймиз. Бу афзаллик ушбу туризм турининг об-ҳавонинг холатига боғлиқ бўлмаслиги, махсус географияга эҳтиёжи бўлмаслиги ва ўз жойидан керакли инфраструктураси борлиги билан ажралиб туради. Таълим туризми фақатгина инсоннинг келажакдаги ҳаёти учун керак бўладиган йўналиш топиши лозим бўлади. Ушбу таълим тур маҳсулотларидан фойдаланиш учун Ўзбекистон шароитида қуйидагилар инобатга олиниши керак деган хулосага келдик:

1) Мамлатимиз ҳудудида таълим туризмининг таркибий қисмига кирувчи объектлар ва субъектлар рўйхатини шакллантириш. Ташриф буюрувчиларнинг таълимга бўлган қизиқишини уйғотиш учун маҳаллий мактаблар ва олий таълим

муассасалари билан биргаликда фаолият олиб бориш керак. Тарихий ёдгорликлар таълим туризмининг асосий қисми бўлганлиги билан, бошқа омилларга бепарво бўлмаслик керак. Таълим туризми турларини ривожлантириш учун шундай нарсаларни ўйлаб топиш керакки, таълимни ҳаёт билан боғлаб, бирор бир нарсани ҳаётда асқотадиган жиҳатларини ўргатишни таъминласин.

2) Олий ва ўрта махсус таълим тизимимизда таълим туризмида асосий таркибий қисми ҳисобланган педагог кадрлар таъминотини такомиллаштириш. Маҳаллий кадрлардан четдан ташриф буюрувчиларга чин кўнгилдан дарс берадиган ва бундан завқ оладиган педагогни танлаб олиш зарур.

3) Таълим туризмида хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мижозлар замонавий менежмент ва маркетинг талабларидан келиб чиқиб юқори сифатли сервис хизматлари таъминлаш. Таълим туризмида фаолият юритаётган ходимлар кимга, нима учун, қандай хизмат кўрсатишни олтин қоидасидан келиб чиқиб иш тутишлари лозим. Кўпинча гидлар ва бошқа таълим туризми хизмати ходимлари таълим туризмининг таътилдаги одамларга асосланишини унутиб қўяётганликларини ижтимоий асосда тузилган сўровномалар таҳлилларини натижалари ва тур маршрутлар бўйича олиб борилган кузатишлар кўрсатмоқда. Таътилдаги бу одамлар ўзларига болалардек муомала қилинишини хоҳламайдилар. Халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда истеъмолчилар ҳуқуларини бузилишига имкон бермаслик керак. Шунинг билан биргаликда,улар мамлакатимизнинг меҳмони бўлиб таълим туризми бозоримиздаги истеъмолчи эканлигини назардан четда қодирмаслик лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таълим туризмини кенг кўламда ривожлантириш учун унинг бозор инфраструкрурасини такомиллаштириш, кафолатли тур пакетларга эга бўлиш, қаерда жойлашганлигини аниқлаш, миллий таълим тизимимизга нисбатан хорижий сайёҳларни қизиқишларини ошириш учун - махсус таълим туризми тур пакетлари,таълим туризми хизматларининг аниқ контури акс эттирилган маршрут, глобал аҳамиятга эга анжуманлар ташкил этиш ва бошқа ҳоказо халқаро миқёсда анологияси йуқ сайёҳлик дастурлари ишлаб чикилиши шарт деб ҳисоблаймиз.

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳ.Ҳ.Мусаев, мустақил изланувчи, СамИСИ

Аннотация: *мақолада туризм соҳасини ривожлантиришнинг янги босқичи, ушбу соҳага инвестицияларни киритиш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари ёритилган.*

Калитли сўзлар: *туризм, туризм хизматлари, туризм соҳасини ривожлан-тириш, инвестиция, туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва самарадорлигини ошириш.*

Аннотация: *в статье рассмотрены пути дальнейшего развития туристических услуг, обоснованы объекты привлечения инвестиций в данной сфере, разработаны предложения по обеспечению эффективности использования инвестиций.*

Ключевая слова: *туризм, туристические услуги, привлечения инвестиций, объекты инвестиций, эффективность инвестиций.*

Annotation: *In article reviewed financial sources enterprises, scope tourism, developed basic attraction investment, given recommendations on increase efficiency investment tourism enterprises.*

Key words: *financial sources enterprises, investment, attraction investment, object attraction investment, efficiency investment.*

Республикамиз иқтисодиёти жадал ривожланиб, унинг таркибида ижобий ўзгаришлар содир бўлоқда. Ўтган ҳисобот йилида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 7,8 фоизга, хизматлар ҳажми эса 12,5 фоизга ўсди. ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғи йилдан йилга ошиб бормоқда. Буни қуйидаги маълумтлардан ҳам кўриш мумкин (1-жадвал):

1-жадвал

Мамлакат ЯИМ таркибида 2010-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши[85]

(фоиз ҳисобида)

	2010 й.	2015 й.	2016 й.
Мамлакат ЯИМнинг ўсиши	8,5	8,0	7,8
ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши	49,0	54,5	55,0

Хизмат турлари кўпайиб уларнинг ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Хизматлар таркибида туризм хизматлари алоҳида ўрин тутади. Туризм соҳасининг ривожланиши ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга. Шунинг учун, мамлакатимизда ушбу соҳани янада ривожлантиришга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Мамлакатимиз Президенти томонидан 2016 йил 2 декабрда қабул қилинган: “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, айнан ушбу соҳани янада ривожлантиришга қаратилган . Ушбу ҳужжатда туризм тармоғига иқтисодиётнинг стратегик сектори, бошқа тармоқларни комплекс ривожлантиришнинг локомотиви деб баҳоланган.[86] Мазкур фармон талабларидан келиб чиқиб “Ўзбектуризм” миллий компанияси негизида “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси” ташкил этилди. Бундай ташкилий ўзгаришлар, мамлакатимизда туризм соҳасини интенсив ривожлантириш, сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш, уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, давлат ва маҳаллий бюджет даромадларининг ошишига олиб келади. Туризм индустриясини жадал ривожлантириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ҳам ўз аксини топган.[87] Ушбу давлат дастурининг

[85] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

[86] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 2 декабрь.

[87] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони 2017 йил 7 февраль.

учинчи: “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да туризм соҳасини жадал ривожлантириш, сайёҳларга хизматлар кўрсатиш сифатини янада яхшилашга қаратилган вазифалар белгиланган. Эндиликда туризм фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларга лицензиялар бериш соддалаштирилди, хорижий сайёҳлар учун виза режими такомиллаштирилмоқда. Жумладан: 30 га яқин мамлакатларнинг сайёҳларига виза режими бекор қилинди, хорижий туристларга аэропортларда қулай шароитлар яратилди (“яшил йўлак” божхона назорати тизими жорий этилди), уларга транспорт хизматларини кўрсатиш яхшиланиб бормоқда. Бундай қулайликлар, мамлакатимизда туризм соҳасининг жадал ривожланишига хизмат қилади.

Туризм соҳасини барқарор ривожлантириш мавжуд молиявий ресурслар, шу жумладан, киритилаётган инвестицияларга бевосита боғлиқ. Инвестиция – бу молиявий механизмнинг бир кўриниши бўлиб, инвестор ва инвестициядан фойдаланувчиларга фойда келтиришга қаратилган молиявий муносабатлар тизимидир. Инвестициялар, уларнинг манбалари, киритиш тартибига қараб бир қанча турларга бўлинади. Республикамиз иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар туфайли инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда (2-жадвал). Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, миллий иқтисодиёт тармоқларига жалб қилинган инвестициялар 2016 йилда 16600,0 млн. АҚШ долларни ташкил қилиб ушбу кўрсаткич 2010 йилдагига нисбатан 7996,0 млн. долларга кўпайган. Умумий инвестициялар таркибида хорижий инвестицияларнинг ҳажми, ўртача 21-22 фоизни ташкил қилмоқда. Республикамизда инвестиция муҳитини яхшилаш, хорижий сармояларни кенг жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2-жадвал
Ўзбекистон иқтисодиётига 2010-2016 йилларда жалб қилинган инвестицияларнинг ҳажми[88]
(млн. АҚШ долларида)

Кўрсаткичлар	**Йиллар**							**2016 йилда 2010 йилдагига нисбатан ўзгариши, %**
	2010	**2011**	**2012**	**2013**	**2014**	**2015**	**2016**	
Инвестицияларнинг умумий ҳажми	8604,0	10800,0	11700,0	13000,0	14600,0	15800,0	16600,0	192,9
Инвестицияларнинг умумий ҳажмида чет эл инвестициялари	3635,2	2900,0	2574,0	2827,0	3095,2	3300,0	3700,0	101,8

[88] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Чет эл инвестиция-ларининг ҳиссаси, %	42,3	26,9	22,0	21,7	21,2	20,9	22,3	52,7

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ҳам айнан инвестициялар самарадолигини оширишга қаратилган. Мазкур фармонда инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг асосий вазифаси мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларида инвестицияларни кенг жалб қилишни рағбатлантириш, хорижий инвестициялар сиёсатини тўлиқ шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган.[89]

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, жалб қилинаётган инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларнинг таркибида туризм соҳасининг ҳиссаси, нисбатан юқори эмас. Туризм фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари, асосан ўз маблағлари ҳисобидан шаклланган. Туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар ушбу тармоқ корхоналари учун инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш имконини беради.

Туризм соҳасига сармоялар киритиш ва уларнинг самарадорлигини янада ошириш қуйидаги муаммоларнинг илмий жиҳатдан асосланишини тақозо қилади:

- туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш объектларини илмий жиҳатдан асослаш;
- тармоқ корхоналарига инвестицияларни киритиш мезонларини ишлаб чиқиш;
- жалб қилинган инвестициялар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;
- инвестициялар жозибадорлигини таъминлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;
- инвестициялар мониторингини янада яхшилаш;
- сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш.

Туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифалардан келиб чиқиб, ушбу тармоққа молиявий инвестициялар қуйидаги йўналишлар бўйича кенг жалб қилиниши керак деб ҳисоблаймиз:

- янгидан очилаётган туристик йўналишларни молиялаштириш;
- туризмнинг янги турлари: этнографик, даволаш-соғломлаштириш, болалар, оилавий, кексалар туризмини ташкил қилишга йўналтирилган сармоялар;
- хорижий туристик компаниялари билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишга қаратилган сармоялар;
- халқаро талабларга жавоб берадиган туристик хизматларнинг миллий стандартларини ишлаб чиқиш бўйича инвестициялар;
- туризм ярмаркаларини ташкил қилишга йўналтирилган инвестициялар;
- туризм хизматлари сифатини оширишга қаратилган инвестициялар;

[89] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 31 март.

- рақобатбардош мутахасис-кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакаларини оширишга қаратилган инвестициялар.

Юқоридаги йўналишлар бўйича киритиладиган инвестициялар илмий асосланган мезонлар бўйича амалга оширилиши ва уларнинг самарадорлиги таъминланиши керак.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA TURIZM SOHASIDA KADRLARNI TAYYORLASHDA BUYUK BRITANIYA TAJRIBALARIDAN FOYDALANISH.

Babayev F,SamISI o'qituvchisi
Raxmonov Sh,SamISI TFT 315 – guruh talabasi
Bo`riyeva N, TerDU talabasi

Аннотация: *В данной работе представлены социально-экономический анализ и краткий обзор развития туризма в Великобритании, а также опыт подготовки кадров для индустрии туризма. В практической подготовке кадров предложена технология и дисциплины которые учится в Великобританским высший учебний заведение в направления туризма.*

Ключевые слова: *туризм, развитие, Великобритания, профессианальное образавание, образавательные системы, предметы, практика.*

Annotation:*This work presents a social and economic analysis and a short review of tourism development in Great Britain. Experience of personnel training for tourism sector and subjects that are taught in institutions of higher education in Great Britain in the field of Tourism.*

Key words*: tourism, development, Great Britain, professional education, educational system, subjects, practice.*

Anotatsiya:*Ushbu ilmiy maqolada Buyuk Britaniya turizmi rivojlanishi va ijtimoiy-iqtisodiy tahlili hamda turizm sohasida kadrlarni tayorlash tajribasi tahlil qilingan. Kadrlarni tayyorlashning amaliy texnologiyasi va Buyuk Britaniya Oliy ta'lim massasalarida turizm yo'nalishlarida o'qitilayotgan fanlar berilgan.*

Kalit so'zlar: *turizm, rivojlanish, Buyuk Britaniya, kasbiy ta'lim, ta'lim tizimi, fanlar, amaliyot.*

"Turizmda yuqori malakali kadrlarni tayyorlash va qayta tayyorlash masalasi turizm sohasini rivojlantirishning eng muhim va hal qiluvchi omili bo'lib kelmoqda"
Islom Karimov

Turizm butun dunyoda davlat iqtisodiyotini rivojlantirishning asosiy tarmoqlaridan biri hisoblanadi. Turizm murakkab jarayon bo'lib, uning asosida ilm - fan, madaniyat, ta'lim yotadi.

Ko'pgina xorijiy mamlakatlarda turizm sohasi yildan- yilga gurkirab rivojlanib bormoqda. Misol uchun, 2015- yil ma'lumotlariga qaraganda,[90] Buyuk Britaniyaga xalqaro turistlarning tashrifi soni 34.4 millionni tashkil etgan va bu ko'rsatkich 2014-yilga nisbatan 5.6 % ga o'sganligini ko'rsatadi. Bunday o'sish bilan Buyuk Britaniya turizm rivojlangan kuchli 10 ta davlatdan turistlar tashrifi soni bo'yicha 8-o'rinni egalladi. Turizmning mamlakat iqtisodiyotidagi ta'sirini ko'radigan bo'lsak 2015-yilda Buyuk

[90] UNWTO Tourism Highlights 2016

Britaniya xalqaro turizmdan 45.5 milliard AQSH dollarida daromad ko'rdi va turizmdagi daromad bo'yicha AQSH, Xitoy, Ispaniya va Fransiyadan keyingi 5- o'ringa chiqdi.

Dunyo sayohat va turizm kengashi (World Travel & Tourism Council) ma'lumotlariga ko'ra,[91] Buyuk Britaniyada turizmning YaIMdagi ulushi 11.2 % ni tashkil etadi. Mamlakatda turizm sohasida ishlovchi xodimlarning soni ham nihoyatda ko'pdir. Jumladan, umumiy ish soni (4 293 000) ning 12.7 % turizm xizmatlariga, kiritilgan jami investitsiyalarning 4.4 foizi turizmga to'g'ri keladi. Umumiy eksportda xizmatlar eksportining ulushi 6.2 % ni tashkil etadi.

Albatta bunday ko'rsatkichlarga erishishda mamlakatdagi ta'lim tizimi, soha mutaxassislari va malakali kadrlarning o'rni va xizmati beqiyosdir. Buyuk Britaniya ta'lim tizimiga nazar tashlaydigan bo'lsak mamlakatda ta'lim tizimi 4 ta asosiy bosqichdan iborat.

Bular:

1) boshlang'ich ta'lim (primary education) (5-11 yosh)

2) o'rta ta'lim (secondary education) (11-16 yosh)

3) maktabdan keying ta'lim (further education) (Universitet va kollejga hujjat topshirishni istaydigan har bir Buyuk Britaniya talabasi ushbu ta'limda tahsil olgan bo'lishi shart)

4) oliy ta'lim (higher education)

Oliy ta'lim buyuk Britaniyada 3 yil bakalavr darajasida kadrlarni tayyorlaydi. Bakalavrdan keyingi ta'lim o'z ichiga magistrlik unvoni va doktorlik darajasini oladi. Doktorlikda 3 yil ta'lim beriladi.

Oliy ta'lim statistika agentligi (Higher Education Statistics Agency) ma'lumotlariga ko'ra,[92] 2014-2015- o'quv yilida Buyuk Britaniyada

166 ta oliy ta'lim muassasalari mavjud bo'lgan.

Ulardan 134 tasida 646 taga yaqin turizm kurslari mavjuddir.[93] Bulardan quyidagi 10 tasini tahlil qilamiz:

1.University of Westminster
2.Oxford Brookes University
3.University of Gloucestershire
4.Teesside University
5.University of West London
6.Bath Spa University
7.University of Portsmouth
8.The London Geller College of Hospitality and Tourism
9.University of Kent
10.University of Greenwich[94]

Yuqoridagi oliy ta'lim muassasalarini tahlil qiladigan bo'lsak bu oliy o'quv yurtlari xizmatlar industriyasida malakali kadrlarni yetkazib berayotganligining guvohi bo'lamiz. Bu oliy ta'lim muassasalarida talabalarga mehmondo'stlik va turizm sanoatida menejer va liderlar bo'lib yetishishlari uchun amaliy va nazariy bilimlar o'rgatiladi. Ushbu oliy ta'lim muassasalarining aksariyatida ma'ruzalar turizm va mehmondo'stlik

[91] World Travel & Tourism Council. Economic Impact 2016 United Kingdom
[92] en.m.wikipedia.org
[93] www.hotcoursesabroad.com
[94] www.whatuni.com

sanoatida katta obro’ va nufuzga ega bo’lgan dunyoning turli turizm tashkilotlarining menejerlari va vakillari tomonidan o’tiladi.

Ushbu oliy ta’lim muassasalarida asosan quyidagi kurslar bo’yicha kadrlar tayyorlanadi: Sayohat va turizm (Travel and Tourism), Mehmondo’stlik va turizm menejmenti (Hospitality and tourism management), Turizm marketingi va madaniy turizmning darajasini oshirish (Tourism Marketing and the Promotion of Cultural Heritage), Ekoturizm va qishloq hududlarda turizmni rivojlantirish (Ecotourism and Rural Development Field), Rivojlanayotgan davlatlarda turizm (Tourism in Developing Countries), Havo yo’llari va aeroport menejmenti (Airline and Airport Management), Kulinariya san’ati va professional oshpazlik (Culinary Arts and Professional Cookery), Voqea-hodisalar menejmenti (Event Management), Mehmondo’stlik (Hospitality), Madaniy merosni boshqarish (Heritage Management) va boshqalar.

Bu kurslarni o’rganib chiqish jarayonida bakalavr va bakalavrdan keyingi ta’limda quyidagi fanlar o’tilishini ko’rdik:

Barqaror turizm (Sustainable Tourism), Turizm mahsulotini boshqarish (Managing the Tourism product), Mehmondo’stlik va turizmda hisob-kitobni boshqarish va biznes xulosa qilish (Management Accounting and Business Decision Making for Hospitality and Tourism), Mehmondo’stlikda tashkiliy xulq-atvor va inson resurslarini boshqarish (Organisational Behaviour and Human Resource Management for Hospitality), Mehmondo’stlik va turizmda marketing (Marketing for Hospitality and Tourism), Turizm, hordiq va sportda siyosat masalalari (Policy Issues in Tourism, Leisure and Sport), Turizm menejmentida e’tiborga molik masalalar (Critical Issues in Tourism management), Mehmondo’stlik jarayonlari (Hospitality Operations), Madaniy xilma-xillikni boshqarish (Managing Cultural Diversity), Turizmni rejalashtirish va rivojlantirish (Tourism Planning and Development), Savdo-sotiq va marketing (Sales and Marketing), Yevropa sayohat geografiyasi (European Travel Geography), Turizm: hozirgi muammolar (Tourism: Contemporary Issues), Inklyuziv tur jarayonlar (Inclusive Tour operations), Turizm siyosati va strategiyasi (Tourism Policy and Srategy), Iqtisodiyot va globalizatsiya (Economics and Globalisation), Odamlar, tashkilotlar va menejment (People, Organizations and Management), Madaniyat, harakatlanish va turistlar tasviri (Culture, Mobility and the Tourists Landscape), Turizmning ta’siri (Tourism Impacts), Destinatsiya marketingi (Destination Marketing), Ish joylarida mahorat (Skills in the Workplace), Jamiyatda iste’molchilarni tushunish (Understanding Consumers in Society) va boshqa turizm uchun muhim fanlar. Kurslarda fanlar majburiy hamda ixtiyoriy tanlash asosida o’tiladi. Bitiruvchi talabalarning deyarli barchasi ish bilan ta’minlangan bo’ladi. Chunki, Buyuk Britaniyada ish beruvchilar va yosh kadrlar o’rtasida ko’prik vazifasini o’tuvchi People 1st kompaniyasi[95] mavjuddir.

People 1st kompaniyasi mehmondo’stlik, sayohat, turizm, yo’lovchi transporti, madaniyatlar industriyasida ishlashni xohlovchi kadrlar uchun xolis, ishonarli, effektiv va strategik hamkor hisoblanadi. 50-yildan ko’proq vaqt mobaynida bu kompaniya mamlakatda biznesning o’sishi va raqobatbardoshligini oshirishda, turizm sohasida odamlarni jalb qilish va ushbu sohaga yo’naltirishda muhim ahamiyat kasb etib kelmoqda. Kompaniyadagi mutaxassislar mamlakatda turizm biznesini samaradorligini va foydaliligini oshirishda kadrlarning bilimi va qobilyatini qo’llab - quvvatlaydilar. People 1st ekspertlari kadrlarni biznes bilan hamkorlikka o’rgatadilar. Ushbu amaliy ko’mak

[95] www.people1st.co.uk

natijasida yosh kadrlar o'z soha va mutaxassisliklari bo'yicha ishlab ulkan natijalarga erishadilar.

Shuningdek, Buyuk Britaniyada turizm faoliyatini qo'llab – quvvatlovchi assotsiatsiyalar, kompaniyalar va agentliklar mavjuddir. Bular:

Britaniya Mehmondo'stlik Assotsiatsiyasi (The British Hospitality Association)[96], Oliy Ta'limda Turizm Assotsiatsiyasi (The Association for Tourism in Higher education)[97], Britaniyaga Tashrif (VisitBritain)[98], Davlat kotibyati qoshidagi Sport, Turizm va Madaniy meros parlamenti (The Parliamentary Under Secretary of State for Sport, Tourism and Heritage) [99],Turizm kompaniyasi (The Tourism Company)[100] va boshqalar.

Mamlakatimizda ham turizmda kadrlar tayyorlash masalasi eng dolzarb vazifalardan biri bo'lib kelmoqda. "Turizm tarmog'i uchun, ayniqsa, menejment va marketing sohasida malakali kadrlarni sifatli tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish, gidlar (ekskursiya yetakchilari) tayyorlash, turizm faoliyati subyektlari xodimlarini muntazam ravishda qayta tayyorlash va malakasini oshirish"[101] kabi masalalar turizm sohasidagi davlat siyosatining maqsadli vazifalari va ustuvor yo'nalishlari etib belgilangan.

Shuningdek, "O'zbekiston Respublikasi turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi faoliyatini tashkil etish tog'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qaroriga ko'ra:[102] "Respublika ilmiy- o'quv konsalting markazi" davlat korxonasi negizida "Turizm sohasida kadrlar malakasini oshirish va qayta tayyorlash Respublika markazi" ning O'zbekiston Respublikasi turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi tuzilmasida mustaqil bo'linma sifatida tashkil etilishi ham turizmda kadrlar tayyorlash masalasining dolzarbliligidan dalolatdir. Bugungi kunda O'zbekistonda turizm sohasi uchun zamonaviy mutaxassislar tayyorlaydigan 6 ta oliy o'quv yurti va 11 ta kasb-hunar kolleji faoliyat ko'rsatmoqda [103]. Turizm sohasida kadrlar tayyorlash tizimining modernizatsiyasida xalqaro tajribalardan foydalanishimiz zarurdir.

Jumladan:

- yuqorida sanab o'tilgan Buyuk Britaniya turizm yo'nalishidagi kurslar va fanlarni Oliy ta'lim muassasalarimizda tashkil etish va o'qitish;

- fanlarning o'qitilish jarayonida turizm biznesi bilan shug'ullanuvchi kompaniya rahbarlari va menejerlarini taklif qilish, ular bilan ochiq suhbatda bo'lish, bilim va ko'nikmalar olish;

- nazariya va amaliyotni chambarchas holda o'rgatish;

- turizmda mutaxassis tayyorlaydigan oliy ta'lim muassasalari va kollejlarda darslarni xorijiy adabiyotlar va tajribalar asosida olib borish; - turizm sohasida kadrlar tayyorlaydigan oliy ta'lim muassasalari va kollejlarning mehmonxonalar,

[96] www.bha.org.uk
[97] www.athe.org.uk
[98] www.gov.uk
[99] en.m.wikipedia.org
[100] thetourismcompany.com
[101] "O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora –tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni. 2016- yil 2- dekabr.
[102] "O'zbekiston Respublikasi turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi faoliyatini tashkil etish tog'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori
[103] uzbektourism.uz. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimovning BMT Jahon sayyohlik tashkiloti ijroiya kengashi 99-sessiyasining ochilish marosimidagi nutqi. 2014-yil 2-6-oktabr

transport tarmoqlari, aviakompaniyalar, aeroportlar, ovqatlantirish korxonalari, ekskursiya byurolari, bilan aloqalarini yanada mustahkamlash;

-xorijiy assotsiatsiyalar, kompaniyalar, agentliklar ishini o'rganib chiqish zamirida talabalarga ular faoliyati haqida bilim va ko'nikmalar berish; -mamlakatimizda turizm faoliyatini rivojlantirishga xizmat qiladigan assotsiatsiyalar, kompaniyalar, agentliklar ishini yanada rivojlantirish va faoliyatlari davomida ta'lim muassasalari bilan hamkorlikda ishlashni yo'lga qo'yish;

- talabalarni oliy va o'rta – maxsus ta'limni tugatganlaridan so'ng ish bilan ta'minlanishlariga ko'maklashuvchi kompaniyalarni tashkil etish;

- 3- va 4-bosqich talabalari o'z qiziqishlari, qobilyatlariga asosan majburiy fanlardan tashqari kelajakdagi ishlari uchun zarur amaliy va nazariy bilimlar beradigan fanlarni ixtiyoriy tanlashlari va boshqalar.

1. Agarda turizm sohasi uchun kadrlar tayyorlashda yuqoridagi vazifalarni bosqichma-bosqich amalga oshirsak, bu tajribalar kelajakda turizm sohasida tayyorlanayotgan kadrlarning yetuk mutaxassis bo'lib yetishishlariga asos bo'lib xizmat qiladi.

ТАДБИРКОР ВА ИСТЕЪМОЛЧИ

Ф.А. Қучқаров ХС-115 гуруҳ талабаси
З.М.Базаров ассистент СамИСИ**.**

Мухтасар айтганда, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш – аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади [1].

Аннотация: *Ушбу тезисда хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорларга хайрия тадбирларида иштирок этишларининг фойдалилик жиҳатлари очиб берилган.*

Аннотация: *В тезисе рассматриваются вопросы необходимости участвовать предпринимателей оказывающих услуги в благотворительных мероприятиях.*

Annotation: *The thesis addresses the need to participate in the provision of business services in charitable events*

Калит сўзлар: *хайрия, тадбирлар, истеъмолчи, ННТ, тадбиркор, ОАВ*

Ключевые слово: *благотворительность, события, НКО, потребитель, предприниматель, СМИ*

Key words: *charity, events, costumer, NPO, businessman, Media*

Ҳозирги шароитда амалга оширилаётган ислоҳатлар миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим бўлади. Унинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланган сервис тизимини ривожлантириш аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, унинг турли хилдаги талабларини қондириш муҳим йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Юртимизда сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида тадбиркорларга яратилаётган шарт – шароитлар туфайли йилдан-йилга уларнинг сони ошиб бормоқда. Ёш оилалар, тадбиркор аёллар, коллеж битирувчилари, оилавий бизнес ва ҳунармандликни қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан йил давомида 2 триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди [2].

Хизматлар соҳасини ривожлантириш учун 2016-йил 26-февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг “Хизмат сохасини 2016-2020 йилларга мўлжалланган ривожлантириш дастури тўғрисида” ги 55-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорда Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда 2015 йилга нисбатан жами хизматлар хажмини 1,8 маротаба, жумладан яшаш ва овқатланиш хизматлари хажмини 1,8 маротаба ва савдо хизматлари хажмини 1,6 маротаба ошириш назарда тутилган.

Қарор доирасида 2020-йилгача Республика регионларида қўшимча равишда 193 та янги пархез ошхоналарни яратиш, 200 та умумий овқатланиш ташкилотларида таомларни буюртма асосида етказиб бериш хизматлари ташкил этилиши хам назарда тутилган.

Умуман олганда, қанча янги овқатланиш корхоналари очилса бир қанчаси ёпилади, чунки ресторан бизнесида рақобат ўта кучли ҳисобланади. Янги очилган овқатланиш корхоналарининг энг катта муаммоларидан ўз мижозларга эга бўлиш ҳисобланади. Тўғри, бу борада турли хилдаги маркетинг хизматларидан жумладан, газета, журнал, телеведения, радио ёки ОАВ орқали қилинадиган рекламалардан фойдаланиш мумкин. Аммо улар кўп ҳолларда ҳам кутилган натижани беравермайди. Бунинг учун улар ўзларини танитиши ва истеъмолчилар онгида ижобий фикрларни уйғотишлари учун ҳайрия ва жамоат тадбирларида фаол иштирок этишлари ва ўз навбатида уларнинг ўзлари ҳам бундай тадбирларни ташкил этишлари лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24-йиллигига бағишланган тантанали маросимида кириб келаётган 2017-йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари” йили деб эълон қилиниши бунга янада кенг имкониятлар ва вазифаларни очиб берди. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари” йилида тадбиркорлар ҳам иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Албатта кўпгина тадбиркорлар ҳайрия тадбирларида иштирок этиб келишмоқда ва турли хил байрамлар ва сайлларда халқимизга ўз ёрдамларини бериб келишмоқда. Ҳайрия тадбирларида иштирок этишлари учун ресторанлар энг аввало қайси ҳайрия тадбирларида иштирок этишларини аниқлаб олишлари зарур ҳисобланади. Ҳайрия тадбирлари кўп ва турли хил бўлиши мумкин, аммо бунда овқатланиш корхоналари ўзларига қулай ва маъқул келадиганини танлаши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Улар қуйидагиларда иштирок этишлари мумкин:

- **Қўллаб қувватлаши мумкин бўлган воқеага эътибор қаратиш**. Турли хилдаги маҳаллий давлат ташкилотлари томонидан ҳар йили аҳоли учун сайллар, кўргазмалар, учрашувлар ўтказилади. Бундай тадбирларда турли хил акцияларни ташкил этган ҳолда иштирок этиш максадга мувофик бўлади. Бу тадбирлар жамоатчилик орасида энг яхши реклама вазифасини ўташи мумкин. Шундай экан ушбу тадбирларда тадбиркорларнинг хам иштирок этиши ахоли эътиборини тортиши билан бирга тадбиркор учун мухим хисобланган мижозлар сонини ошишига олиб келади.
- **Истеъмолчиларни илҳомлантириш**. Албатта ҳар бир вилоятда, шаҳарда маълум бир турдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд. Шундай экан бу

ташкилотларнинг асосий аъзолари шу ерда яшовчи аҳоли ҳисобланади. Мавжуд нодавлат нотижорат ташкилотлари билан хам фаол равишда алоқларни ўрнатиш ва шу орқали мижозлар сонини ошириш мумкин. Бунда тадбиркорлар истеъмолчилардан улар аъзо бўлган нодавлат нотижорат ташкилоти билан боғланишда ёрдам қилишни илтимос қилиши мумкин, шу орқали истеъмолчи улар ўртасидаги алоқачига айланади, бу эса уни руҳлантиришга олиб келади;

- **Маҳаллий янгиликлар ва газеталардан хабардор бўлиб бориш.** Тадбиркорлар маҳаллий янгиликлар,оммавий ахборот воситаларидаги кундалик янгиликдардан доимй хабардор бўлиб бориш орқали жамиятда руй бераётган турли узгаришлар хамда рақобатчиларнинг ушбу тадбирлардаги фаоллигини билиб олишлари мумкин булади. Бу эса тадбиркорлар учун мухим ҳисобланади.

- **Истеъмолчиларнинг сифат ва нархга бўлган талабларини эътиборга олиш**. Бунда истеъмолчилар учун сифатни барқарорлигини сақлаган ҳолда нархлари нисбатан арзонлашган, хамёнбоп махсулотлар ва хизматларни такдим этиш назарда тутилмокда. Бунинг учун ўтказилаётган тадбирларда тадбиркорлар томонидан мижозларнинг эҳтиёжлари, талаблари ва қизиқишларини янада яхши ўрганишлари учун сўровномалар ўтказилиб турилиши хам яхшигина фойдали маълумотларни олиш имконияти яратиши мумкин.

- **Бепул таомлар тарқатиш**. Маҳаллий аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида ва исрофгарчиликларни камайтириш учун ривожаланган мамлакатларда кам таъминланган аҳоли қатламлари учун текин таомлар тарқатиб турилади. Бу истъемолчиларда тадбиркорларга нисбатан ижобий фикрларни шакллантиради хамда доимий мижозларни купайишига сабаб булади. Албатта тадбиркорлар томонидан вақти-вакти билан шундай тадбирларни ўтказиб туришлари фойдадан холи бўлмайди;

- **Ҳайрия кунларини ташкил этиш**. Тадбиркорлар маҳаллий ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан келишган ҳолда ҳафтанинг ёки ойнинг бир кунида нархларни тушурган ҳолда савдо қилишни йўлга қўишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса корхона имиджини кўтариб унинг содиқ мижозларини ошириш ва келгусида даромадалрини оширишларига туртки бўлиш мумкин;

Албатта юқоридаги таклифларни амалга ошириш, кўпчиллик ҳолларда овқатланиш корхоналарининг ўзларига боғлиқ ҳисобланади. Улар ўз имкониятларидан келиб чиқган ҳолда ушбу тадбирларни ташкил этсалар, истеъмолчиларда уларга бўлган ишонч ва садоқатнинг ортишига олиб келиши мумкин.

“АВТОТРАНСПОРТ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ БАНКДАГИ ҲИСОБ-КИТОБ СЧЁТИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИ” МАВЗУСИНИ МОДУЛЛИ ЎҚИТИШДАГИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

О. Х. Холиқулов “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ассистенти -
Ш. Ибодуллаев БҲ-313 гуруҳ талабаси -

Аннотация:*Тема "Учета и проверки в банковских отчетностях компаний, которые делают обслуживают авто транспорт" на предмете "Учета и проверяются в сфере услуги" - для модуля, учащегося для учителей, а также для студентов, которые хотят узнать эту тему самими. Есть еще одна вещь, которая должна быть отмечена, с этим модулем основная часть технологий новшества, которое учит и изучение, стремится как то достигать последствий корпоративно делая планы заранее играл важную роль.*

Annotation:*The theme “Accounting and audit at the bank accounts of the companies which make service auto transport” in the subject “Accounting and audit in the sphere of service” is for module teaching for teachers as well as for the students who want to learn this theme by themselves. There is one more thing that needs to be pointed out, with this module the main part of innovation technologies, which is teaching and learning, is aimed as to achieve the consequences corporately by making plans in advance plays an important role.*

Аннотация: *“Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит” фанининг “Автотранспорт хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги операциялар ҳисоби ва аудити” мавзусини модулли ўқитишда ўқитувчилар, шунингдек мазкур мавзуни мустақил ўрганишда талабалар фойдаланишлари учун хизмат қилади. Яна шуни таъкидлаш жойизки, ушбу модул орқали инновацион технологияларнинг негизи бўлган таълим берувчи ва таълим олувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун олдиндан таълим жараёнини лойиҳалашда муҳим аҳамият касб этади.*

Ключевые слова: *Считая, проверка, делающая услуги, банковские отчетности, ревизорское, качество услуги, принявшие стандарты проверки, финансовых отчетов, модульного преподавание, новых педагогических методов, опыт.*

Key words: *Accounting, audit, making services, bank accounts, auditing, service quality, accepted audit standards, financial statements, module teaching, new pedagogical techniques, experience.*

Таянч иборалар:*Бухгалтерия ҳисоби, аудит, хизмат кўрсатиш, банкдаги ҳисоб-китоб счётлар, аудиторлик текшируви, хизмат сифати, аудитнинг умум қабул қилинган стандартлари, молиявий ҳисоботлар, модулли ўқитиш, янги педагогик технологиялар, илғор тажриба.*

“Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида
таълим-тарбия бериш бугунги куннинг
жиддий вазифаларидан ҳисобланади”
И.Каримов.

Жамиятимизнинг маънавий янгиланиши ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат қуриш кадрлар тайёрлашнинг миллий масаласи устивор мезон сифатида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов – “инсон, унинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ - атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир”[104] - деб жуда тўғри айтган эди. Чунки халқнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологиянинг янги ютуқлари асосида мукаммал тайёргарликдан ўтган кадрларни тайёрлашнинг янги тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг муҳим шартларидан бири бўлиб қолди.

Талабаларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш, муаммоларни ҳал қилишда тайёр стандарт ечимлар билан бирга ностандарт ечимлар қилишга ундаш, талабалар ички ҳиссиётларини юзага чиқариб, уларни мантиқий фикрлашга чорлаш, уларни солиштириш, хусусий аналитик фикр юритишга ўргатиш, талабалар интеллектуал, зукколик хислатларини шакллантириш ва маълум йўналишда янада юқори даражада ривожлантириш мақсадида замонавий педагогик услубдан фойдаланилади.

Ўқитувчилик касбини эгаллаган ҳар бир инсон аввало ўқитувчи шахсига хос хусусиятларни ўзида мужассам этиши; шунингдек, ўқитувчининг руҳий – педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талабларни атрофлича ўзлаштирган бўлиши; танланган ихтисос юзасидан керакли доирада педагогик маҳорат, техника, такт, зийраклик, кузатувчанлик, билимларни болаларга етказа олиш қобилиятига эга бўлмоғи жуда муҳим.

Ҳар бир мутахассис учун зарур бўлган, юқорида қайд этиб ўтилган сифатлар билим олиш, яна таълим олиш жараёнида шаклланади, олинган назарий билимлар эса бўлажак мутахассиснинг илмий-тадқиқот ишларида, амалиёт ўтиш даврида, мустаҳкамланади, ўзи эгаллаган билим ва кўникмалар, эришган натижалари асосида керакли маълумот ва хулосаларга эга бўлади ва мутахассис учун зарур бўлган назария билан амалиёт мувофиқлашади, малака ва тажрибалар ҳосил бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси таъкидлаб ўтганидек,“Таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар аҳволи таҳлил қилиб берилган эди”[105]. Бу борадаги долзарб вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга

[104] Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. 1997 йил 29 август.

[105]“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

эга экани, шунингдек, тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

“Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит” фанининг “Автотранспорт хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги операциялар ҳисоби ва аудити” мавзусини модулли ўқитишда ўқитувчилар, шунингдек мазкур мавзуни мустақил ўрганишда талабалар фойдаланишлари учун хизмат қилади. Яна шуни таъкидлаш жойизки, ушбу модул орқали инновацион технологияларнинг негизи бўлган таълим берувчи ва таълим олувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун олдиндан таълим жараёнини лойиҳалашдир. Қолаверса, талабалар билим савиясини ошириш ва уни янада мустаҳкамлаш, биринчи навбатда юқори малакали ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кадрлар тайёрлашда “Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари” фани ютуқларидан фойдаланиш ҳамда “таълим-илм-фан-ишлаб чиқариш” занжирининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашдир.

Педагогик фаолият жараёнида пайдо бўлган кўникма ва тажрибаларим асосида хулоса, “Автотранспорт хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги операциялар ҳисоби ва аудити” мавзусини ўқитишда ижодий фикрлашга ўргатувчи замонавий педагогик методлардан фойдаланиш бўйича қисқача қилиб айтсам, ҳар бир мавзуни ўрганишда бугунги куннинг долзарб ва асосий масаласи бўлган талабаларнинг мустақил ишлашини, эркин ҳамда таҳлилий фикрлашини таъминлаш борасидаги талабларни амалга оширишда энг мақбул методлардан бири бу ижодий ва танқидий(таҳлилий) фикрлашга ўргатувчи методлар ҳисобланади.

Модулли тизимнинг энг асосий афзаллиги талабаларни фикрлашга, ўйлашга, ўз дунёқарашини кенгайтириш ва фантазияларини кучайтиришга тизимли таҳлил нуқтаи-назаридан ёндошишга ёрдамлашади. Бу эса таълим жараёнининг энг асосий мақсади ҳисобланади. Модулли тизим нафақат иқтисодий фанларни ўрганишда балки бошқа фанларни ўрганиш жараёнида ҳам юқори самарадорлик омилларидан ҳисобланади.

“Автотранспорт хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги операциялар ҳисоби ва аудити” мавзуси бўйича уларни дарс жараёнларида қўллаш юзасидан тавсия ва таклифларим қуйидагича:

✓ Масалан амалий дарс жараёнида 5x5x5 методини қўллашда гуруҳ ўқувчилари 5 нафардан бўлиб 5 та гуруҳга бўлинадилар. Мавзунинг умумий матни 5 қисмга бўлиниб, ҳар бир қисм ҳар бир гуруҳга берилади ва гуруҳларга матнни ўрганиб чиқиш вазифаси топширилади. Матн гуруҳлар томонидан ўрганилгандан сўнг, гуруҳлар қайта ташкил этилади (ушбу ўринда ҳар бир гуруҳда аввалги бешта гуруҳнинг бир нафар аъзоси бўлиши шарт). Гуруҳлар қайта ташкил этилгандан сўнг ҳар бир ўқувчи ўзи ўзлаштирган маълумотларни қолган ўқувчиларга ҳикоя қилиб беради. Шу тарзда мавзу матн ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади.

✓ **“Бешинчиси ортиқча” методи ёрдамида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлашда** талабаларга қуйидаги вазифани бажариш топширилади: берилган тушунчалар рўйхатидан мавзуга тааллуқли бўлмаган тушунчаларни аниқланг ва уларни рўйхатдан чиқаринг, ҳаракатларингиз моҳиятини изоҳланг.

Тушунчалар:

Методика, метод, имтихон, усул, методология,

Назарий, назирий-нутқ, назарий-амалиёт, назарий-хулоса,назарий-назорат

Юқорида билдирилган фикр мулоҳазалардан шундай хулосаларга келиш мумкин:

✓ Таълим жараёнига янги педагогик технологияни тадбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди.

✓ Янги педагогик технология назарияси ғояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш ҳолатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади.

✓ Ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепциялар муаллифи, тадқиқотчи, фойдаланувчи ва тарғиботчи сифатида намоён бўлади.

✓ Баркамол шахс ва малакали мутахассисларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятлари ҳамда уларнинг самараси ижтимоий тараққиётнинг тезлашувига олиб келади.

Шунингдек, “Автотранспорт хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги операциялар ҳисоби ва аудити” мавзуси юзасидан қуйидаги тавсиялар берилди:

1. Биринчи президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган профессор - ўқитувчиларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор”[106] - деган сўзларини таъкидлаш ўринлидир. Бу масала кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий исоҳотларда ҳам асосий йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоғи лозим.

2. “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит” фани бўйича талабаларнинг мустақил таълим олишлари ёки олган билимларини янада бойитишлари учун видеодарслар тақдим этиш лозим. Ҳар бир дарс бўйича видеодарслар давомийлиги, яъни “**Вебинар” усули** 10-20 дақиқани ташкил этиши лозим[107]. (айримлар ўйлашича 1-2 соат бўлиши шарт эмас). Видеодарслар мавзунинг асосий мағзини қамраб олади ва мониторда тасвир билан бирга гапирилаётган гаплар ҳам матн тарзида кўрсатиб борилади.

3. Иқтисодий таълим ва тарбия беришнинг илғор ва замонавий, инновацион ва интерфаол методларидан самарали тарзда фойдаланиш.

4. Ўқитишнинг асосий ташкилий шакли бўлган дарс ҳамда дарсдан ташқари тадбирларнинг сифат ва самарадорлигини кучайтириш.

5. Мустақил таълимни илмий асосда ва тўғри ташкил этиш ва назоратни кучайтириш.

6. Илғор тажриба ва педагогик жамғармадан унумли тарзда фойдаланиш ва уларни оммалаштириш.

---

[106] Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир” маърузаси –// Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

[107] Bassett G. Innovation in Primary Education. - Lnd: 1992.

7. Таълим-тарбия жараёнларининг амалиёт ва ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодиёт билан ўзаро алоқадорлигини кучайтириш.

Умуман олганда, таълим жараёнига технологик ёндашувнинг юзага келиши, турли интерфаол методларни таълим соҳасида қўллаш имкониятининг юзага келиши, таълим самарадорлигини оширишнинг омили сифатида намоён бўлмоқда. Биз жаҳонга юз тутаётган кўҳна ва навқирон, ўтмиши буюк, бугуни тараққий этган ҳамда келажаги порлоқ юрт фарзанди сифатида ғурурланиб яшашни юракдан ҳис этмоғимиз учун унинг тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз зарур.

Автотранспорт хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги операциялар ҳисоби бўйича ва унинг аудитига доир қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

1. Автотранспорт хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги операциялар ҳисоби ва унинг аудитини ўтказишда аудиторлик текшириш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Автотранспорт хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги операциялар ҳисоби ва унинг аудитини нотўғри амалга оширилиши (бу амалдаги меъёрий ҳужжатларни бухгалтер турлича талқин қилиши ёки ҳисоб-китоблар мураккаб бўлганлиги учун) – корхонанинг бухгалтерлари турли хил семинар ёки вебинарларда иштирок этиб ўз малакасини ошириш;
- Автотранспорт хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги операциялар ҳисоби ва унинг аудитини ўтказиш бўйича дастлабки ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисобининг регистрлари тўғри юритилишини таъминлаш;
- Автотранспорт хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги ҳисоби билан боғлиқ ҳар бир операциялар бўйича аналитик ҳисобни ўз вақтида амалга оширишини таъминлаш;
- Автотранспорт хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги операциялар бўйича арифметик хатоликларнинг олдини олиш учун “УзАСБО”, “БЕМ”, “1С корхона” ёки “1UZ корхона” дастурлардан фойдаланиш.

2. Ўқув жараёнини сифатини таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- бакалавриатда таълим олаётган талабалар “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит” фани дастурида халқаро аудит тизими бўйича мавзулар киритиш;
- замонавий ўқитишнинг модул тизими асосан чет эл тажрибаларига асосланганлигини ҳисобга олган ҳолда, уни тадбиқ этиш учун аввало, шарт-шароит яратилган бўлиши керак;
- масофавий ва модулли тизимга ўтиш ва тайёр бўлиш учун барча ўқитувчиларни Ispring Suite дастурида ишлашни ўргатиш учун маҳсус тренинг ташкил қилиш ва Олий таълим муассасаларининг модулига киритилган маълумотларни ушбу дастур асосида қайта ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- барча ўқув-услубий материалларини модул тизимига тўлалигича ўтказиш;
- узлуксиз таълимнинг барча босқичларида ўқитишнинг модул усулини тадбиқ этиш ва жорий этиш;

- “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналишида дарс бераётган профессор-ўқитувчиларни, бевосита ўз устида мунтазам шуғулланган ҳолда халқаро ёки миллий сертификатларга эга бўлишини талаб қилиш. Масалан, ACCA (UK), CPA (USA), CGA (Canada), DipIFR (Russia) ҳамда CAP/CIPA сертификатини олиш, меҳнат шартномаси давом эттиришнинг асоси бўлишлиги;
- “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедра ўқитувчилари аудиторлик малака сертификатига эга бўлиши лозимлиги.

Айтиш таъбирки, ҳар қандай ривожланган мамлакатларда малакали кадрлар ҳар қайси давлатнинг иқтисодий ривожланишига маълум миқдорда ўз ҳиссасини қўшиши ҳаммамизга маълум. Шунинг учун ҳам таълим тизимига мунтазам равишда мутахассислик билимларини бевосита замонавий ахборот технологиялари ҳамда янги илғор педагогик технологияларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Бизга маълумки, танқидий фикрлар, эртанги кунга қўйилган аниқ вазифалар шу соҳа вакили сифатида барчамизни руҳлантиради. Президентимиз томонидан билдирилаётган юксак ишонч, кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда, амалиётга янги технологик линияларни қўллаш, импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, хизмат кўрсатиш соҳасини янада яхшилаш мақсадида амалий саъй-ҳаракатларни бошлаш арафасидамиз. Зеро, бугунги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир.

УРГУТ ТУМАНИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Ҳасанов Б.Т,СамИСИ «Иқтисодиёт» кафедраси ўқитувчиси
Махсатуллаев Б.Ф,ИК 414-гуруҳ талабаси

Аннотация: *Мақолада туризмнинг иқтисодиётда тутган ўрни, уни яънада республикамизда ривожлантириш истиқболлари ёритилган.*

Таянч иборалар*: Туризм, туризмни ривожлантириш, иқтисодиёт, хизмат, сервис, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик, инфратузилма, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа, маиший хизмат, уй-жой комунал хизматлар ва б.*

Аннотация:*В данной статье расмотрены основные направления развития сферы услуг. А также его роль развитие в будущем экономики в нашей республики.*

Ключевые слова: *Туризм, экономика, услуги, сервис, бизнес, предпринимательство, инфраструктура, торговля, связь, общественное питание, коммунальные услуги.*

Annotation: *In this article, the main areas of development of the service sector are examined. And also its role in the future development of the economy in our republic.*

Key words: *Tourism, economy, services, service, business, entrepreneurship, infrastructure, trade, communications, catering, utilities.*

Давлатимиз ўз ривожланиш йўлини танлаб олган кундан бошлаб иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантира бошлади. Шу ўринда туризмга ҳам катта эътибор берилди. 1992-йил «ЎзбекТуризм» компанияси ташкил этилди. Бутун дунёдан Ўзбекистоннинг бой маънавий мероси ва тарихий обидалари кўриш учун сайёҳлар, илмий татқиқотчилар ва олимлар кела бошлади.

Бугунги кунга келиб Туризмни ривожлантириш янги босқичга кўтарилди. Бунга асос бўлиб мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг 2016-йил 2-декабрдаги ПҚ 4861-сонли «Ўзбекистоннинг Республикасининг Туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» фармондир. «Ўзбек-Туризм» компанияси тугатилиб унинг негизида «Туризмни ривожлантириш қўмитаси» ташкил этилди. Бу ислоҳотлар туризм соҳаси иқтисодиётнинг стратегик тармоғи даражасига кўтарилди.

Мамлакат иқтисодиёти ва туризм бир бири билан ўзаро боғлиқ ҳаракатдадир.

Умумиқтисодий омиллар туризмга ижобий ва салбий таъсир кўрсатади. Ижобий таъсир омилларига қуйидагилар киради:

1. Реал даромаднинг ошиши – реал даромаднинг ошишида истеъмолчилар ўз ихтиёрларида катта маблағга эга бўладилар ва тегишли равишда туризмга талаб ортади;

2. Даромаднинг текисроқ тақсимланиши жамиятда даромад бир текисда тақсимланса, кўпроқ шахслар туристик маҳсулотни харид қилишлари мумкин бўлади;

3. Валютанинг барқарор ҳолати – агарда чет эл валютасининг курси барқарор бўлса, аҳоли уни кўп ҳажмда харид қилиши мумкин.

Туризмга салбий таъсир кўрсатувчи омилларга қуйидагилар киради:

1. Иқтисодий инқироз ҳолатлари;
2. Ишсизликнинг ошиши, иш ҳақининг камайиши ва ҳоказолар;
3. Валюта билан нобарқарор ҳолат – агарда чет эл валютасининг курси юқори бўлса, аҳоли уни кам харид қилади ва натижади мамлакат аҳолисининг чет элларга чиқиши қимматга тушади.

Туризм ривожланаётган ҳудуд иқтисодиётига катта таъсир кўрсатади.

Туризмнинг жамият таъсирини уч асосий ёндашиш бўйича ажратиш мумкин: иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар.

Иқтисодий ўсишнинг муҳим катализатори сифатида. Бундай ҳолатда туризм ялпи ички маҳсулотни давлатлар ўртасида қайта тақсимлаш канали сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги дунёда туризм индустриал шаклга эга:

- самарадорликнинг юқори даражаси, инвестицияларнинг тез қопланиши билан тавсифланади;
- янги ҳудудларни ўзлаштиришнинг бошловчиси (пионери) ҳособланади;
-табиат ва маданий меъросни қўриқлашнинг самарали воситаси сифатида намоён бўлади.

Халқ хўжалигининг қарийб барча тармоқлари ва инсон фаолиятининг турлари билан боғлиқдир.

Маълумки, ривожланган давлатларда чет эл туризмидан тушган даромад рангли ва қора металларнинг халқаро савдосига қараганда икки бароварга кўпдир.

Хусусан Самарқанд вилояти ва шаҳарларида ҳам туризм соҳасини ривожлантириш борасида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Самарқанд қадимий ва ҳамиша тарих саҳифаларида марказ шаҳарлардан бўлганлиги учун бу шаҳарни умрида бир бор бўлсада келиб кўриш эҳтиёжи ҳар бир инсонда мавжуд. Бунинг яна бир исботи сифатида «Дунёда бир-бор бўлсада кўриш лозим бўлган шаҳарлар 100 талиги»га айнан Самарқандни ҳам киритган.

Самарқанд вилоятининг бошқа ҳудудларида ҳам туризмни ривожланиши учун улкан имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, Ургут туманида ҳам туризм соҳасини ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Масалан, ҳудуднинг туристларни жалб этиш жозибадорлиги, туризм инфратузилмасининг юқори суръатларда ривожланаётганлиги фикримизнинг яққол намунасидир.

Ургут туманининг тарихига назар соладиган бўлсак унда мусулмон дунёсининг машҳур олимлари яшаб ижод этганликлари ва шу заминда дафн этганликлари тарих саҳифаларидан жой олган. Ҳозирги кунда Зиёратгоҳлар маҳаллий зиёратчилар ҳамда хорижий туристлар билан гавжумдир. Ургут туманининг табиати анчайин мўтадил ва тўрт фасл ўзига хослиги билан бошқа туманлардан ажралиб туради. Туманнинг аксарият қисми тоғли ҳудудлардан ташкил топганлиги туфайли табиийки бундай ҳудудларда табиатнинг сўлим манзараси акс этган бўлади.

Ҳудуднинг табиий ландшафтидан келиб чиққан ҳолда табиат мўжизаларидан фойдаланиб туристлар учун дам олиш экскурсияларни ташкил этиш мумкин. Бунда туризмни ривожлантириш учун туристик кемпинглар бунёд этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, қиш мавсуми пайтида қишки чанғи учиш комплекс ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки чанғи комплексларига ички туризимда ва маҳаллий аҳолида эҳтиёжлар мавжуд. Шуни эътиборга олиб кемпинглар фаолиятини мувофиқлаштириш шу билан бирга йўл инфратузилмасига ҳам катта эътибор бериш лозим. Яъни туристлар бундай комплексларга йилнинг исталган вақтинда ҳеч қандай муаммоларсиз етиб боришлари муҳим аҳамият касб этади. Бундай лойиҳалар амалиётга жорий этилиши ҳудудларнинг фойдаланилмаган имкониятларидан фойдаланиш имкониятини беради. Биз таъкидлаган имкониятлардан фойдаланиш натижасида қуйидагиларга эрилишилади:

- Маҳаллий аҳоли учун бўш иш ўринлари яратилади;
- Ҳудудий ЯИМда туризмнинг улиши ортади;
- Туристик маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун янги бозор барпо этилади.

Бундай комплекс туман ички имкониятларида бири ҳисобланиб, бундан ташқари янада самаралироқ имкониятлар мавжуд. Чунки туманда ишлаб чиқариш суръатлари жадаллик билан ўсиб бормоқда. Бундай ҳудудий ёки ички туризмнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун янги имконият демакдир. Юқорида келтирилган таклифлар самарали ҳисобланиб молиявий маблағларнинг тежаб қолинишини таъминлайди.

V ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ УЧУН РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

МУТАХАССИС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ПЕДАГОГ МАСЪУЛИЯТИНИНГ ЎРНИ

А.Э. Шукурова – Самарқанд иқтисодиёт коллежи
“Аниқ ва табиий фанлар” кафедраси мудири
И.Х.Шукуров – Сам ИСИ

Аннотация:*Мазкур мақолада хизматлар кўрсатиш соҳаси учун рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлашда педагог масъулиятининг ўрни очиб берилган. Унда “масъулият”тушунчаси ва унинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар атрофлича ёритилган.*

Калит сўзлар*:масъулият, педагогик масъулият, жавобгарлик, бевосита омиллар, бтлвосита омиллар.*

В данной статье рассматривается сущность “ответственности” педагога в подготовке конкурентоспособных специалистов в области сфере услуг. А также, раскрыта понятия “ответственность” и влияющие факторы для её приобразования.

Ключевые слова: *ответственность, педагогическая ответственность, прямые факторы, ковенные факторы.*

This article reveals the notion of pedagogic responsibility in preparation of highly qualified competing staff in service sector. It highlights the term of “responsibility” and influencing factors in its formation.

Бугунги кунда Республикамизда, юртимиз равнақи ва фаровонлигини оширишга қаратилган турли мулкчилик шакли ва йўналишларидаги хўжалик юритувчи субъектлари фаолият юритмоқда.Уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва нуфузини белгилашга кўпгина ижтимоий ва иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади. Шундай омиллардан бири, корхоналар фаолиятининг асосий буғинини ташкил этувчи мутахассис кадрларнинг масъулиятлилик жиҳати билан ифодаланади. Шу боис, “масъулият” тушунчаси ва унинг шаклланишига таъсир этувчи баъзи бир омилларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Масъулият – «жавобгарлик», «ҳисоб –беришлик» маъноларини билдириб, бирор иш, ҳатти-ҳаракатнинг оқибати ёки натижаси учун бўлган жавобгарликдир. Шундай экан кундалик турмушда инсонларнинг, айниқса касб эгаларининг бирор иш ёки ҳатти –ҳаракатлари натижасини қай даражада англай билиш, жавобгарлик ҳиссини сеза олиш даражасига қараб баҳо берилади.

Шунга кўра, касб эгаларига нисбатан –«масъулиятли», «масъулияти суст»ёки «масъулиятсиз» деган сифат кўрсаткичлари ишлатилади.

Шу боис, «масъулият» тушунчасига доир шахсий фикр ва тушунчаларимизни баён этмоқчимиз.

Дарҳақиқат, табиатда «абсолют» ёки «мутлоқ идеал» ҳолат ва нарсаларнинг ўзи бўлмаганидек, «масъулият» тушунчаси ҳам нисбийдир.

Ушбу тушунчанинг нисбийлиги эса ўз навбатида унинг ўзгарувчанлик хусусиятига эгалигини намоён этади.

Шунинг учун ҳам, кўпчилик касб эгаларида қандайдир вақтнинг ўтиши билан жавобгарлик туйғусининг у ёки бу томонга ўзгарганлигини кузатамиз .Бу ўзгаришлар ижобий бўлганда, кишиларда «масъулият» уйғонади, яъни ошиб боради ва аксинча, салбий бўлганда эса «масъулият» сусайиб боради .

Бизнинг фикримизча, инсонлардаги шахсий фазилатлардан бири ҳисобланган ажойиб хислат-«масъулият»ни ўзгаришига кўпгина омиллар таъсир этади. Улар таъсир доирасига кўра, бевосита ва билвосита омилларга бўлинади.

Инсоннинг ўзига боғлиқ бўлган омилларни бевосита омиллар деб, ўзига боғлиқ бўлмаган омилларни эса билвосита омиллар деб аташ мумкун .

«Масъулият»га бевосита ва билвосита таъсир этувчи омилларни шартли равишда ички ва ташқи омилларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Ички омиллар шахснинг ўзига боғлиқ бўлиб, унинг дунёқараши, интеллектуал салоҳияти каби кўрсаткичлари билан шаклланса, ташқи омиллар эса унга боғлиқ бўлмаган, яъни уни ўраб олган атрофдаги вазиятларда юзага келади. Худди шунингдек, ички ва ташқи таъсир этувчи омилларни ҳам ўз навбатида иккига бўлиш лозим, яъни ижобий таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар ҳамда салбий таъсир этувчи ички ва ташқи омиллардир.

Ички ижобий омилларга шахснинг ўз иши ва ҳатти –ҳаракатига бўлган қизиқиши, садоқати, соғлом ҳаёт тарзи, лаёқати каби кўрсаткичларни киритсак, ички салбий омилларга эса, унинг лоқайдсизлиги, ўз ишидан қониқмаслиги, соғлигининг ёмонлашуви, жисмоний фаолиятининг заифлашуви каби кўрсаткичларни киритиш мумкун.

Худди шунингдек, ташқи ижобий омилларни шахсга боғлиқ бўлмаган ижобий ҳолатлар, яъни оиладаги соғлом муҳит, жамоадаги муносабат, меҳнатнинг ўз вақтида қадрланиши каби кўрсаткичлар ташкил этса, ташқи салбий омилларни эса уларнинг акси бўлган ҳолатлар, яъни руҳиятга салбий таъсир этувчи омиллар ташкил этади .

Ҳар бир шахс ўз масъулиятини назорат қилиб туриши ва уни ошириш чораларини кўриши, унинг бугунги ҳаётдаги мавқеини яхшиланишига туртки бўлади. Масъулиятлилик хислати ҳар бир касб эгаларига хос бўлиб, уларнинг касбига бўлган маҳоратини янада оширишга ундайди. Айниқса, бу хислат педагоглар учун жуда зарур кўрсаткич бўлиб, уларнинг фаолиятида жуда муҳим рол ўйнайди.

Масъулият педагогни талабчан, билимдон, изланувчан ва ижодкор *бўлишга ундайди.*

Юқори малакали мутахасислар тайёрлаш жавобгарлигини ҳис этган педагог шогирдининг масъулиятли бўлишини истаса, аввало унинг ўзи дарсга масъулият билан ёндашиши лозим.

Маълумки, таълим икки томонлама йўналган ақлий жараён бўлиб, сабоқ олувчи ўқувчи билан, сабоқ берувчи ўқитувчиларнинг фаол қатнашувида ўз ифодасини топади. Ана шу муҳим ақлий жараённи бошқарувчи ўқитувчи бугунги кунда «нимага ўқитиш», «нимани ўқитиш» ва « қандай ўқитиш» каби саволларга тўлиқ жавоб топа оладиган бўлиши керак.

Жонкуяр, билимдон, масъулият ҳиссини туйган ўқитувчи қалбидаги тафтни, бор билимини ўзининг гап оҳанги, юз қиёфаси, нигоҳлари орқали ўқувчиларга кўчиради. Шундагина ўқувчиларни ўзига эргаштира олади.

Таълим муассасасига кириб келган ҳар бир ўқувчининг масъулият ҳиссини туйишига эришиш жуда ҳам муҳим.

Бунга эришиш учун масъулиятнинг меваси ҳисобланган билим олиш, касб сирларини эгаллаш сув ва ҳаводек зарур эканини педагог доимо такрорлаб туриши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги педагогнинг ҳар томонлама, айниқса, педагогик маҳоратининг шаклланишида «масъулият» хислати таянч бўлиб хизмат қилади.

Педагогик маҳорат – бу ўқув жараёнининг барча шаклларини энг қулай ва самарали ҳолатда ташкил этиш, уларни шахс камолоти мақсадлари томон йўналтириш, ўқувчиларда дунёқараш қобилиятини шакллантириш, уларда жамият учун зарур бўлган фаолиятга мойиллик уйғотишдир.

Педагогик мақсаднинг ўзига хослигини қуйидагиларда билиш мумкин:

1.Педагогик фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланади, яъни педагог фаолиятининг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқдир. Унинг меҳнати ёшлар шахсини ҳар томонлама камол топтиришга йўналтирилган. Педагогик фаолият авлоднинг ижтимоий узвийлиги (кетма – кетлиги) ни таъминлайди. Бир авлод тажрибасини, иккинчи авлодга ўтказади, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаради.

2. Педагог фаолияти доимо шахс фаолиятини бошқариш билан боғлиқ. Бунда педагогик мақсад ўқитувчи мақсадига айланиши муҳимдир. Педагог ўз фаолияти мақсадини ва унга эришиш йўлларини аниқ тасаввур қилиши ва бу мақсадга эришиш ўқувчилар учун ҳам аҳамиятли эканлигини уларга англатиш зарур. Гёте таъкидлаганидек: “Ишонч билан гапир, ана шунда сўз ҳам, тингловчиларни маҳлиё қилиш ҳам ўз – ўзидан келаверади”.

3. Педагогик таълим тарбия жараёнида ўқувчи фаолиятини бошқариш шунинг учун ҳам мураккабки, педагог мақсади доимо ўқувчи келажаги томон йўналтирилган бўлади. Буни англаган ҳолда, моҳир педагоглар ўз фаолиятининг мантиқини ўқувчилар эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда лойиҳалайдилар. Ҳамкорлик педагогикасининг туб моҳияти ҳам шундан иборат.

Хулоса қилиб айтганда,таълим сифатини ошириш учун зарур бўлган маҳоратли педагогларнинг шаклланишида масъулиятлилик хислатини ошириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, ўз навбатида замон билан ҳамнафас яшаётган жонкуяр ва маҳоратли педагогларга, олдига қўйилаётган вазифаларни етарли даражада бажара олишга “Лаббай” дейишлари учун асос бўлади.

INDUKTIV VA DEDUKTIV MUSHOHADA YURITISH – DAVR TALABI

Q.Esonboyev – SamQXI Kasb ta’limi va o’qitish metodikasi kafedrasi o’qituvchisi
O’.Zubaydullayev – SamISI “Kasb-ta’limi” kafedrasi o’qituvchisi.

Annotatsiya: *Maqolada ta’lim oluvchilarning induktiv va deduktiv mushohada yuritishlari, erkin fikrga ega yoshlar bugungi kunda davr talabi ekanligi keltirilgan.*

Kalit so’zlar: *ta’lim, tarbiya, induktiv mushohada va deduktiv mushohada, fikr, dunyoqarash, ko’nikma.*

Аннотация: *В статье с помощью педагогических исследований раскрывается развитие самостоятельного мышление у студентов в процессе индуктивный и*

дедуктивной полемики.

Ключевые слова: *и словосочетания:обучение,воспитание, индуктивная полемика, дедуктивная полемика, мнение, мировозрение, навыки.*

Annotation: *In the article with help pedagogical reseachers observed develop independs thougt at students in induction and deduction polemic process*

Key words*: and phrases: Education, training, induction polemic, deductive polemic, idea, outlook, habit.*

Shaxsning erkin mushohada qilishi, fikr, mulohaza kengligini charhlash singari masalalarga fan o'rnatgan ob'ektiv qonuniyatlar ma'rifiy ta'sir ko'rsatadi. Maktabda o'qitiladigan har bir fanning o'ziga xos pedagogik ahamiyati va imkoniyatlari bor. Ana shu imkoniyatlardan o'z o'rnida to'g'ri foydalanish o'qituvchining bilim, tajriba va mahoratiga, izlanishiga bog'liq.

Yurtimizning kelajagi, uning ertanga taqdiri, ozod va obod jamiyat qurilishiga erishishimiz ham ma'lum ma'noda shu islohotlarning natijasiga bog'liq. «Chunki ta'lim-tarbiya – ong mahsuli, lekin ayni vaqtda ong darajasi va uning rivojini ham belgilaydigan omildir. Binobarin, ta'lim-tarbiya tizimini o'zgartirmasdan turib ongni o'zgartirib bo'lmaydi. Ongni, tafakkurni o'zgartirmasdan turib esa biz ko'zlagan oliy maqsad – ozod va obod jamiyat barpo etib bo'lmaydi.

Ta'lim jarayonini modernizatsiyalash va mazmunini boyitishda pedagogik imkoniyatlardan to'laqonli foydalanishni yanada kuchaytirish uchun quyidagilarni amalga oshirish kerak:

1. Umumiy ta'lim maktablarida o'quvchilar bilimlarini oshirish uchun maxsus to'garaklar tashkil etishga alohida ahamiyat berish.

2. Doimiy ravishda yangi tajribalarni o'rganish, umumlashtirish va ularni hayotga keng tatbiq etish. To'plangan ilmiy bilimlardan pedagogik tajribalardan oqilona foydalanish, o'sib kelayotgan yosh avlodga erkin fikr bildirish, mantiqiy mushohada qilish ko'nikmalarini singdirish ta'lim-tarbiyaning samarali amalga oshishi garovidir.

Sharq va g'arb ma'rifatparvarlarining pedagogik qarashlarida «mantiqiy mushohada yuritish» tushunchasi turli tarixiy davrlarda turlicha talqin qilinishiga qaramasdan, uning zamirida har bir voqea, hodisa va jarayonning jamiyat rivojlanishiga, insoniyat taraqqiyotiga, insonparvarlik va demokratiya qoidalariga hamnafasligi bilan belgilangan. Shu ma'noda, Abu Nasr Farobiy, Abu Mansur al-Moturidiy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayxon Beruniy, Muhammad Muso al-Xorazmiy, Yusuf Xos Hojib, Az-Zamaxshariy, Ulug'bek, Amir Temur, Alisher Navoiy, Bahouddin Naqshband, Husayn Voiz Koshifiy, Ahmad Donish, Furqat, Fitrat, Cho'lpon, Yan Amos Komenskiy, Jan Jak Russo, Iogann Genrix Pestalotstsi, Lev Tolstoy, Konstantin Ushinskiylarning ma'rifiy qarashlarida mantiqiy mushohada yuritish, erkin fikrlovchi shaxs ta'limoti g'oyalarida o'z aksini topgan.

Psixologlar V.V.Davidov, D.B.El'konin, E.G'oziyev odatdagidan ko'ra yuqoriroq nazariy umumlashmalarni qo'llab, o'qitishni deduktiv ko'rinishda isbotlaganlar. Ular ilmiy tushunchalarni shakllantirishda o'quv materiali mazmunining shunday mantiqiy tuzilishini izlaydilarki, bunda o'quvchilar eng avvalo ana shunday tushunchalar butun majmuining yaxlit strukturasini aniqlovchi genetik o'xshashlikdagi umumiy aloqani aniqlaydilar.

Qadimgi yunon mutafakkirlari g'oyalarida ham fikr isbotini mukammallashtirish uchun mantiqiy mushohada qilish tamoyiliga asoslanish lozimligi uqtirilgan. Platon

(er.av.427-347) ustozi Sokrotning “umumiy tushunchalar buyumlarning mohiyatini ifodalaydi”, - degan fikrini davom ettiradi. U umumiy tushunchalarni buyumlardan va insonlardan ajralgan mutlaq g’oyalar sifatida talqin qiladi, ularni birlamchi deb bilib, aniq fanlarni o’qitishda hukmni tafakkurning asosiy elementi deb hisoblaydi. Aristotelning "Kategoriyalar", "Birinchi Analitika", "Ikkinchi analitika", "Sofistik raddiyalar haqida", "Topika" kabi asarlarida mantiqiy mushohada yuritish, ushbu ko’nikmalarni shakllantirish masalalari keng talqin qilingan. U "Ritorika" "Poetika", "Metafizika" asarlarida ham mazkur muammolar yechimini topishga harakat qilgan. Aynan shunga o’xshash fikrlarni Abu Ali ibn Sinoning "Ruh haqida" asarida uchratish mumkin. U mulohazalarni ruhiy xodisa sifatida tekshirsa, "Arastu metafizikasiga talqin", "Talqin haqida" asarlarida uni mantiqiy shakl sifatida ko’rib chiqadi. Mutafakkir hukmning tarkibini mantiqiy ega, mantiqiy kesim va mantiqiy bog’lovchidan iborat bo’ladi, deb ko’rsatadi. Shunday ekan, inson asosli, mantiqli fikr bildirishi uchun o’rganilayotgan masalaning mohiyatini chuqur anglamog’i lozim bo’ladi.

Muhammad ibn Muso al-Xorazmiy (783-850) fikricha, yakka tushunchalar birinchi mohiyat bo’lib, mazmunan boydir. Umumiy tushunchalar ikkinchi mohiyatni ifodalaydi va ular mazmunan boy emas. Mushohada yuritishdagi umumiylik yakka buyumlarning asosini tashkil etadi. Mutafakkir induktiv isbotni deduksiyaga nisbatan kuchsiz, deb hisoblab, analogiyani (paradigma) juz'iylikdan juz'iylikka boruvchi xulosa chiqarish, deb ko’rsatgan.

Xorazmiy o’zining "Al-jabr val-muqobala» nomli asarida Aristotel kabi, induktiv va deduktiv mushohada qilishda nozidlik qonunini to’g’ri tafakkurning asosiy printsipi, deb bilgan. Amerikalik sharqshunos olim D.Sarton yozishicha, «Barcha zamonlarning eng buyuk matematiklaridan biri bo’lgan Xorazmiy o’rta asr Sharqida birinchilar qatorida xulosa chiqarishning moduslarini ko’rsatib bergan».

Mantiqiy fikrning zohir bo’lishi asoslov tushunchasiga borib taqaladi. «Teorema isboti»ning formal tildagi analogi «asoslovchi formula»dir. Demak, o’quvchisi muayyan bir teoremani isbotlash uchun formal til kategoriyalarini mukammal egallashi talab qilinadi, shunday ekan unda induktiv va deduktiv mushohada yuritish ko’nikmalarini shakllantirishda barcha didaktik metod, yo’l va vositalardan keng foydalanish yo’llarini tadqiq qilish zaruriyati tug’iladi.

XIX asrning oxiri XX asrning boshlarida Angliya, AQSh, Frantsiya, Belgiya, Shveytsariya kabi davlatlarda «Yangi maktablar» degan pedagogik oqim paydo bo’lib, uning asoschisi frantsuz pedagogi E.Demolen ta'lim-tarbiya tizimini takomillashtirishga, o’quvchilar faolligini oshirishga, mantiqiy mushohada yuritish ko’nikmalarini shakllantirishga oid g’oyalarni targ’ib qildi. Jenevada «Yangi maktablarning xalqaro birlashmasi» tuzilishi mazkur maktablarga innovatsion talablar belgilab berdi, ya'ni to’liq jihozlangan xona va laboratoriyalar tashkil etilib, ta'limda «erkin va faol» metodlar qo’llanildi. O’quvchilar ilmiy kuzatish, gipotezalar qurish, o’z taxminlarini tekshirib ko’rishni o’rganishganlar.

XIX asr oxirlarida «ish-harakat pedagogikasi»ga asos solgan nemis olimi Vilgelm Avgust Lay (1862- 1926) g’oyalarida ham o’ziga xos ijobiy tomonlar, yangiliklar bor. Lay pedagogik jarayonda ifodalash, tasvirlashga katta ahamiyat berdi, chunki uning fikricha, mana shunday ifodalash yoki tasvirlash jarayonida o’quvchilar o’z faolliklarini ko’rsatish imkoniyatiga ega bo’ladilar. Uning fikricha, tasvirlashning har qanday turlari: rasm solish geometrik figuralarning modelini yasash, chizmachilik, dramatizatsiya,

ashula, musiqa, raqslar, shuningdek, o’simlik hamda hayvonlarni parvarish qilish tajribalarini o’tkazish, og’zaki va yozma ishlar va shu kabilar jarayonidagi «ifodalash» vositalaridir. Lay fikricha, hamma darslar ana shu qoidalar asosiga qurilishi va pedagogik masalalarni hal etishi lozim.

XX asrning 40-50 yillarida o’quv jarayonida o’quvchining mantiqiy mushohada yuritish ko’nikmalarini texnik vositalar (radio, kino) orqali shakllantirish pedagogik texnologiyaga tenglashtirildi. Faqat 60-yillarning o’rtasi, 70-yillarda bu tushuncha mazmuni chet el pedagogik nashrlarida (AQSh, Yaponiya, Angliya, Italiya, Vengriya) va xalqaro konferentsiyalarda keng muhokama etila boshlandi va o’zbek olimi N.Sayidahmedov ta'kidlashicha, uning ikki yo’nalishi ko’rsatildi. Birinchi yo’nalish pedagogik texnologiyani «o’qitishning texnik vositalar»ini qo’llash sifatida belgilasa (M.Klark, Xokridj - Buyuk Britaniya; K.Cheduik, D.Fini - AqSh; S.G.Shapovalenko - Rossiya) ikkinchisi - «o’quv jarayoni texnologiyasi» sifatida qaraldi (T.Sakomoto - Yaponiya; T.A.Ilina - Rossiya).

Respublikamizdagi umumiy o’rta ta'lim maktablari o’qituvchilari o’qitish jarayonida o’quvchilarni fanga qiziqishlarini o’stirish, bilim o’zlashtirish darajasini oshirish, ularni faollashtirishning optimal-pedagogik usullarini izlamoqdalar. Ammo bu urinishlar har doim ham samarali natijalarni berayotganicha yo’q.

Bu borada bir qator kamchiliklar mavjud bo’lib, ular quyidagicha izohlanadi:

- o’quvchilar qiziqishlarini faollashtirishga, ularning fanni o’rganish orqali ma'rifiy ehtiyojlarini qondirishga qaratilgan davlat-ta'lim ko’rsatmasining amalga oshirilishi sust holda olib borilmoqda;

- fanga aloqador topshiriqlar orqali o’quvchilarda qiziqish, bilim olish ehtiyojlarini shakllantirish va faollashtirish yo’nalishida dasturlar modifikatsiyalashtirilmayapti;

- umumiy o’rta ta'lim maktablari o’quvchilarining mantiqiy mushohada qilish ko’nikmalarini shakllantirish ma'naviy-ma'rifiy ehtiyoj, davlat buyurtmasi sifatida qaralmayapti, darslikdagi topshiriqlar aynan shu masalalar yechimini topishga moslashtirilmagan;

- o’quvchilarda induktiv va deduktiv mushohada yuritish ko’nikmalarini shakllantirish - erkin fikrlovchi, plyuralistik dunyoqarashga boy fuqaroni tarbiyalash kabi muammo yechimini topishdek vazifani ado etish masalasiga yetarlicha baho berilmayapti.

Buning natijasida induktiv va deduktiv mushohada yuritish, analiz va sintez kabi aqliy operatsiyalardan yiroq, fragmentar fikrlash qaror topadi. O’quvchilar mantiqiy fikr ketma-ketligini izhor etishlari, muayyan masala yuzasidan hukm chiqarish, xulosa yasashga qiynalishadi.

Fan o’qituvchisi darslarni loyihalashtirganda oydinlashtirilgan maqsadlarni tizimsiz va kompleks yondashmagan holda, tarbiyaviy imkoniyatlarga urg’u bermay olib boradi, natijada ta'lim samaradorligini ta'minlashga, tarbiyaviy ahamiyatga molik masalalar, ayniqsa, bilim, malaka va ko’nikmalarining amaliyotidagi ta'minoti dinamikasi kuzatilmaydi.

Umumiy o’rta ta'lim maktab o’quv dasturlarining tahliliy natijalari shuni ko’rsatadiki, 7-8-sinf o’quvchilarida induktiv va deduktiv mushohada qilish ko’nikmalarini shakllantirish bir necha bosqichda amalga oshirish uchun imkoniyat yaratilgan, jumladan, darsda va darsdan tashqari tadbirlarda o’quvchilarda mustaqil fikrlashga yo’naltirilgan o’quv materiallarining taqdim qilinishi belgilangan.

DTS va dasturlarda o’quvchilarda mantiqiy mushohada yuritish ko’nikmalarini

shakllantirish talablari o’z aksini topgan, ammo ayrim fanlarni o’qitish jarayonida o’rgatish va bilish metodlarining muayyan xususiyatlari, umuman bilish metodlarining turi sifatida o’quv faoliyati metodlarining printsipial mohiyatini o’zgartirmaydi. O’qitish metodlariga, xuddi ilmiy bilish metodlariga qaragan singari, o’qitish vositalaridan ajralgan holda qarash mumkin emas, chunki vositalar ko’p hollarda o’qitish metodlarining moddiy ifodalovchi rolida keladi. Shu sababli, umumiy o’rta ta'lim maktablarining 7-8 sinflarida fanlarni o’qitishning metodlari va vositalarini bir-biriga bog’liq holda integratsiyalashtirish maqsadga muvofiq.

Maktablardagi mavjud ahvol o’rganilganda, ilg’or o’qituvchilar o’zlarining o’quv-uslubiy ishlarida zamonaviy metodlar orqali o’quvchilarda mantiqiy mushohada qilish ko’nikmalarini shakllantirishga harakat qilishadi, biroq ularning harakatlarida har doim ham yetarlicha o’quvchi shaxsini ijtimoiylashtirishga, unda erkin fikrlash qobiliyatlarini o’stirishga, qo’yilgan masala yechimini ijodiy topishga undash motivi kuzatilmaydi.

O’quvchilarda induktiv va deduktiv fikrlash ko’nikmalarini shakllantirishda darslik va o’quv qo’llanmalarga ko’yilayotgan zamonaviy talablarni inobatga olish, fan va texnika yutuqlaridan keng foydalanish, ularning bunyodkorlik sifatlaridan keng foydalanish lozim.

O’quvchilarda mantiqiy fikrlash ko’nikmalarini shakllantirish uchun:

- birinchidan, optimal pedagogik-psixologik vaziyatlarni tashkil qilish, fanlararo integratsiyalashuv jarayonini ta'minlashda taqdim qilinayotgan materiallarning pedagogik imkoniyatlaridan keng foydalanish;

- ikkinchidan, 7-8-sinf o’quvchilarining mustaqil fikr yuritishini o’stirish uchun ularda: mantiq kategoriyalarini anglashlari, analiz, sintez kabi aqliy operatsiyalaridan foydalanishlari, o’quv materialini idrok qilish jarayonini intensivlashtirish zarur. Bu esa o’z navbatida mustaqilligimizni qadrlay oladigan, o’zligini, jamiyat, davlat va oila oldidagi ma'suliyatni anglaydigan yetuk shaxsni shakllantirish kabi vazifalar bilan bog’liq jarayondir.

Materialni o’zlashtirish shartli ravishda quyidagi darajalarga ajratiladi:

1) induktiv va deduktiv ko’nikmalarni o’zlashtirish;

2) amaliy faoliyatda qo’llash;

3) ijodiy tahlil qilish, qiyoslash, umumlashtirish;

4) xulosalar chiqarish asosida takomillashtirish faoliyatini amalga oshirish imkoniyatiga ega bo’lish.

Bilish va amaliy o’zgarish metodlari ob'ektiv harakatning qonuniyatlaridan kelib chiqadi, shuning uchun ham o’quvchilarda induktiv va deduktiv mushohada qilish ko’nikmalarini shakllantirishda ular bir-biriga ob'ektiv bog’liklikda qaraladi.

O’quvchilarda induktiv va deduktiv mushohada qilish ko’nikmalarini shakllantirish uchun yo’naltirilgan topshiriqlardan foydalanish ko’p hollarda loyihalar metodini, tadqiqot metodini, dasturlashtirish va o’qitish metodlaridan foydalanishni taqozo etadi.

ФУНДАМЕНТАЛ ФАНЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Яхшиликова Л.Ж Сам.Қ.Х.И

Аннотация. *Мақолада Президентимиз қарорларига таяниб мамлакат тараккиётини таълимнинг муҳим омили миллий малакавий кадрлар тайёрлаш ва илм-фанни ривожлантириш масалалари ёритилган.*

Калит сўзлар. *Тараққиёт, ривожланиш, омил, кадр, илм, амалиёт, таълим, фан, инновация.*

Аннотация. *В статье, на основе постонавлений Президента раскрыты значения образования, подготовки квалифицированных кадров, прогресса науки, техники как важные факторы в развитии государства.*

Ключевые слова. *Прогресс, развитие, фактор, кадр, наука, знания, практика, образование, предмет, инновация.*

Resume. *The article, bassed on presidential decrees, which of reveals the knowledge of the education of training qualified personnel, the progress of science and technology as important factors in the development of state.*

Key words. *Progress, development, factor, science, knowledge, practice, education, innovation.*

Мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигининг юксалиши фундаментал илм-фаннинг тараққиёт даражасига, интелектуал салоҳиятга, малакали кадрларни тайёрлаш ҳолатига боғлиқдир. Бу юртимизда ҳар бир соҳанинг юксалиши ва ривожи кафолатидир. Дарҳақиқат, мамлакатимизда малакали кадрларни тайёрлаш жараёни ҳар бир соҳа бўйича режа асосида оқилона йўлга қўйилса, мамлакатимиз юксалишга томон ривожланади ва гуллаб яшнайди. Зеро, дунё мамлакатларидан бири бўлган Япония давлати мисолида қарайдиган бўлсак, Япония давлати II жаҳон урушида мағлубиятга учраганидан сўнг мамлакатда жуда қаттиқ дахшатли иқтисодий инқироз юзага келади. Бу нарса одамлар кайфиятига салбий таъсир қилиб, рухий тушкунлик ҳукмрон бўлишига сабаб бўлди. Оғир ҳалокатли аҳволдан қутулиш учун ватанпарвар Японияликлар мактаб таълимини ислох қилиб, ёшларнинг миясини пухта билим билан тўлдириш асосида мамлакат қудратини ошириш мумкинлигини англаб ҳаракат қилишди. Ўша даврда иқтисодий жиҳатдан ғоятда заиф бўлиб қолган мамлакатда яшовчи ватанпарварларнинг келажакда мамлакат истиқболи учун ўзларида мавжуд бўлган маблағларини барини сафарбар қилиб улкан жамғарма ташкил қилинади. Улуғ мақсад йўлида мактаб таълимини ривожлантиришга йўналтирилди. Таълим-тарбия жараёнларига энг билимли, малакали ўқитувчилар жалб қилинади. Натижада таълим соҳасига сарфланган маблағ аста-секин ўз натижасини бера бошлайди. Бугун Япония аҳолисининг яшаш тарзи, фаровонлиги юқори даражада. Бу тараққиётга фундаментал фанларни ривожлантириш орқали юқори технологик тараққиёт натижасида эришилган. Фундаментал ихтироларнинг яратилишини олий ўқув юртлари ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг конструкторлик (ихтирочилик) лабораториялари асосан завод-фабрикаларда жойлаштирилган бўлиб, талабалар олган назарий билимларини завод, фабрикалардаги лабораторияларда амалга оширади ва ўқув юртида олган назарий билимлари амалиёт билан боғланиб мустаҳкамланади ва ишлаб чиқариш билан боғланади. Мамлакатимиз ерости ва ерусти бойликларига эга, қулай стратегик маконга эга. Мавжуд имкониятларни ишга солиш учун таълим

соҳасини янада мукаммаллаштиришни тақозо қилади. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев 2016 йил 30 декабр куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан бўлган учрашувда жуда тўғри таъкидлаб; “Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тараққиётлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади”[1], деб уқтиради.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев учрашувда асосий эътиборни бугунги кунда илм-фанни янги босқичга кўтариш, ёки ёш авлодни салоҳиятли кадрлар этиб тайёрлашдаги 1-босқич-мактаб таълимини тубдан такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юксак малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш зарурлиги масаласини кун тартибига қўйди. Бундан ташқари, 2016 йил 29 декабрдаги 2017/2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилингани ҳам мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг изчил давом эттирилаётганидан далолатдир. Бу қарорда илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, болаларни ҳар томонлама интелектуал ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш, мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш масаласи устувордир. Дарҳақиқат, ёш болаларнинг онги, тафаккури ривожланиши, билимлар билан тўлиши, асосан, турли-туман маълумотларни қабул қилиши 5 – 7 ёшгача эканлиги фанга маълум. Шунинг учун бу қарорнинг эълон қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш масаласини кучайтиришга қаратилмоқда. Болаларни билимга йўналтиришда табиий фанларга алоқадор бўлган билимларга қизиқтириш муҳимдир, чунки қанчалик табиий фанларга алоқадор бўлган билимларни ёшлар онгига сингдирилиб борилса, келажакда фундаментал фанлар соҳаси бўйича мутахассис бўлиб чиқишга шарт-шароит юзага келиб боради.

Мамлакатимиз тараққиётининг локамативлари бўлган билимли, малакали кадрларни тайёрлашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 21 апрель куни Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори эълон қилинди. Бу қарорда “Олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишига кенг жалб этиш”[2] масалаларини қамраб олган. Ўзбекистон тараққиётининг стратегик мақсади фундаментал фанларни ривожлантириш негизида ва унинг натижадорлигида ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришдир.

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда агар ўтмиш тарихимизга назар ташланадиган бўлса, инсоният пайдо бўлганидан буён доимо ўз мақсадлари йўлида бир бутун ижтимоий индивид сифатида дунёда содир бўлаётган жараёнлар билан ўзаро алоқа, ўзаро таъсир асосида интеграция (бирлашиш) негизида муносабатда бўлиб,

уларнинг моҳиятини билиши, англаши ҳамда ўзларининг турли моддий-маънавий эҳтиёжларини қондириши негизида турли илм соҳаларининг пайдо бўлиши доимо объектив зарурият асосида юзага келган. Бунинг оқибатида турли илм соҳаларининг ривожланишига, ҳамда давлат қудратининг юксалишига хизмат қилган. Ижтимоий ҳаётда бирорта нарса ва ҳодисалар бирлашишсиз ажралиш ва ажралишсиз (кимёвий жараёнларда ҳам) яхлит тарзда бирлик йўқ, бу ўзига хос қонуният тарзида намоён бўлади. Ўтмишдан билимдон, истеъдодли кишидар бирлашиб ўзлари яратган фундаментал фан соҳалари бўйича турли кашфиётларни яратиб, жамиятнинг моддий-маънавий юксалишига хизмат қилганлар.

Биринчи президентимиз И.А.Каримов ўз вақтида тўғри таъкидлаганидек; “Ўрта асрлар шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат, архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши-буларнинг барчаси, биринчи навбатда, иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар хўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги карвон йўлларининг очилиши ва авваламбор нисбий барқарорликнинг таъминлиниши билан бевосита боғлиқдир”.[3]

Ҳозирги даврда мамлакатимизни янада юксалтиришда илм-фан интеграцияси, янги лойиха, ишланма янгиликларни ишлаб чиқаришга жадал тадбиқ қилиш негизида мамлакат тараққиётини таъминлашга қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, оғир саноат корхоналари, енгил саноат, чиқиндиларни қайта ишлаш заводи, терини қайта ишлаш заводи, “Чинни завод”, Самарқанд “Сино заводи”, “МАН” автомобиль заводи, “Сам Антеп гилам”, “Бритиш Американ Табакко”, “ДОКА ТЕКС”, “Самарқанд кимё” заводи ривожланишида кимё соҳасида эришилган ютуқларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш натижасида катта ютуқларга эришилмоқда ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ошмоқда. Масалан, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши борасида ишлаб чиқариш корхоналарининг йилдан-йилга ўсиб бориш имкониятлари юзага келиб бормоқда. Дарҳақиқат, вилоятимизда Пайариқ, Пастдарғом, Иштихон, Оқдарё, Булунғур, Ургут туманларида илгари бўлмаган пахтани қайта ишлаш корхоналари барпо этилади ва ип-калава ишлаб чиқарилади. Вилоятда ҳар йили тайёрланаётган 74 000 тонна пахта толасининг ҳозирги пайтдагидек 15 тонна эмас, 2019 йилга бориб 70 000 тоннадан зиёди ёки 92% и шу ернинг ўзида қайта ишланади[4].

РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ

Д.Ж.Норбоева Кат. ўқит.

Аннотация. *Мазкур мақолада Олий таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасини ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш муаммолари кўрсатиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *олий таълим, кадрлар тайёрлаш, мутахассис, психологик йўналишлар, иқтисодчи педагог, рақобатбардош кадрлар, таълим сифати*

Anotation. *Basis tendency of preparation for training for personnel and improve their professional skills are revealed, due to investigations of this article. Modern tendency includes in particularly attitude to educate young generation, as preparate*

for traing for personnel in sphere of tourism.

Keywords: *Higher education, training, specialist, psychological tendencies, educator-economist, competitive personnel, quality of education.*

Аннотация. *В данной статье, на основе проведённых исследований выявлены, основные современные, психологические тенденции по качеству подготовки кадров в системе высшего образования. Современные тенденции развития общества требуют выявления новых путей обеспечения качественной подготовки специалистов. При этом высшая школа играет главную роль.*

Ключевые слова: *высшее образование, подготовка кадров, специалист, психологические тенденции, педагог-экономист, конкурентоспособные кадры, качество образования.*

Маълумки, жамиятимиз тараккиётида шахс, унинг дунёкараши асосий роль уйнайди. Бинобарин, фан-техника тараққиёти ва иқтисодий глобаллашув жараёнида ҳар бир талабанинг етук кадр бўлиб етишиши долзарб масалалардан ҳисобланади. Негаки, кадрларни тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш бўлғуси мутахассисларда юксак касбий маданиятга, халқаро даражадаги билим ва кўникмаларга, ижодий ҳамда ижтимоий фаолликка эришишнинг муҳим шартидир. Талабанинг чуқур билим олиши олий даргоҳнинг моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчилар фаолияти ва ўқитиш технологияларига бевосита боғликдир.

Олий таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасини ислоҳ қилиш, “ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш”[108], яъни президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, олий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисликларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган худудий ва тармоқ дастурларининг талабаларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш даркор”[109].

Ҳозирги даврда талабаларнинг махсус тайёргарлиги даражаси билан уларга умумий маълумот бериш нисбати мақсадга мувофиқлиги масаласи қизғин муҳокама қилинмоқда. Республикамизда ёш авлоднинг билимини, илмий-ижодий ҳамда интеллектуал салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, таълим даргоҳлари жаҳон таълим стандартларига мос келадиган техника-технологиялар билан жиҳозланган, ўқитишнинг илғор усул ва шакллари кенг қўлланилмоқда.

Олий мактабни битирувчиси кенг профилли, салоҳиятли мутахассис бўлиши керакми ёки тор ихтисосни пухта эгаллаган, ўз ишининг кўзини биладиганми? Ушбу муаммога аниқ жавоб бериш жуда мушкул, чунки ижтимоий ҳаётда чала савод кадрлар учраётганлиги сабабли у ё бу томонни бирламчи дейишнинг ўзи

[108] Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан

[109] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Халқ сўзи. 2017.21 апрель.

мунозаралидир. Кўп тартибот фаолиятида лаёқатсизлик катта мусибатларга олиб келади, бундан ҳам ҳукумат, ҳам фуқаролар зиён кўради. Тор касбий технологияни пухта эгаллаган бўлса, лекин умумий маълумотлилик даражаси, ижтимоий фикрлаши, сиёсий онги миллий муҳит талабига жавоб бермаса жамият равнақи учун фаолият кўрсатиши қийинлашади.

Бу муаммони олимларимиздан А.С.Байрамов, А.Хужаев, В.М.Каримова, А.Азизхўжаева, З.Нишоновалар ўрганганлар.

А.С.Байрамов тадқиқотларида: "Ўз касбидан мағрур инсон меҳнатга ҳалол муносабатда бўлади. Ўз касбидан қониқмайдиган ёки норози бўлган инсон меҳнат фаолиятида турли хил ялқовлик ва кўзбўямачиликларга йўл қўяди. Мутахассислардан кўпроқ мустақилликни, кенг билимдонликни, вазиятларга тез мослашиш ўқувини, муаммолар ечимини топишда ностандарт йўлларини қўллашни талаб қилади. Буларнинг барчаси таълимнинг ижодий, аналитик шаклига ўтишни зарурият деб тан олади ва таҳлил қилиш, танқидий ўрганиш, мустақил хулоса чиқаришни ривожлантиришга имкон яратади"[110].

Демак, талабанинг "Мен" орқали юзага чиқиши мумкин бўлган имкониятлар қуйидаги тартибда аниқланади:

- ўқув-методик ишларни янги технологик талаблар даражасида ўзлаштира олиши;
- илмий-тадқиқот ишларида фаол қатнашиши;
- янги фикр ва ғоялар билан чиқиши;
- ижодкорликка интилиши;
- соғлом авлод тарбиясига ўз ҳиссасини қўша олиши;
- ўзини ўзи таҳлил эта олиши ва ўз ишига танқидий муносабатда бўлиши;
- вақтини тақсимлай олиши ва ундан унумли фойдалана билиши;
- эгаллаётган касби ҳаёт фаолиятида онг ва дунёқарашининг бойишига, касбий ва маданий камолотга олиб келишини англаши;
- ўқитувчилик касбини ижодий меҳнат эканлигини ҳис этиши;
- ўзининг касбий фазилатларини баҳолай олиши;
- сўзи ва ишининг бирлиги ҳамда улар ҳар доим бир-бирини тўлдириб боришини англаши;
- ўз олдига қўйган мақсадларига эриша олиши;
- таълим-тарбия жараёнида ноанъанавийлик муносабатини қўллашга интилиши; бозор муносабатлари ва янги мулкчилик шароитида ижодий фаолият кўрсата олиши;
- ижтимоий буюртма таълим стандартлари талабларини бажара олиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалга тадбиқ эта олиши.

СамИСИнинг "Касбий таълим" кафедраси иқтисодчи-педагог кадрларни тайёрлаб беради. Кафедрамизнинг етакчи профессор-ўқитувчиларнинг дарсларида талаба ўз мутахассислиги бўйича ижодини янада такомиллаштиради. Ўз навбатида педагогларнинг юксак маҳорати туфайли талабаларнинг илмий ҳамда ижодий фикр ва дунёқараши ривожланади. Ўқув йилининг илк босқичларида "Касбий таълим" йўналиши бўйича "Мутахассисликка кириш" фани ўрганилади. Ушбу фан орқали талабалар олий таълимнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари, ўқитиш шакллари,

[110]Каримова В. "Психология". Т-2007. 96б.

талабаларнинг мустақил ишлари, уларнинг билимларини баҳолаш тартиби билан яқиндан танишадилар. Энг муҳими, ушбу фан орқали ўзларининг бўлғуси касблари тўғрисида чуқур тасаввурга эга бўладилар. Талабалар мазкур фанни ўрганишлари натижасида ўқув йили мобайнида бажариладиган мустақил ишлар, илмий ишлар, курс ишлари, битирув малакавий ишларини бажариш тартиби билан танишадилар. Бундан ташқари ўқув жараёнида талабанинг ижодий салоҳияти шаклланиб боради.

Талаба ҳамда ўқитувчилар ўртасидаги боғланиш ўқув жараёнида бир қатор таълим технологиялари орқали амалга оширилади. Таълим технологияларининг қўлланилиши, нафақат талабанинг билим олишига, нафақат унинг илмий, ижодий ва интеллектуал салоҳиятининг ривожланишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Таълим илғор технологиялари талабаларда касбий маҳоратга ҳамда мутахассисликка доир фанларга бўлган қизиқишни орттиради. Масалан, “Веер” технологиясини оладиган бўлсак, бунда талабалар ўқув машғулотларида ўзларининг фикрлаш қобилиятларини оширадилар. Ушбу технология орқали талабаларда танқидий, таҳлилий ва мантиқий фикрлаш савияси ривожланади. Таълимнинг интерфаол технологияларида талабалар қўйилган муаммонинг назарий ва илмий жиҳатларини чуқур ўрганадилар. Шулардан бири “ФСМУ”

технологиясидир. Ушбу технологияда талабалар қўйилган муаммо бўйича фикрини баён этиб, содир бўлган ҳодисанинг сабабларини ижодий ўрганадилар ҳамда амалиёт мисолларида умумий хулосага келишадилар.

Таълим технологиясининг энг самарали усулларидан яна бири – бу “Бумеранг” технологиясидир. Талаба бирор бир соҳа мутахассислигини эгаллашидан олдин, яъни ўқув машғулотлари жараёнида шу касб соҳиби сифатида фикр юритади. Хусусан, талабалар иқтисодчи, бухгалтер ёки тадбиркор ролида бўлиб, уларнинг вазифаларини мустақил равишда бажарадилар. Натижада улар касбий маҳоратини, жамоа билан ишлаш қобилиятини, муомалаликни, хушфеъллик ва ишга ижодий ёндашиш хислатларини ривожлантирадилар.

Олийгоҳимизда турли долзарб мавзуларда илмий анжуманларнинг ўтказилиши, ўқув машғулотларида комппьютер воситалардан кенг фойдаланиш, табиийки, талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириб боради ва уларнинг замон талабларига мос келадиган мутахассислар бўлиб етишишига хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча иқтисодчи-педагог кадрларни тайёрлаш сифатини оширишнинг муҳим йўлларидан яна бири-таълимни оптималлаштиришдир. Жаҳон талабларига жавоб берадиган олий таълим тизимида баркамол иқтисодчи-педагог карларни тайёрлаш жараёнида, уларнинг илмий ва амалий малакаларини ошириш, рақобатбардошлигини янада мустаҳкамлаш учун қуйидагиларга эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Иқтисодиёт ва педагогика бўйича билимдонлик
2. Чет тилида ишбилармонлик қобилияти
3. Маънавий комиллик
4. Компьютер ИКТ бўйича саводхонлик

Демак, таълимни янгилашда қуйидагиларга эътибор бериш унинг самарадорлигини оширади:

- ўқитувчилар талабаларни ўқув нигилизмидан халос қилиш учун мустақил билим олиш туйғусини уйғотиши керак;

- талабалар қизиқишини ҳисобга олган ҳолда таълимий мулоқотни йўлга қўйиш лозим;
- маъруза-диалог, муаммоли – маъруза, ишбилармонлик ўйинлари, пресс-конференция каби таълим шаклларини қўллаш;
- таълимни индивидуаллаштириш, муаммоли ўқитишга кўчиш;
- мустақил фикрлаш, илмий таҳлил қилиш, ижодий салоҳиятини ривожлантириш кабиларни битирувчиларда шакллантириш.

ONA TILI DARSLARIDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

N.S.Ochilova, Z.S.Ochilova - SamISI qoshidagi 1-son akademik litsey o`qituvchilari

Ushbu maqolada akademik litseylarning I kursida "Tinish belgilariga doir mashqlar ishlash" mavzusini o`rganishda noan'anaviy dars usullarini qo`llashning samarali natija berilishi haqida fikr bildirilgan.

В данной статье приводятся материалы по эффективным методам повышения качества уроков нетрадиционного типа при изучении темы "Выполнение упражнений по разделу «Пунктуация" среди учащихся 1-го курса академических лицееев.

The article concerns the effective results in using non-traditional lesson approaches at teaching "Doing exercises on punctuation" in the 1st courses of academic lyceums.

***Kalit so`zlar:*** *ta'lim-tarbiya, tinish belgilari, uslubiyat, interaktiv usullar, ta'kidiy diktant, etimologik tahlil, yozma va og`zaki nutq, talaffuz me'yorlari, ijodkorlik, noan'anaviy usullar.*

Ключевые слова: *образование и воспитание, знаки препинания, стилистика, интерактивные методы, утвердительный диктант, этимологический анализ, устная и письменная речь, стандарты произношения, нетрадиционные методы, творческий подход.*

Key words: *education and upbringing, punctuation, methodology, interaction styles, confirming dictation, etymological analysis, written and oral speech, pronunciation standards, creativity, non-traditional styles.*

O`zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimovning "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asarida e'tirof etilganidek: "Ta'limni tarbiyadan, tarbiyani esa ta'limdan ajratib bo`lmaydi – bu sharqona qarash, sharqona hayot falsafasi". Ta'lim-tarbiyaning asosiy maqsadi zamon talablariga javob beradigan va jamiyatdagi muammolarni hal qila oladigan raqobatbardosh kadrlarni tayyorlashdir. O`qitish maqsad va mazmunlari aniq muvofiqlashtiriliganda, ta'lim-tarbiya jarayoni samarali bo`ladi. Maqsad bilan mazmunni muvofiqlashtirish o`qituvchining mahoratiga va e'tiboriga bog`liq.

Bugungi taraqqiyot har bir o`qituvchidan o`ziga xos ijodkorlikni, malaka va tajribani taqozo etmoqda. Bu, o`z navbatida, ona tili va adabiyot fani o`qituvchilari zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi. XXI asr muallimi yuksak taraqqiy etib borayotgan bugungi fan-texnika yutuqlariga har doim hozirjavob bo`lishi, ulardan o`z darslarida samarali foydalana olishi kerak bo`lmoqda. Darslarda qo`llanadigan interaktiv usullar

o`quvchilarda o`z ona tili va yurtiga mehr-muhabbat tuyg`ularini uyg`otish, ularni mukammal savodxonlik darajasiga ko`tarish, mantiqiy aniq va to`liq nutq sohibi bo‘lishiga erishish kabi muhim vazifalarni bajarishni nazarda tutadi.

Akademik litseylarda hozirgi o`zbek adabiy tili fanini o`qitishning bosh maqsadi yoshlarimizni ijodiy fikrlashga, o`z fikrini erkin va ta’sirli qilib yozma va og`zaki shaklda ifodalashga, o`zbek tili qonun-qoidalarini ongli o`zlashtirishga, fikr doirasini kengaytirishga, Vatanimizga, milliy an’analarimizga, boy ma’naviyatimizga mehr-muhabbat ruhida tarbiyalashga o`rgatishdir. Ana shu maqsaddan kelib chiqqan holda hozirgi o`zbek adabiy tili fanini o`qitishda quyidagi vazifalar qo`yiladi:

- o`quvchilarni erkin fikrlashga o`rgatish;
- o`z fikrini og`zaki va yozma shaklda o`zbek tilining qonun-qoidalariga muvofiq ravishda to`g`ri ifodalash;
- o`zbek tilining talaffuz me’yorlarini, o`zbek tilining imlo qoidalari; o`zbek punktuatsiyasi va uslubiyatini bilishlari hamda ulardan foydalana olish;
- insho yozish malakasiga ega bo`lish.

O`z fikrini ravon, go`zal va lo`nda ifoda eta olmaydigan mutaxassisni zamon talablari darajasidagi mutaxassis deb bo‘lmaydi. Ana shuni hisobga olgan holda, akademik litseylarda hozirgi o`zbek adabiy tili ta’limiga alohida e’tibor beriladi. Ayni zamonda ona tili va adabiyot fani o`qituvchisidan dars o`tishning eng zamonaviy, jahon andozalaridagi usullaridan, noan’anaviy usullardan maksimal darajada foydalanish, mashg`ulot o`tishning turli shakllarini yo`lga qo`yish talab qilinyapti.

“Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”ning ikkinchi sifat bosqichida amalga oshirilishi ko`zda tutilgan vazifalardan eng muhimi uzluksiz ta’lim tizimidagi o`quv muassasalarining faoliyatida yangi pedagogik texnologiyalarni joriy etish belgilab qo`yilgan. Bugun o`sha yangi pedagogik texnologiyalar amalda keng qo`llanib, dars o`tish usuli talabiga aylandi. Har bir pedagog darsni yangi pedagogik texnologiya asosida o`tishi maqsadga muvofiq, chunki yangi pedagogik texnologiyalar o`quv jarayonida kam jismoniy kuch va vaqt sarflab, talabalarning mustaqil ishlashi, izlanishi va ijodkorlik qilishiga zamin yaratadi. Ularning yuqori natijalarni qo`lga kiritishi-yu so`nggi fan yangiliklari bilan tezkor xabardor bo`lish imkonini beradi.

Ushbu maqolada akademik litseylarning I kursida “Tinish belgilariga doir mashqlar ishlash” mavzusini o`rganishda zamonaviy pedagogik texnologiyalarini dars jarayoniga tatbiq etish orqali talabalarda fanga havas uyg`otish, dars samaradorligini oshirish, talabalarning hamkorlikda ishlash malakasi va ko`nikmasini shakllantirish, talabalarda sog`lom raqobat haqida muayyan tushuncha va tasavvurni uyg`otish muammolari va ularning yechimini topishga harakat qilindi.

Yangi pedagogik texnologiyalar asosida “Blis savollar” , “Olma terish”, “Bilimingni sina”, “Bayram dasturxoniga”, “Ranglar jilosi”, “Ta’kidiy diktant”, “Etimologik tahlil” kabi qator usullarni qo`llab, yaxshi natija berishi tajribada sinaldi.

“Ranglar jilosi” usuli. O`quvchilar stol ustidagi qizil, oq, qora, yashil, ko`k doirachalardan o`zlariga yoqqan ranglarni tanlaydilar va o`sha rang turgan stolga borib o`tiradilar. Shu tariqa o`quvchilar kichik guruhlarga bo`linadilar. O`qituvchi har bir rangning xususiyati haqida ma’lumot beradi.Bu usulning afzalligi shundaki, o`quvchilar ranglar ifodalagan ma’nolarni, shuningdek, o`zlari uchun qiziqarli bo`lgan xarakter-xususiyatlari haqida ham ma`lumotlarni bilib oladilar. Shu orqali o`quvchilarning kayfiyati oz bo`lsa-da ko`tariladi. Oq ranq tozalik, musaffolik, iffat, yorug`lik,

donishmandlik, haqiqat va ezgu - iroda ramzidir. Qora rang kiyim kiyishni yoqtiruvchi odam hamma narsalarga qarshi, o`jar. U isyon bilan hammasidan voz kechishni istaydi. Qora kostum-shimning rasmiy marosimlarda kiyilishi bu rangning obro`-e'tibor, tantanavorlik ramzi ekanligini ham ifodalaydi. Qizil rang inson hayotidagi eng kuchli hayajonni ifodalaydi. Mutaxassislarning fikriga ko`ra, kishining qizil rangli kiyim tanlashi uning o`zini namoyon etishga bo`lgan harakati bilan bog`liq. Shuningdek, qizil tartibsizlik, inqilob, mavjud tartib-qoidalarga bo`ysunmaslik, ularni rad etish alomati hamdir. Ko`k rang ochiq osmon va dengiz rangi sifatida o'zida yuksaklik va chuqurlikni ifoda etadi. Ruhshunos olimlar ko`k rangning inson asablariga tinchlantiruvchi ta'sir ko`rsatishini aniqlagan. Boshqa jihatdan ko`k turg`unlik, hayotdan ajralib qolish kabilarni ifodalaydi. Ko`k sodiqlik va tartib-intizom rangi ham hisoblanadi. Yashil rang - tiriklik, o`sish va umid ramzi, bahor fasli chechaklari rangi. Shuningdek, yashil rang mo`l-ko`lchilik, to`kin-chochinlik, rivojlanishni ham bildiradi. Islom dinida yashil rang ilohiy rang sanaladi.

"Blis savollar" usuli asosida savol-javob o`tkaziladi**.** Bunda o`qituvchi mavzuga oid savollarni tez-tez o`qiydi, qaysi guruh o`quvchisi birinchi bo`lib qo`l ko`tarsa, o`sha javob beradi va rag`bat kartochkasini oladi. **1.**Punktuatsiya so`zining ma'nosi nima? 2.Nuqta qay hollarda ishlatiladi? 3.Tinish belgilarining eng muhim xususiyati nima hisoblanadi? 4.Tireni amaliyotga qaysi rus yozuvchisi kiritgan? 5.Vergul qanday hollarda qo`yiladi? 6.Undov belgisi qanday gaplardan so`ng qo`yiladi? 7.Tire qay hollarda qo`llaniladi? 8.O`zbek tilida nechta tinish belgisi bor va ular qaysilar? Bu kabi savollarning tez-tez o`qilishi o`quvchidan hushyorlikni, tetiklikni, hozirjavoblikni talab etadi.

"Bayram dasturxoniga" usulida o`quvchilarga bayram dasturxoni uchun shirinlikning tayyorlanish jarayoni yozilgan quyidagi matn tarqatiladi:

"200 gramm shakarga 100 gramm sariyog`(,) 2 dona tuxum bittadan chaqib ko`pirtiriladi. Bir chimdim tuz (,) yarim choyqoshiq iste'mol sodasi (,) vanillin (,) 250 gramm suzma (,) maydalangan yong`oq mag`zi (,) 250 gramm un qo`shib yumshoq xamir qoriladi. Uni yog` surtilgan tovaga solib (,) 45 daqiqa past olovda pishiriladi (.) Yoqimli ishtaha (!) Ular matndagi gaplarning tushirilgan tinish belgilarini to`g`ri qo`yishlari kerak bo`ladi. Topshiriqni bajarish bilan birga o`quvchilar darsdan bo`sh vaqtlarida shirinlik pishirishni ham o`rganadilar.

"Ertaklar yaxshilikka yetaklar" usuli asosida o`quvchilar tinish belgilari haqida kichik hajmli ertak to`qiydilar. Guruh a'zolari kelishilgan holda bir kishining ishini taqdim etadilar. Bu usul orqali o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyati namoyon bo`ladi. Ular xalq og`zaki ijodi fanida o`tilgan ertaklar haqidagi bilim va ko`nikmalariga tayangan holda ijod qiladilar.

Ta'kidiy diktant imlo va tinish belgilariga old ko`nikmalarni mustahkamlash maqsadida o`tkaziladi. O`qituvchi gaplarni adabiy tilning talaffuz me'yorlariga rioya qilgan holda sekin o`qiydi. O`quvchilar mustahkamlanayotgan qoidaga mos gaplarni o`qib, ularda qaysi tinish belgisi nima uchun qo`llanilganligini isbotlab beradilar. Masalan: **1.Odamning ma'naviy boyligini belgilovchi asosiy mezon - komil inson bo`lish. 2.O`zlikni anglash , milliy ong va tafakkuming ifodasi, avlodlar o`rtasidagi ruhiy-ma`naviy bogliqlik til orqali namoyon bo'ladi.**

3.Buyuk adibimiz Abdulla Qodiriy qahramonlaridan biri shunday deydi: "Bu xonadondan hali hech kim norizo bo lib ketgan emas".

4.Adabiyot - hunar, uni kasbga aylantirib olgan yozuvchi olmaga tushgan qurtdan farq qilmaydi.

5.Ilm sahroda do`st, yolg`izlik damlarida yo`ldosh, baxtiyor daqiqalarda rahbar, qayg`uli onlarda madadkor, odamlar orasida zeb-u ziynat, dushmanlarga qarshi kurashda quroldir.

"Olma terish" usulida har bir guruhdan ikkitadan o`quvchi chiqib, daraxtdagi olma surati tasvirlangan kartochkani olishadi va uning orqa tomonidagi savollarga javob berishadi. To`g`ri javoblarni rag`batlantirish uchun o`qituvchi ularga olma berishi mumkin. Unda jumladan, quyidagi savollar beriladi: 1.Vergul qaysi hollarda qo`yiladi? 2. Bog`lovchisiz qo`shma gaplarda qaysi tinish belgilaridan foydalaniladi? 3.Qaysi tinish belgisi lotincha "Lo" so'zidan kelib chiqqan? 4.Dastlab "Turkiston viloyatining gazeti"da 1873-yilda ishlatilgan tinish belgisi qaysi? 5.Qaysi tinish belgisining yozuv belgisi sifatida ishlatilishi qadimgi arab manbalariga borib taqaladi? 6.Tasdiq, ta'kid, inkor kabi so`z-gaplardan keyin kelgan bo`laklarni undan ajratish uchun qanday tinish belgisi ishlatiladi? 7.Butunning qismini sanash uchun qo`llangan arab raqamlaridan so`ng qanday tinish belgisi qo`yiladi? 8.Qaysi tinish belgilari o`zbek tiliga rus tilidan o`tgan? 9.Remarkalarda qaysi tinish belgisidan foydalaniladi? 10.Ajratilgan bo`laklarda qaysi tinish belgisidan foydalaniladi?

"Bilimingni sina" usuliga ko`ra, o`quvchilarga kompyuter orqali matn ifodali o`qiladi. (Bu matnni o`qituvchi oldindan o`qib diskka tayyorlab qo`yadi). O`quvchilar matnning o`qilishini eshitib, tinish belgilarini qo`yadilar. Jumladan, matn quyidagi gaplardan iborat bo`lishi mumkin: **"2017-2021-yillarda O`zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo`nalishi bo`yicha Harakatlar strategiyasi quyidagilarni o`z ichiga oladi:**

- **davlat va jamiyat qurilishini takomillashtirish;**
- **qonun ustuvorligini ta'minlash va sud-huquq tizimini yanada isloh qilish;**
- **iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirish;**
- **ijtimoiy sohani rivojlantirish;**
- **xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag`rikenglikni ta'mnilash, chuqur o`ylangan, o`zaro manfaatli va amaliy ruhdagi tashqi siyosat yuritish.**

"Ertaklar yaxshilikka yetaklar" usuli. O`quvchilar tinish belgilari haqida kichik hajmli ertak to`qiydilar. Bu usul orqali ularning ijodiy fikrlash qobiliyati namoyon bo`ladi.

"O`z-o`zini tekshirish va baholash"da proyektor orqali matn namoyish etiladi. O`quvchilar tushirilgan tinish belgilarini qo`yib, gaplarni ko`chiradilar: **"1.Mustaqillik(–) farovon hayotimiz(,) yorug` kelajagimiz poydevori(.) 2.Insoniylik sifatlari(:) salomlashish(,) kattalarga hurmat(,) kichiklarga g`amxo`rlik(,) o`zaro mehribonlik komillik xislatlaridir(.) 3.Farzandlarimizni Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalash(,) ularning qalbida shu muborak zaminning har qarichiga mehr-muhabbat uyg`otish(–) bugungi kunning eng ustuvor fazilatlaridan biriga aylanayotgani hammamizni quvontiradi".** Shundan so`ng o`quvchilar xatolarini tekshirib, o`z ishlarini baholaydilar. **"Etimologik tahlil"** ona tili darslarida o`quvchilarning so`z ma'nosini izohlay olish qobiliyatini o`stirish maqsadida o`tkaziladi. Uni har bir darsda berib borish maqsadga muvofiqdir. Jumladan: **"Strategiya"** – yunoncha "stratos"- qo`shin, "ago" - boshlab boraman ma'nosini bildiradi. U ijtimoiy-siyosiy kurashga rahbarlik qilish san'ati, boshqaruvni to`g`ri va istiqbolli rejalashtirish

san’ati. **“Harakat” –** arabcha so`z bo`lib, yurish, tebranish, faoliyat, jarayon degan ma’noni bildiradi.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqqan holda shuni ta’kidlash joizki, rivojlanish jarayoni o`ta tezlashgan zamonaviy talablarga muvofiq, o`quv yurtlarida olib borilayotgan mashg`ulotlarning asosiy maqsadi o`quvchilarning mustaqil fikrlash qobiliyatini o`stirish, ularga individual yondashish orqali har bir o`quvchining bilim darajasini hamda uning aqliy qobiliyatini aniqlash va bu borada amaliy ish olib borishdir. Shunday ekan, o`qituvchi dars davomida namoyish etadigan pedagogik texnologiyalar har bir o`quvchining darsdagi rolini aniqlab, ularni nafaqat yakka tartibda ishlashga, balki bir-biriga yordam berish, bir-biri uchun javobgarlikni oshirishga, ularning og`zaki va yozma nutqini rivojlantirish imkoniyatini yaratishga, o`z ishiga ijodiy yondashishga undaydi.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РАҲБАР КАДРЛАРНИ ИНДИВИДУАЛ, СОЦИАЛ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

А.М.Шоназаров СамИСИ катта ўқтиувчи

Аннотация: *Мақолада замонавий таълим тизими бошқарувчиларига доир компетентлик даражалари ва унинг бошқарув соҳасидаги ўзига хос сифатлари ўрганилган, бошқарув маҳоратига қуйиладиган талабларга мос самарали таклифлар ишлаб чиқилган.*

Таянч иборалар: *Раҳбар, қонуният, бошқариш, тамойил, изчиллик, меҳнат, қарор, менежер, усул, талаб, назорат, шахс, жамоа, гуруҳ, қобилият, мажлис, мутахассис, тажриба, ташабускорлик, мослик даражаси.*

Аннотация: *В статье разработано эффективные предложения по технике управление, изучено качество управление в современном системе обучения и его уровень компетентности.*

Ключевые слова: *Руководитель, закономерность, управление, принцип, взаимосвязанность, труд, решение, менеджер, метод, требование, надзор, личность, группа, способность, собрание, специалист, опқт, инициативность, степень совместимости.*

Annotation: *The article has developed effective proposals for control engineering, studied the quality of management in the modern training system and its level of competence.*

Key words: *Principal, regularity, management, principle, interconnectedness, work, decision, manager, method, requirement, supervision, personality, group, ability, meeting, specialist, oppot, initiative, degree of compatibility.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати билан халқимизнинг фаровонлиги кундан-кунга ортиб бормоқда ва мамлакатимизда қулай ишбилармонлик шароитлари яратилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки таълим тизимида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда бу каби устивор масалалар, истиқболли режалар, муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, олдимизга қуйилган бу каби изгу-мақсадларни амалга ошириш учун аввало таълим тизимини сифат жиҳатдан янада яхшилаш замон талабига муносиб жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш стратегик аҳамиятга эга муаммо эканини ва ушбу муаммоларни ҳал этишда таълим

тизими асосий ўрин эгаллайди. Бу каби муаммоларни ҳал этишда ва таълим тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини оширишда қобилиятли раҳбарларнинг ўрни беқиёсдир.

Раҳбарда туғма қобилият бўлади деб ҳам айтиб бўлмайди, иккинчи томондан, раҳбар вазиятга қараб стихияли тарзда тарбияланиб кетаверади, деб ҳам бўлмайди. Минглаб шахс сифатлари ичида кўплари раҳбарлик учун қулай ва маъқулдир. А.В. Петровский ана шундай ижобий сифатлардан бир ярим мингини санаб чиққан. Лекин уларнинг барчасини умумлаштирадиган, битта бўлиши лозим бўлган айрим сифат, қобилиятлар борки, улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқ лозим.

Аввало, ҳар қандай раҳбарда интеллект — ақл-заковатнинг маълум нормаси бўлиши керак. Бу норма яхши раҳбар учун ўртадан юқори бўлмоғи мақсадга мувофиқдир, чунки гений даражасидаги интеллектга ега бўлган раҳбар билан ишлаш ходимлар учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқаришини, бундай ақл-заковат қолганларнинг ижобий ривожланишига психологик тўсиқ бўлишини амалиёт ва ҳаёт кўрсатди. Раҳбардаги ўртадан юқори интеллектни қоплаб кетадиган яна бошқа муҳим сифатлар борки, улар бошқариш ишининг самарасига ижобий таъсир кўрсатади.

Масалан, раҳбарнинг мустақил фикрлилик, топқирлик, ташаббускорлик сифатлари. Чунки, айрим ҳолларда хато қилса ҳам, раҳбар оригинал фикрлар айтиб, йўл-йўриқлар кўрсата олиши, ҳар бир айтилган фикр, қилинган ишга мустақил баҳо бера олиши зарур.

Чунки мустақиллик шахс қиёфасини белгиловчи муҳим психологик хусусиятдир.

Раҳбарда мустақиллик бўлса, унда ўзига ишонч ҳам бўлади, бу еса ўз навбатида раҳбардаги субъектив талаблар даражасининг юқори бўлишига олиб келади. Кўпинча, раҳбарнинг бошқаларга талабчанлиги ҳақида гапирилади, лекин яхши раҳбар аввало ўз-ўзига нисбатан талабчан бўлиши керак. Ўз-ўзини баҳолаш ва шу асосда бошқаларга нисбатан муносабатлар тизимини ишлаб чиқиши муҳим бир омилдир.

Ҳар қандай раҳбар учун универсал, керак бўлган ҳислатлардан яна бири том маънода ъъзиёли" бўлиш ёки, бошқача қилиб айтганда, маданиятли бўлишдир. Бошлиқ ўзидаги маданиятни аввало муомалада, одамлар билан бўладиган кундалик мулоқотларда намоён етмоғи лозим. Муомала маданияти — бу ўринли, аниқ, қиска, самимий гапириш санъати ва иккинчи томондан, суҳбатдошни тинглаш қобилиятидир. Чунки, бошлиқ билан ходимлар ўртасида келиб чиқадиган шахсий зиддиятларнинг асосида ё тинглай олмаслик ёки гапни тўғри йўсинда гапира олмаслик ётади. Ўзганинг ўрнига тура олиш, унинг ҳис-кечинмаларига шерик бўлиш, емпатия ҳиссининг борлиги, диалогларда сабр-тоқатлилик ва бошқалар мулоқот маданиятининг муҳим томонларидир.

Жамоа фаолиятини ва ўз фаолиятини режалаштириш қобилияти раҳбар учун муҳим бўлган талаблардан биридир. Чунки режалаштириш асосида ўз-ўзини бошқара олиш ва бошқаларни ташқи фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда бошқара олишни таъминловчи муҳим психологик хусусият ётади. Режалаштириш — бу ўзига хос келажакни кўра олиш кобилияти, келажак образи бўлиб, бу нарса шахснинг қанчалик камол топганлиги ва мақсадга интилувчанлигининг муҳим белгисидир. Бу жуда мураккаб психологик жараён бўлиб, у шахснинг ўз диққатини

Хизмат кўрсатиш ходимларининг муомала услуби сервис ташкилоти хизмат кўрсатиш ценарийсига ва кўрсатиладиган хизматларга мос келиши лозим.

Кейнги йиллар мобайнида маиший хизмат кўрсатиш соҳасида тақдим қилинган фаолият турлари кенгайиб бормоқда. Ушбу соҳа корхоналарида меҳнат унимдорлигининг ошиб бориши, соҳанинг интенсив равишда ривожланишини таъминламоқда. Бу эса соҳада малакали кадрлар тайёрлашни узлуксиз таълим тизими орқали амалга оширишни зарурат этади.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида ишчи-ходимларнинг узлуксиз таълим тизими мутахассисларнинг иш сифати, касбий маҳорати устидан доимий назоратни амалга ошириш, уларни бутун меҳнат фаолияти давомида узлуксиз ўқитиш, персоналнинг таркиби ва малакаси тўғрисида маълумотлар банкини яратиш, уларни хизмат вазифаларида силжитиш ва ўстириш, ўқув-услубий материаллар банкини яратиш ва ундан фойдаланиш имконини беради.

Ушбу тизимда ўқитиш корхрнадаги мавжуд асосий касблар ва ихтисосликлар рўйхатига мувофиқ амалга оширилади. Бунинг учун компания ва фирмаларда фаолият турлари ва ўқитиш муддати белгиланган гуруҳлар шакллантирилади. Ҳар бир гуруҳ учун иш жойлари паспорти, ўқув дастурлари, ўқув-услубий қўлланмалар, маърузалар, автоматлаштирилган ўқитиш тизимларидан иборат ўз ўқитиш тўплами (билимлар негизи) яратилади. Барча ихтисосликлар бўйича бундай ўқитиш тўпламлари ўқув-услубий қўлланмалар, маърузалар, автоматлаштирилган ўқитиш тизимлари жамғармасини ташкил этади. Ишчи-ходимларнинг узлуксиз таълими маиший химат кўрсатиш корхоналарининг ўзида ҳам, ўқув марказларида ҳам амалга оширилиши, узлуксиз таълимда ходимлар ўз-ўзларини ўқитиш усулидан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида таълим тизимига эҳтиёж режаси кадрларнинг кўплиги ёки етишмаслигидан келиб чиқмасдан, бунда касбий, психологик хусусиятлар динамикаси асос қилиб олиниши керак.

Иш билан бандликни истиқбол режасини ишлаб чиқиш кўпгина маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фалиятида асосий ўринни эгаллайди, чунки ахборот етишмаслиги натижасида кўпгина катта ҳажмдаги дастурлар бажарилмай қолиши мумкин. Шунинг учун мутахассисларга келажакдаги талабни режалаштиришнинг янги усулларини яратиш таълим соҳасидаги асосий масалага айланиб бормоқда. Бунда биринчи навбатда, хизмат кўрсатиш соҳасига хос давлат таълим сиёсатини яратиш ва уни тадбиқ қилишнинг конкрет йўлларини аниқлаб олиш керак. Бу жараён соҳада меҳнат бозорининг ривожланиш анъаналарини доимий ўрганишга асосланган бўлади. Иккинчидан, маиший хизмат кўрсатиш бўйича кадрлар тайёрлашда буюртмачиларнинг бевосита иштирок этиши ва уларнинг ўрта махсус ва олий ўқув юртлари билан алоқаси турли шаклларда ўрнатилишидир.

Бизнинг маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва таълим тизими ўртасида малакали кадрларни тайёрлашда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

–таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини узлуксиз амалга ошириш, мутахассисликлар бўйича ишчиларнинг касбий маҳоратини (малакавий сифатларини) ўрганиш ҳамда уларнинг буюртмачилар (истеъмолчилар) талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

–маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида рақобатли таълим хизматлари бозори коньюнктурасининг ўзгаришини таҳлил қилиш ҳамда янгича ривожланиш йўналишларини белгилаш;

– таълим хизматлари бозори коньюнктурасига таъсир кўрсатувчи турли хил омиллар (сегментлар) ўртасидаги ўзаро алоқаларни таҳлил қилиш асосида мутахассисларни олдиндан ишга тақсимлаш тизимини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

–жорий йилда соҳа мутахассисликлари бўйича битирувчилар ҳақида (таълим йўналишлари ва мутахассисликлар кесимида давлат гранти ва тўлов-шартнома асосида кундузги ва сиртқи таълим шакллари бўйича) маълумотлар банкини яратиш;

–ҳудудий даражада маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини ҳисобга олиб, янги таълим йўналишлари ёки мутахассисликларини очиш;

–мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликларга бўлган талабларни ҳисобга олган ҳолда, талабалар қабули учун давлат грантлари ва тўлов-контракт бўйича жорий ва истиқболли “буюртмалар потфелини” шакллантириш;

–олий ва ўрта махсус каб-ҳунар коллежлари битирувчиларини буюртмаларга мувофиқ ишга тақсимлаш;

–олий ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва истеъмолчилар ҳақида маълумотлар банки ахборот тизимини яратиш.

ПОДГОТОВКА КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫХ КАДРОВ СРЕДСТВАМИ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СФЕРЕ ОКАЗАНИЯ УСЛУГ

Нарзуллаева Н.У,ассистент кафедры
«Информационно-образовательные технологии»
Самаркандского Филиала Ташкентского
Университета Информационных Технологий имени Мухаммада аль-Хоразмий
Азимкулов С.Н.угли студент 3 курса

Аннотация :*В данной статье рассматриваются роль, место и основные преимущества использования информационных технологий в подготовке квалифицированных кадров в сфере оказания услуг. Также говорится об эффективности решения системой профессионального образования задач подготовки кадров для развивающейся экономики.*

Ключевые слова: *информационные технологии, компетенция, мотивация, конкурентоспособный.*

Аннотация: *Ушбу маколада хизмат курсатиш сохасида юкори малакали кадрлар тайёрлашда ахборот технологияларининг урни ва афзалликлари куриб чикилади. Хамда иктисодиётни ривожлантириш учун касб-таълим укув тизимининг вазифалари ва самарали ечимлари хакида суз боради.*

Калит сузлар: *Ахборот технологиялари, лаёкатли, мотивация, ракобатбардош.*

Annotation: *In this article examines the role, place and main uses of information technology training is qualified in the sphere of rendering services. Also it is said about*

the efficiency of vokacational education tasks solved for vocational education for developing.

Keywords: *information technology, competence, motivation, competitive.*

Информационное общество характеризуется высоким уровнем развития информационных и телекоммуникационных технологий и их интенсивным использованием гражданами, бизнесом и органами государственной власти.

Повышение качества профессионального образования и уровня подготовки компетентных, высококвалифицированных и творческих специалистов, соответствующих требованиям социального заказа общества, является в настоящее время одной из актуальных проблем не только для Узбекистана, но и для других стран ближнего и дальнего зарубежья.

Одна из важнейших задач, стоящих перед современным обществом в XXI веке, — создание перспективной системы образования, способной подготовить будущих специалистов к жизни в новых условиях цивилизации, а именно умеющих думать и работать поколение аналитиков и прогнозистов высокого класса, специалистов-генераторов новых идей во всех сферах деятельности. Первый Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов в своей книге «Юксак маънавият енгилмас куч» особо отмечает, что «Подготовка кадров нового поколения остается самым основным направлением нашей деятельности...»[1].

Следовательно, будущее общества зависит от интеллектуально-практической деятельности, созидательной силы, умственного и физического совершенства, политической сознательности и духовно-нравственного развития молодого поколения страны. Поэтому внедрение современных информационных технологий в образовательный процесс, организация инновационных занятий служат важнейшим фактором устойчивого развития и модернизации государства.

Проблема профессиональной квалификации кадров и связанная с ней проблема качества образования находятся в центре внимания правительства Узбекистана.

Развитие рабочих кадров является важнейшим условием успешного функционирования любого предприятия. Это особенно справедливо в современных условиях, когда ускорение научно-технического прогресса значительно убыстряет процесс устаревания профессиональных знаний и навыков.

Ключевым условием успешности реформирования системы подготовки рабочих кадров и формирования квалификаций является модернизация управления профессиональным образованием.

Использование информационно-коммуникационных технологий в организации учебного процесса позволяет создавать глобальное информационное пространство, которое, в свою очередь должно обеспечивать:

а) эффективное информационное взаимодействие внутри профессиональных интересов;

б) разностороннее информационное сотрудничество;

б) доступ к отечественным и мировым информационным ресурсам;

в) удовлетворение потребностей в реализации информационных продуктов и услуг.

Модернизация управления профессиональным образованием является системообразующей задачей стратегии, определяющей и обеспечивающей реализацию всех остальных направлений[2].

В настоящее время в профессиональном обучении используется ряд приемов и методов, позволяющих достигнуть высоких результатов в деятельности высококвалифицированных специалистов.

В высших учебных заведениях ведутся занятия по целому комплексу учебных дисциплин от устройства современных персональных компьютеров, современных систем программирования, операционных систем, баз данных, компьютерных сетей и т.п. до информационных технологий в самых различных отраслях народного хозяйства: в измерительной технике, в торговле и бухгалтерском учете, в учебном процессе, в менеджменте, маркетинге и рекламе.

В результате изучения специальных дисциплин, студент должен:

- знать основы новых информационных технологий и их влияние на успех и бизнес;
- знать современное состояние и направления развития компьютерной техники и программного обеспечения;
- владеть основами автоматизации решения задач, присущих его будущей профессиональной деятельности;
- уверенного работать на компьютере в качестве конечного пользователя;
- уверенно работать в локальных и глобальных компьютерных сетях, иметь навыки использования электронной почты, телекоммуникаций, электронных досок объявлений, средств электронного офиса.

Кроме того, не секрет, что экономическое положение в стране на сегодняшний день таково, что рассчитывать на оздоровление финансового состояния в сфере экономики традиционными способами не приходится и единственный выход из этого – это инвестиционный процесс. В условиях, когда экономическая ситуация в Узбекистане характеризуется высокой инфляцией и структурными изменениями в ценообразовании, процесс планирования и анализа инвестиций с учетом множества влияющих факторов становится невозможным без применения компьютерных технологий.

В этой связи наш студент – будущий специалист должен свободно ориентироваться в инфляционных процессах, условиях платежей, дебиторской и кредиторской задолженностях, налоговом окружении, маркетинге, нормативных документах, стратегии продвижения и сбыта продукции на рынке, ее конкурентоспособности и многом другом для успешного привлечения инвестора. Охватить весь этот спектр вопросов можно только с привлечением автоматизированных средств планирования по привлечению инвестиций на базе ИТ.

XIZMAT KO’RSATISH SOHASIDA RAQOBATBARDOSH KADRLARNI TAYYORLASHDA XORIJIY TILLARNI O’RGATISH VA O’RGANISH MUAMMOLARI

Sobirova N. A. - SamISI.o’qituvchisi
Abduxalil-zoda R. M.- iqtidorlitalaba, SamISI

Annotatsiya:*Maqoladaxorijiytillarnio’rgatishvao’rganishdagidolzarbmuammolarva ularningyechimlarikeltirilgan .*

Kalitso’zlar:*kadr, raqobatbardoshkadr, xorijiytillar, motivatsiya, ta’lim, darslik*

Аннотация*:В статье приведены актуалные проблемыв преподовании и изучение иностранных языков и их решение.*

Ключевые слова: *кадр, конкурентоспособный кадр, иностранный язык, мотивация, обучение, учебник.*

Anotation :*In this article actual problems and their solutions of teaching and learning the foreign languagesare given.*

Key words:*personnel, competitive personnel, foreign language, motivation, education, manual.*

So’nggi yillarda dunyo mamlakatlari orasida O’zbekiston Respublikasi ham jahon hamjamiyatiga munosib tarzda qo’shilayotgan mamlakatlar sifatida e’tirof etilmoqda. Respublikamiz oldida iqtisodiyotning barqarorlashuvini, globallashuvini hamda mamlakatimizning jahon hamjamiyatiga integratsiyalashuvini ta’minlash kabi masalalari qo’yilgan bugungi kunda jahon andozalariga mos keladigan kadrlarni tayyorlash muammosi asosiy masalalardan hisoblanadi. Chunki globallashuv natijasida mehnat migratsiyasiga bo’lgan talab oshmoqda.

Hozirgi kunda kadrlarga qo’yiladigan asosiy talablardan biri bu xorijiy tillarni mukammal bilishdir. Bunday talabning mavjudligi kadrlar tayyorlash va o’qitish jarayonida yangi bosqichni boshlab berdi deyish mumkin.

Respublikamizda 1997-yilda “Ta’lim to’g’risi”dagi qonun va “Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi”ning qabul qilinishi mamlakatimizda ta’lim-tarbiya sohasida yangicha yo’nalishlarni ochib berdi.O’rta umumta’lim va nofilologik oliy o’quv yurtlari bo’yicha umumta’lim fanlari, jumladan xorijiy tillar nemis, fransuz, ingliz tillariga oid davlat ta’lim standartlari va o’quv dasturlarini yaratilishi mazkur ta’limni tashkil etishdagi ijobiy ishlardan biri bo’ldi. Buning natijasi sifatida mustaqillik yillarida 51,7 ming nafardan ziyod chet tillari o’qituvchilarining tayyorlanganligi, umumta’lim maktablarining 5-9 sinflari uchun ingliz, nemis va fransuz tillari bo’yicha multimedia darsliklari, boshlang’ich sinflarda ingliz tilini o’rganish bo’yicha elektron resurslar tayyorlanganligi, umumta’lim maktablari, kasb-hunar kollejlari vaakademik litseylarda 5 mingdan ko’proq lingafon kabinetlarning jihozlanganligi kabi misollarni keltirishimiz mumkin.

2012-yilning dekabr oyiga kelib esa “Chet tillarini o’rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi Prezident Qarori qabul qilindi. Unga ko’ra chet tillarini o’rgatish jarayoni respublikamizning barcha hududlarida umumta’lim maktablarining birinchi sinflaridan o’yin tarzidagi darslar va og’zaki nutq shaklidagi, ikkinchi sinfdan esa alifbo, o’qish va gramatikani bosqichma-bosqich o’rgatish masalalarining qo’yilishi kabilar aytib o’tilgan.

Yuqoridagi misollar respublikamizda zamonaviy jahon andozalariga mos kadrlarni tayyorlash masalasiga e’tiborning qanchalik darajada ekanligiga yaqqol dalildir.

Lekin shuni aytish kerakki, bu sohada hali o’z yechimini topmagan muammolar ham yo’qemas.

O’qitish jarayonida aytish mumkinki quyidagi kamchilik va muammolar mavjud:

- Oliy o’quv yurtlarini muayyan ixtisosliklarga yo’naltirilganligi sababli ular uchun alohida-alohida ingliz tili darsliklari yoki o’qish kitoblari(Readers)ni yaratilmaganligivadarslarning kasbiy yo’naltirilgan holda olib borilishgabo’lgane’tiborningkamligi;
- O’qituvchilarning ko’pchiligi o’qish malakalarini shakllantirishda zamonaviy usullarni qo’llamasligi;
- Metodik adabiyotlarda ham bu borada aniq yo’l-yo’riqlar ishlab chiqilmaganligi;
- vaboshqalar.

Aytish mumkinki, oliy talim sohasida xorijiy tillarni o’qitish jarayonida ixtisoslashgan va bugungi zamon ehtiyojlarlariga mos bo’lgan darsliklarning mavjudligi bugungi talablarini qondira olmaydi. Muammoning yechimi sifatida ixtisoslashganxorijiy adabiyotlar asosida milliy darsliklarimizni yaratish zarur. Darsliklarni yaratishda maktab va oliy o’quv yurti orasidagi izchillikka rioya qilish, oliy o’quv yurti ingliz tili ta’limining amaliy maqsadiga binoan o’qib axborot olish uchun ijtimoiy-maishiy, badiiy, siyosiy, o’quv-ta’limiy mavzudagi matnlardan tashqari kasbiy yo’nalishdagi sohaviy matnlarni ko’proq berish maqsadga muvofiqdir.

O’qituvchilarda o’qitish malakalarini shakllantirish uchun ma’lum bir muddatlarda tajriba ega bo’lgan o’qituvchilar bilan malaka darslarini o’tib turilishini, o’qituvchilarda tajriba almashinish jarayonini to’g’ri tashkillashtirish zarur deb o’ylaymiz.

Ta’lim faqat o’qituvchi tomonidan boshqariladigan jarayon emas, u o’quvchilar faoliyati bilan ham chambarchas bog’liqdir. Samarali ta’lim jarayonida o’qituvchi bilan bir qatorda o’quvchiga ham o’ziga xos talablar qo’yadi. O’z faoliyatini boshqarishga erishishi uchun o’quvchi ingliz tilidan sistemali bilimlarga ega bo’lishi, til hodisalarini kuzatish, taqqoslash, umumlashtirish kabi aqliy faoliyat usullari bilan qurollangan bo’lishi lozim.Shu sababdan ham ingliz tilini o’rganish jarayonidagi mavjud kamchiliklarni yo’qotish dars samaraligini oshirishda muhimligi jihatdan yuqoridagi kamchiliklarning yechimidan kam bo’lmagan, o’z yechimini topishi kerak bo’lgan muammo sifatida xorijiy tillarni o’rganish jarayonidagi kamchiliklar quyidagilardir:

- O’quvchi va talabalarda motivatsiya (harakatlantiruvchi kuch) ning to’g’ri shakllantirilmaganligi;
- O’quvchilarning xorijiy tillarda o’zlari mustaqil o’qib axborot olish qobilyatiga ega emasliklari;
- Oliy o’quv yurtlarida talabalarning har xil asos bilimga ega ekanliklari tufayli dars jarayoniga to’g’ri yondasha ololmasliklari;
- vaboshqalar.

Yuqorida aytib o’tganimizdek talabalarda chet tillarni o’rgatishda motivatsiyaning to’g’ri qo’yilganligi asosiy o’rinni egallaydi. Talabaning xorijiy tillarni o’rganishdan maqsadi bevosita uning bu fanga bo’lgan munosabatini belgilab beradi. Bu jarayon bo’yicha xorijiy mamlakatlar amaliyotida ham izlanishlar olib borilmoqda. Kambridj universiteti olimlari tomonidan xorijiy tillarni o’rganishda muvaffaqiyatga erishgan va muvaffaqiyatga erisholmayotgan talabalar o’rtasida o’tkazilgan so’rovlar natijasini ko’rib chiqadigan bo’lsak, motivatsiyaning to’g’ri qo’yilishi muhim ekanligini tushunishimiz mumkin:

1-jadval.

Talabalardamotivatsiyanito’g’ritashkillashtirish

Savol: xorijiy tillarni o’rganishdan maqsad	(imtihondan o’tish)	(xorijiy mamlakatlarda ishlash, o’qish)	(shaxsiy qiziqish, do’stla rortirish)
muvaffaqiyatga erishgan talabalar	9,09%	23,24%	54,54%
muvaffaqiyatga erisholmayotgan talabalar	42,42%	39,39%	6,06%

Jadval ma’lumotlaridan ko’rinib turibdiki, xorijiy tilni o’rgatish uchun talabalarda shaxsiy qiziqishni kuchaytirish kerak.

O’quvchilarning xorijiy tillarda o’zlari mustaqil o’qib axborot olish qobilyatini shakllantirish uchun o’qituvchilarga o’quvchini to’g’ri yo’naltirish vazifasi qo’yilishi lozim. Chunki hozirgi kunda internet tarmoqlarida nutqni rivojlantiruvchi, gramatikani o’rgatuvchi ko’plab qiziqarli va foydali ma’lumotlar toppish mumkin.Ingliz tili darslarida o’quvchining o’z nutqini nazorat qilishi, yo’l qo’ygan xatolarini aniqlashi, bartaraf etishi, mustaqil holda xulosalar chiqarishi, qisman izlanuvchanlik va ijodiy topshiriqlarni bajarishda ishtirok etishi ingliz tili o’rganishda yaxshi samaralar beradi.

Yuqorida sanab o’tilgan muammolardan biri sifatida oliy o’quv yurtlarida talabalarning har xil asos bilimga ega ekanliklari tufayli dars jarayoniga to’g’ri yondasha ololmasliklari muammosini sana bo’tdik. Bu muammoni hal qilish maqsadida talabalarning asos bilimlarini hisobga olgan holda ularni bilim darajasi bilan farqlanuvchi guruhlarga ajratish kerak deb o’ylaymiz.

Xulosa o’rinda aytishimiz mumkinki, bugungi kunda xorijiy tillarni bilish hozirgi kunda har bir shaxs uchun, u qaysi sohada ish yuritishidan qat’iy nazar, muhim hisoblanadi. Aynan iqtisodiyot sohasida xorijiy tillarni biluvchi kadrlar mamlakatning iqtisodiyotini jahon miqyosida o’z mavqeiga egabo’lishiga sabab bo’luvchi muhim omillardan hisoblanadi. Mamlakat miqyosida xorijiy mamlakatlarning investitsiyalarini jalb qilishda xorijiy tillarni biluvchi kadrlarning bo’lishi xorijiy investorlarning ishonchini oshiradi. Shu sababli xorijiy tillarni o’rgatish va o’rganish jarayonini samarali olib boorish va sohadagi mavjud kamchiliklarni bartaraf etish zarur.

VI ШЎЪБА. ИҚТИСОДИЁТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

IQTISODIYOTDAGI TARKIBIY O'ZGARISHLARNI AMALGA OSHIRISHDA ISHCHI KUCHINING O'RNI

Фазилова М.М, Самарқанд давлат чет тиллар институти

Annotatsiya: *ushbu maqolada mamlakatimizdagi iqtisodiy o'sish jarayonida ishchi kuchining tarkibiy o'zgarishlari, ishchi kuchini bandligini ta'minlash sohasida ilg'or yutuqlari o'rganildi. Bundan tashqari, bozor iqtisodiyoti sharoitida har bir iqtisodiyot tarmog'i mehnat bozori bilan uzviy bog'liqligi masalalari ko'rib chiqildi.*

Kalit so'zlar: *iqtisodiyot, bandlik, yalpi ishchi kuchi, tarkibiy o'zgarishlar, mehnat bozori, bozor munosabatlari.*

Аннотация: *в данной статье рассматриваются проблемы структурных изменений рабочей силы в процессе экономического развития нашего государства и достижения в сфере обеспечения занятости рабочей силы.*

Ключевые слова: *экономика, занятость, валовая рабочая сила, структурные изменения, рынок труда, рыночные отношения.*

Annotation: *Given article analyzes the problems of changes in labor force during the process of economic development in our country and the results achieved in securing employment of labor force.*

Key: *economy, employment, aggregate labor force, structural reforms, labor market, market relations*

Bozor munosabatlari shakllanayotgan zamonaviy rivojlanish bosqichida iqtisodiyotdagi tarkibiy o'zgarishlarni hisobga olgan holda viloyatimiz aholisini ish bilan bandligini ta'minlash muammosini hal etishdagi ilmiy izlanishlar jarayoni o'ziga xos ko'p bosqichli xususiyatga ega. Ushbu jarayonda tadqiqotchi olimlarimiz oldida turgan muhim vazifalardan biri ishchi kuchini bandligini ta'minlash sohasida ilg'or yutuqlarga erishilayotgan tarmoqlar bilan ushbu sohada oqsayotgan iqtisodiyot tarmoqlari orasidagi muvofiqlikni ta'minlagan holda barqaror bandlikning optimal darajasini tanlashdir. Hozirgi vaqtda viloyatimiz mehnat bozorida amalga oshirilayotgan islohotlar sharoitida aholining ish bilan bandligiii ta'minlash muammolarini hal etishda iqtisodiyotdagi yuz berayotgan tarkibiy o'zgarishlar jarayonidan oqilona foydalanish muhim ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyatga egadir. Iqtisodiyotdagi tarkibiy o'zgarishlar sharoitida tarmoqlardagi bandlik darajasining o'zgarishi bu har bir tarmoqning xususiyati va iqtisodiyotdagi tutgan o'miga bog'liqdir. Bozor iqtisodiyoti sharoitida har bir iqtisodiyot tarmog'i mehnat bozori bilan uzviy bog'liqlikka ega. Sababi mehnat bozori iqtisodiyot tarmoqlaridagi muvofiqlikni ta'minlaydi. Har bir iqtisodiyot tarmog'i umumiy mehnat bozori bilan aloqadagi o'zining ichki mehnat bozoriga ega. Boshqa tarmoqlardagi mehnat bozorlariga murojaat qilishdan oldin ish kuchi avvalambor o'zining tarmog'idagi mehnat bozorida band bo'lishga harakat qiladi.

Joriy yil boshidan buyon 2016-2020 yillarda xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirish dasturi doirasida 9 mingta yangi servis ob'ekti tashkil etilgani shu yilning to‘qqiz oyida ko‘rsatilgan xizmatlar hajmining 12,4 foiz va yalpi ichki mahsulot tarkibida xizmatlar ulushini 2015 yilning shu davridagi 51,2 foizdan 51,7 foizgacha oshirish imkonini berdi.

2016 yilning to‘qqiz oyida O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining asosiy ko‘rsatkichlari (2015 yilning shu davriga nisbatan foiz hisobida) quyidagicha: Yalpi ichki mahsulot 107,8 sanoat 107,2 qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligi 106,4

Jami xizmatlar 112,4 Chakana savdo aylanmasi 114,2, o‘zlashtirilgan investitsiyalar hajmi 109,4 foizni tashkil qiladi.

Shu yilning to‘qqiz oyida sanoat mahsulotlari ko‘payishining asosiy qismi qayta ishlash sanoati tarmoqlari tomonidan ta’minlandi. Sanoat mahsulotlaridagi ularning ulushi 2015 yilning shu davridagi 78,2 foizdan 79,7 foizga oshdi.

Xomashyo resurslarini chuqur qayta ishlash asosida tovar ishlab chiqaradigan tarmoqlarda sanoat mahsulotlarining yuqori o‘sish sur’atlariga erishildi. Xususan, to‘qimachilik buyumlari, kiyim va charm mahsulotlari ishlab chiqarish 114,8 foiz, oziq-ovqat mahsulotlari 113,7 foiz, farmatsevtika mahsulot va preparatlari 123,7 foiz, kimyo mahsulotlari, rezina va plastmassa buyumlari 134,1 foiz, qurilish materiallari ishlab chiqarish 112,9 foizga oshdi[1].

Ishlab chiqarishni rag‘batlantirish va tayyor iste’mol tovarlari turini kengaytirish maqsadida iste’mol mahsulotlari ishlab chiqaruvchi korxonalarning texnologik uskunalar xarid qilishi hamda aylanma kapitalini ko‘paytirishi uchun tijorat banklari 4,4 trillion so‘mlik kredit mablag‘lari ajratdi. Tayyor tikuvchilik-trikotaj mahsulotlarining 57 yangi turi va 141 modelini, 80 dan ziyod turdagi yangi dori preparatlari ishlab chiqarish o‘zlashtirildi.

2015-2019 yillarda tayyor mahsulotlar, butlovchi qismlar va materiallar ishlab chiqarishni mahalliylashtirish dasturiga kiritilgan korxonalar tomonidan sanoat mahsulotlarining 50 dan ortiq yangi turi, jumladan, neft-gaz-kimyo uskunalari, konveyer uskunalarining ehtiyot qismlari, avtomobillar spidometri, elektr pechlar, suv to‘playdigan elektr isitgichlar, sport trenajyorlari, bolalar velosipedi va samokatlari hamda boshqa tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish o‘zlashtirildi.

2016 yilning to‘qqiz oyida Mahalliylashtirish dasturi doirasida qiymati 4091,7 milliard so‘mlik mahalliylashtirilgan mahsulotlar ishlab chiqarildi va o‘sish 2015 yilning shu davriga nisbatan 1,5 barobarni, import o‘rnini bosish samaradorligi 1,3 milliard dollarni tashkil qildi.

Moliya-bank tizimi barqarorligini ta’minlashga doir kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish jarayonida shu yilning to‘qqiz oyida banklar umumiy kapitali 22,8 foiz, ularning aktivlari 25,5 foiz, banklardagi depozitlar 27,5 foiz ko‘paydi. Natijada tijorat banklari mablag‘lari hisobidan iqtisodiyotga kredit ajratish hajmi 25,7 foiz o‘sdi. Bunda ajratilgan bank kreditlari umumiy hajmining qariyb 80 foizini investitsiya maqsadlari uchun uzoq muddatli kreditlar tashkil qildi.

Bundan tashqari, hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish hududiy dasturlari doirasida hisobot davrida qariyb 22 ming loyiha, jumladan, sanoat sohasida 3195 korxonada yangi quvvatlarni ishga tushirish, 162 korxonada yangi faoliyat turlarini yo‘lga qo‘yish, 264 korxonani modernizatsiya qilish va 653 korxonaning ishlab chiqarish quvvatini kengaytirishni o‘z ichiga olgan 4274 loyiha amalga oshirildi.

Ushbu loyihalarni amalga oshirishda joriy yil boshidan buyon 2,65 milliard dollarlik xorijiy investitsiya va kreditlar o‘zlashtirildi, o‘sish sur’ati o‘tgan yilning shu davriga nisbatan 11,2 foizni tashkil qildi. Bu mablag‘larning 1,8 milliard dollardan ortig‘i

to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalardir. Natijada o‘zlashtirilgan investitsiyalar umumiy hajmida xorijiy sarmoyalar ulushi 21,1 foizdan 22,3 foizga etdi[1].

Sanoatni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik yangilash loyihalari, shuningdek, 2015-2019 yillarda iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohada energiya sarfi hajmini qisqartirish, energiya tejaydigan texnologiyalarni joriy etish chora-tadbirlari dasturining hayotga samarali tatbiq etilishi natijasida yirik korxonalarda ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar tannarxini o‘rtacha 9,4 foiz kamaytirishga erishildi.

Mamlakatimizda etishtirilgan meva-sabzavot mahsulotlarini eksport qilish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar amalga oshirilgani, jumladan, “O‘zagroeksport” ixtisoslashtirilgan tashqi savdo kompaniyasi tashkil etilgani natijasida joriy yil to‘qqiz oyida 543 ming tonnadan ziyod yoki 2015 yilning shu davriga nisbatan 40,4 foiz ko‘p ho‘l meva va qayta ishlangan meva-sabzavot mahsulotlari eksport qilindi.

Qulay ishbilarmonlik muhitini shakllantirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash hamda yanada rag‘batlantirish borasida amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar shu yilning to‘qqiz oyida 23,6 mingdan ortiq yangi kichik biznes sub’ekti tashkil etish imkonini berdi. Natijada yalpi ichki mahsulotda kichik biznes ulushi 54,6 foiz (2015 yilning to‘qqiz oyida bu ko‘rsatkich 53,6 foiz bo‘lgan), sanoatda 43,8 foiz (38,7 foiz), investitsiyalarda 38,3 foiz (33,5 foiz), chakana savdo aylanmasida 89,9 foiz (87,3 foiz) va bandlikda 77,8 foiz (77,5 foiz) oshdi.

Birinchi navbatda iqtisodiyotdagi ishlab chiqarish va noishlab chiqarish sohalari infratuzilmasini har tomonlama rivojlantirishga e'tibor qaratish zarur. Bu borada ishlab chiqarish sohasida qilingan xarajatlami tez orada qoplash imkoni mavjudligi sababli, ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish uchun moliyaviy resurslami topish nisbatan osonroq hisoblanadi. Noishlab chiqarish sohasiga taalluqli bo’lgan katta loyihalami moliyalashtirishda esa xususiy sektor hali etarli darajada sarmoyaga ega bo’lmay, sohaning past rentabelliligi chet el investorlarining ham kiziqishini kamaytiradi. Shuning uchun dastlab bu sohani byudjet hisobidan moliyalashtirib, keyinchalik xususiy va chet el investitsiyalarini jalb qilinishi mumkin.

Mamlakat iqtisodiyotini yuksaltirish uchun odatda uning yirik shaharlarida joylashuvchi va rivojlanuvchi kichik va xususiy korxonalami tumanlarda ham keng rivojlanishiga katta ahamiyat qaratish lozim. Chunki, tumanlarda kichik va xususiy korxonalaming jadal rivojlanishi, birinchidan, tumanlaming iqtisodiyotini yuksaltirish orqali viloyat iqtisodiyotini rivojlantirishga va ikkinchidan, muhim ijtimoiy muammoning hal etilishi qishloq aholisini ish bilan ta'minlashga imkon yaratadi.

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Шарифов Ш.С. СамДУ КИХИ

Аннотация: *Ушбу мақолада иш билан бандликни таъминлашнинг институционал йўналишлари меъзон ва кўрсаткичлари ҳақида, уларни аниқлаш йўллари ва усуллари, шунингдек бандликни ошириш тушунчаси юзасидан муаллиф фикрлари баён этилган.*

Калит сўзлар: *Ишчи кучи, иш билан бандлик, иш билан бандлик меъзонлари, меҳнат бозори, бозор конъюктураси, бозор сегменти.*

Аннотация: *В данной статье изложены авторские мнения об иннституциональных направлениях обеспечения повышения занятности, их критерии и показатели, определение путей и методов.*

Ключевые слова: *рабочая сила, занятость, критерии занятости, рынок труда, конъюнктура рынка, сегмент рынка.*

Annotation: *The author's opinions on institutional directions of ensuring the improvement of employment, their criteria and indicators, the definition of ways and methods are presented in this abstract.*

Keywords: *labor force, employment, employment criteria, labor market, market conditions, market segment.*

Иқтисодий тизимлар ривожланишининг барқарорлиги иш билан бандликнинг белгиланган аниқ даражасига мувофиқ келишини назарда тутади. Иш билан бандлик даражаси ижтимоий фойдали меҳнат соҳасида меҳнатга лаёқатли аҳолидан фойдаланиш даражасини характерлайди. Бу кўрсаткичнинг кўтарилиши мамлакатда иқтисодий ҳолатлар мураккаблашувининг олдини олади. Шундай бўлсада, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги муносабатнинг ўзаро боғлиқлиги натижаси ўлароқ ишсизликни ёки ишчи кучи тақчиллигини юзага келтириши мумкин.

Янги иш ўринларининг яратилиши ҳисобига ишсизлар сони бир мунча қисқаради.

Табиийки, янгича муносабатлар шароитида иш билан бандлик хизмати фаолиятини баҳолаш учун янги усуллар, мезонлар мувофиқлигида янгича йўналишдаги стратегияни ишлаб чиқиш зарур.

Иш билан бандлик хизматининг меҳнат бозори сегментидаги жойлашувини жиддий равишда ўзгариши стратегик янгиланишга: иш берувчилар билан ишсизлар ўртасида устун даражада фаолият юритишнинг бевосита воситачилик ролидан билвосита воситачилик ролига ўтиш тезроқ ишсиз юрган фуқароларни иш билан таъминлаш ва бўш иш жойларини кадрлар билан тўлдиришга ҳаракат қилиш мақсадида, иккала мижознинг мустақил фаолият юритишларига олиб келади.

Иш билан бандлик хизмати ўзининг асосий мижозлари билан ишини шундай ташкил қиладики, бунда иш берувчи меҳнат бозорининг ҳолатига қараб ишчи кучи талабининг келажакдаги ўзгариши бўйича олдиндан ўз стратегиясини ишлаб чиқиши ва олдинроқ кадрлар тайёрлаш масаласини ҳал қилиши зарур; ишсизларда эса, касбий малакаларини ўсишига ички талабни ривожлантириш ва меҳнат бозоридаги рақобат курашига психологик жиҳатдан тайёр бўлишлари зарурлигини ифодалайди.

Биз иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун оптимал усуллардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Бу билан боғлиқликда биз олдимизга қуйидаги масалаларни қўямиз:

1. Иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун тадбиқ этилаётган усулларни тизимлаштириш;
2. Ҳудудий иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда кўрсаткичлар тизими ва усулларини таҳлил этиш;
3. Иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш бўйича татқиқотлар ўтказиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Меҳнат соҳасида иш билан бандлик хизмати ҳар қандай давлат ташкилоти сингари иерархияли (поғонали) тузилмаларга эга, шунинг учун унинг фаолиятини баҳолаш турли даражалардаги бошқарув органлари сифатида амалга оширилади: юқори даражада – республика миқёсида; ўрта даражада – ҳудуд (вилоят) миқёсида; қуйи даражада – жойлардаги меҳнат органлари (туман) миқёсида.

Кўпчилик МДҲ давлатларида яқин вақтларгача, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари томонидан ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятларининг самарали ёки самарасиз эканлиги қуйидаги иккита кўрсаткич билан баҳоланган: биринчиси – аҳолини иш билан таъминлаш жамғармасига йиғилган суғурта ажратмалари ва бу маблағларнинг ишсизларга нафақа тўловлари учун етарлилиги; иккинчиси- ишсизлик даражаси, меҳнат органлари рўйхатидан ўтган жами ишсизлар сонини жами иқтисодий фаол аҳолига нисбати. Бу кўрсаткичлар ва натижалар иш билан бандлик хизмати фаолиятини самарали ёки самарасиз эканлигини баҳолаш учун етарли ҳисобланган. Шунингдек, ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари ички фаолиятларида қуйидаги кўрсаткичлардан: ишсизлар сони; битта ишсизга тўғри келадиган бўш иш жойлари сони; ўз вақтида ва тўлиқ ишсизлик нафақаларининг тўлови, жами ишсизлардан ҳисобга олинганлар ҳиссаси ва ҳисобдан чиқарилганлар ҳиссаси; жами ишсизлар ичида нафақа олувчилар ҳиссаси ва бошқалардан фойдаланилган.

Республикамиз Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тавсиясига мувофиқ, ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятларининг самарадорлигини ҳисоблаш методикасини қараб чиқамиз.

Республикамиз Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳудудий иш билан бандлик хизмати органларининг фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда меҳнат бозори мониторингини мустаҳкамлаш мақсадида, ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш бўйича кўрсаткичлар тизимини кенгайтириш зарур. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги 106-сонли қарорига мувофиқ меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш методикасига асосанланган ҳолда амалга ошириш керак.

Бизнингча, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш уч қисмга бўлинади.

1) Иш изловчи фуқароларнинг иш билан бандлик хизматига талаб этилганлик даражасини баҳолаш.

2) Иш топиш мақсадида мурожаат қилган фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлиги.

3) Иш берувчилар билан ишлаш.

1. **Иш изловчи фуқароларнинг иш билан бандлик хизматига талаб этилганлик даражасини баҳолаш.**

1.1. Корхоналардан бўшатилган ходимларнинг иш билан бандлик хизматига талаб этилган даражаси, иш билан бандлик хизматига мурожаат қилганлар сонини иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати.

1.2. Иш билан бандлик хизмати кўмаги билан ишга жойлаштириш даражаси, муайян даврда жами корхона ва ташкилотларга қабул қилинганлар ичида иш билан бандлик хизмати ёрдами билан ишга жойлашганлар ҳиссаси.

2. Иш топиш мақсадида мурожаат қилган фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлиги.

2.1. Ишга жойлаштириш кўрсаткичлари ва харажатларини баҳолаш.

2.1.1. Иш билан бандлик хизмати кўмаги билан ишга жойлашганлар салмоғи, ҳисобот даврида жами ишга жойлашганларнинг иш излаш мақсадида ҳисобда турган жами фуқаролар сонига нисбати.

2.1.2. Ишга жойлаштириш коэффициенти, ҳисобот даврида жами ишга жойлашганларнинг, ҳисобот даврида жами ҳисобдан чиқарилганларга нисбати.

2.1.3. Ишсизларни ишга жойлаштириш коэффициенти, иш билан бандлик хизмати органлари томонидан ишга жойлаштирилган ишсизлар сонининг иш билан бандлик хизмати органлари рўйхатида турган жами ишсизлар сонига нисбати.

2.1.4. Узоқ муддатдаги ишсизликнинг самарадорлиги, узоқ муддатдаги ишсизлар сонини ҳисобот даврида рўйхатда турган жами ишсизлар сонига нисбати.

2.1.5. Иш билан бандлик хизмати органларига мурожаат қилган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича дастурий вазифанинг бажарилиши.

2.2. Моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг сифат кўрсаткичлари.

2.2.1. Ишсизларга нафақа тайинлаш муддатининг бажарилиши, муддатида ишсизлик бўйича нафақа тайинланмаганларнинг қонун бўйича жами ишсизлик нафақаси оладиганлар сонига нисбати.

2.2.2. Ишсизлик нафақаси тўланишининг кечиктирилиши, ўз вақтида нафақа олмайдиган ишсизлар сонини ҳисобот давридаги жами нафақа олувчиларга нисбати.

2.2.3. Ишсизлик бўйича нафақа тўловларини тайинланиш сифати, нафақаларнинг тайинланиши бўйича шикоят қилганларни қондирилиш миқдорини жами нафақа олувчилар сонига нисбати.

2.2.4. Ноқонуний йўллар билан олинган нафақаларнинг қайтарилиши ҳисобига, аҳолини иш билан таъминлаш жамғармасига қайтарилган маблағларнинг ҳиссаси, қайтарилган маблағлар суммасини иш билан таъминлаш жамғармаси жами харажатларига нисбати.

2.3. Махсус дастурлар реализациясига қилинган харажатлар, ҳисобот даврида аҳолини иш билан таъминлаш жамғармаси томонидан жами махсус дастурлар реализациясига қилинган харажатларни ишсизлар сонига нисбати.

2.4. Ходимларни ишининг самарадорлиги.

2.4.1. Ишга жойлаштириш бўйича ходимлар ишларининг самарадорлиги, муайян давр мобайнида ишга жойлашганлар сонини асосий ходимлар сонига нисбати.

2.4.2. Аҳолини қабул қилиш бўйича ходимларнинг иш билан таъминланганлиги, иш билан бандлик хизматига иш топиш мақсадида мурожаат қилган фуқаролар сонини асосий ходимлар сонига нисбати.

3. Иш берувчилар билан ишлаш.

3.1. Ишчи кучига талабнинг қондирилиши.

3.1.1. Иш билан бандлик хизматида мавжуд бўш иш ўринларини ифодалаш коэффициенти, иш билан бандлик хизмати органларининг ой охиридаги бўш иш ўринлари миқдорини статистика органларининг ой охиридаги бўш иш ўринларига нисбати.

3.1.2. Иш берувчилар томонидан иш билан бандлик хизматига талаб берилганлик кўрсаткичи, иш берувчиларнинг иш билан бандлик хизматига берилган талабини ҳисобот даври охирига статистика органларига берилган бўш иш ўринлари миқдори ва ҳисобот даврида корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинганлар сонига нисбати.

3.1.3. Бўш иш жойлари билан ишлаш самарадорлиги, ҳисобот даврида иш билан бандлик хизмати органлари томонидан ишчи кучи билан тўлдирилган бўш иш жойларини ҳисобот давридаги жами бўш иш ўринларига нисбати.

3.2. Аҳолини иш билан таъминлаш Давлат жамғармасига суғурта ажратмаларининг келиб тушиш даражаси, ҳисобот даврида аҳолини иш билан таъминлаш Давлат жамғармасига келиб тушган маблағлар суммасини ҳудуддаги ҳақиқий иш ҳақи жамғармасидан ажратилган суғурта ажратмаларига нисбати.

Ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш бўйича юқорида келтирилган кўрсаткичлар иш билан бандлик хизмати органлари ривожланишининг турли босқичларида кенгайиб бормоқда ва мақсаддан келиб чиққан ҳолда ҳамда фаолият йўналишларидан боғлиқ равишда ўзгармоқда.

Иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятини баҳолашнинг турли йўналишлари бўйича юқорида келтирилган учта қисмдаги кўрсаткичларни бирлаштириш имкониятлари ва зарурати жиддий эътирозга олиб келмайди.

Бизнингча, ҳудудий иш билан бандлик хизмати фаолиятини ҳар томонлама баҳолашда ижтимоий-иқтисодий, демографик ва минтақавий хусусиятларни эътиборга олувчи, марказлашган тартибда янги кўрсаткичлар ҳисоби бўйича дастурий таъминотини ишлаб чиқиш зарур.

Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган барча кўрсаткичлар нафақат ишсизлик ҳолатини ҳар томонлама характерлайди, балки иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда асос ҳисобланади.

Биз ўйлаймизки, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш масаласи иш берувчилар ва ишсизлар ўртасида муросавий муносабатларни шакллантиришни назарда тутади. Муросага келишни бундай баҳолаш мезони иш берувчилар ва ишсизлар талабини қондириш имкониятлари ҳисобланади. Шундай экан, иш билан бандлик хизмати ишининг самарадорлигини баҳолаш учун иш берувчилар ва ишсизлар талабини қондирилиш даражасини аниқлаш зарур.

Биз меҳнат бозори коньюктураси нуқтаи назаридан қуйидаги кўрсаткичларни иш билан бандлик хизмати органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг амалдаги комплекс кўрсаткичлар тизимига қўшишни таклиф этамиз:

1. Меҳнат бозори сегментидаги талаб ва таклифнинг номувофиқлиги даражаси ($Д_н$).
2. Иш изловчи фуқароларни ишга жойлаштириш коэффициенти ($К_{иж}$)
3. Иш билан бандлик хизмати органларининг меҳнат бозорини қамраб олиш даражаси.
4. Мурожаат қилиш коэффициенти ($К_М$).
5. Иш жойларига талабнинг қаноатлантириш даражаси.
6. Ишчи таклифи бўйича иш жойларининг қаноатлантириш даражаси. Корхоналарда меҳнат шароитлари бўйича ишчиларни қаноатлантирадиган мавжуд иш жойлари ҳиссасининг ортиб бориши кадрлар қўнимсизлигини

қисқаришига,ишчи-ходимларнинг меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини ошишига ва умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги юксалишига шароит яратади.

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

Тошалиева С.Т. ТЕРду “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси

Мақолада иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида “тадбиркорлик муҳити” тушунчаси ва унинг моҳияти кўриб чиқилган, бу муҳитни ташкил қилиш омиллари ва таркибий қисмларини тизимлаш асосида унинг график тузилмаси кўрсатиб берилган.

В статье расматриваются понятия и сущность предпринимательской среды в условиях либерализации экономики, показано её графическое построение наоснове факторов организации и систематизации составных частей этой среды.

In the article there have been described the essence and concept of entrepreneurial environment in conditions of economic liberalization, shown its graphic structure on the basis of its organizational factors and systematization of the components of that environment.

Калитли сўзлар: *иқтисодий ривожланиш, кичик бизнес, тадбиркорлик, тадбиркорлик субъектлари, тадбиркорлик муҳити, иқтисодий омиллар.*

Миллий иқтисодиётнинг муҳим соҳасини ташкил этувчи кичик бизнес фаолия-тининг тўлақонли ривожланишида қулай тадбиркорлик муҳити аҳамиятли ўрин тутади. Кичик бизнес – тадбиркорлик фаолиятига асосланган, кичик шаклда амалга оширила-диган, бевосита бирорта монопол корхона таркибига кирмайдиган хўжалик юритувчи субъектдир. У ишлаб чиқаришнинг, бир томондан, энг кам миқдорда моддий, табиий ресурсларни жалб этган ҳамда инсон капиталидан иложи борича энг тўлиқ фойдалан-ган ҳолда моддий неъматлар яратадиган ўзига хос сектори бўлса, иккинчи томондан, аҳолининг ўз билими, малакаси, ташкилотчилик қобилияти, истеъдодини намоён қиладиган, ўзини-ўзи маблағ, турли моддий неъматлар билан таъминлайдиган соҳадир.

Иқтисодиётда товар ва хизматлар нарх-навосини барқарор ушлаб туришга, тадбиркорларни маҳсулот сифатини муттасил яхшилаб бориш ва янги технологияларни жорий қилишга ундайди. Кичик бизнеснинг улкан салоҳияти уни моддий, молиявий ва инсон ресурслари ва капитали қатори ишлаб чиқаришнинг асосий омилларидан бири сифатида ҳисоблаш имконини беради.

Тарих тадбиркорлик меҳнат тақсимоти рўй берган, капитал мавжуд бўлган, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси амал қилган барча жамиятларда ривожланганидан далолат беради. Р.Кантильон тадбиркорлик функциясини капиталист ёки бошқарувчи вазифасидан аниқ ажратган, тадбиркорнинг фаолияти мутлақ таваккалчилик билан боғлиқ, деб ҳисоблаган [1].

Кичик бизнес назариясини ривожлантиришга ҳаётининг муайян даврида тўқимачилик фабрикасига эга бўлиб, ишбилармонлик билан шуғулланган француз иқтисодчиси Жан-Батист Сэй муҳим ҳисса қўшган. У “Сиёсий иқтисод трактати” (1803 й.) ва “Сиёсий иқтисоднинг тўла курси” (1828 й.) асарларида ишлаб чиқариш ва тақсимот назариясини ривожлантириб, бунда асосий ролни тадбиркорликка берган. Олим тадбиркор (enterpreneur)нинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш

омиллари: ер, капитал ва инсон омилини мувофиқлаштириш, деб ҳисоблаган. “Тадбиркор, – деб кўрсатган эди у, - ўз ҳисобидан таваккал қилиб, ўз фойдасига қандайдир маҳсулот ишлаб чиқаришга киришган шахсдир”. Бунда инсон омили фақат меҳнат фаолиятини эмас, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган билимларни ҳам қамраб олиши алоҳида таъкидланган. Ж. Сэй талқинида тадбиркорлик хусусиятлари ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларига ўхшашдир[2].

Тадбиркор – иқтисодий фаолият ва бозор муносабатларининг бош субъектидир. У иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга ошириладиган кўп қиррали фаолият ҳисобланади. Австралиялик иқтисодчи Й. Шумпетер тадбиркорликни иқтисодий омил сифатида аҳамияти бўйича ер, капитал ва меҳнат билан бир қаторга қўйган, Унинг хулосасига кўра, “Корхона (Unternehming) деганда, янги комбинацияларни амалга оширишни, шунингдек, бу комбинациялар амалга ошириладиган нарсаларни: заводлар ва ҳоказоларни тушунамиз. Тадбиркорлар (Unternehmer) деб эса, функцияси ҳудди шу комбинацияларни амалга ошириш бўлган ва унинг фаол унсури сифатида намоён бўладиган хўжалик субъектларини атаймиз”[3].

Яъни олимнинг фикрича, тадбиркорлик фақат ижтимоий-иқтисодий воқелик бўлмасдан, айни пайтда психологик хусусиятга ҳам эгадир. Шу билан бирга у иқтисодий омиллар аҳамиятини ҳам инкор этмаган, хусусий мулк ва фойда тадбиркорликнинг жуда муҳим рағбатлари эканлигини таъкидлаган.

1974 йилги Нобель мукофотининг лауреати, инглиз иқтисодчиси Ф. Хайек ҳам тадбиркорнинг хўжалик фаолиятини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида бошқалар томонидан пайқалмаган даромад топиш йўлини излашга, яъни янгиликка интилиш эканлигини кўрсатган[4].

Юқорида қайд қилинганлардан иқтисодий назария тадбиркорликка иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим омили, психологик хусусиятга ҳам эга бўлган ҳодиса сифатида қараши англашилади. “Тадбиркорлик” ва “тадбиркор” тушунчалари янгилик, ташкилотчилик истеъдоди, ишга ижодий муносабат, таваккал қилишга тайёрлик, ташаббускорлик, масъулият каби хусусиятларни қамраб олади.

Бизнингча,ички хусусиятларини акс эттирувчи белги ва элементларини инобатга олиб, мазмун-моҳиятини қисқа ва тушунарли тарзда англаш учун тадбиркорлик муҳитини қуйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқ: тадбиркорлик муҳити – бу, тадбиркорлик фаолиятини қонуний тарзда амалга оширишни ҳоҳловчи ишбилармон шахсларга бирон бир фаолиятни бошлаш, уни амалга ошириш ёки юритиш, ривожлантириш, фаолият доираларини кенгайтириш, жаҳон бозорларига чиқиш ва шу каби қатор шарт-шароитлардан иборат объектив ва субъектив омиллар мажмуасидир. Тадбиркорлик муҳити жуда турли ва кенг қамровли омиллардан ташкил топган бўлиб, у ташқи, яъни тадбиркорлик субеъктларига боғлиқ бўлмаган ва ички, яъни тадбиркорлик субеъктларига бевосита боғлиқ бўлган муҳитларга бўлинади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шарт-шароитлари фаолият турига қараб турлича бўлиши, масалан, савдо ва хизмат кўрсатишда ёки ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини юритиш бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Бу хусусиятдан келиб чиқиб, тадбиркорлик муҳитини маълум бир соҳага таъсир кўрсатувчи бир қанча соҳалар,

тармоқлар ва ихтисосликлардаги умумий шарт-шароитлар ва омиллар мажмуасидир, дейиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда узоқ вақт давомида кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнига етарлича баҳо берилмасдан келди. Кичик корхоналар йирик ишлаб чиқаришнинг бошланғич даври, улар фаолияти узоқ давом этмайдиган ўткинчи хусусиятга эга, деб ҳисобланди.

Техника ва технологиядаги катта ўзгаришлар хўжалик юритувчи кичик субъектлар фаолияти самарадорлигининг ортишига олиб келди. Асосан кичик корхоналар ҳисобига шаклланаётган хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланиши ушбу тоифа корхоналари рақобатбардошлигини кучайтирди. Бу даврда монополиялар шакл ва таркибларидаги жиддий муаммолар расмий жиҳатдан мустақил бўлган кичик бизнес субъектларининг илмий-техникавий ва тадбиркорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Ишлаб чиқаришда ихтисослашишнинг кучайиши иқтисодиёт соҳалари мажмуаларига хизмат кўрсатадиган кичик корхоналар тармоғи кескин кенгайишига олиб келди.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, йирик корхоналар чиқимлари ортиб кетаётганлиги, уларда инновацияларга мойиллик сустлиги, шу билан бирга бундай ишлаб чиқаришларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири жиддий тус олаётганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга тадқиқотчилар кичик бизнеснинг биргина янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадларини кўпайтиришдагина эмас, балки иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартиришдаги муҳим ролини ҳам асослаб бердилар.

Ривожланган давлатлар, биринчи навбатда АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония кичик корхоналарнинг юксак самарадорлигини тез англаб етди. Улар бозор конъюнктурасига жуда мослашувчанлиги сабабли, айниқса, молиявий-иқтисодий инқироз шароитларида ҳам фаолиятини муваффақиятли давом эттириб, миллий иқтисодиёт аҳволининг жуда сезгир индикаторига айланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик меҳнат сиғими кўп талаб этиладиган, ижтимоий меҳнатни ташкил қилишнинг улкан соҳаси бўлганлиги билан ҳам жуда аҳамиятлидир. Жумладан:

● кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кам капитал сиғимига эга янги иш ўринларини тез ташкил этишга қодир. Яъни кичик корхоналарда ҳар бир иш ўрнига капитал сарфи йирик корхоналардагига нисбатан анча кам бўлади;

● иқтисодий фаол аҳоли учун кичик бизнес тузилмаларида меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақбулроқдир. Бу уларга ташаббус кўрсатиш ва ижодий ғояларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратади;

● бевосита кичик корхоналарда иш билан бандликнинг мослашувчан: тўлиқсиз бўлмаган иш куни ёки ҳафтаси, ўриндошлик, сирпанувчан иш графиги шаклларини қўллаш мумкин.

Кичик бизнес субъектлари самарали фаолият олиб бориши кўпгина омилларга боғлиқ ва уларнинг оқилона бошқарилиши, айниқса, муҳим. Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг хусусияти шундан иборатки, унда ўз бизнесини муваффақиятли амалга оширишга ҳаракат қиладиган тадбиркор бир йўла ҳам менежер, ҳам ҳуқуқшунос, ҳам иқтисодчи, ҳам маркетингчи, ҳам психолог бўлиши талаб этилади. Тўғри, у бу ихтисосликлардан ҳар бирининг юқори малакали мутахассиси бўлиш қийин, лекин ушбу соҳаларда муайян билимларга эга бўлиши шарт. Чунки

бундай билимларга эга бўлмасдан кичик бизнес субъектларини ташкил этиш ва уларни тўғри бошқариб бориш осон эмас.

Кичик бизнесдаги бошқарув жараёнлари йирик фирма ва компаниялардаги каби, фақат мазкур субъектлар ходимлари сони, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўламлари билан фарқ қилади. Бошқарув жараёни – раҳбар томонидан амалга ошириладиган, бошқариладиган объектни шакллантирадиган ва фаолиятига ўзгартиришлар киритишга қаратилган, меҳнат жамоаси фаолияти мақсадини белгилаб берадиган ҳамда ушбу мақсадга эришиш учун ходимлар меҳнатини ташкил этадиган, вазиятни таҳлил ва назорат қиладиган тизимли ва изчил саъй-ҳаракатлар жамланмасидир.

Бошқарув жараёни даврийлик хусусиятига эга: у эҳтиёжни аниқлаш ва мақсадни белгилашдан бошланиб, мақсадга эришиш ёки ундан воз кечиш билан ниҳоясига етади. Шунинг учун, одатда, бошқарув жараёнида тўрт босқич фарқланади: режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик ва назорат.

Кичик бизнес субъектларини бошқариш уларнинг ташкилий тузилмаси, ишлаб чиқариш кўлами ва хусусиятидан қатьи назар қуйидаги умумий хусусиятларга эга:

1. Фаолиятнинг кенг қамровлиги ва меҳнатни ташкил этишнинг эгилувчан шаклларидан фойдаланиш. Бундай хўжалик юритувчи субъектлар ходимларига ўз вазифаларига кирмайдиган ишларни ҳам бажаришга тўғри келади. Шунинг учун уларда тор ихтисосли мутахассислар билан бирга турли вазифаларни бажаришга қодир бўлган ходимлар ҳам юқори баҳоланади.

2. Кўп бўғинли ташкилий тузилманинг мавжуд эмаслиги. Микрофирмалар ва кичик корхоналарда ходимлар билан ишлашга доир батафсил йўриқномалар кўпинча мавжуд эмас. Бунинг ўрнига норасмий кўрсатмалар тизими амал этади. Бу, раҳбарнинг ҳар бир ходим билан бевосита қалин муносабатда бўлишини тақозо этади.

Уларни ҳисобга олган ҳолда кичик бизнес субъектининг стратегияси билан бошқарув стратегияси чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Бунда микрофирма ва кичик корхоналарда ташкилий маданиятни муштарак мақсадлар, жамоавий қадриятлар, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ҳоказолар орқали муттасил ривожлантириб бориш талаб қилинади. Кичик бизнес субъектларидаги юксак ташкилий маданият – ишда муваф-фақиятга эришишнинг асосий гаровидир.

ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

С.И.Тўхтаев – КТБ-114 гуруҳ талабаси, СамИСИ
П.Ш. Усмонов – “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси ассистенти, СамИСИ

Аннотация*. Мақолада иқтисодий муносабатларни модернизация қилиш шароитида хорижий инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти, мавжуд вазият таҳлили ва уни такомиллаштириш йўллари ёритилган.*

Аннотация*. В статье освещены сущность и значение иностранных инвестиций, анализ сложившейся ситуации, и ее совершенствование в условиях модернизации экономических отношений.*

Abstract. *The article highlights the essence and significance of foreign investments, the analysis of the current situation, and its improvement in the context of modernizing economic relations.*

Калитли сўзлар: *инвестор, хорижий инвестиция, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, кичик бизнес.*

Ключевые слова: *Инвестор, иностранные инвестиции, прямые иностранные инвестиции, малый бизнес.*

Keywords: *Investment, foreign investment, foreign direct investment, small business.*

Иқтисодий муносабатларни модернизация қилиш шароитида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда инвестиция муҳити муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш объектларини ривожлантириш, янги фаолият турларини ўзлаштириш инвестиция фаолиятига эҳтиёж туғдирадиган сабаблардан биридир.

Маълумки, ҳар қандай давлат ташқи дунёдан ажралган ҳолда, жаҳондаги илм-фан ва техника соҳасида эришган ютуқлардан, иқтисодий ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан самарали фойдаланмасдан ривожланиши мумкин эмас. Ушбу мақсад йўлида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда хорижий инвестицияларнинг иқтисодиёт тараққиётидаги ролини аниқ ва равшан англаб олиш, инвестиция талаб қилинадиган соҳаларга киритилиши заруратини юзага келтиради.

Хорижий инвестициялар чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлақ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкий, молиявий, интеллектуал бойликларни билдиради.

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида: «чет эл инвесторлари асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари»[126], – деб еътироф этилган. Ушбу фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, хорижий инвестициялар бир мамлакат иқтисодиётидан мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётига кўчувчи капитал бўлиб, у рисклар доираси кенглиги билан ички инвестициялардан фарқланади.

Мамлакатимизда яратилган қулай инвестицион муҳит хорижий инвестициялар ҳажмининг йилдан йилга ўсиб боришига етакчи омил бўлмоқда. Чунки республикамизда инвестиция фаолиятини юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган бўлиб, уни давлат томонидан мувофиқлаштириш учун ҳукуматимиз томонидан бир қанча қонун ва қоидалар қабул қилинган. Ушбу қонунлар инвестицион фаолиятнинг тартибга солиниши ва мувофиқлаштирилиши бўйича ҳуқуқий тизимнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида” ги янги таҳрирда, “Чет эллик инвесторлар

[126] Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни. //Халқ сўзи, 1999 йил 12 январ. №7. – б. 1.

ҳуқуқларнинг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” ги қонунлар қабул қилинган бўлиб, бу қонунларда инвестицион муносабатларга тааллуқли барча жараёнларга ва тушунчаларга аниқликлар киритилган. Инвестиция фаолиятининг субъектлари ва объектлари, инвестицион фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниш масалалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, мол-мулк кафолатлари ва имтиёзлари кабилар аниқ белгилаб берилган.

Мустақиллик йилларидан эътиборан, Ўзбекистонга хорижий инвестицияларнинг кириб келиши мулкчиликнинг турли шаклларини ташкил топишига кўмаклашмоқда. Бу инвестициялар туфайли иқтисодиётда олиб борилаётган ислоҳотларга замин яратилиб, нуфузли тармоқларни барпо етилиши таъминланмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани еътиборга созовордир. Энг муҳими хорижий инвестицияларнинг 75 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди. Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар миллий иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ички жамғармалар даражасидан кўпроқ миқдорда капитал жамғариш, тўлов балансини қўллаб-қуватлаш ва импорт қилиш имкониятини кенгайтириш орқали иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар алоҳида корхоналарнинг фаолиятини ишлаб чиқариш ва капитал самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва менежмент тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади.

Қуйидаги жадвалда 2007-2016 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг салмоғи келтириб ўтилган.

Жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг динамикаси[127] (фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	**йиллар**				
	2012	**2013**	**2014**	**2015**	**2016**
Хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар ҳажмидаги салмоғи	22	23,07	21,2	21,5	23,6
Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар ҳажмидаги салмоғи	17,3	16,6	16	15,1	14,8
Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жами хорижий инвестициялар ҳажмидаги салмоғи	79	72	75	73	75

Бироқ, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга. Хорижий инвестицияларнинг

[127] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2012-2016 йиллардаги маълумотлари

жами инвестициялар ҳажмидаги салмоғини пасайганлиги ички манбаларнинг кўпайганлиги билан характерланади.

Статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2015 йилда мамлакатимизга 15 млрд. 800 млн.лик АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу 2014 йилга нисбатан 9,5% кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 млрд. 300 млн.дан зиёди ёки 21%дан ортиғи хорижий инвестициялар ҳисобланиб, шунинг 73%и тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларни ташкил этган. Энди 2016 йил якунларига эътибор берадиган бўлсак, иқтисодиётга 16,6 млрд. АҚШ долларидан кўп инвестиция қилинди ёки 2015 йилга нисбатан 9,6% га кўпдир. Ушбу йилда Ўзбекистонга жалб етилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга кўпайган ва 3,7 млрд. доллардан ошган. Бу эса албатта ижобий ҳолат эканлигини кўрсатади[128]. 2017 йилда эса хорижий инвестициялар ҳажми 4,5 млрд. долларга етиши мумкин. Ўзбекистон 2017-йилда 199 та инвестицион лойиҳа бўйича 4,505 млрд. доллар миқдоридаги хорижий инвестицияларни ўзлаштиришни режалаштирмоқда. Бу Президентимиз Ш.М. Мирзиёев қарори билан тасдиқланган жорий йил учун инвестицион дастурда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, хорижий кредитлар ҳисобига ҳукумат кафолати остида 79 та лойиҳа бўйича 1,854 млрд. доллар, 120 та лойиҳа бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан – 2,65 млрд. доллар ўзлаштириш белгиланган.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакимизга инвестицияларни жалб қилиш борасида улкан режа ва мақсадлар белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари бу мақсадларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос, ташкилий тизим бўлиб хизмат қилади.

Хорижий инвестициялар биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим. Бу борада қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йилда биргина Самарқанд вилояти мисолида қарайдиган бўлсак, бунда саноатни ривожлантириш лойиҳалари асосида 902 млрд. сўм ҳудудий, 18 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар йўналтирилади ва бунинг натижасида 10 минг та иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган[129].

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш, экспортга ишлайдиган корхоналарни кўпайтириш ва уларнинг самарали фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини бош мақсад бўлмоғи лозим. Ҳозирги шароитда хорижий инвесторларни қизиқтирувчи соҳалар, объектлар ва жойларни аниқлаш ва улар тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган соҳаларга хорижий инвесторларни жалб этиш йўлларини излаб топишни талаб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда инвестицияларнинг, хусусан, хорижий

[128] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари

[129] 2016 йилнинг январ-декабр ойларида Самарқанд вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисида www.samarkand.uz сайти маълумотлари

инвестицияларнинг ўрни каттадир. Буни биргина иқтисодиётимиз нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, унинг йилдан йилга юқори суръатлар билан ўсиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас, албатта.

ЭКСПОРТ СТРОИТЕЛЬНЫХ УСЛУГ: ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ, ОСОБЕННОСТИ УЧЕТА

А. В. Маляренко Заместитель заведующего лабораторией экономических проблем в строительстве ОАО «НИИ Стройэкономика» (г.Минск), преподаватель Белорусского национального технического университета (г.Минск), магистр экономических наук.

Аннотация: *Рассматриваются условия и проблемы учета и оказания строительных услуг. На основе перспектив развития мирового строительного рынка обоснована высокая значимость экспорта строительных услуг. Приведен обзор проблем учета местных и международных объёмов строительных услуг.*

Аннотация: *Мақолада қурилиш хизматларини амалга ошириш ва ҳисобини юритишнинг шартлари ҳамда муаммолари ўз аксини топган. Халқаро қурилиш бозорининг ривожланиш истиқболлари асосида қурилиш хизматлари экспортининг муҳим аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, қурилиш хизматларининг халқаро ва маҳаллий ҳажмлари ҳисобини юритишда кузатиладиган муаммоларнинг таҳлили ҳам келтирилган.*

Abstract: *Conditions and problems of accounting and rendering of construction services are considered. Based on the prospects for the development of the global construction market the high importance of the export of construction services is justified. The review of problems of accounting for local and international volumes of construction services is given.*

Ключевые слова: *экспорт, интегрированные структуры, мировой строительный рынок, учет строительных услуг*

Калит сўзлар: *экспорт, бирлашган тузилмалар, халқаро қурилиш бозори, қурилиш хизматлари ҳисоби*

Keywords: *Export, integrated structures, the global construction market, accounting of construction services.*

Одна из главных тенденций развития мировой экономки, ее глобализации, заключается в формировании постиндустриального развития на основе увеличения доли сферы услуг. Расширяется не только объем, но и спектр предлагаемых услуг, растёт число занятых в этой сфере в национальных экономиках. В развитых стран сфера услуг занимает доминирующие место в структуре экономики, а в развивающихся темпы роста в отраслях сферы услуг имеют более высокие значения, чем в прочих отраслях, тем самым данная сфера становится ключевым драйвером постиндустриального развития.

Сфера услуг представляет собой широкую совокупность отраслей и подотраслей, объединяющих большое число видов деятельности. Значительную роль в этой сфере играют строительные услуги.

Строительство, в широком понимании сектора, является одним из крупнейших и наиболее перспективных секторов мировой экономики: в 2025 г. его доля в формировании глобального объема мирового производства, может достигнуть 13,5%. В стоимостном выражении объем мирового строительного рынка вырастет с 8 700 млрд. долл. США в 2012 г. до 15 000 млрд. долл. США к 2025г. (рисунок 1) Такая динамика соответствует тенденции глобализации мировой экономической системы, и основывается на ожидании роста строительной сферы на основе экспорта строительных услуг.



Рисунок 1 - Объем мирового строительного рынка до 2025 г., млрд. долл. США [1,2]

Наиболее динамичный рост (от 5 до 10% в год) в долгосрочной перспективе будет наблюдаться в развивающихся странах Юго-Восточной Азии (Индонезия, Вьетнам, Филиппины и др.) за счет реализации инфраструктурных проектов. Прогнозируется, что в 2025 г. на долю китайских строительных корпораций придется около 25% от всего объема строительных контрактов в мире. Индонезия, Вьетнам и Филиппины существенно выиграют от расширения межрегиональной торговли с КНР и прочими соседними экономиками, что вызовет необходимость инвестиций в строительство новых производственных мощностей.

Вторым регионом мира к 2025 г. по темпам роста объемов строительного рынка станут страны Африки южнее Сахары (Нигерия, Гана, Камерун, Судан. Численность населения в них по сравнению с сегодняшним днем увеличится на 40% и достигнет 1,2 млрд. человек. Тенденции урбанизации в данном регионе вызовут потребность в строительстве жилья, объектов городской инфраструктуры, медицинских и учебных заведений.

В странах Ближнего и Среднего Востока (ОАЭ, Саудовская Аравия, Кувейт) спрос на строительные услуги, по всей видимости, будет иметь относительно неустойчивый характер и во многом зависеть от колебаний конъюнктуры мирового нефтяного рынка и геополитической ситуации в регионе. Исключение составит Катар, которому предстоит возведение объектов спортивной инфраструктуры для проведения чемпионата FIFA в 2022 г.

Рост строительного рынка стран Латинской и Южной Америки (Эквадор, Перу и др.), как ожидается, будет медленнее (около 3–4% в год), чем в среднем в мире в долгосрочной перспективе.

Значение и роль строительства для экономик стран СНГ можно проследить по показателю доли, которую формирует эта отрасль в валовом внутреннем продукте. По данным Межгосударственного статистического комитета СНГ доля валовой добавленной стоимости в строительстве имеет тенденцию к росту (рисунок 2).



Рисунок 2 - Структура валовой добавленной стоимости по видам экономической деятельности всего по странам СНГ

(в текущих ценах; в % к итогу)

Роль и условия роста строительного сектора экономки в странах СНГ будет зависеть от общей экономической ситуации в регионе, но главным образом от ключевого и наиболее масштабного рынка – строительства в Российской Федерации. Кроме того, будет возрастать роль экспорта строительных услуг за пределы региона.

Международная торговля строительными услугами очень динамична. Объем выручки крупнейших международных строительных компаний в 2015г. составил более пятисот миллиардов долларов США [3]. Позиции большинства постсоветских стран в международной торговле строительными услугами в целом в настоящее время, в силу ряда объективных причин, относительно слабые и уступают позициям развивающихся стран. Вместе с тем, можно объективно предположить, что потенциал сферы услуг в данных странах, представляется существенным, что в полной мере относится и к торговле строительными услугами.

Важным элементом развития сферы строительных услуг является разработка вопросов совершенствования системы их учета в международной торговле, порядка их предоставления, а также формирования крупных интегрированных структур как элемента эволюции глобального строительного рынка.

Согласно Генеральному соглашению по тарифам и торговле торговля услугами определяется как предоставление услуги четырьмя различными способами поставок. Эти способы обычно обозначаются как способ 1 (трансграничное предоставление), способ 2 (потребление за границей), способ 3 (коммерческое присутствие) и способ 4 (присутствие физических лиц) – рисунок 3.



Рисунок 3 – Способы предоставления услуг согласно «Руководству по статистике международной торговли услугами» [4]

Зачастую экспорт строительных услуг может быть осуществлен способами 3 и 4. Однако, с развитием строительных технологий и все более широким спектром услуг в строительстве услуги могут оказываться всем перечнем способов. Такое разнообразие приводит как усложнению учета объем оказания услуг как непосредственно внутри страны, так и при оказании их на внешних рынках.

Развитие экспортного потенциала строительной отрасли – приоритетное направление экономической политики любой страны. Учитывая открытый характер национальных экономик, особенно постсоветских стран, влияние негативных тенденций мирового строительного рынка, существенное снижение финансирования строительной отрасли из государственного бюджета ставит перед подрядными и промышленными организациями сложную задачу поиска новых рыночных ниш для полной загрузки своих производственных мощностей. В этой связи особую значимость приобретает вопрос как наращивания экспорта, как строительных, инженерных и архитектурных услуг, так и укрепления позиций на тех зарубежных строительных рынках, где строители стран СНГ уже присутствуют.

SAMARQAND VILOYATIDA QORAMOLLAR BOSH SONININI EKSPONENTIAL SILLIQLASH USULIDAN FOYDALANIB PROGNOZLASH

Nurullaev U.U,Muratov Sh.A,Pardaev H. A. SamQXI assistentlar

Annotasiya. *2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning Harakat stetegiyasini amalga oshirishda prognoz ko'rsatkichlarni aniqlash muhim ahamiyatga ega. Ushbu maqolada Samarqand viloyatida qoramollar bosh sonining hozirgi holati tahlil etilgan va kvadratik trend madelidan foydalanilgan holda 2017-2021 yillardagi ularning bosh soni prognoz(bashorat)i ishlab chiqilgan.*

Annotation. *The determination of the forecast indicators plays an important role in implementation of Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 years. In this sense, we understand not only macroeconomic forecasting, but same microeconomic forecasting. With the help of these forecasts, organizational processes can be developed. Our research provides a statistical analysis of state and method of forecasting number of cattle in the Samarkand region in 2017-2021. Further, with the help of these indicators it is planned to develop a feeding base, economic organizational processes, optimal feeding ration, etc.*

Kirish. Bugungi erkin bozor iqtisodiyoti sharoitda aholining turmush darajasini yuksaltirish va oziq-ovqat xavsizligini ta'minlashda chorvachilik tarmog'ini samarali tashkil etish nihoyatda muhim masaladir. Shuning uchun ham sut va go'sht mahsulotlariga bo'lgan talabni qondirish chorvachilik tarmoqlarining maqsadga muvofiq samarali joylashtirilishi, Respublikada mehnat taqsimoti ijobiy hal etilishiga bevosita ta'sir etadi. Ma`lumki, erkin bozor sharoitida har qanday ishlab chiqarishning kelajagi, rivojlanish istiqboli birinchi navbatda ishlab chiqarish jarayoniga jalb qilingan resurslarning samaradorligi bilan bog'liq bo'ladi. Xo'jaliklarda mahsulot ishlab chiqarishni rivojlantirish deganda, birinchi navbatda, qoramollar bosh sonini oshirish orqali mahsulot ishlab chiqarish hajmini bozor talablariga moslashtirish uchun qoramollar zotini yaxshilash va ozuqasining tarkibini oshirish bilan birga sifatli xizmat ko'rsatish lozim.

Respublikamizda 2015 yilda qoramolchilikni rivojlantirish bo`yicha qabul qilingan dasturlarga asosan qoramolchilik yo`nalishida 2262 ta loyihalar ishga tushirildi va ularda 64 ming bosh qoramollarni parvarish qilish yo`lga qo'yildi hamda 8.2 mingta yangi ish o'rinlari yaratildi. Ushbu maqsadlar uchun jami 213 mlrd so`mlik bank kreditlari yo'naltirildi. Bugungi kunda chetdan 9 ming 850 bosh naslli qoramollar olib kelindi. Amalga oshirilgan chora-tadbirlar natijasida 2015 yil yakuni bilan qoramollar bosh soni 646 ming boshga ko'paydi. Islohatlar natijasida jami qoramollar bosh soni 11641 mln boshga yetdi, go'sht yetishtirish 2033,4 ming tonnaga, sut ishlab chiqarish 9027,8 ming tonnaga yetkazildi.

Ilmiy ishning maqsadi - Samarqand viloyatida eksponential silliqlash usulidan foydalanib qoramollar bosh sonining hozirgi holati va uning istiqbolda bosh sonini ilmiy asoslangan holda prognoz(bashorat)ini ishlab chiqish.

Material va metodlar. Ushbu maqoladagi materiallar Samarqand viloyatining yillik statistik to'plami ma'lumotlari asosida olindi. Bunda viloyatda 1991-2016 yillar davomida yirik shoxli qoramollar bosh soni (ming bosh) o'zgarishi tahlil etildi [3]. Ushbu yillarda olingan ma'lumotlarni "Eksponential silliqlash usuli"dan foydalanilgan holda

dinamik qatorning kvadratik formadagi trend tenglamasi ishlab chiqildi (mualliflar tomonidan MINITAB dasturiy paketida).

$y_t = 628{,}9 + 8{,}26t + 0{,}9566t^2$ (1)

Ushbu aniqlangan trend tenglamasi statistik ma'lumotlar dinamikasi trendi bilan solishtirish natijasida kvadratik model trendining ko'rinishi ishlab chiqildi (1-rasm).



1-rasm. Samarqand viloyatida 1991-2016 yillarda yirik shoxli qoramollarning kvadratik formadagi trendi.

Viloyatda 1991-2016 yillarda yirik shoxli qoramollar bosh sonining dinamik o'zgarishi 1999-2003 yillar oralig'ida haqiqiy va prognoz(bashorat) soni sezilarli darajada o'zgargan.

Quyidagi 1-jadvalda haqiqiy qiymatlarning (yirik shoxli qoramollar bosh soni, ming bosh) hisoblangan qiymatdan chetlanishlari keltirilgan.

1- jadval

Samarqand viloyatida mavjud qoramollar bosh sonining hisoblangan prognoz(bashorat) chetlanishi

T/r	**Yillar**	**Mavjud qora molar bosh soni, y_t**	**Qora mollar bosh sonining prognoz(bashorat)i, y_t**	**Qora mollarning haqiqiy sonidan hisoblangan sonining chetlanishi, $y_t - y_t$**
1	1991	610,1	638,12	-28,02
2	1992	642,8	649,25	-6,45
3	1993	663,5	662,29	1,21
4	1994	691,2	677,25	13,95
5	1995	708,2	694,12	14,09
6	1996	733,1	712,90	20,20
7	1997	771,2	733,59	37,61
8	1998	781,7	756,20	25,50
9	1999	782,1	780,72	1,38

10	2000	794	807,16	-13,16
11	2001	790,2	835,51	-45,31
12	2002	807,4	865,77	-58,37
13	2003	876,7	897,95	-21,25
14	2004	965,5	932,03	33,47
15	2005	976,8	968,04	8,76
16	2006	996,9	1005,95	-9,05
17	2007	1045,5	1045,78	-0,28
18	2008	1104,5	1087,52	16,98
19	2009	1118,2	1131,17	-12,97
20	2010	1191,3	1176,74	14,56
21	2011	1216,8	1224,22	-7,42
22	2012	1285	1273,61	11,39
23	2013	1331,9	1324,92	6,98
24	2014	1407,5	1378,14	29,36
25	2015	1425,2	1433,28	-8,08
26	2016	1465,8	1490,32	-24,52

Manba: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi yillik statistic to'plami. Toshkent 2016 yil

$y_t = a_0 + a_1 t + \frac{a_2 t^2}{2}$ kvadratik model uchun prognoz $y_{l+1} = a_0 + a_1 l + \frac{a_2 l^2}{2}$ ko'rinishda bo'ladi.

a_0, a_1, a_2baho parametrlar izlanayotgan parametrni mos eksponential o'rtachalar bilan bog'lovchi quyidagi tenglamalar sistemasidan topiladi:

$$S_t^1\ y\ = a_0 - \frac{1-б}{б} a_1 + \frac{1-б\ \ 2-б}{2б^2} a_2;$$

$$S_t^2\ y\ = a_0 - \frac{2\ 1-б}{б} a_1 + \frac{1-б\ \ 3-2б}{б^2} a_2;$$

$$S_t^3\ y\ = a_0 - \frac{3\ 1-б}{б} a_1 + \frac{3\ 1-б\ \ 4-3б}{2б^2} a_2.$$

Bunda, $0 < б < 1$ silliqlash parametri (б ning qiymati birga yaqin bo'lsa qatorning oxirgi hadlari, 0 ga yaqin bo'lsa barcha hadlari olinadi). Yuqoridagi tenglamalar sistemasidan quyidagilarni hosil qilamiz:

$$a_0 = 3\ S_t^1\ y\ - S_t^2\ y\ + S_t^3\ y\ ;$$

$$a_1 = \frac{б}{2\ 1-б\ ^2}[\ 6-5б\ S_t^1\ y\ - 2\ 5-4б\ S_t^2\ y\ +\ 4-3б\ S_t^3\ y\ ];$$

$$a_2 = \frac{б^2}{1-б\ ^2}\ S_t^1\ y\ - 2S_t^2\ y\ + S_t^3\ y\ .$$

Boshlang'ich shartlar quyidagi formulalar orqali topiladi:

$$S_{t-1}^1\ y\ = a_0 - \frac{1-б}{б} a_1 + \frac{1-б\ \ 2-б}{2б^2} a_2,$$

$$S_{t-1}^2\ y\ = a_0 - \frac{2\ 1-б}{б} a_1 + \frac{1-б\ \ 3-2б}{б^2} a_2, \qquad (2)$$

$$S_{t-1}^3\ y\ = a_0 - \frac{3\ 1-б}{б} a_1 + \frac{3\ 1-б\ \ 4-3б}{2б^2} a_2.$$

б = 0,5 deb olib (2) boshlang'ich shartlardan 1991 yil uchun $S_0^1\ y\ = 623{,}49, S_0^2\ y\ = 620{,}02, S_0^1\ y\ = 618{,}45$ qiymatlarni topamiz. So'ngra bular asosida 1992 yil uchun$S_1^1\ y\ , S_1^3\ y\ , S_1^3\ y$ qiymatlari orqali a_0, a_1, a_2koeffisiyentlarni aniqlaymiz. Bu jarayonni davom ettirib 2-jadvaldagi natijalar olindi.

2-jadval

T	*Yillar*	$S_t^1\ y$	$S_t^2\ y$	$S_t^3\ y$	a_0	a_1	a_2	y_t	$y_t - y$
1	1991	623,49	620,02	618,45	628,86	8,21	1,90	638,01	-27,91
2	1992	616,80	618,41	618,43	613,59	-5,60	-1,59	607,20	35,60
3	1993	629,80	624,10	621,26	638,35	12,84	2,86	652,62	10,88
4	1994	646,65	635,38	628,32	662,14	21,82	4,22	686,07	5,13
5	1995	668,92	652,15	640,24	690,56	28,92	4,86	721,91	-13,71
6	1996	688,56	670,36	655,30	709,91	26,07	3,15	737,56	-4,46
7	1997	710,83	690,59	672,94	733,66	26,71	2,59	761,66	9,54
8	1998	741,02	715,80	694,37	770,01	34,66	3,78	806,56	-24,86
9	1999	761,36	738,58	716,48	784,81	24,46	0,67	809,60	-27,50
10	2000	771,73	755,16	735,82	785,54	9,66	-2,76	793,82	0,18
11	2001	782,86	769,01	752,41	793,98	7,00	-2,74	799,61	-9,41
12	2002	786,53	777,77	765,09	791,38	-1,03	-3,92	788,38	19,02
13	2003	796,97	787,37	776,23	805,02	5,75	-1,54	810,00	66,70
14	2004	836,83	812,10	794,17	868,36	41,72	6,80	913,49	52,01
15	2005	901,17	856,63	825,40	959,00	77,78	13,30	1043,43	-66,63
16	2006	938,98	897,81	861,60	985,13	53,60	4,97	1041,21	-44,31
17	2007	967,94	932,88	897,24	1002,44	33,64	-0,57	1035,80	9,70
18	2008	1006,72	969,80	933,52	1044,29	38,53	0,64	1083,14	21,36
19	2009	1055,61	1012,70	973,11	1101,83	51,19	3,31	1154,68	-36,48
20	2010	1086,91	1049,80	1011,46	1122,76	33,99	-1,25	1156,12	35,18
21	2011	1139,10	1094,45	1052,96	1186,90	52,53	3,15	1241,01	-24,21
22	2012	1177,95	1136,20	1094,58	1219,83	42,06	0,13	1261,95	23,05
23	2013	1231,48	1183,84	1139,21	1282,12	55,15	3,01	1338,78	-6,88
24	2014	1281,69	1232,76	1185,99	1332,76	54,29	2,15	1388,13	19,37
25	2015	1344,59	1288,68	1237,33	1405,08	67,34	4,57	1474,70	-49,50
26	2016	1384,90	1336,79	1287,06	1431,39	44,06	-1,62	1474,64	-8,84

Natijalar. Yuqoridagi usulni 2017 yil uchun, olingan natija bo'yicha 2018 yil uchun va hokozo 2021 yil uchun Samarqand viloyatida yirik shoxli qoramollar bosh sonini prognoz qilishga qo'llab 3-jadvaldagi natijalar olindi.

3-jadval

Samarqand viloyatida yirik shoxli qoramollar bosh soninining (2017-2021 yillar) uchun prognozi.

Prognoz qilingan yillar	2017	2018	2019	2020	2021
Yirik shoxli qoramollar bosh sonini (ming bosh)	1503,01	1536,4	1567,06	1595	1620,22

Xulosa. Samarqand viloyatida 1991-2016-yillarda yirik shoxli qoramollarning bosh soni dinamikasi asosida ishlab chiqilgan pragnoz madeliga ko'ra 2017-2021 yillarda qoramollar bosh sonining o'sish tendensiyasi saqlanib qolmoqda. Bu ko'rsatkichlar viloyatda qoramolchilik sohasida mavjud imkoniyatlarni ratsiyanal tashkil etish orqali ishlab chiqarish uchun qulay bo'lgan sharoit, meyyordagi ozuqa bazasi, zooveterinariya xizmatlaridan samarali foydalanish, nasildor qoramollar sonini oshirish bo'yicha chora tadbirlarni ishlab chiqish orqali 2021 yilda qoramollar bosh sonini 1620.22 ming boshga yetishini ta'minlash mumkin bo'ladi.

YOSHLARNING ISH BILAN BANDLIGINI OSHIRISHDA MINTAQAVIY MEHNAT BOZORINI TAKOMILLASHTIRISH

F.Saydullayeva magistrant (SamISI)

Annotatsiya: *Mamlakatimizda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan tub islohotlar Samarqand viloyatida ham o'z samaralarini bermoqda. Ayniqsa, ish o'rinlarini tashkil etishda mintaqaviy yondashish va aholi bandligini ta'minlash orqali aholi turmush darajasining mutassil o'sib borishini ta'minlamoqda. Viloyatda ishsizlik muammolarini hal qilish,mehnat bozorida yoshlarni, bitiruvchilarni ish bilan ta'minlash, ish joylarining barqaror bo'lishligi asosiy vazifa qilib belgilangan.*

Kalit so'zlar. *Bandlik, mehnat bozori, oqilona ish bilan bandlik, ratsional ish bilan bandlik, mexanizm, ishchi kuchiga talab va taklif.*

Annotation. *Reforms carried out in our country related to the socio-economic development indicate their results in the Samarkand region. In particular, by a regional approach to establish new jobs and employment are increasing living standards over the economy. The main task is set to solve the problems of unemployment in the region, young graduates, job creation, and sustainable jobs in the regional labor market.*

Key words*: Employment, labor market, sustainable employment, rational employment, mechanism, demand and supply to labor force.*

Аннотация. *В социально-экономическом развитии страны Самаркандской области в их результаты и реформы. Должностным лицам занятости повышение уровня жизни под экономикой в частности, создание регионального подхода к рабочим местами. в регионе решат решения и проблемы для безработицы,*

молодые люди, выпускники на рынке труда, занятости, устойчивых рабочих мест установлено, что основной задачей.

Ключевые слова: *Занятость, рынок труда, устойчивая занятость, рациональная занятость, механизм, спрос и предложение рабочей силы.*

Bugungi kunda mehnat bozorini samarali shakllantirish har bir davlat ijtimoiy-iqtisodiy siyosatini amalga oshirishning eng muhim yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. U amaldagi qonunchilik doirasida muayyan tartib-qoidalarni ishlab chiqish hamda ishchi kuchiga taklif va unga talabni muvozanat holda ta'minlashdan iboratdir. Bu esa O'zbekistonda mamlakat aholi soni kun sayin o'sib borayotganligini hisobga olgan holda zamonaviy mehnat bozorini yanada kengaytirishni va shu asosda yangi ish o'rinlari ni mintaqa sharoitidan kelib chiqib yaratishni taqazo etadi.

Rossiyalik tadqiqotchi N.V.V yuxina mehnat bozorini tartibga solish, ish bilan bandlik darajasini oshirish uchun hozirgi sharoitlarda quyidagi mexanizmlardan foydalanish imkoniyatlari mavjudligiga e'tibor qaratadi:

– Ish beruvchilarni egiluvchan ish vaqti rejimida mehnat qilish ko'zda tutiladigan ish o'rinlarini yaratishga rag'batlantirish;

– Muvaqqat ijtimoiy ishlarni tashkil etish;

– O'rindoshlik asosida ishlashni muvofiqlashtirish;

– Fuqorolarning boshqa mintaqalarda ishlash uchun ko'chib borishlarini rag'batlantirish;

– Ish joylarini kvotalash mexanizmini takomillashtirish;

– Mehnatga haq to'lashning subsidiyalashning turli usullarini qo'llash[130].

Mehnat bozorini tartibga solish mexanizmlariga taaluqli ilmiy nazariya va xulosalarni mujassamlashtirgan holda, ularni o'zimizning sharoitda quyidagicha guruhlash mumkin:

1. Ijtimoiy-iqtisodiy.Bu mexanizmlar mehnat bozorida ishga yollanuvchilar,ish beruvchilar davlat manfaatlarini hamda ish kuchiga talab va taklifni, mehnatni tashkil etish va unga haq to'lashni muvofiqlashtirish maqsadlariga xizmat qiladi.

2. Tashkiliy-huquqiy. Bu mexanizmlar ish bilan bandlik munosabatlarini tartibga solish hamda mehnat bozori faoliyati amaldagi qonunchilikka muvofiq bo'lishini ta'minlashga xizmat qiladi.

3. Psixologik. Bu mexanizm mehnat bozorida ish bilan bandlik darajasini oshirish uchun mehnat motivatsiyasini kuchaytirishni ta'minlashga qaratilgan.

E'tibor beradigan bo'lsak ish bilan bandlikning norasmiyиш билан бандликнинг норасмий секторига нисбатан расмий секторда бандлар ҳиссасининг ортиб бориши меҳнат бозорида ижобий натижалардан бири ҳисобланади.

Иш билан бандлик соҳасида иқтисодиётнинг норасмий сектори в унинг айрим турларини иш ўринларининг муҳим манбаи сифатида тан олиш лозим. Шу муносабат билан ХМТ, ҳатто 169-махсус конвенциясини қабул қилди, унда расмий ва норасмий секторлар ўртасида қўшимча алоқалар ўрнатишга кўмаклашиш ва норасмий секторни миллий иқтисодиётга доимий равишда киритиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурлиги кўрсатилган

Mana shu mexanizmlarni hisobga olganda bugungi kunda yoshlar mehnat bozorini shakllantirishda yoshlar ish kuchiga talab va mehnat bozoridagi bo'sh ish o'rinlqari bilan

[130] Вьюхина Н.В. Безработица в России и механизм её оптимизации. Сборник материалов 1-ой Всероссийской научно-практической конференции. –Пенза.:, 2002. -С. 50.

bir qatorda kvotalangan ish o’rinlari hamda ijtimoiy ishlar dasturlari asosida tashkil etilgan ish o’rinlarini ham qamrab oladi.

Yoshlar ish kuchi taklifi esa mehnat bozoriga kasbiy tayyorgarlikka ega bo’lgan holda hamda kasbiy tayyorgarligi bo’lmasdan chiqayotganlardan iboratdir. Kasbiy tayyorgarlikka ega bo’lmaganlarni mehnat bozori talab etayotgan ixtisoslikka kasbiy ta’lim muassasalrida ham, mehnat organlari tomonidan tashkil etiladigan maxsus kurslarda ham o’qitish maqsadga muvofiqdir.

Shu jumladansamarqand viloyat mehnat organlari yoshlarning ish bilan bandligi muammolarini hal etishda quyidagi shakl va usullardan foydalanish zarur:

–Ta’lim muassasalarini bitiruvchilar uchun kafolatli ish o’rinlarini yaratish;

–Mintaqaviy mehnat bozorida mavjud ish o’rinlarini electron ma’lumot bazalarini yaratish;

–Ish o’rinlari yarmarkalarini tashkil etish;

–Mahalliy mehnat organlari va “Kamolot” yoshlar ijtimoiy harakati mintaqaviy tuzilmalari hamkorligida yoshlar tadbirkorligini qo’llab quvvatlash markazlari faoliyatini yo’lga qo’yish;

–Talaba yoshlar uchun mavsumiy ishlarni taklif etish;

–Mehnat bozorida kasb va ixtisosliklarga talabdan kelib chiqqan holda kasbga tayyorlash va qayta tayyorlashni yo’lga qo’yish.

So‘nggi yillarda o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi tizimida o‘quvchilarni kasbga yo‘naltirish va malakali kichik mutaxassis kadrlar tayyorlash borasida qator ijobiy ishlar amalga oshirildi. 2010-2014 yillarda Samarqand viloyati bo’yicha jami 468,4 mingta mingta *(2010 yilda - 92390 ta , 2011yilda – 93253 ta, 2012 yilda - 93843 ta , 2013 yilda – 94452 ta, 2014 yilda – 95011 ta)* ish o’rinlari yaratilgan bo’lib, 2014- yilga kelib 95 mingta ish o’rinlari yaratildi yoki 2010 yilga nisbatan yaratilgan ish o’rinlari soni 2.6 mingtaga oshdi. 2010-2014 yillar davomida jami 273025 nafar kollej bitiruvchilaridan 246307 nafarini bandligi ta’minlandi. 2010 yilda 38344 nafar kasb-hunar kollejlari bitiruvchilari bandligi ta’minlangan bo’lsa, 2014 yilga kelib 51811 nafarini yoki 2010 yilga nisbatan 13.4 mingdan ortiq bitiruvchilar ish bilan ta’minlandi.

1-jadval

Samarqand viloyat Yoshlar ish bilan ta'minlanish darajasi

T/r	Ko'rsatkichlar	2014 yil	2015-yil	2016-yil	2014-yilga nisabatan 2016 yilga o'zgarishi	
					miqdori, +/-	foizda, %
1	Samarqand viloyati bo'yicha jami yaratilgan ish o'rinlari	95011	94639	95522	511	100,5
2	Shundan yoshlar uchun yaratilgan ish o'rinlari	57007	53843	52752	-4255	92,5

Manba: Samarqand viloyat Mehnat bosh boshqarmasi.

1-jadval ma’lumotlaridan 2014-2016 yillar oralig’ida Samarqand viloyatida yaratilgan jami ish o’rinlari soni o’sganligini ammo yoshlar uchun yaratilgan ish o’rinlari soni 7.5 foizga kamayganligini ko’rsatmoqda.

Ammo Iqtisodiyotni yangilash sharoitida ish bilan bandlikning faqat miqdoriy emas, balki sifatli jihati ham mavjud, chunki ish bilan bandlik har bir shaxsga turlicha natija keltiradi. Shu jihatdan rasional, ya'ni oqilona ish bilan bandlik borki, bu ish joyidagi mehnat unumdorligining darajasi va shunga monand topilgan daromad bilan o'lchanadi. Mehnat unumdorligi davlat va aralash ukladda yuqori bo'lsa, jamoa ukladida u g'oyat pastligicha qolmoqda. Xususiy ukladda esa u g'oyat notekis bo'lib, buning asosiy sababi texnologiyalarning har xil bo'lishidir.

Alohida aytib o'tish joizki, mamlakatimizda istiqboli porloq soha va tarmoqlarda yangi ish o'rinlari yaratishga, barqaror ish joylariga ko'proq yoshlarni, birinchi galda bitiruvchilarni joylashtirishga alohida e'tibor berilayapti. Xususan, joriy yilda sanoat, ishlab chiqarish korxonalarida o'tgan yilga qaraganda qariyb 1,5 barobar ko'p ish o'rni yaratiladi. Mazkur ish joylarida mahalliy yoshlar, avvalo, kollej bitiruvchilari ishlashi ko'zda tutilmoqda. Buning uchun kadrlar tayyorlashda iqtisodiyot rivoji, mehnat bozori talablariga e'tiborni yanada kuchaytirish lozim bo'ladi.

XXI-АСРДА ИҚТИСОДИЙ-СИЁСИЙ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ, ОҚИБАТЛАРИ ВА ЕЧИМИ

Н. Иммомов
З.Эшпулатова Бҳ-313 гурух талабаси

Аннотация: *Мақолада бугунги кунда иқтисодий – сиёсий ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги глобаллашув жараёнида муаммо ва ечимлари ёритилган.*

Таянч иборалар: *глобаллашув, иқтисодий-сиёсий, хизмат кўрсатиш, технология, ижобий ва салбий оқибатлар.*

Аннотация: *В статье приведено на сегодняшний день экономическо-политической и сфера услуг, их преимущества и необходимость. В том числе выевленны проблем возникающие в результате указаны пути и их преодоления.*

Ключенқе слова: *глобализация, экономико-политическое, сфера услуг, технология, положительнқй и отрицательнқе результатқ.*

Annotation*: In the article today, economic-political and services their advantages and the need. Including identification of problems caused and the ways to overcome them.*

Key words*: globalization, economical- political, service, technology, positive and negative results.*

XXI- асрда кечаётган глобал интеграция жараёнлари, дуньёвий ғоявий-мавқуравий қиёфасини ўзгартириб, янгича таффакур услубини тақозо қилмоқда. Ҳозирги замон глобаллашув жараёнлари – жамитимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий , маънавий, маданий, комуникацион соҳаларни қамраб олиб , одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликни кучайган ҳолда, инсоният учун келтириб чиқараётган оқибатлар моҳиятини тезда тушуниб англаш осон кечмаяпти.

"Глобаллашув жараёнининг тобора тез ва чуқур кириб келаётганлигининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирилганда шуни объектив тан олиш керакки, - деган эдилар **Биринчи Президентимиз Ислом Каримов – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жахон миқиёсида бошқа минтақа ва худудлар билан шундай боғланиб бораяптики, бирор мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий**

натижаларга олиб келмаслигини табийки, буларнинг барчаси глобаллашув таъсирининг натижасидир.”[131]

Бугунги кунда глобаллашув ўзининг қамровли таъсир кучи, тобора оммавий тус олмоқда. Масалан, иқтисодий таъсир кучи орқали салбий оқибатларни келтирилишида қуйидагиларни қамраб олган:

1. “Баъзи мамлакатларнинг технологик ютуқлар соҳасида мутлоқ илгариликни кўлга киритганлиги асосида сайёрамиз заҳиралари ҳам, иқтисодий фаолият ҳам жаҳон миқиёсида транснационал корпорациялар томонидан бошқариш тизими шакилланаётган ва тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги
2. Иқтисодий тенгликка эришишни енглаштирмайди , балки қийнлаштиради. Бадавлат мамлакатлар аҳоли даромадлари пас ва ўрта даражали мамлакатлар аҳолисиникига нисбатдан илгарилаб ўсишига барқарор мойиллик сақланиб келмоқда
3. Иқтисодий жараёнлар тазиқига бардош бера олмай, узоқ вақт жахон силсиласининг қуйи квадратларидан чиқиб кетаолмаётган ва фуқаро низоларнинг фавфи остида қолмоқдадир
4. Иқтисодий ижтимоий нотекислик қашшоқ мамлакатларидан бадавлат мамлакатларга аҳоли кўчиш оқими туғдирмоқда. “Тафаккур оқиб кетиши” туфайли малакали кадрларни тайёрлаш бўйича харажатлар ривожланаётган мамлакатлар зиммасига тушмоқда, фойдани ривожланаётган мамлакатлар олмоқда
5. Замонавий мулоқот воситалари улкан молиявий бозорга айланган жаҳон молия бозори алоҳида касб этмоқда
6. Жиноий муомалага ҳар қандай мисли кўрилмаган даромад келтирувчи “мол”- қурол- яроқ, гиёҳванд моддалардан тортиб , инсон тана органларга жалб қилаётган транснационал жиноий, шу жумладан, мафия тузилмалари пайдо бўлиши билан боғлиқ глобал жараёнлар рўй бермоқда.”[132]

Ҳар қандай жамият ривожланиши натижасида аннавийликда замонавийликка ўтади. Бу иқтисодий муаммолар гирдобидан чиқиш жараёнини ҳам англатади. Модернизация айнан жамиятни замонавийликкаайлантиришнинг дастлабки босқичи ҳисобланади шу сабабли ҳам дунёда юз берган иқтисодий ўзгаришлар сиёсатини амалга оширмаган давлат йўқ.

Иқтисодиётимизни бугунги кунда глобаллашув жараёнларида мамлакатимизда ривожлантиришни кучайтиришнинг дастлабки босқични хизмат кўрсатиш соҳасига даҳилдор бўлган иқтисодий секторларга кирувчи барча соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш асосий мақсадимиз бўлиб ҳисобланади.

Шу боиз, мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2017-2021 йиллар даврига тузган дастурларида хизмат кўрсатиш соҳасига катта эътиборларини бериб ўтган эдилар.

“2017-2021 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Фармони тасдиқланди. Бу Фармонда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР

[131] Каримов И.А. “ Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли”.- Т.: Ўзбекистон, 2000.-Б.28.
[132] “МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР” ФАНИДАН ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА Тошкент 2014 4-слайд

СТРАТЕГИЯСИ ишлаб чиқилди.[133] Айнан шу харакатлар стратегияси учинчи стратегиясида “ Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари

-Макроиқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлашда ва иқтисодий ўсиш суръатларни сақлаб қолиш;

-Таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш , миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш;

-Қишлоқ хўжалиги модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш;

-Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболи ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом этиш;

-Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг комплекс ва мувозанатли ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш;

-Туризм соҳасини ривожлантиришга замин бўлиб келади.[134]

“Сиёсий институтларнинг глобаллашуви-бугун дунё турли қарашлар, ғоялар, нуқтаи назарларнинг тамомила янгича ривожланиш палласига кириб, бу унда яшовчи ҳалқларнинг турмуш тарзи, ғоя ва мавқураларига ҳам бирдек салбий катта таъсир кўрсатмоқда. Глобаллашув жараёнида бугунги кунда мамлкатимизда ёшлар тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз **Биринчи Президенти И.А.Каримов “ Келажак – ёшлар қулида”** деган шиори хозирги замон ёшларни дунёга чиқишига ва Ўзбекистонни дунёдаги мақомини янада юксак даражада кўтаришга имкон яратиб бермоқда.”[135]

Ёшларимизга бугунги берилаётган катта эътибор, катта марраларга эришига ёрдам бермоқда, лекин бугунги замон глобаллашув жараёнида ёшларга оммавий-маданий, яъни инсоннинг маънавий – аҳлоқий, психологик қиёфасига таъсир ўтказади. Ахборот-комуникацион технологиялари ривожланаётган бир пайтда инсониятга ақлни шоширадиган даражада кенг имкониятлар яратиб келмоқда, аммо бундай технологиялар салбий оқибатларга олиб келадиган, онгини заҳарлайдиган, турли бузғунчиликларни, ғаразли мақсадларни амалга оширишни ҳам қуллаб – қувватлайди.

Тилимизда “ахборот уруши”, “компьютер жиноятчилиги, “кипертерроризм”, “ахборот хуружи” каби сўзлар пайдо бўлмоқда.[136] Буни олдини олиш мақсадида глобаллашув ва модернизация жараёнида “Миллий ғоя мураккаб тизим сифатида ёшларнинг маънавий дунёсини шакиллантириш, юксалтириш, ватанимизнинг барча миллатларини ўз атрофида бирлаштириб олиб борилаётган бугунги кунда ислоҳотлари натижасида, мамлакатимизда глобалашув салбий куч оқибатлари ва жиноятчилик аҳлоқ захарланиш оқибатлари ўз таъсирини бошқа давлатларга нисбатан ўтказа олмаяпти.

---

[133] Strategy. Regulation.gov.uz

[134] Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

[135] www. Fikr.uz

[136] www. Fikr.uz

“Сиёсий дипломатик салоҳиятига таянган ҳолда, ўзга давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларни ўрнатади. 1992 йилдаёқ, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бунга шундай таъриф берган эди: “Жаҳонга , бутун дунёга олиб чиқадиган йўлимизни кенгайтирамиз. Тараққий этган мамлакатлар қаторига демократия, инсон ҳуқуқлари ва сармоя учун кафолат шароитини яратишимиз лозим” Дунёнинг ривожланган давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатни сиёсий жиҳатдан қайта қуриш, бозор мунособатларига асосланган иқтисодиётни ислоҳ қилиш , жамият ижтимоий муаммоларини хал қилиш, миллий маданиятнинг маънавий аҳлоқий томонидан бойиши масалалари халқаро ҳамкорликни мувафақиятли амалга оширишга чамбарчас боғликдир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримов ... ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларини белгилашда ... ҳаётий аҳамиятга эга бўлган миллий манфаатларимиз ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ёндошмоғимиз керак”, - дея таъкидлаган эдилар. Шунинг билан бирга, у киши ўз диққатини ташқи сиёсий фаолият масалаларига қаратар экан, таъкидлаган эдилар”... давлатимиз ташқи сиёсатнинг маъно - мазмуни ва мақсади битта у ҳам бўлса Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир. Биз миллий манфаатларимиз мос келадиган барча мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.”[137]

Бизнинг фикримизча, албатта, глобаллашув жараёнида, салбий оқибатларни ва таъсирини келтирувчи энг биринчи омиллардан бири бўлиб келган бугунги XXI-асрда ташқи сиёсий, маданий, манавий, иқтисодий-ижтимоий, ахборот - комуникатив таҳдидларни кишилик жамиятида бутунлай бартараф этиш қийн. Чунки замон шиддат билан ўзгармоқда, одаларнинг онги ривожланиш даражаси ўсиб бормоқда, шунинг учун глобаллашув жараёнларнинг оқибатларини таҳлил қилиб бориб омиллар таъсирини ўрганиб тез суръатларда салбий таъсир кўрсатадиган оқибатларга қарши дастурларни , тузиламларни ишлаб чиқиш зарур. Ёшлар тарбиясига эътиборни янада кучайтириб, инсонлар ўртасидаги меҳр оқибатни кучайтириш зарур деб ўйлаймиз. Иқтисодий глобаллашувда “ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” дастурини ўз олдимизга мақсад қилиб бошқа соҳалари билан биргаликда хизмат кўрсатиш соҳасининг сифатини янада оширишга ҳар биримиз ҳаракат қилишимиз лозим.

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯВИЙ АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИНИНГ ЎРНИ

Утелбаев А.У,Тошкент Д.А.У.асс.

Аннотация: *Мазкур мақолада фермер ва деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатувчи марказнинг вазифалари, марказнинг ташкилий-бошқарув тузилмаси, марказ ходимларининг вазифалари ва фаолияти ёритилган.*

В этой статье рассматриваются задачи сервисные центры, организационная и управленческая структура центра, функции и деятельность сотрудников центра.

[137] www. Fikr.uz

In this article are the tasks of the service centers, the organizational and management structure of the center, the functions and activities of the employees of the center.

Калит сўзлар: *Хизмат кўрсатувчи марказ, мол-мулки, хуқуқшунос вазифалари, марказ фаолияти.*

Ключевые слова: *сервисный центр, имущество, функции юриста и деятельность центра.*

Key words: *service center, property, legal functions and activities of the center.*

Аграр секторда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва чуқурлаштириш ўз навбатида хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари талаб, эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этишни тақозо этади. Қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш, кенгайтириш ва такомиллаштириш зарур.

Хизмат кўрсатувчи марказнинг вазифаси қишлоқ ҳўжалиги корхоналари шартномалар асосида фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш жараёнидаги моддий-техник ресурслар сарфи, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш, ишлаб чиқаришни режалаштириш (тармоқ корхоналари учун бизнес-режалар, қисқа ва узоқ муддатли режалар ишлаб чиқиш), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган дебитор ва кредитор қарздорликларни таҳлил қилиш, хўжалик юритиш субъектларига агротехник ва ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериши мумкин.

Хизмат кўрсатувчи марказ жойларда маъсулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади ва уларнинг таъсисчилари сони 50 кишидан ошмаслиги лозим. Ҳисоб-таҳлил Маркази таъсисчилари қуйидагилар бўлиши мумкин: фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар, хусусий тадбиркорлар ҳамдабошқа юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрий равишда бирлашишлари мумкин.

Хизмат кўрсатувчи марказ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда ҳудудий тарзда ташкил этилади.

Хизмат кўрсатувчи марказ ўз-ўзини молиялаштириш (хўжалик ҳисоби) тамойиллари асосида фаолият юритувчи тижорат ташкилоти ҳисобланади. Унинг молиявий маблағлари фермер хўжаликларига кўрсатилган хизмат ва турли молиявий ёрдамлар, грантлар ҳисобига шаклланади.

Фермерлар таъсисчилигида ташкил этилганда “Марказ”нинг мол-мулки шаклланишидаги ҳар бир таъсисчини улуши “Марказ”нинг таъсис хужжатларида акс эттирилади ва умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади. Ушбу улушлар ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар фақатгина умумий йиғилиш қарори асосида амалга оширилади. “Марказ” пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш учун банк муассасасида хисоб рақамлари очади.

“Марказ” мол-мулкнинг бутунлигини сақлаш, уни таъмирлаш бўйича қилинадиган харажатлар кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар хисобига қопланади. Марказнинг юқори бошқарув органи таъсисчилар умумий йиғилиши ҳисобланади. Умумий йиғилишлар орасидаги даврда Марказда раҳбарликни олиб бориш учун Марказ бошлиғи сайланади. Маркази бошлиғи иқтисодий, молиявий,

статистик ва бошқа фаолият турларига раҳбарлик қилади ва умумий йиғилиш олдида ҳисобот беради.Бу тузилма хизмат кўрсатиш гуруҳи ва бухгалтерлар, иқтисодчилар, хуқуқшунос мутахасиссларни ўз таркибига олади. Бундан ташқари Марказда агроном, зооветеринар, зоотехник ва бошқа мутаҳасислар ҳам фаолият юритади.

Марказнинг ташкилий-бошқарув тузилмаси



Ташкилий боғлиқлик

Бухгалтерия, статистик хисоб ва хисобот юртиш бўйича буюртма

Буюртмани бажарилиши

Марказ бошлиғининг вазифалари:

- худуддаги фермер хўжаликлари сони, уларнинг йўналишидан келиб чиқиб ходимлар штатини ишлаб чиқиш;

-ходимлар хизмат вазифасидан келиб чиқиб бажариладиган ишларни тақсимлаш ва раҳбарлик қилиш;

-кўрсатиладиган ҳизматларни ўз вақтида бажарилиши учун ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

-ходимлар ва Марказ фаолияти билан боғлиқ бўлган буйруқларни чиқариш ҳамда турли кўрсатмалар ва шартномаларга имзо чекиш;

- ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан озод қилиш;

- умумий йиғилиш қарорларини бажарилишини назорат қилиш;

- кўрсатиладиган хизматлар баҳолари бўйича таклиф тайёрлаш;

-Марказнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора тадбирларни амалга ошириш;

-Марказ фаолиятини янада яхшилаш учун кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажаради.

Марказ таркибидаги ҳуқуқшуноснинг вазифалари:

- Марказда ва фермер хўжаликлари фаолиятида мавжуд қонунлар талаблари бўйича маслаҳатлар беришни ташкил қилиш;

- марказ томонидан субъектларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунчиликнинг тўғри қўлланилишини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

- буйруқлар, шартномалар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқлигини таъминлаш борасидаги маслаҳатларни ташкил этиш;

- марказда хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, меҳнатни рағбатлантириш ҳамда муҳофазалашни ташкил этишнинг бошқа самарали шаклларини жорий қилиш учун ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш, хўжалик шартномаларининг бажарилиши учун масъулиятни кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўриш;

- марказ фаолиятида ҳамда фермерлар фаолиятида қонунчиликни бузиш ҳолатларини олдини олиш юзасидан Марказ раҳбари ва фермер хўжаликлари бошлиқларини хабардор қилиб бориш;

- судларда, бошқа ташкилотларда ҳуқуқий масалалар кўрилаётганда Марказ ходимлари, таъсисчилари ва аъзоларининг манфаатларни ҳимоя қилиш;

- хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилишга оид ишларда қатнашади ва шартномаларга имзо қўйиш;

- ҳуқуқий ва юридик хизмат фаолиятининг турли йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмалар ишлаб чиқиб буюртмачиларга тарқатиш, фермер хўжаликларини ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш каби вазифаларни бажариши лозим бўлади.

Бухгалтерлар ва иқтисодчиларнинг вазифалари:

- фермерларга маҳсулот ишлаб чиқаришда бажариладиган ишлар ва хизмат кўрсатиш, уруғ, ўғит, кимёвий восита, ёқилғи ва бошқа зарур маблағлар сарф-харажати ҳажми тўғрисида ҳисоб таҳлил ишларини юртиш;

- фермерларга ҳар бир мавсумда мутахассислар иштирокида ишлаб чиқариш юзасидан бажариладиган ишлар меъёрлари, нархи ҳамда талаб этиладиган ишчи кучи ва техникалар ҳақида ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш;

- илғор иш усулларини жорий этиш, асосий кўрсаткичларнинг таркибини аниқлаб, уларни ҳисоблаш, таҳлил қилиш ва амалга ошириш юзасидан сарф-харажатларнинг миқдори, меҳнатга хақ тўлаш ҳажмлари тўғрисида маълумотлар тайёрлаш;

- фермер хўжаликлари фаолиятини, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш, фермерларга бизнес-режа тузишда ёрдамлашиш;

- фермер хўжалигида бажарилаётган иш ва кўрсатилаётган хизматлар, етказиб берилаётган ёқилғи, ўғит, кимёвий воситалар, сув хизмати ва бошқа маҳсулотлар учун шартномаларнинг тузилиши ва уларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш;

- фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга кредит ресурсларини жалб қилиш учун зарурий хужжатларни тайёрлаш;

- ресурс ва маблағлардан самарасиз фойдаланишни бартараф қилиш юзасидан таклифлар киритиш;

- Ўзбекистон Республикаси “бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқ фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисоби юритилишини таъминлаш;

- фермер хўжалиги фаолияти бўйича давлат солиқ идораларига тегишли ҳисоботларни ўз вақтида топширишда амалиё ёрдам бериш кабилар.



якуний ҳисобот
дастлабки (бирламчи) маълумот ва ҳужжатлар.

Марказ жорий (бир йиллик) ва истиқболли (3-5 йиллик) режалар тузади ҳамда ўз фаолиятини мазкур режалар асосида ташкил этади. Режалар Марказ бошлиғи ва мутахассислари томонидан ишлаб чиқилади ва умумий йиғилишда кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

Марказ тегишли тартибда молия муассасаларининг имтиёзли ва тижорат кредитларидан фойдаланади. Шунингдек, кредитлашнинг муқобил шакли бўлган лизинг асосида компьютер, техника воситалари, ва бошқа турдаги асбоб-ускуналарни қонунчиликда кўзда тутилган шартларда лизингга олишга ҳақли.

Марказ ўз таъсисчиларига ва таъсисчи бўлмаган бошқа юридик шахсларга турли йўналишларда маслаҳатлар беришни ташкил этади.

Марказ қонунчиликда белгиланган тартибда ахборот консальтинг хизмати кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш асосида қўшимча иш ўринларини яратиш ва ўз даромадини кўпайтириб боради.

Марказ ўз фаолиятини ривожлантириш мақсадида маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиши ҳамда белгиланган тартибда инвестицион лойиҳалар тайёрлаш ва улар танловида иштирок этиши мумкин.

Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш, ер майдони, ҳосилдорлик, молиявий иқтисодий кўрсаткичлар ва бошқа хисоб ва хисоботларни аниқ бўлишини таъминлаш учун Марказ мутахассислари амалий ёрдам кўрсатади.

Марказ ходимлари ҳар хафтанинг биринчи кунида ҳудуддаги Фермер хўжаликлари фаолияти бўйича барча зарурий маълумотларни Марказда ташкил этилган хар бир фермер хўжалиги бўйича очилган маҳсус маълумотлар банкига киритиб борадилар.

МЕСТО УЗБЕКИСТАНА В МИРОВОМ СООБЩЕСТВЕ

Убайдуллаева П МР-316
Адилова С.А Доцент кафедры иностранных языков

Annotation. *This article is about achievements of Uzbekistan during the period of 25 years and about its leader place of in international rating.*

Key words. *World association, chronicle, spiritual, international structure*

Аннотация. *Статьи "Место Узбекистана в мировом сообществе".*

Говорится о достижениях Узбекистана за 25 лет независимости. За эти годы Узбекистан по многим показателям занимает передовые места по междкнародным рейтингам.

Ключевые слова. *Мировое сообщество, летопись, духовный, международный структура.*

Annotatsiya. *Bu maqolada O`zbekistonning 25 yil mustaqillik davrida erishgan yutuqlari, ko`p xalqaro reytinglar bo`yicha oldinda ekanligi e`tirof etiladi.*

***Kalit so`zlar.*** *Jahon hamjamiyati, yilnoma, ma`naviy, xalqaro tizim.*

Оглядываясь на пройденный нашей республикой путь независимого

развития, мы осознаем, насколько масштабные и значительные перемены произошли в нашей жизни за последние 25 лет. Они вошли в летопись нашей страны, как самое яркое и замечательное время-время строительства нового государства, создания нового современного общества. Как отметил первая глава нашего государства в выступлении на торжествах, посвященных 23-летию независимости Республики Узбекистан, независимость для нас – это возможность свободно распоряжаться своей судьбой, судьбой своей страны, ее природными, экономическими и интеллектуальными ресурсами,задействовать ее огромный материальный и духовный потенциал на благо нашего народа, занять достойное место в мировом сообществе. Проводимая Узбекистаном внешняя политика направлена прежде всего на развитие дружеских связей, укрепление сотрудничества со странами ближнего и дальнего зарубежья, отстаивание принципиальной позиции нашего государства по разрешению происходящих в разных регионах мира противостояний и конфликтов только мирным путем, путем политических переговоров, невмешательства во внутренние дела суверенных государств, неприсоединения и неучастия ни при каких обстоятельствах в военных блоках. 25 лет назад важнейшей задачей внешнеполитической деятельности Узбекистана было определено активное участие в работе международных организаций европейских, азиатских и мировых интеграционных и кооперационных структурах. Демонстрируя свою открытость миру, приверженность общечеловеческим принципам, 2 марта 1992 года Узбекистан вступил в Организацию Объединённых Наций – единственную в мире универсальную межправительственную структуру планетарного масштаба. В этот день над штаб-квартирой ООН в Нью-Йорке взвился государственный флаг Узбекистана. Этот факт подтвердил мировое признание молодой республики как суверенного государства и открыл перед нами широкие возможности для пропаганды миролюбивой политики, неуклонного намерения следовать принципам международного права.

В настоящее время Узбекистан является активным участником работы практически всех программ и специализированных структур ООН.Основные приоритеты взаимодействия – борьба с современными угрозами и вызовами безопасности, стабилизация и реконструкция Афганистана, нераспространение оружия массового поражения (ОМП), решение экологических проблем, а частности смягчение последствий кризиса Аральского моря, социально-экономическое развитие, защита и поощрение прав человека. Узбекистан- участник всех важнейших международных договоров в сфере разоружения и нераспространения, таких как Договор о нераспространении ядерного оружия (ДНЯО), Договор о всеобъемлющем запрещении ядерных испытаний (ДВЗЯИ), конвенции по химическому и биологическому оружию и др. Наша страна активно содействует усилиям ООН по обеспечению глобальной и региональной безопасности. Важным вкладом в этом направлении стала инициатива первого Президента Республики Узбекистан Ислам Каримов о создании в Центральной Азии зоны, свободной от ядерного оружия (ЦАЗСЯО).

К ЮНЕСКО Республика Узбекистан присоединилась 26 октября 1993 года. В области образования сотрудничество с этой организацией было сфокусировано на содействии успешной реализации Национальной программы Узбекистан по подготовке кадров. В области культуры сотрудничество с ЮНЕСКО основана на сохранение и развитии культурного наследия Узбекистана.

Историку-культурные объекты Самарканда, Шахрисабза, Бухары и Хивы включены в Список всемирного наследия ЮНЕСКО. Культурное пространство Байсуна, а также шашмаком, каттаашула и Навруз включены в Репрезентативный список Юнеско нематериального культурного наследия человечества.

Заповедник Чаткал в Ташкенткой области был внесен Список биосферный заповедников. Озеро Денгизкуль в Бухарской и Айдар-Арнасайская система озер внесены в международный реестр уникальный водно-болотных угодий. **Узбекистан вступил во всемирную туристскую организацию ООН в 1993 году, с 2004 года в Самарканде действует Региональный центр ЮНВТО по Великому шелковому пути.** Как ведущий мировой институт в сфере туризма, ЮНВТО активно содействует межкультурному обмену и духовному обогащению народов. Организация объединяет более 1500 стран финансирует и реализует проекты в этом направление во многих государствах. В настоящее время ЮНВТО реализует пять программ по основным регионам мира, включая трансконтинентальный проект ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ.

Ежегодное проведение с 1994 года Ташкентской международной туристской ярмарки является одним из важный направлений этого масштабного проекта. За это время ярмарка превратилась в крупнейший профессиональный форум Центральной Азии в сфере туризма. В прошлом году в городе Самарканд состоялась 99-я сессия Исполнительного совета ЮНВТО. На заседании, в котором приняли участие делегации более 30 стран, обсуждены актуальные вопросы дальнейшего развития международного туризма. Сессия была приурочена к 20-летию со дня принятия Самаркандской декларации о туризме на Великом шелковом пути. Решение о проведении 99-й сессии Исполнительного совета ЮНВТО в Самарканде стало еще одним ярким подтверждением постоянно растущего международного авторитета Узбекистана и признания огромного туристского потенциала нашей страны. На

равноправной основе наша страна работает в составе свыше ста самых авторитетных и влиятельных в мире международных структур. Среди них Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе. Узбекистан является страной-участницей ОБСЕ с 26 февраля 1992 года. Сотрудничество направлено на выполнение принципов и принятых обязательств в рамках организации по всем трем измерениям с учетом новых вызовов и угроз безопасности, международной повестки дня и национальных интересов Узбекистана. В реализацию проектов, осуществляемых под эгидой ОБСЕ, активно вовлечены институты гражданского общества, в том числе национальные институты по защите прав человека. 15 июня 2001 года в городе Шанхай главами Узбекистана, Казахстана, Кыргызстана, России, Китая и Таджикистана подписана Декларация о создании Шанхайской организации сотрудничества (ШОС).

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ МАСАЛАЛАРИ

Неъматов О.И - СамИСИ катта илмий ходим-изланувчиси.

Аннотация: мазкур мақолада “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатида бухгалтерия ҳисоби объектларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш масалалари очиб берилган.

Аннотация: в данной статье раскрыты объекты бухгалтерского учета и отчетности в молодежное движение “Камолот”.

Annotation: this article discloses the objects of accounting and reporting in the youth movement "Kamolot".

Калит сўзлар: товар-моддий бойликлар, иш ҳақи, мақсадли тушумлар, давр харажатлари, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятлардан олинган даромадлар, бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, соф фойда.

Ключевые слова: товар-материальные ценности, заработная плата, целевые поступления, доходы от предпринимательской деятельности и прочие доходы, бухгалтерский баланс, отчет о финансовых результатах, чистая прибыль.

Key words: commodity-material values, wages, target receipts, income from entrepreneurial activity and other income, balance sheet, statement of financial results, net profit.

Мустақиллигимиз қўлга киритилганининг дастлабки йиллариданоқ, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ёшлар ва уларнинг камол топишига, ҳар томонлама етук, баркамол авлод бўлиб етишишига алоҳида эътибор қаратди. 1991 йил 20-ноябрь куни мамлакатимиз ёшларининг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” Қонун қабул қилинди[138]. Давлат дастурининг ишлаб чиқилишидан ва рўёбга чиқарилишидан кўзланган асосий мақсад ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни, инсоний қадр-қимматини, ўзига хос, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратишдан, ихтиёрийлик ва

[138] www.lex.uz

танлаш имконияти қоидалари асосида ёшларнинг халқ хўжалигида меҳнат қилишларига кўмаклашишдан иборат.

Ёшларимизда мавжуд муаммоларни ечишга қаратилган дастур ва тадбирларни амалга оширишда, вояга етиб келаётган ёш авлоднинг ҳаётда ўз муносиб ўрнини топиши, иш билан таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, соғлом турмуш кечириши учун имконият туғдириш, улар онгида замонавий дунёқарашни қарор топтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби ўта муҳим масалаларни амалга ошириш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топган кунларда муҳтарам Биринчи Президентимиз И.А.Каримов “Камолот – ёшларнинг таянчи ва суянчи бўлсин”, дея тилак билдирган эди. Бугунги кунга келиб, бу ҳеч бир муболағасиз айни ҳақиқатга айланди[139].

Шунингдек, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этиш, уни янада қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида 2001 йил 30 майда “Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 2006 йил 10 октябрь куни “«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати жисмоний шахслар томонидан жамоат бирлашмаси ташкилий-ҳуқуқий шаклида тузилган, жисмонан соғлом, маънавий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш, уни ташқи таҳдидлар ва "оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш ва шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон ёшларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ўз Уставига мувофиқ юритади.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати нодавлат нотижорат ташкилоти, яъни жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамизни янада ривожлантириш бўйича муҳтарам юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони[140]айнан республикамизни янада ривожлантириш бўйича бешта устувор йўналишни белгилаб бердилар.

Ҳаракатлар стратегияси йўналишларини амалга оширишда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатига соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қатор вазифалар юкланди.

“Камолот” ёшлар ҳаракатнинг асосий мақсади ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада

[139] www.kamolot.uz
[140] www.lex.uz

чуқурлаштириш, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига кириши жараёнларига жалб қилиш ҳамда ёш авлоднинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш, йигит-қизларнинг маънавий ва касбий савиясини юксалтириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришдан иборат.

Ҳаракатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
– баркамол, мустақил фикрлайдиган, ўзининг ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқодига эга, жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнларида ҳал қилувчи куч ва таянч бўлишга қодир ёшларни шакллантириш, ёшларнинг сиёсий маданияти, ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий онгини юксалтириш;
– ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда тарихий хотира, миллий ғурур ва ўзликни англаш, рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш;
– ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг замонавий касбларни эгаллашга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш;
– истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда илмий фаолиятга жалб қилиш;
– ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи, экологик маданиятни шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш;
– ёшларни диний-экстремистик ва бошқа бузғунчи ташкилотлар таъсиридан, четдан "оммавий маданият" ниқоби остида кириб келаётган салбий таъсир ва таҳдидлардан асраш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни профилактика қилиш ҳамда олдини олиш ва бошқалар.

Юқорида келтирилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ёшлар ижтимоий ҳаракатига тегишли бўлган моддий ва номоддий активларнинг, яъни мол-мулкларининг ўрни беқиёсдир. Ҳаракат ўз мақсадига эришишда ва олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда активларини сарфлайди. Ҳаракат активларига бинолар, иншоотлар, уй-жойлар, ускуналар, анжомлар, мебел ва офис жиҳозлари, компьютер ва унинг қурилмалари, миллий ва хорижий валютадаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқлари объектлари, фаолиятни моддий таъминлаш учун зарур бўлган ва ўз маблағлари ҳисобидан барпо этиладиган бошқа мол-мулклар киради. Ушбу моддий ва номоддий активлар қайси манбалар ҳисобидан шакллантирилганлиги муҳим ҳисобланади. Ушбу активлар мажбуриятлар ва ўз маблағлари ҳисобидан (хусусий капитали) ҳисобидан шакллантирилиши мумкин.

Ҳаракат мулкини шакллантириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:
– жисмоний ва юридик, шу жумладан, хорижий шахсларнинг ихтиёрий мулкий бадаллари ва эҳсонлари;
– тадбиркорлик фаолиятидан олинган ва фақат Устав мақсадларини бажариш учун сарфланадиган даромадлар (фойда);

– грант, субсидия, ижтимоий буюртма кўринишидаги давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шу жумладан, хорижий ва халқаро ташкилотлар томонидан ёшларга оид дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун мақсадли келиб тушадиган маблағлар;
– Ҳаракатнинг босма нашрларидан тушадиган маблағлар;
– қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа тушумлар (1-чизма).



1-чизма. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати активларининг ташкил топиш манбалари

Ҳаракатнинг ва у тузган тузилмаларнинг тадбиркорлик ҳамда бошқа фаолиятидан олинган даромадлар фақат Уставда белгиланган фаолиятга сарфланади ва Ҳаракат аъзолари, иштирокчилари ва ходимлари ўртасида тақсимланмайди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати (жамоат бирлашмаси) нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ) ҳисобланади. Республикамизда барча ННТлар сингари “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг алоҳида хусусиятларидан келиб чиқиб бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишга доир алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас. Шу жумладан, ННТлар учун алоҳида счётлар режаси ва уларни қўллаш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда ННТ сифатида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатида ҳисоб ва ҳисоботни юритиш масалаларида хусусиятли жиҳатлар сифатида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдик.

Биринчидан, товар-моддий бойликлар ҳисобини юритишда ўзига хос хусусиятли жиҳатларнинг мавжудлиги. Чунончи, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан мақсадли сотиб олинган материаллар ва товарлар ҳамда мақсадли ишлатиш учун келиб тушган товар-моддий бойликлар 1000 «Материаллар» ва 2900 «Товарлар» счётларида ҳисобга олинади. Мос равишда товар-моддий бойликларнинг келиб тушиши ушбу счётларнинг дебетида, сарфланиши эса уларнинг кредитида акс эттирилади. Келиб тушган товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш счёт-фактуралар, далолатномалар, қайдномалар асосида амалга оширилади. Товар-моддий бойликларнинг қай мақсадларда сарфланишига қараб 9400 «Давр харажатлари» ва 8800 «Мақсадли тушумлар» счётларининг дебетига олиб борилади.

Иккинчидан, ёшлар ўртасида турли соҳаларда ўтказиладиган тадбирларда ҳаракат ходимлари билан бир қаторда четдан шартнома асосида ҳам ходимларни жалб қилиб, уларга ҳам тадбир сметасида кўрсатилган миқдорда иш ҳақининг ҳисобланиши. Бу хусусиятли жиҳатда ҳам ўз навбатида ҳисобланган иш ҳақи суммалари 9400 «Давр харажатлари» ва 8800 «Мақсадли тушумлар» счётларининг дебетига ва 6700 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» счётининг кредитига олиб борилади. Мос равишда ҳисобланган иш ҳақи фондига нисбатан ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммаси ҳам юқорида келтирилган счётларнинг дебетига олиб борилади.

Учинчидан, ННТларда энг асосий кўрсаткичлардан бири бу - мақсадли тушумлар ҳисобланади. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатида, умуман олганда барча ННТларда мақсадли тушумлар ҳисобини юритиш ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бунда мақсадли тушумлар сарфи ҳисобини қуйидаги иккита усулнинг бир бўйича юритиш мумкин:

1. бевосита усул;
2. билвосита усул.

Бевосита усулда мақсадли тушумларнинг барча сарфлари тўғридан-тўғри 8800 «Мақсадли тушумлар» счётининг дебетида акс эттирилади, бунда сарфланган мақсадли активларнинг аниқ турини акс эттирувчи счётлар, эскиришни ҳисобга олувчи счётлар ва мажбурият счётлари кредитланади.

Билвосита усулда мақсадли тушумларнинг барча сарфлари дастлаб, 9400 «Давр харажатлари» счётининг дебетида акс эттирилади, бунда сарфланган мақсадли активларнинг аниқ турини акс эттирувчи счётлар, эскиришни ҳисобга олувчи счётлар ва мажбурият счётлари кредитланади. Ҳисобот даври охирида 9400 «Давр харажатлари» счётининг дебетида тўпланган жами сумма 8800 «Мақсадли тушумлар» счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Тўртинчидан, ННТлар активлари, уларни ташкил топиш манбалари, тушумлар ва улар сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни молиявий ҳисоботларнинг моддаларида акс эттириш. Молиявий ҳисоботнинг 1-сонли шакли «Бухгалтерия баланси»да ННТлар ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари активлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари тўғрисидаги ахборотни маълум бир санага ҳолатини (қолдиғини) акс эттиради. ННТларда, шу жумладан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам «Бухгалтерия баланси»нинг 450 - “Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)” сатрида тадбиркорлик фаолияти ҳамда бошқа фаолиятдан олинган даромадлар орқали олган фойдаси акс

эттирилади. Ҳисобот йилида фақатгина уставда келтирилган асосий фаолиятни амалга оширса, бухгалтерия балансининг 450-сатрида ҳеч қандай маълумот акс эттирилмайди.

ННТларда «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»да тадбиркорлик ва бошқа фаолиятлардан олган даромадлари ва ушбу олинган даромадларнинг уставий фаолиятни амалга ошириш мақсадидаги харажатлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади. Чунончи, бу ҳисобот шакли ННТларда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятлардан даромадлар мавжуд бўлса тўлдирилади. Бундай даромадлар мавжуд бўлмаса бу ҳисобот шакли тўлдирилмайди. Унинг 270 - "Ҳисобот даврининг соф фойдаси" сатрида даромад ва харажатларнинг ижобий фарқи, яъни тадбиркорлик ва бошқа фаолиятнинг фойдаси акс эттирилади ва бу фойда юқорида таъкидланганидек, ҳаракат иштирокчилари, аъзолари ўртасида тақсимланмайди.

Ҳаракат маблағлари фақат "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши, маҳаллий ва ҳудудий Кенгашлари ҳамда Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари, қарамоғидаги ташкилот (корхона, муассаса)ларнинг, ички меъёрий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган бюджетларида назарда тутилган мақсадларгагина сарфланади.

Ҳаракат ўз фаолияти натижаларини ҳисобга олиб боради ва уларни белгиланган тартибда рўйхатга олувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этади.

Бизнингча, юқорида келтирилган бухгалтерия ҳисоби объектларини ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттириш масалалари амалиётда тартиб-қоидаларни қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир.

М У Н Д А Р И Ж А

I ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Бердиев Р. РОЛЬ СЕРВИСА И СФЕРЫ УСЛУГ В ЭПОХИ РАЗВИТИИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА…….. 3

Doshanova M.E., Kasimova Y. XIZMAT KO'RSATISH SOHASI, TURIZM VA SERVISNI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY MASALALARI..... 6

Нормуродов У.Н., Қодиров Д. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ИЧКИ САВДОНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ…….. 9

Нормуродов У.Н. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ……..... 13

Kipchakova S.B., Abdiyev Sh. Mamarasulov Sh. XIZMAT KO`RSATISH SOHASIDA FAN, TA'LIM VA ISHLAB CHIQARISH INTEGRATSIYASINI TA'MINLASH MUAMMOLARI…… 18

Мухаммедов.М.М., Абдурасулов.Ж.А. ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ-ЛАРГА АСОСЛАНГАН РАҚОБАТБАРДОШ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ... 21

Мухаммедова Ф.Ф., Мухаммедов М.М. ОБРАЗОВАНИЕ КАК ПРИОРИТЕТНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН…… 26

Мирзаева Ш.Н..ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ……. 29

Жумаев Ш.Ш., Дусматов Б.О. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КЛАСТЕРНЫМ ПОДХОДОМ ДЛЯ РАЗВИТИЯ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА……... 32

Касимова Ю. АГРОСЕРВИС СОХАСИДА ИНФРАТУЗИЛМА СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ…….. 35

Рузиева Н., Замонов У. РОЛЬ СФЕРЫ УСЛУГ В РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ……. 38

Artikov. Z.S., Gayratov N. IQTISODIY BARQARORLIKNI TA'MINLASHDA XIZMAT KO'RSATISH SOHASINING O'RNI…… 41

Ziyoev F. THEORETICAL ISSUES AND MEASURES OF INNOVATIVE REFORMULATION OF SERVICE SECTOR…… 44

Mustafoyev G. S. IJTIMOIY-IQTISODIY SOHADA MAHALLA INSTITUTINI RIVOJLANTIRISH ZARURIYATI…… 47

Khaydarov. Z., Sh. Zokirov HOW THE DELAY SYSTEM OF ERLANG IS BENIFICIAL IN THE MODERNIZATION OF ECONOMICS IN OUR COUNTRY……... 50

Давлатов С. А. ҲИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН

ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ…… 54

Утелбаев.А.У., ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ…… 58

Ҳазратов А.ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ…… 61

Artikov Z.S. H.Shahriyorov. O'ZBEKISTONDA XIZMAT KO'RSATISH SOHASI INNOVATSION RIVOJLANISHINING NAZARIY ASOSLARI…..... 65

II ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

З.М.Мухаммедова., **О.А.Ялгашев**. ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИНГ МАМЛАКАТ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ..... 68

Латипова Ш.М., Гафурова Д.Ф.ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ…… 72

Ахроров З.О. ХИЗМАТ СОҲА КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ХАРАЖАТЛАРИ НАЗОРАТИ ВА САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ…… 78

Қосимова Ф.Х. **Ахроров З.О. Ибрагимова С.** ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ……..... 81

Ахроров З.О., Махмудова М., Эргашев **У.** КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ…… 84

Xodjimamedov A.A., Murtazayeva Z., **Abdullayeva D.** XIZMATLAR SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA SUG`URTA BOZORI VA SUG`URTA FAOLIYATINING ROLI…… 87

Муҳаммедова З.М., Ахмедов Аю БАНКЛАР ВА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ……... 90

Ruzibayeva N., Jumanov O. X.,Rakhimov M.O'. FINANCE CONCEPT AND ADOPTION OF STRATEGIC FINANCIAL DECISIONS…… 95

Ахроров З.О.,Умирзоқов Д.,Умирзоқова Ш. БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ……... 98

Нормуродов. **У.Н.**, **Нормуродов Т.Н.** ПРИМЕНЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ФОРМ ПРОДАЖ - КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ТОРГОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ……. 102

Ro'zibayeva N. H., Abduxalimov D.A. XIZMAT KO'RSATISH SOHASINING RIVOJLANISHIDA QIMMATLI QOG'OZLAR BOZORINING O'RNI VA AHAMIYATI……. 105

Ахроров З., **Амонов З., Гулуев П.** КОРХОНАЛАР СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ……. 107

Ruzibayeva N. H., Abduxalil-zoda R. M. XIZMAT KO'RSATISH SOHASINI INNOVATSION RIVOJLANTIRISH JARAYONIDA INVESTITSIYA BOZORINING AHAMIYATI…….. 110

Рузибаева Н. Х., **Рахимов**. **М. Ў.**, **Юсупов Ш. Б.** МИЛЛИЙ ВАЛЮТАНИ БАРҚАРОРЛИГИНИ САҚЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ……..…….. 113

Жураев. М.Н., Ҳазратов А.П.УРГУТ ТУМАНИДА САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ…… 118

Sanaqulov S., Hamroev M.S., Husanov B.SH. XIZMATLAR SOHASIDA PLASTIK KARTOCHKALARIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARINI OSHIRISH YO'LLARI…… 121

Махмудов Ж., Нозимов Э. ТУРИСТИК ФАОЛИЯТНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МОҲИЯТИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ…….. 125

III ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МУАММОЛАРИ

**To`rayeva G.X.** AHOLIGA IJTIMOIY XIZMAT KO`RSATISHNI RIVOJLANTIRISHDA AXBOROT TIZIMINING AHAMIYATI……. 128

Kulanov I.B. Qarshiboyev X. UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMI UCHUN YARATILADIGAN ELEKTRON O'QUV-METODIK MAJMUALARGA QO'YILADIGAN TALABLAR……... 130

Xabibova SH.I. OVQATLANISH KORXONALARIDA XIZMAT KO'RSATISH SIFATINI OSHIRISH MUAMMOLARI…… 135

Холмаматов Д.Ҳ. УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИДА ЗАМОНАВИЙ МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ…….. 137

Хатамов А., Рузиева З. ПРИМЕНЕНИЕ В ЭКОНОМИКЕ РАДИОМОНИТОРИНГА РАДИОЭЛЕКТРОННЫХ СРЕДСТВ…….. 140

Хўжакелдиев К.Н. СОҲА МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ..... 143

Sherboboyeva. G.B., Usmanova E. "KAMOLOT" ANDROID ILOVASI VA UNING IMKONIYATLARI…… 147

У.Ахунджанов., Ю. Хомидов. ВАЖНОСТЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УПРАВЛЕНИИ ПРЕДПРИЯТИЯМИ СФЕРЫ УСЛУГ….. 151

Abdulkhamidov A.A. o'g'li. SERVICE OF TELECOMMUNICATION NETWORKS IN UZBEKISTAN……..…… 155

IV ШЎЪБА.ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Каримов А.А., Бекназаров.Ф.А. ҚИШЛОҚ ТУРИЗМИ МАМЛАКАТИМИЗ ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ АЖРАЛМАС БИР ҚИСМИ СИФАТИДА…… 160

Базаро. З.М., Каланова М.Б. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИССИҚ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ТУРИСТЛАР ОВҚАТЛАНИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ……. 163

Хаитбоев Р., Бойназаров У. ЎЗБЕКИСТОН ЧЎЛЛАРИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ…… 167

Саттарова З., Саттаров А. МЕҲМОНХОНАДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ……..... 171

Bazarov Z.M. POP-UP RESTORANLARI KONSEPTSIYASI……. 173

Boboyorova N.C., Hotamova M.S., Usmonova L.M. RESPUBLIKAMIZ HUDUDLARIDA EKOTURIZMNI RIVOJLANIRISH MASALALARI…….. 177

Sadriev O. X. ENGLISH LANGUAGE IN THE HOTEL INDUSTRY……. 180

Мингбоев. А., Норкулов Ш.З. ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ…….. 182

Ибрагимова М.И., Аблакулов.А.А. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТУРИЗМИ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ…….. 185

Мусаев Ҳ.Ҳ., ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ…….. 189

**Babayev F., Raxmonov Sh., Bo`riyeva N.** O`ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA TURIZM SOHASIDA KADRLARNI TAYYORLASHDA BUYUK BRITANIYA TAJRIBALARIDAN FOYDALANISH..... 193

Қучқаров Ф.А., Базаров З.М. ТАДБИРКОР ВА ИСТЕЪМОЛЧИ…….. 197

Холиқулов. О. Х., Ибодуллаев Ш. "АВТОТРАНСПОРТ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ БАНКДАГИ ҲИСОБ-КИТОБ СЧЁТИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИ" МАВЗУСИНИ МОДУЛЛИ ЎҚИТИШДАГИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР……. 200

Ҳасанов Б.Т., Махсатуллаев Б.Ф. УРГУТ ТУМАНИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ……. 205

V ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ УЧУН РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Шукурова. **А.Э.**, **Шукуров И.Х.** МУТАХАССИС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ПЕДАГОГ МАСЪУЛИЯТИНИНГ ЎРНИ……... 208

Esonboyev Q., Zubaydullayev O'. INDUKTIV VA DEDUKTIV MUSHOHADA YURITISH – DAVR TALABI…….. 210

Яхшиликова Л.Ж ФУНДАМЕНТАЛ ФАНЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ…….. 215

Норбоева Д.Ж. РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ……... 217

Ochilova N.S., Ochilova Z.S. ONA TILI DARSLARIDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH…….. 221

Шоназаров А.М. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РАҲБАР КАДРЛАРНИ ИНДИВИДУАЛ, СОЦИАЛ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ…… 225

Djabbarov I.G. SERVIS SOHASI MUTAXASSISLARINING KASBIY TAYYORGARLIGI MUAMMOLARI VA ULARNI BARTARAF ETISH CHORALARI…….....…… 229

Нуруллаев З., **Саттарова З.** СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ПОДГОТОВКИ СПЕЦИАЛИСТОВ СФЕРЫ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ.. 234

Babayev F., Xusenova M., Matkarimov A. O'ZBEKISTONDA TURIZM SOHASIDA KADRLARNI TAYYORLASHDA FRANSIYA TAJRIBASIDAN FOYDALANISH…….. 236

Намозов С., Толибова Д. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ…….. 240

Нарзуллаева Н.У., Азимкулов С.Н.угли. ПОДГОТОВКА КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫХ КАДРОВ СРЕДСТВАМИ ИНФОРМА-ЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СФЕРЕ ОКАЗАНИЯ УСЛУГ……... 244

Sobirova N. A., Abduxalil-zoda R. M. XIZMAT KO'RSATISH SOHASIDA RAQOBATBARDOSH KADRLARNI TAYYORLASHDA XORIJIY TILLARNI O'RGATISH VA O'RGANISH MUAMMOLARI…….. 247

VI ШЎЪБА. ИҚТИСОДИЁТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Фазилова М.М. IQTISODIYOTDAGI TARKIBIY O'ZGARISHLARNI AMALGA OSHIRISHDA ISHCHI KUCHINING O'RNI…….. 250

Шарифов Ш.С. АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ…….. 252

Тошалиева С.Т.ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ….

257
Тўхтаев С.И., Усмонов П.Ш. ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ…… 260
Маляренко А. В. ЭКСПОРТ СТРОИТЕЛЬНЫХ УСЛУГ: ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ, ОСОБЕННОСТИ УЧЕТА…… 264
Nurullaev U.U., Muratov Sh.A, Pardaev H. A. SAMARQAND VILOYATIDA QORAMOLLAR BOSH SONINI EKSPONENTIAL SILLIQLASH USULIDAN FOYDALANIB PROGNOZLASH…….…… 268
Saydullayeva F. YOSHLARNING ISH BILAN BANDLIGINI OSHIRISHDA MINTAQAVIY MEHNAT BOZORINI TAKOMILLASHTIRISH……..…….. 272
Иммомов.Н., Эшпулатова.З. XXI-АСРДА ИҚТИСОДИЙ-СИЁСИЙ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ, ОҚИБАТЛАРИ ВА ЕЧИМИ…….. 275
Утелбаев А.У. ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯВИЙ АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИНИНГ ЎРНИ……. 278
Убайдуллаева П., Адилова С.А. МЕСТО УЗБЕКИСТАНА В МИРОВОМ СООБЩЕСТВЕ……... 283
Неъматов О.И «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ МАСАЛАЛАРИ…….. 285

ҚАЙДЛАР УЧУН

«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУАММОЛАРИ»

мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани

(2017 йил, 25-27 май)

2017 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. “Times New Roman” гарнитураси
Босма табоқ 18,25
Буюртма № 55 Адади 50 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: А.Темур кўчаси, 9 уй.